

**Бўри Зиёмуҳаммадов**

**ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ  
АСОСЛАРИ**

Тошкент  
«ТИВ-КИТОВ»  
2009

**Тақризчилар:** **С. Ҳасанов**, педагогика фанлари доктори, профессор,  
**М. Тожиев**, педагогика фанлари доктори, профессор.

Ўқув қўлланма биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қопун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тамойилларидан ҳамда жаҳон педагогика фани тажрибаси ва Шарқ мутафаккирларининг таълим-тарбия тўғрисидаги фикрларидан келиб чиқиб ёзилди.

Китоб барча турдаги ўқитувчи ва педагогларнинг меҳнат фаолиятларига ҳамда ота-оналарнинг бола тарбияси билан шуғулланишлари учун дастурламал вазифасини ўташига ишончимиз комил.

## Сўз боши

Қўлингиздаги ушбу китоб, таълим-тарбия билан шуғулланувчилик учун йўлчи юлдуз ҳамда таълим жараёнинг дастуруламал вазифасини ўтайди, шунингдек, бу йўлда саъй-ҳаракат қилаётганларга беминнат хизмат қилишига ишончимиз комил.

Вазифамиз одамларни тарбиялаб, маънавий камолотга етакланни экан, буни педагогик фаолият ёки маърифат дейилади. «Маърифат, бу тарбияланувчининг ҳоҳиш-иродасини керакли йўналишда бошқариш санъатидир» деган экан Абу Наср Форобий. Педагогик амалиётимизни маҳорат билан амалга оширишимиз учун педагогика фанининг мазмун-моҳиятини ва меҳнати фаолиятимизнинг обьекти ҳисобланган инсон ўзи қандай мавжудот эканини яхши билиб олишимиз лозим.

Педагогика инсоният тарихий тараққиёти давомида фалсафа таркибида шаклланиб, ривожланиб келган. XVI асрнинг иккичи ярми ва XVII аср бошларида Ян Амос Коменский ҳамда бошқаларнинг меҳнати билан педагогика мустақил фан сифатида фалсафадан ажralиб чиқа бошлади. Бу жараён шу кунгача давом этиб келмоқда. Кўп хорижий мамлакатларда ҳозир ҳам у фалсафанинг таркибида. Бунинг сабаби, фалсафа билан педагогиканинг умумий томонлари ва уни боғлаб турган ришталар жуда кўплитидадир. Чунончи, фалсафа дунёқарарини ўрганувчи илм-фан бўлса (онтология бўлими), педагогика бу дунёқарашни шакллантирувчи инсон фаолияти соҳасидир. Шу билан бир қаторда фалсафа инсон ва жамиятни ўрганса (аксиология бўлими), педагогика ҳар бир инсонга таълим бериб, жамият тараққиётининг ижобий бўлишига шароит яратиб беради. Фалсафа комил инсон муаммоси устида бош қотирса (праксиология бўлими), педагогика фалсафа ишлаб чиқсан комил инсон сифатларини тарбиялаб берувчи касбдир. Фалсафа билиш жараёнини ўрганса (гнесиология бўлими), педагогика ўзининг билдириш назарияси (дидактика) асосида билимларни авлоддан-авлодга етказиб беради. Ундан ташқари, ҳар қандай илм-фанинг, шу жумладан, педагогика нинг ҳам, энг умумий назарий асосини фалсафа яратиб беради.

ди (методология бўлими). Шунинг учун педагогика фалсафадан ажралиб чиққан бўлса-да, буни нисбий деб билмоқ керак. Педагогиканинг фалсафа билан умумийлиги кўп бўлгани боис, уни фалсафа билан боғлаб турган ришталарни ҳар бир ўқитувчи ва педагог яхши билиши лозим. Бу боғлиқликларни ва бошқа кўп нарсаларни, ушбу китобимиз саҳифаларида кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик. Сизнинг ихтиёригиздан вазифа, биз аниқлаб берган алоқадорликларни билиб олиб, педагогик амалиётингизда қўллашингиздан иборатдир.

Фаолиятимиз йўналтирилган объект Ҳазрати инсон ўзининг мақсадга йўналтирилган ҳаракатлари билан бошқа жонзотлардан тубдан фарқ қиласди. Одам ўзининг ҳаракати натижасида етишиши мумкин бўлган нарса ва ҳодисаларни олдиндан кўз олдига келтиради. Ер юзида инсондан бошқа, ҳеч бир жонзот муайян ҳаракатидан кўзланган мақсадни ва бу мақсадни амалга оширишнинг ҳаракат тартибини аввалдан билмайди. Барча маҳлуқотлар ўз ҳаракатини биологик эҳтиёжларини қондириш учун инстинкт ва шартсиз рефлекс ёрдамида амалга оширадилар. Уларнинг барча ҳаракатлари ирсий бирликларида дастурланган. Уларда яхши тараққий этган сезги, хотира ва оддийгина бўлса-да, ақл бор, аммо тасаввур мутлақо йўқ. Инсон эса, биологик ҳамда ижтимоий эҳтиёжларини қаноатлантириш йўлида қиладиган ҳаракатларидан олдин, муайян эҳгиёжига жавоб берувчи нарса ёки ҳодисани ҳамда унга етишишининг ҳаракат жараёнини тасаввуринга келтиради. Яъни одам муайян мақсад кўя олиш ва унга етишиш режасини тузга олиш қобилиятига эга.

**Мақсад сари қилинган ҳаракат фаолият деб номланишини биламиз.** Демак, инсон бошқа жонли мавжудотлардан ўзининг фаолияти билан фарқланар экан, бошқа маҳлуқотлар фаолият кўрсата олмайдилар. Улар фақат инстинктга бўйсуниб ҳаракат қила оладилар, холос.

Кишилик жамиятининг тараққиёти давомида фаолият турлари ривожлана бориб, кўпайган. Тарихан таркиб топган фаолият турларини гуруҳлаштиргандаги маизуатни кўриш мумкин.

**Меҳнат фаолияти.** Кишиларнинг тирикчилик йўлида, яъни оиласи ва ўзининг табиий ҳамда ижтимоий эҳтиёжларини қондириш учун маблаг топиш мақсадида қиладиган ақлий ва жисмоний ҳаракатлари меҳнат фаолияти дейилади. Меҳнат фаолияти ишлиб чиқариш, аҳолига хизмат кўрсатиш, бошқарув, тижорат, санъат, илмий тадқиқот олиб бориш ёки таълимтарбия билан боғлиқ бўлиши мумкин. Буларнинг ҳар бири, ўз

павбатида, бир неча тур ва шохобчаларга бўлиниб, ажralиб кетади. Улардан илмий тадқиқот олиб бориш билан таълимтарбия фаолияти энг мураккаби ва шарафлисиdir. Киши меҳнат фаолиятининг маҳсали ҳар бир инсон ва бутун жамият ҳаётини белгилаб беради. Меҳнат фаолиятининг маҳсулотларисиз, шу кунда, бирон-бир жамият ўз ҳаётини амалга оширомайди. Чунки инсон жуда ҳам ижтимоийлашиб кетган бўлиб, ҳеч бир кимса орқага қайтиб, ибтидоий тарзда турмуш кечира олмайди. Сабаби, тарих чархпалаги орқага айланмайди.

**Оиласдаги фаолият** деб, уй юмушларини бажариш, бола тарбияси билан шуғулланиш, ўз такомили устида ишлаш билан боғлиқ бўлган ҳаракатларга айтилади. Умуман олганда, меҳнат фаолияти, дам олиш, сиёсий ва жамоа уюшмаларида фаолият қўрсатишдан ташқаридаги ҳамма ҳаракатлар оиласдаги фаолият ҳисобланади. Бу фаолият кўзга кўринмагани, кўплар уни менсимагани билан, у жамият тараққиётида жуда катта роль ўйнайди. Ҳар қандай бола биринчи таълим-тарбияни оиласда ола бошлайди ва оиласда олинган билим ва кўнижмалар, умрининг охиригача сақланиб қолади.

**Дам олиши (рекриацион) фаолият.** Киши ўзининг меҳнат, оила, сиёсий ва жамоатчилик соҳаларидаги фаолиятлари жарёнида сарфлаган руҳий, ақдий ҳамда жисмоний қувватларини тиклаш ва уларни янада ривожлантириш мақсадида қиласдиган ҳаракатлари рекриацион фаолият дейилади. Дам олишнинг ҳам тур ва шохобчалари кўп. Инсон учун фаолиятларнинг энг ёркини ва инчунин, энг суюмлиси рекриацион фаолиятдир. Аслида меҳнат қилиш ва дам олиш, бир бутуннинг икки томони бўлиб, дам олмай, киши меҳнат қила олмайди, меҳнат қилганидан сўнг дам олиш истаги бўлади, у шундай ҳукуққа ҳам эга. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қайд қилинган қоида. Дам олиш, меҳнат қилиш каби, умуминсоний қадрият ҳисобланиб, уни инкор этиб ёки унга қаршилик қилиб бўлмайди.

**Сиёсий фаолият.** Одам, ўзининг фуқаролик бурчини бажариш жараёнида жамиятни бошқариша қатнашиш учун қиласдиган холисона ҳаракатларига сиёсий фаолият дейилади. Сиёсий арбоблар бу ҳисобга кирмайдилар. Сиёсий фаолият улар учун меҳнат фаолиятидир. Бу фаолият энг тақдир этилмайдиган бўлгани билан жамият учун ўта зарур.

**Жамоатчилик фаолиятига** турли жамоа уюшмаларида, кўчак-кўйда, маҳалла ва бошқа жамоат жойларида халққа фойда қелирувчи барча ҳаракатлар киради. Жамоа ишларида холисона қатнашиш катта савоб ишлардан бўлиб, инсонни ижобий то-

мондан тавсифлайди ва унинг етук шахс сифатида шаклланишига ёрдам беради. Унинг акси ҳисобланган бутун жамият, маҳалла-кўй, меҳнат жамоаси ва бошқаларнинг тақдирига бефарқ бўлган киши, шахс сифатида тўлиқ ривожланмаган бўлиб ҳисобланади. Ундаи кишиларни халқ севмайди ҳам, ҳурматламайди ҳам. Улар худбин деб аталади.

**Ҳамма турдаги фаолиятларни қўя туриб**, инсоннинг энг мурекаб, шу билан бирга, шарафли меҳнат фаолияти ҳисобланган таълим-тарбия билан боғлиқ бўлган ҳаракатини ўрганиб чиқишни, ушбу китобимизда мақсад қилиб қўйганмиз.

Авваламбор, шуни айтиш жоизки, таълим-тарбия фаолиятини қўл учида, амал-тақал қилиб бажаришлик ман қилинади. Уни фақат бутун вужуди билан, бор ақл-заковот ва билимини ишга солиб, маҳорат билан бажариш лозим бўлади. Бу фаолиятнинг бошқа турдаги фаолиятлардан фарқи ҳам шундади. Чунки бошқа турдаги меҳнат фаолиятларида йўл қўйилган камчилик ва хатолар ё кишининг ўзига, ё бошқа бирорвга, ёки меҳнат жамоасига моддий ёки маънавий зарар етказса, таълим-тарбияда йўл қўйилган хато ва камчиликлар одамларнинг, айниқса, ёш авлоднинг ривожига салбий таъсир этиб, бутун жамиятнинг бир неча ўн йиллик тараққиётига акс таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам бундай хатоликка йўл қўймасликка астойдил ҳаракат қилишимиз лозим.

Ҳар бир ишни маҳорат билан бажариш деб, муайян фаолияти шу фаолият жараёнида амалда бўлган барча қонун-қоидалар ва тамоиллар асосида, кам куч ва оз вақт сарфлаб амалга оширишиликка айтилади.

Ушбу китобимизни диққат ва қунт билан ўқиб чиқсангиз, меҳнат фаолияти этиб танлаган таълим-тарбия жараёнини маҳоратли амалга оширишингиз учун замин тайёрлаган бўласиз.

Таълим-тарбия соҳасини ўзига меҳнат фаолияти этиб танлаган киши, авваламбор, педагогиканинг фалсафий жабҳаларини яхши эгаллаб, ўз маънавиятига айлантириб олган бўлиши лозим. Педагогиканинг фалсафий жабҳаларини эгаллаб олиш деганда, педагогикада ишлатиладиган фалсафа тушунчаларини ҳамда илм-фанда кейинги вақтда содир бўлган ўзгаришларни, янгидан пайдо бўлган дунёқараш ва илмий оқимларни, шунингдек, ҳамма педагоглар билиши шарт бўлган фалсафанинг боқий қонун ва қонуниятларини билиб олиб, уларга ўзларида кўнишка ҳосил қилганлик ҳолати тушунилади.

**Иккичидаи**, ҳар қандай ўқитувчи ва педагог маҳоратли дарс беришни ўзига мақсад қилиб олган экан, педагогиканинг назарий асослари ва дарс ўтишнинг усул ҳамда услублари билан

тұла қуролланған бўлиши керак. Акс ҳолда, дарс ўтиш жараёнида қатор хато ва камчиликларга йўл қўйиб, кўзлаган мақсали йўлидан чиқиб кетаверади. Натижада, нафақат ўзини, балки тарбияланаётган болаларни ҳамда мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юрти раҳбарларини ҳам жуда-жуда қийнаб қўяди. Бу ҳолда меҳнат жараёни унга азоб-уқубатга айланади. Энг асосийси, ўз фаолиятидан олаётган маблағини оқламай, болашақасини нопок йўл билан боқаётганини ҳам билмай қолади. Бунинг оқибати эса жуда ҳам ёмон.

**Учичидаи**, назарий жиҳатдан ҳар қандай ўта кучли асосланған ва лойиҳаси яхши тузилған дарсни ҳаётда амалга ошираётганда, албатта, бир қатор қийипчиликларга дуч келинади. Дарс ҳа деганда қўнгилдагидек бўлавермайди. Шунда қишиничиликлардан қўрқмай, тушкунликка тушмай, сабр-бардош билан, шу жараёнда учрайдиган тўсиқларни бартараф этиб, карур бўлса, тузиб чиққан дарс лойиҳасига бир неча бор ўзгартиришлар киритиб, назарий асосланған дарсни амалиётда сиповдан ўтказиб, педагог ўзига мослаштириб олиши лозим. Бу педагогик тажриба ҳисобланади.

Дарс жараёнида нохуш вазиятга тушиб қолмаслик ва ўз меҳнат фаолиятингиз орқали, шу соҳага қўйилған талааб даражасида жамиятга фойда келтиришингиз учун, қўлингиздаги китобни қаіта-қайта ўқиб, унда қайд қилинганди билимлар асосида қиласидан ҳаракатларингизни амалиётда қўллаб, уларни автоматлаштириб, ҳаёт тарзингизга айлантиринг. Ҳар қандай китобни бир-икки маротаба ўқиганда, одам унинг мазмунига тўлиқ етиб бормайди. Етиб борган тақдирда ҳам, китобдаги билимларга у ҳали ўзида қўникма ҳосил қилмаган бўлади. Педагогик фаолиятингизни маҳоратли амалга оширишингиз учун, ушбу китоб энг зарур адабиёт сифатида иш столингизда доимо туриши керак. Дарсларга тайёргарлик кўраётганингизда унинг керакли жойини очиб, у ердаги билимларни хотираңизда тиклаб, сўнг, улар асосида тузган дарс лойиҳасини амалиётда синааб қўринг. Бу билимларга қайта-қайта мурожаат қилиш ҳамда уларни педагогик амалиётингизда қўллайверишингиз натижасида, китобдаги билимлар аввал қўникмангизга, сўнг малакангизга ва бора-бора маънавитингизга айланади. Шундагина меҳнат фаолияти этиб танлаган касбингизнинг моҳир устаси бўлиб, меҳнат жараёни сиз учун роҳатга айланади. Шу йўл билан топган маблағингизни уйингизга олиб борсангиз, хонадонингизга қут-барака кириб, ҳалол луқма еган болаларингиз тўғри тарбия топади ва сизга фақат хурсандчиклик келтиришади, иншооллоҳ.

Айтган ишларни амалга ошириш осон эмас, албатта. Аммо ушбу ўта масъулиятли, аммо шарафли касбни ўзингизга меҳнат фаолияти қилиб танлаган экансиз, бир-икки йилги қийинчиликларни бўйнингизга олиб, ўз педагогик маҳоратингиз устида ишлашга эринманг. Бир-икки йиллик қийинчиликлардан кейин бир умр қийналмай, меҳнат фаолиятингиз сиз учун роҳат ва фароғатга айланади.

«Эй биродарлар! Одамларнинг ботири мушкулотлардан кўрқмайди. Камолот ҳосил қилишдан бош тортган киши одамларнинг энг кўрқоғидир» — деган эди Абу Али ибн Сино.

---

# **ПЕДАГОГИКАНИНГ ФАЛСАФИЙ ЖАБҲАЛАРИ**

## **1. Педагогикадаги фалсафа тушунчалари**

### **1.1. Инсои тушунчаси ва киши маънавиятиининг шаклланиши**

Қадимдан инсоннинг лотинча атамаси «Хомасапиенс», яъни «Ақлли жонзот» деб юритилиб келинган. Ҳозир ҳам баъзи адабиётларда бу атамани учратиш мумкин. Бир қараганда бу тушунча тўғрига ўхшайди, у маълум даражада тўғри ҳам. Аммо чуқурроқ фикр юритиб кўрадиган бўлсак, ҳамма одамларда ақл бор, бири уни кўп ишлатса, бири жуда кам ишлатади. Юқоридаги таърифга қараганда, буларнинг барчаси ақлли жонзот бўлиб чиқмоқда. Бу адолатдан эмас, албатта. Ундан ташқари, таърифлар назариясидан қелиб чиқадиган бўлсак, ҳар қандай таъриф, таърифланувчи нарса ва кимсанинг энг умумий хусусиятларини ифода этгани ҳолда, уни муайян бир ўлчамга сола олиши керак, яъни унинг баҳоланишига шароит яратиб бериши лозим. «Хомасапиенс» тушунчаси одамнинг энг асосий хусусиятини ифода этган. Ҳақиқатан ҳам, одам ақлли жонзот, аммо кишининг ақллилик даражасини бу таъриф билан аниқлаб бўлмайди. Яъни бу таъриф бўйича таърифланувчи киши қанчалик ақлини ишлатишини ўлчаб бўлмайди.

Фикр юритиб кўрайлик-чи, одам ақлини юритиши натижасида унда нима содир бўлади? Киши ақлини ишлатиши натижасида билмаган нарсасини англаб, уни билиб олади, яъни унда билим пайдо бўлади. Киши ақлини қанчалик кўп ишлатса, шунчалик билими кўпайиб бораверади. Шунга кўра, инсон ақлини қанчалик юритганини, яъни қанчалик ақлли эканини, унинг тўплаган билимлар ҳажми билан ўлчаса бўлади.

Билимларнинг тури жуда кўп – диний, табиий, ахлоқий, техникавий, фалсафий, қасбий, сиёсий, иқтисодий ва ҳоказо. Бу билимларнинг ҳар бир фан соҳасидаги ҳажми ундан ҳам кўп. Одам хоҳлаган билим турларининг ичидан кераклигини ва керакличасини олиши мумкин. Бу иш кишининг фаоллигига боғлиқ. Натижада саъй-ҳаракат қилган кишида турлитуман билимларнинг анчагина ҳажми йиғилиши ва уларни ҳаётида қўллайвериши натижасида бу билимлар унинг кўнинка, малака ва маънавиятига айланиб кетгани бўлиши мумкин.

Дангасалик қилиб юрган бошқа бирорда эса билимлар тури ҳам, ҳажми ҳам оз бўлиши, инчунин, маънавияти ҳам паст бўлиши табиий. Кишидаги йигилган билимларнинг ҳажми ва туридан қатъи назар, бу йифиндини бир сўз билан нима деса бўлади? деган саволга, бу – **кишининг ижтимоий моҳияти дейиллари**, деб жавоб берамиз.


Муайян бир одамнинг ижтимоий моҳияти деганда, аждодлардан унга мерос бўлиб ўтган ирсий бирлиги(ген)даги ахборотлар билан унинг шахсий ҳаёти давомида ортирган билими, кўнишка, малака ва маънавиятининг мураккаб мажмуи тушунилади.

Биологиядан бизга маълумки, инсоннинг биологик моҳияти мавжуд. Унга инсон танасининг ўлчамлари, қадди-қоматининг шакл-шамойиллари, терисининг ранги, юз-кўз тузилиши, қонининг иссиқлик даражаси, кимёвий таркиби ва бошқа кўплаб биологияга оид кўрсаткичлар киради.

Энди билдикки, инсоннинг биологик кўрсаткичлари билан бир қаторда, унинг ижтимоий кўрсаткичлари, яъни унинг тўплаган билимлар тури ва ҳажми ҳамда бу билимларни кўнишка, малака ва маънавиятни деган қалб такомилининг босқичларидағи ҳолати ҳам бор экан. Одамни шартли думалоқ бир бутунлиқ қилиб олсак, умумбиологик моҳиятини ифодаловчи доирани ётиқ чизиклар билан штрихлаймиз («А» доира), ижтимоий моҳиятини кўрсатувчи доира ичини эса тик чизиклар билан тўлдирамиз («Б» доира), иккаласини бирлаштирасак, тўрсимон думалоқ шакл пайдо бўлади («Д» доира). Бу шартли инсоннинг интеграллашган моҳиятидир (1-расм).

Ер юзида бирон-бир шу кўринишга эга маҳлукот мавжуд эмас. Барча жонзотлар фақат ётиқ чизикли («А» доира) кўринишга, яъни фақат биологик моҳиятга эгадирлар, холос. Инсоннинг интеграллашган ҳолатдаги кўринишини нима деб атасак бўлади? Бундай қўшма моҳиятга эга бўлган жонзотни **«Биоижтимоий мавжудот»** (Биосоциум) дейилмоқда.

**Исон ижтимоий моҳиятиниаг таркиби.** Фикримизни давом эттирадиган бўлсак, инсон биоижтимоий мавжудот экан, унинг ижтимоий моҳиятини нима ташкил қиласди? деган савол берилиши табиий. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, бу саволга, ҳар бир инсоннинг ижтимоий моҳиятинини, албатта,



**билим ташкил қиласы** деб жавоб берса түгри бўлади. Бу билимларни инсон қандай қилиб ва қаёқдан олади? деган саволга, ақлини ишлатиб, объектив борлиқдан ёки «билимлар сандиги» деб аталувчи турли фанлардан, китоб ва журнallардан ҳамда устоз мураббийлардан олади, десак хато қилмаган бўламиз.

**Педагогик фаолият айнан инсонга билим берип, унинг ижтимоий моҳиятини оширипга ҳаратилган.** Жамият учун кишининг биологик моҳиятидан кўра ижтимоий моҳияти кераклироқ ва муҳимроқ ҳисобланади.

Инсон нима учун билим эгаллайди? деган навбатдаги саволга, ҳаётда қўллаш учун дейиш мумкин. Инсон билимни ҳаётда ишлатиш учун эгаллар экан, у ақлий фаолияти орқали эгаллаган билимини ҳаётда бир уринишка қўллай оладими? деган саволга, албатта, қўллай олмайди, деб жавоб берилади. Чунки, унинг вужудида янгидан эгалланган билим ёрдамида қилинадиган ҳаракатларга ҳали кўникма шаклланимаган бўлади. Янгитдан эгалланган билим асосида ҳаракат қилиш кўникмасини ҳосил қилиш учун киши иродасини ишга солиб, тарбиячи ёки устози иштирокида ҳар бир ҳаракатини эгаллаган билимида кўрсатилган тартиб бўйича, маълум бир мақсад йўналишида бир неча бор тақрорлаши шарт. Шунда унинг вужудида бу билимларга кўникма ҳосил бўлади.

**Киши эгаллаган билимларини амалиётда намоён қилишининг бир неча даражада босқичлари мавжуд.**

**Биринчи босқич.** Одам эгаллаган билимларини амалиётда қўллаётганида ортиқча куч ҳамда вақт сарфласа ҳам, мақсадга етса ва иш бажарилса, олинган билим **кўникмага** айланган деб ҳисобланади. Бу босқичда инсон тафаккурида пайдо бўлган ва тасаввuri орқали ўз тасдигини топган билим жисмоний ҳамда ақлий ҳаракатлар орқали киши вужудига сингиб, унинг кўникмасига айланган бўлади.

**Иккинчи босқич.** Киши ўз билимларини ҳаётда қўллайвериши натижасида мақсадга йўналтирилган ҳаракатлари ортиқча куч ва вақт сарфламай равон амалга оширилишига **малака** дейилади. Бунда вужудга сингиган ҳаракатлар автоматлашган ҳолатга етиб, тафаккур фақат кишининг мақсадли ҳаракатини назорат қилиб туради, холос. Малаканинг ҳам наст, ўрта ва юқори даражалари мавжуд.

**Учинчи босқич.** Инсон она қорнидан бошлаб, ҳаёти давомида орттирган фойдали билимларини амалда қўллайвериши натижасида унда ҳосил бўлган ҳаракатлар кўникма ва малака босқичларидан ўтиб, руҳига сингиган ва ҳаёт тарзида намоён бўладиган ҳаракат ҳолати **маънавият** дейилади (2-расм).



2-расм.

Эътибор беринг, инсон маънавиятига фақат фойдали билимлар орқали шаклланган ижтимоий сифатлар киради. Инсон фойдали билимлар қаторида, билиб-бilmagan ҳолатда, фойдасиз ва ўзининг саломатлигига, обрўйи ва атрофдагиларга зарар етадиган иллатларни ҳам эгаллаши мумкин. Масалан, сигарета чекиш, ароқ ичиш, ёлғон гапириш, ўғрилик қилиш ва ҳоказо. Бундай иллатлардан ташкил топган ҳаёт тарзи **бесмаънилик** ҳисобланиб, инсон ижтимоий моҳиятини тарақкий эттириш ўрнига, унда салбий-ижтимоий сифатларнинг ривожланишига асос бўлади. Бу ҳолни **ижтимоий хасталаниш** дейилади. Ўзингиз ва болаларингизни бундай касалликлардан сақланг.

## 1.2. Маънавият, қадрият, маданият, адабиёт санъат ва маърифат

Инсоннинг ирсий бирликлари орқали унга мерос бўлиб ўтган ва ҳаёти давомида орттирган фойдали билимларини амалда қўллаши натижасида улар кўникумка ва малака босқичларидан ўтиб, унинг ҳаёт тарзига айланганлик ҳолатини **маънавият** деб, юқорида айтилди.

Бинобарин, маънавиятга қўйидаги фалсафий таърифни берса бўлади. **Маънавият** – бу кишининг эгаллаган фойдали билимлари амалий ҳаётида синалиб, кўникумка ва малака даражасидан ўтган ва қалбига сингиб, ҳаёт тарзида акс этадиган ижобий ижтимоий сифатлар мажмуудир. Бу билимлар киши руҳига сингиб, ирсий бирликларидан жой олганлиги учун ҳам, наслдан-наслга ўтади.

Маънавиятга берилган ушбу таъриф объектив мавжуд бўлган мураккаб бир ижтимоий ҳодисани мушоҳада ва идрок қилиш, унинг энг муҳим хусусиятини ҳис қилиш ҳамда маънавият манзуида чоп этилган қатор адабиётларни таҳдил қилиш нағижаси ўлароқ вужудга келган.

Муҳтарам ўқитувчи ва педагоглар, азиз талабалар маънавият тўғрисида айтилаётган қатор тушунчалар таъсирига берилмай, инсониятнинг мураккаб ижтимоий ҳодисаси бўлган бу объектив борлиқ тўғрисида тўғри тасаввурга эга бўлишингиз учун, қўйида маънавиятга берилган қатор таърифлар орасидан китоб ва журнал саҳифаларида чоп этилиб турадиганларидан бир нечтасини таҳдил қилиб чиқамиз.

1. «Маънавият – инсоннинг зот белгиси, унинг фаолиятини шунг таркибий қисми, онги, ақл заковатининг маҳсули»<sup>1</sup>.

2. «Маънавият – инсон фаолиятининг руҳий мазмуни бўлиб, киннилар унинг воситасида ўзларини англайдилар, жамият, табиат, ўз турмуш тарзи, амалий фаолияти муаммоларини ҳал ишадилар»<sup>2</sup>.

3. «Маънавият – жамиятнинг, миллатнинг ва ёки айрим бир кишишининг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобитияти, идрокини мужассамлаштирувчи тушунча»<sup>3</sup>.

4. «Маънавият – ҳар бир инсоннинг ички руҳияти, ақл заковати, уни ўзини ўзи англаш, яхшиликларга, эзгу ниятларга тўла қалби, олдинга қараб янги мэрралар сари онгила равишда фаоллик кўрсата билиш ва интилиш салоҳиятидир»<sup>4</sup>.

5. «Маънавият кўп қиррали ҳодиса бўлиб, ахлоқий (одоб, бурҷи, мастьулият туйғуси), илмий-ижодий, амалий малакалар (мехнат, ижодкорлик, истеъодод, қобилият), диний, мағкуратий қарашларнинг яхлит бирлигидир»<sup>5</sup>.

6. «Маънавият – миллатнинг асрлар давомида шаклланган маданий ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлган ички (ақлий) интеллектуал ва событ ҳиссий дунёсидир»<sup>6</sup>.

7. «Маънавият – инсон қалбida, кўнгил кўзгусида акс этган ҳақиқат нуридир»<sup>7</sup>.

<sup>1</sup> А.Жалолов. Мустақиллик мастьулияти. – Т., «Ўзбекистон». 1996. 29-бет.

<sup>2</sup> «Мулоқот». 1997, 5-сон, 15-бет.

<sup>3</sup> Иброҳимов ва бошқалар. Ватан туйғуси. – Т., «Ўзбекистон». 1996. 111-бет.

<sup>4</sup> Маънавият ва маърифат асослари. Тузувчилар: С.О.Отамуродов ва бошқалар. – Т., 1998. 8-бет.

<sup>5</sup> М.Абдуллаев ва бошқалар. Маънавият. – Фаргона. 1999. 22-бет.

<sup>6</sup> А.Эркаев. Маънавият – устун йўналиш. «Иктисад ва ҳисобот» журнали. 1996, 2-сон. 20–22-бетлар.

<sup>7</sup> М.Иломназаров. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. – Т., «Шарқ», 1998. 14-бет.

Таъриф деб аталувчи бу аниқламалардаги баъзи тушунча ва атамаларнинг ноўрин ишлатилганлиги ҳамда таҳририй ноўх-шовликларини ҳисобга олмаганда, улар умуман иштёриб бўлмай. мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлган маънавиятнинг у ёки бу хусусиятларини ёки аҳамиятини ифода этган. Бу эса, баҳолаш категорияси ҳисобланади. Бизга эса ҳодисага, унинг моҳиятини очиб берувчи таъриф бериш талаб қилинади.

Юқорида келтирилган «таъриф»ларни ўқиб, беихтиёр «Булар ҳаммаси тўғрику-я, аммо маънавиятнинг ўзи нима?» деб сўрагинг келади. Чунончи: «зот белгиси, фаолиятининг ажралмас қисми, ақл-заковатининг маҳсули», « ўз турмуш тарзлари, амалий фаолиятлари ва муаммоларни ҳал этадиган». «кишининг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти, идрокини мужассамлаштирувчи» нарса, «қарашларининг яхлит бирлиги» дегани ўзи нима? Булар биз таърифламоқчи бўлаётган нарсанинг у ёки бу томонини кўрсатувчи тавсифлар-ку. Унинг (маънавиятнинг) таърифи қани?

Барча фикрларни бир четга суриб, энг жозибали еттинчи рақамли «Ҳақиқат нури» деган таърифга эътиборимизни қаратайлик. Дарҳақиқат, маънавият – инсон қалбida (руҳида – бизнинг изоҳ), кўнгил кўзгусида акс этган ҳақиқат нуридир. Бу мутлақ тўғри. Аммо нурнинг ўзи нима? Бизнингча, «нур» – билим. Билим, яъни нур инсон қалбига ҳар қандай билим манбаи бўлган мутлақ Ҳақиқатдан, яъни Тангри таолодан келганидан кейин, киши қалбida униб-ўсади ва ўз тараққиётининг, юқорида айтилган, бир неча босқичларидан ўтганидан кейин киши руҳига сингиб, кўнгил кўзгусида шуъла тарқата бошлаиди. Инсон руҳидаги Ҳақиқат нури ҳаракатининг ана шу, охирги босқичини, яъни нур шуъласини биз **маънавият** деб атадик.

Нур, яъни билим мутлақ Ҳақиқатдан, яъни Ҳақ таолодан одамга келгани билан, у унда амалий фаолиятини топмай, яъни униб-ўスマй нобуд ҳам бўлиши мумкин. Тангридан олиб эгалланган билим ҳаётда қўлланавериб, киши қалбida ўз ривожини топса, бора-бора у руҳига сингиб, нур тарқата бошлайди. Аммо бу нур мутлақ Ҳақиқат нурининг шуъласидир. Кишидаги ана шу ҳақиқат нурининг шуъласи маънавият дейилади. Қарабисизки, М.Имомназаровнинг таърифи ҳақиқатга яқин бўлиб чиқди.

Маълум бўлдики, инсон биоижтимоий мавжудот бўлиб, унинг ижтимоий моҳияти унда жамланган билимлар ҳажми ва уларни амалиётда қанчалик кўп ишлатиб, кўнкма ва малакалар ҳосил қилиб, маънавиятга айланиб ултурганлик даража-

си билан белгиланар экан. Шунинг учун, ҳар бир инсон ти-нимсиз билим әгаллаб, уларни амалиётда узлуксиз қўллаб бориши зарур. Акс ҳолда, киши жамият ривожидан орқада қолиб кетади. Билим әгаллангани билан уни амалиётда қўлламаса, шаулаган билими унинг маънавиятига айланмай, билими кўп бўла туриб, маънавияти паст бўлиб қолаверади.

**Хуллас, маънавият тушунчасини ва унинг шаклларини бос-қичларини билдилик.** Энди «Қадрият пима?» деган саволга жавоб изъяимиз.

Чоп этилган кўпгина изоҳли луғатларда «қадрият» тушунчасига тўлиқ таъриф берилмаган. Шунинг учун биз, жамият ичида мавжуд ва муҳим ижтимоий воқелик ҳисобланган бу тушунчага фалсафий таъриф беришга ҳаракат қиласиз.

**Кишини қуршаб турган** чексиз кўп нарса ва ҳодисалар, шу жумладан, миллий маънавият ичидан ҳам, муайян шахс ёки ижтимоий турух, ё конкрет бир миллат, ёхуд бутун ишончият учун алоҳида аҳамиятта, қадрга эга бўлганлари қадрият дейилади.

Қадриятлар моддий ва маънавий деган турларга ажralади.

**Моддий қадриятлар** деб, кишилар моддий эҳтиёжларини қондириб, ўзига хос ҳусусияти ва шаклларига кўра одамларда алоҳида ҳис-туйғу уйғотувчи моддий нарсаларга айтилади. Уларга буюк иншоотлар, боғ ва хиёбонлар, антиқа уй-рўзғор буюмлари, тарихий қийматга эга бўлган уй анжомлари, қурол-игоғ, озиқ-овқат, шахсий буюмлар ва шунга ўхшаш нарсалар киради.

**Маънавий қадриятлар** – кишилар маънавий фаолияти маҳсали, билишнинг мураккаб жараёни натижасида юзага келган билим, қараш ва малакалар самарасидир. Бу қадриятларни таърифлаш, оқибат натижада, инсоннинг руҳий эҳтиёжлари, манфаатлари ва фаолият турларига боғлиқ бўлади. Маънавийлик бундай ҳолларда моддийликка қарама-қарши қўйилмайди. Аксинча, улар ўзаро узвий боғлиқдирлар.

Маънавий қадрият инсон ҳаётий фаолиятининг таркибий қисми, унинг маҳнати ва ижтимоий шароитлар туфайли яратилган қобилияти сифатида намоён бўлади. Буларга мисол қилиб, турли-туман байрамлар, миллий урф-одат ва анъаналар, чиройли ахлоқ ва одоблар, мусиқа, мўйқалам устаси ижодининг маҳсали бўлган расмлар, бадиий адабиёт ва ҳоказоларни келтирса бўлади.

Ҳақиқий маънавийлик фақат инсоннинг онгига, тафаккуриладир. Нарсалар эса унинг фаолият натижаси бўлиб, меҳнат маҳсулотларига, предметли шаклга кўчганидир. Масалан, китоб ёхуд рассомлик асари – шунчаки оддий предметлар

бўлмай, уларда ёзувчи ва рассомнинг ижодий фаолият натижалари гавдаланган. Бу нарсаларнинг маънавий жиҳатлари уларнинг моддийлиги билан узвий боғланган. Буларда муайян одам – ижодкор маънавий қадрияти онг фаолияти орқали моддийлашади. Жамият тараққиёти жараёнида тўпланган қадриятлар ўтмиш аждодлар қўлга киритган билим-тажрибалири, маънавий маҳсулотларининг ташувчисидир.

Фан, санъат асарларининг моҳиятини тушуниш учун, унинг қонуният(билим)ларини идрок эта олиш зарур. Мактабларда олиб бориладиган таълим-тарбиянинг маъноси ҳам маънавий қадриятларни идрок этиш киши маънавиятини тарбиялашга йўналтирилган бўлиши лозим.

**Яна қадриятлар умумисоний, миллий, жамоа, оиласвий ва шахсий бўлиши мумкин.** Бу қадриятлар орасида ўзаро узвийлик бўлса ҳам, улар бир-биридан фарқ қиласди.

Умумисоний қадриятлар деб, ер юзидағи барча халқлар учун бирдай қадрли бўлган: ҳаёт кечириш, билим олиш, меҳнат қилиш, севиши-севилиши, завқланиш, хоҳлаган фаолият билан шуғулланиш, ўз ҳуқуқларига эга бўлиш ва ҳоказо ҳаётий зарур ижтимоий воқеликларга нисбатан айтса бўлади.

Энди «Нима учун умумисоний қадрият барча одамлар учун қадрли?» деган саволга келсак. Умумисоний қадрият шунинг учун ҳам ҳамма одамлар орасида алоҳида аҳамиятга эгаки, у инсонларнинг моддий, ижтимоий ва иқтисодий эҳтиёжлари билан баробар руҳий эҳтиёжини ҳам қондиради. Масалан, ҳамма учун қадрли ҳисобланган биронта байрамни, жумладан, янги йилни олайлик. Бу байрамда киши хоҳласа-хоҳласа маса ўзига-ӯзи яшаб ўтган йилнинг ҳисоботини беради ва кейинги ишлга, бировларга айтмайдиган режаларини тузади. Одамлар кўп орзу-умидларини янги йил билан боғлайдилар. Бу эса руҳ. унинг озуқаси билан боғлиқ нарсалар, шунинг учун ҳам бу байрам ҳамма учун қадрли.

Еки билим эгаллаш жараёнини олайлик. Бу жараён киши маънавиятининг такомили, руҳининг дам олиши, роҳатланиши ва киши кўнглининг таскини билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам у инсон зотига манзур, ҳамма учун қадрлидир. Еки қимматбаҳо олмос, олтин, кумуш ва ҳоказо нарсаларни олсак, уларнинг кишига иқтисодий фойдаси, уни тақиб юрганда ижтимоий нағи тегиши баробарида одамга эстетик завқ ҳам беради. Бу эса, руҳ озуқаси билан боғлиқ нарса. Ер юзида ҳаёт кечириш, яъни яшаш одамларнинг ирқи, жинси, ёши, келиб чиқиши ва бошқа хусусиятларидан қаъти назар, ҳамма учун қадрлидир. Ота-она, кишининг жинси, миллати, ижтимоий

келиб чиқишидан қатын назар, фарзанд деб аталувчи барча учун қадрлидир. Булар ҳаммаси умуминсоний қадриятлардир.

**Миллий қадриятлар** деб, муайян халқнинг расм-русуми, ань-анаси, фазилатлари, ахлоқ ва одоби, яшаш тарзи, байрамлари, шу халқнинг аксарият қисми томонидан эъзозланишига лойиқ бўлган иншоотлар, миллий кийимлар, уй-рӯғор буюмлари, рӯзгор тутишлари ва ҳоказоларга айтилади. Масалан, ўзбекларнинг меҳнатсеварлиги, меҳмондўстлиги, хушхулқлиги ва мулойимлиги, ғайратли ва итоатгўйлиги, турли тоифадаги одамлар билан ўзаро иноқлашиб кетишлини, кечиримлилиги, мулсҳаза ва тафаккур билан иш кўриши, тинчликсеварлиги ўзбек миллий қадриятлари бўлиб ҳисобланади. Буларниң ҳаммаси «ўзбекчилик» деган сўз билан ифодаланиб, унда ўзбекларнинг фазилатлари мужассамланади. Бу қадриятларни жаллаган киши миллий фазилатга эга одам дейилади.

Ҳар бир халқнинг қадрияти нафақат ўзининг миллий омиллари, балки умуминсонийлик таъсири остида ҳам шакланаади. Ўзбекнинг миллий қадриятлар сарчашмалари бошқа халқларнинг энг юксак қадриятларини ижобий ўзлаштириш аниъналари билан боғлиқ. Агар маънавиятимиз ва қадриятларимиз гарихига шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, ўзбек миллий санъати, шеърияти, илм-фани ўтмишда форс, араб, рус, ҳито юнон маънавият ва қадриятларидан баҳра олганлигига тувоҳ бўламиз.

**Жамоа қадрияти.** Ҳар бир маҳалла, қишлоқ, меҳнат жамоаси ё ўкув муассасасида маълум бир ижтимоий ҳодиса (тўйларни ўтказиш, жамоа бўлиб сайлга чиқиш, ҳашарлар ўтказиш ва ҳоказо) урф бўлган. Улар ўша одатни аниъана қилиб, уни асраб-авайлайдилар. Улар учун у қадрли. У ўша жамоанинг маънавий қадрияти ҳисобланади. Ёки бир оила учун маълум бир маънавият (ҳаёт тарзи) тури, чунончи, туғилган куни нишониши жуда эътиборли нарса. Бу ўша оиласининг маънавий қадрияти. Бошқа бир оила бу тантанани билса ҳам, уни ўтказса ҳам, эътиборга сазовор тантана деб билмайди. Улар учун у қадрият ёмас. Жамоанинг моддий қадриятлари маҳалласидаги, қинчлиғидаги, шаҳридаги алоҳида бир иншоот, хиёбон, сайлгоҳ, ҳайкал ёки баг бўлиши мумкин.

Шунга ўхшаш, ҳар бир инсоннинг шахсий қадрияти ҳам бўлали. Жумладан: ога-бобосидан қолган буюмлар кишининг кундалик ҳаётида керак бўлмаса ҳамки, баъзилар уларни «Отамни ўслатади ёки бувимни кўргандек бўламан» деб, уларни асраб-авайлайдилар, улар учун қадрли. Ўша буюм ёки бирон бир одат муайян шахснинг шахсий қадрияти ҳисобланади. Маъзкур

үйга келин бўлиб тушган қиз учун улар қадрли эмас. Уй йиғиштирганда бу буюмларни кераксиз нарса деб ҳисоблаб, уларни олиб чиқиб ташлаши ҳам мумкин.

Ҳар бир инсон ўз ижтимоий ҳаётининг кўринишларидан бири бўлган «маънавият», «қадрият» деган тушунчалар билан бир қаторда «**маданият**» деган нафис бир ижтимоий ҳодисанинг том маъносини билиши керак. Қуида ана шу атамага таъриф беришга ҳаракат қиласиз.

Луғатларда, маданият — жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий ҳаётида қўлга киритилган ютуқлари мажмуи. Бирор ижтимоий гурӯҳ, синф ёки халқнинг маълум даврда қўлга киритган шундай ютуқлари даражаси, дейилган. Бу таъриф рус тилидаги «культура» тушунчасининг лугавий мазмунига мос бўлиб, лотин тилидаги «культура», яъни етиштириш, тарбиялаш, ривожлантириш маъносидан олинган бўлиб, конкрет бир жамиятнинг муайян бир даврда эришган ишлаб чиқариш кучлари ва маънавиятини, қисқаси ҳаёт тарзини ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, русчадаги культура — муайян жамиятнинг маълум бир даврдаги ҳаёт тарзини кўрсатувчи тушунча. Қўлингиздаги китобда бу ижтимоий воқеликни маънавият деб аниқладиқ. Демак, мустамлакачилик асорати остида бўлган даврдаги ўзбек атамашунослари ва луғатшунослари ўзбек тилидаги тушунчаларни изоҳлашда рус тилида ёзилган луғатлардан унинг айниятини топиб туриб изоҳ берганлар. Ваҳоланки, рус тилидаги кўп тушунчаларни ўзбек тилидан ва ўзбек ҳаётини ифода этувчи баъзи тушунчаларни рус тилидан топиб бўлмайди. Бизнинг фикримизча, ўзбек тилидаги «маданият» тушунчаси рус тилидаги «культура» тушунчасининг мазмунини бермайди. Рус тилидаги «культура» атамаси биздаги ҳаёт тарзи, яъни «маънавият» деган тушунчани кўпроқ ифода этади.

Маънавият — одамларнинг ҳаёт тарзига айланиб кетган билимлари. Қадрият — шахс, оила, жамоа, маълум бир миллат ёки бутун инсоният қалбида алоҳида эътибор қозона олган маънавият ва моддий нарсаларнинг бир тури бўлса, **маданият** — инсоннинг эгаллаган билимлари ва ҳосил қилган тажрибаларига асосланган малакали ҳаракатлари ёки меҳнат фаолиятининг маҳсулидан бунёд бўлган нарсалар бошқаларда завқ уйғота оладиган ижтимоий ҳодисадир.

Кишининг ҳар бир ҳаракати ёки фаолиятининг маҳсули маданият даражасига кўтарилиши мумкин. Мисол учун, одамнинг юриш-туриши, сўзлаши ёки рўзғор юритиши бошқаларнинг

иң завқлантирса, унинг шу юмушларни маданият даражасига күттарғанлыгини билдиради.

Юриш-туриш маданияти, муомала маданияти, нутқ маданияти, касбий маданият ва ҳоказолардан ташқари, одамларда қашқай үйғотиш билан шуғулланувчи маҳсус фаолият турлари ҳам мавжуд. Уларга, **адабиёт ва санъат** киради. Адабиёттинг бир қынчча жанрлари бўлгани каби, санъатнинг ҳам бир қатор турлари мавжуд. Улар кишининг дил торларига таъсири этиб, уни руҳлантиради. Бу билан кишиларга руҳий озуқа бериб, кўнгилли зам олишларига хизмат қиласиди.

**Бадиий адабиёт тил (сўз) воситасида бадиий образлар яратувчи соҳа бўлиб**, шу соҳада яратилган асарлар шеър, наср ва драма деган турларга ажралади.

Лев Николаевич Толстойнинг таърифи бўйича, одамларни қачонлардир завқлантирган ва ўтиб кетган воқеа ҳамда нарсатарни шу кунда сунъий тиклаб туриб, бугун яшाटган кишиларни завқлантирувчи фаолият турига **санъат** деб айтилади. Санъат турларига театр санъати, тасвирий санъат, наққошлик санъати, ҳофизлик санъати ва бошқалар киради.

Маънавият, маданият ва санъатга тааллукли яна бир тушунча борки, уни ҳам билиб қўйиш фойдадан холи эмас. Бу ҳам бўлса **маънавий ва маданий мерос тушунчалари**дир.

Маънавият – кишиларнинг эгаллаган билимлари ва бу билимларнинг ҳаёт тарзига айланганлик даражаси; қадрият – мавзулум бир шахс ёки кишилар гуруҳида алоҳида аҳамиятга эга бўлган маънавият тури; маданият – инсон олган билимларини ҳаётда қўллаётганида бошқаларни завқлантира олиш ҳолати; санъат – авваллари бўлиб ўтган маданият турларидан бирини, шу кунда, сунъий равишда тиклаб, одамларда завқ үйготувчи фаолият тури бўлса, **маданий ва маънавий мерос – аждодлар авлодларга қолдирган маънавият ҳамда маданият ичидаи миллатнинг шу кунига асқотиб турган қисмига айтилади**.

Ота-боболаримизнинг уммондай маънавий ва маданий ханшасидан бизга фақат бир қисмигина этиб келган. Уларнинг кўпилари тарих саҳифаларида қолиб кетган. Сабаби, улар ўз вақтида хизматини бажариб бўлиб, бугунги кунимизга ярамай қолган. Улар фақат **маънавий ва маданий ёдгорлик** сифатида хотирланади. Мисол учун, миллатимизнинг кўрки бўлган парапжи (ёпинчик) ўз даврида зўр қадрият бўлган. Баъзилар парапжи ёпинишни маданият даражасига ҳам олиб чиққанлар. Аммо, бу бизга мерос бўлиб қолмади. У миллатимизнинг маънавий ёдгорлиги. Яна қайта айтамизки, **маънавий ва маданий мерос деган тушунчани, фақат ота-боболаримиздан бизга этиб**

**келиб, бугунги эҳтиёжимизга яраб турган маънавият ва маданият турига писбатан қўлласа бўлади.**

Маънавият, қадрият, маданият, санъат, маънавий ва маданий мерос, маънавий ва маданий ёдгорлик деган тушунчаларнинг том маъносини тушуниб етдик. Шу тушунчалар тизимига кирувчи ва улар билан узвий боғлиқ бўлган яна битта тушунча борки, у ҳам бўлса **«маърифат»**. Куйида шу тушунчани таърифлашга ўтамиз.

Ўзбекистонда чоп этилган изоҳли луғатда ҳам, «маърифат – кишиларнинг онг-билимини, маданиятини (маънавиятини – бизнинг изоҳ) оширишга қаратилган таълим-тарбия» дейилган. Демак, маърифат деб, аждодлар тўплаган билимларни авлоҳларга етказиб бериш йўлида қилинадиган ҳаракатлар мажмуга айтилар экан.

Шу билан бирга маърифатни «билим» деб талқин қилувчилар ҳам оз эмас. Масалан, сўфийлар маърифатни билим маъносида тушунганилар. Баҳовуддин Нақшбанд: «Руҳий камолотнинг асосий мақсади маърифатли (билимли – бизнинг изоҳ) бўлишdir», дейди.

### **1.3. Билим, илм, фан ва таълимот**

Киши маънавияти ва бутун ижтимоий моҳиятининг бирламчи асосини билим ташкил қилишлиги айтилди. Шу ерда, билим ўзи нима? – деган савол пайдо бўлиши табиий. Бу саволга **сипергетикадан келиб чиқиб, билим – бу бир бутунликини, яъни мажмумни ташкил қилувчи қисмлар орасидаги зарурий алоқадорликдир**, деб жавоб берса бўлади. Бу алоқадорлик, мажмунинг тадрижий ривожи жараёнида, уни ташкил қилувчи қисмлар тараққиётининг ички заруриятидан келиб чиққан бўлади. У нарса ва ҳодисаларнинг табиатидан пайдо бўлиб, бизнинг ихтиёrimиздан ташқарида мавжуд. Шунинг учун ҳам, уни қонуният (гоҳо қонун) деб юритилади. Бу ерда бир **бутунлик**, яъни мажму деганда, алоҳида олинган квантдан тортиб, Ер шари ёки бугун Коннотни ҳам тушуниш мумкин. Инсон вужуди ёки унинг бир аъзоси – юз, кўз, қулоқ, оёқ ва бошқаларни; бирон-бир машина ёки унинг қисмлари – гайка, шайба, дўнгалак, дудкарнай ҳам бир бутунлик – мажму бўлиши мумкин. Унга ижтимоий ҳодиса – муҳаббат, нафрат, ғазаб, шафқат ва ҳоказолар ҳам мисол бўла олади. Ҳар қандай бутунлик, албатта, бир неча қисмлардан ташкил топган бўлади. Буни бугун борлиққа мажму ёндашув тамойилидан билса бўлади.

Мана шу бутунликни бутун қилиб турған, унинг қисмлари орасидаги **функционал (зарурий) алоқадорлик**дир. Бу алоқадорлик бўлмаса, ўша нарса ёки ҳодиса бутун бўлиб туролмайди. Зоро, мавжуд бўлмайди. Ўқитувчи, домла ёки бошқа бир киши сизга билим берётганида ёки бирон-бир нарса ё ҳодисани тушунтираётганида уни бутун қилиб турған алоқадорликларини сизга кўрсатиб беради. Масалан, тарих ўқитувчиси бир давлатнинг муайян бир даврдаги тарихини сизга тушунтираёттир. Шунда у, шу мамлакатнинг жойлашган жойи, у жойнинг табиий шароити, у ердаги халқлар маданияти, табиий шароит ва маданиятидан келиб чиқиб, шу давлатда устувор хўжалик турларининг тизими ҳамда давлат бошқарув турини бирматириб тавсифлаб, улар орасидаги узвий алоқадорликни кўрсатиб беради. Чунки булар «мамлакат» деб номланган бир бутун ижтимоий ҳодисанинг моддий ва маънавий қисмларицир. Улар орасидаги функционал алоқадорлик қонуний равишда мавжуд бўлиб, уни билган киши, шу давлат тўғрисидаги билимга яна бўлади. Ёки бошқа мисолни олиб кўрайлик: кимё ўқитувчиси дарсда бир бутун нарса бўлиб ҳисобланган сувни сизга тушунтироқда. Шунда у сув табиий равишда арашашган модда бўлиб, ички кимёвий тузилиши бўйича, икки элемент – «водород» ва «кислород»ларнинг ўзаро зарурий бирикмасидан ташкил топган деб тушунтиради. Уларни ўзаро зарурий бириктириб турган нарса улар орасидаги зарурий алоқадорликнип. Шуларни билсангиз, сувнинг кимёвий тузилишини билдириб бўласиз. Яъни, сув тўғрисида кимёвий билимга эга бўласиз.

**Билим – нарса ва ҳодисаларниң ички заруриятидан келиб чиқсан алоқадорлик бўлиб, биз унга қонуният, қонуц, қонда, ҳусусият, тушунча, таъриф деган атамаларни берганимиз.**

**Нарса ва ҳодисаларда ҳусусият сифатида намоён бўлувчи, уларниң қисмлари орасидаги зарурий алоқадорликнинг кипти гафаккуридаги инъикоси билим дейилади.**

Билиш жараёни ақлий сафарбарлик орқали тафаккур фаолияти натижасида содир бўлади. Ҳар қандай амалий ҳаракатини бошламасдан олдин, бу ҳаракатнинг кечиш қонуниятини, ишни билимини эгаллаб олиш шарт. Акс ҳолда киши ўйлаган миқсадига ета олмайди. Тафаккур фаолияти фикр юритиш жараёни натижасида амалга ошади.

Фикрий жараённинг икки асосий тури мавжуд. Бири рационал тафаккур фаолияти; иккинчиси – муроқаба (ички туйғутар) ёрдамида фикр юритиш. Биринчиси, объектив борлиқнинг ҳусусий томонини ҳис қиласа, иккитиси, тўлқин жабҳаси билан боғлиқ.

**Рационал тафаккур** миянинг чап ярим шарида амалга оширилиб, нарса ва ҳодисларнинг хусусиятларини ифода этади. Кундалик ҳаётимизнинг кўп қисмида, биз айнан шундай тафаккурдан фойдаланамиз. Бундай тафаккур ёрдамида биз бадиий китоб ўқиймиз, телевизор кўрамиз, уй юмушларини бажарамиз, тижорат билан шуғулланамиз. Бунда киши нарса ва ҳодисларнинг хусусий томонларини қисмма-қисм ҳис қилиб, уларни бир-бирига рационал боғлаб туриб англайди. Тасаввух таълимотида бундай билишни **сунна ёки ибрат босқичи** деб юритилади. Бу босқичда киши сезги аъзолари орқали ҳис қилган нарса ва ҳодисаларни тафаккурда акс эттириб, билим эгаллайди. Бу билимларни у ҳаётга **тақлид** қилиш орқали қўлладиди. Бундай жараён кишининг эгаллаб олган билимларини эслаб қолиб, уларни механик равишда бажариши, яъни **ибрат** орқали амалга ошади. Бу йўл билан эгалланган билим **асотир билим** дейилади.

**Муроқаба** ёрдамида фикр юритиш, асосан, миянинг ўнг ярим шарида амалга оширилиб, объектив борлиқ тўлқинини ҳис қиласди. Бундай тафаккур орқали инсон тасаввур қила олади, ҳиссиётга берилади, ният ва ижод қиласди, завқланади, илмий адабиётларни ўқийди, илм билан шуғулланади. Бу турдаги тафаккур ёрдамида инсон объектив борлиқни бир бутунлик – мажму сифатида ҳис қилиб, шу бутунликни ташкил қилувчи қисмлар орасидаги зарурий алоқадорликни идрок эта олади. Бунда инсоннинг мантиқий тафаккури билан биргаликда абстрак тасаввури ҳам фаол қатнашиб, унда ҳис қилган билимларини бошқаларга маълум қилиш иштиёқи пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам тасаввухда бундай билимлар **илмий билим**, **бу босқич эса маърифат** босқичи дейилади.

Шундай қилиб, энг оддий нарсалар устида фикр юритганимизда миянинг иккала ярим шари ишга тушади, ҳар бир нарса ва ҳодисани аввал рационал тафаккуримиз билан ҳис этиб, сўнг тасаввур орқали унинг моҳиятига етиб борамиз. Нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини тушуниб етиш учун анчагина ақдий қувват сарфланиб, муайян вакт зарур бўлади.

Миянинг қоқ ўртасида диагонал бўйлаб жойлашган текисликда рационал ва муроқаба тафаккурлар кесишади. Бу икки тафаккур ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, барча ўй-фикрлар ана шу текисликда кечади.

Миянинг чап ярим шари тананинг ўнг томонини назорат қилиб турса, ўнг ярим шари чап томон фаолиятини кузатиб туради. Шунинг учун ҳам энг кучли ҳис-туйғулардан ҳисобланган севги миянинг ўнг ярим шарида пайдо бўлиб, чап то-

мондаги юракни безовта қилади. Шу боиз ҳам биз ўнг қўй билан ёзамиз, чунки бу рационал ҳаракат бўлиб, миянинг чап ярим шари томонидан бошқарилади. Юқорида айтилганлар шу замон руҳиятшунослик илм-фанининг тадқиқот натижалариридан.

Қадимги юонон файласуфи **Демокрит** (м.авв.460–360) қўйидаги фикрни башорат қилиб айтиб кетган: «Билишнинг икки кўриниши мавжуд. Уларнинг бири туйғулар воситасида билиш, иккинчиси тафаккур ила билишдир»<sup>8</sup>.

Юқорида келтирилган тафаккурнинг икки тури орқали билим эгаллашдан ташқари, тасаввуф таълимотида унинг учинчи тури мавжуд экани исботланган. Бу **урфон ёки тасаввуф босқичи дейилиб, унда билим тошиш учун руҳ сафарбар этилади**. Яъни ички ҳиссиятни ишга солиб, илҳом орқали билим аниқланади. Бундай билимни **ботипий билим** дейилади.

Тасаввуф таълимотининг таъкидлашича, инсон Коинот хожаси бўлган Ҳақ таолонинг фаолият маҳсулни бўлиб, вужудида табиат ва жамиятдаги бор бўлган жами билимлар мужассамланган. Ниманики билмоқчи бўлсант, ўзингга, яъни руҳнингга мурожаат қил, дейилади тасаввуфда. Мутасаввуф шоир айтганидек:

*Бир сават ширмой нон турар бошингда,  
Тилайсан бирордан бурда нон нечун?  
Кишилар эшигин тақиллатгунча,  
Қоқсанг-чи, эй нодон, дилинг эшигин!*

Бу босқичда билимни эгаллаш усуллари руҳ фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, маҳсус руҳий машқларни, шу жумладан, илоҳий китобларнинг ояларини қайта-қайта тақорглаш (зикр қилиш) йўли билан руҳни мақсад сари сафарбар қилинади.

Кишининг маълум бир мақсад сари қилган ҳаракати фаолият экан, ҳар қандай фаолиятнинг пировард мақсади ё шахсий, ёки жамоа, ёхуд бутун жамиятнинг қандайдир эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган бўлади. Кишининг олдига қўйган мақсадига қараб, у инсоннинг комиллик босқичларидан қанчалик кўтарилганини билса бўлади.

Жамиятнинг турли-туман эҳтиёжларидан энг асосийларидан бири **билимга бўлган эҳтиёждир**. Бунинг боиси қўйидагилардан иборат.

<sup>8</sup> Ҳақиқат мезонлари. 96 мумтоз файласуфлар. – Т. «Янги аср авлоди», 2002. 68-б.

**Биришчидаи**, соғлом инсон мияси табиий ҳолатда тинмай билим олиш эҳтиёжини сезиб туради. У мия ҳаёти мавжудлигининг шароитидир. Тирик жон қимирлаши шарт бўлгани каби, тирик миянинг ҳам, фикр юритмай иложи йўқ. «Билим инсон онги ва руҳининг озуқасидир», деган гап бор. Гегелнинг айтишича, «энг жиддий эҳтиёж ҳақиқатни билишга бўлган эҳтиёж саналади»<sup>9</sup>. Атрофимизни ўраб турган табиат ва ижтимоий ҳаёт жумбоқлар билан тўла. Бу жумбоқларни ечишга интилиш, яъни уларнинг сир-асрорига етиб бориш, уларни бир бутун қилиб турган, уларнинг қисмлари орасидаги зарурий алоқадорликни – ҳақиқатни англаш, инсон зотининг зарурий эҳтиёжларидан биридир. «Ҳақиқат олий шарофатдир», дейилган «Авестода». Зотан ҳақиқат – билим буюк мўъжиза. У асрлар мобайнида инсониятнинг олий мақсади, инсон қадр-қимматининг мислсиз ўлчови бўлиб келган. Одамлар ҳар дақиқада ҳақиқатга интиладилар ва ундан нажот излайдилар. Ҳақиқат адолатга, шарофатга элтадиган буюк қудрат. Ана шу қудратга эришиш одамнинг доимий эҳтиёжидир.

«Ашаҳ (тўғрилик) – ҳақиқат энг гўзал ва фаровонлик моясиdir. Дуруст амали, энг яхши хоҳиши – бу Ашаҳ – Ҳақиқат» – дейилган «Авестода»<sup>10</sup>.

**Иккисидаи**, ҳар қандай одам руҳий хотиржамлиги тўғрисида қайғуради. Руҳий хотиржамликни эса фақат билим бера олади. Беҳуда хавотирланиши ва руҳ нотинчлиги кишининг билимсизлигидан ёки қилиб қўйган гуноҳлари ҳисобига бўлиши мумкин. Билими ошган сайин инсон тафаккури кенгаяди. Кенгтайган тафаккурга дунё кенг туюлади, тор тафаккурда, у тор бўлиб, руҳнинг безовта бўлишига сабаб бўлади. Дунё кўзинга тор бўлиб туолгандан ортиқ баҳтсизлик бўлмаса керак.

Авестода таъкидланганидек, одамлар қалбидаги эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик туйғуларининг ўзаро курашида яхшилик таҳтанаси ҳамда эзгулик ғолиблигини таъминлашига одамларда маънавий қудрат, ижобий рағбат ва руҳий даъваткорлик базифасини ўтайдиган нарса – бу билим, яъни ҳақиқатдир.

Яиги юз йиллик ва яиги минг йилликнинг дастлабки пайтларида яшаштган бир вақтимизда ҳаёт, келажак биздан комилликни, инсон сифатидаги стукликни, одамий баркамолликни талаб этмоқда.

Танангизга бир ўйлаб кўринг-а, Куръони каримда яхшилик мақсадида қайд қилинган оятларни, ўзининг тор тафаккури

<sup>9</sup> Гегель. Соч. Том 1., Госиздат, 1930. С. 14.

<sup>10</sup> Авесто. – Т., «Шарқ», 2001. 298-б.

билан, муайян бир шароитдан келиб чиқиб, чала муллалар гомонидан берилган нотўри талқинларга ёки фатволарга ақида сифатида ёпишиб олган, қанчадан-қанча одамларнинг ҳаёт-карига хавф солаётган террорчилар ҳаракати қурбонига айланғанликлари уларнинг билим даражаси ниҳоятда паст эканинигида эмасми? Албатта, шундай! Чунки, Ислом таълимоти намойилларини яхши билган киши, ҳеч қачон бошқаларга ва унига зиён тегадиган ҳаракатлар қилмайди. Қуръони каримда бундай амаллар гуноҳи азим ҳисобланиб. ҳеч қачон кечирилмайди.

**Янги юз йиллик тараққиётида** бутун инсоният тарихида янги кунвр, янги эра бошланган бир пайтда цивилизациянинг муҳим омили сифатида ақл-идрок, бой тафаккур, теран фикр, манавий-ахлоқий поклон ва руҳий хотиржамлик катта аҳамият кисеб этаётганлиги ҳаммага аён бўлиши лозим.

Ҳақ таоло биринчи бор ўз Расулига мурожаат қилиб, – «Эй Мұхаммад, барча мавжудотни) яратган зот бўлмиш Парварди-гориғиз номи билан (бошлаб) ўқинг»<sup>11</sup> – дейди. Бу сурада Алоҳ яна шундай марҳамат қиласи: «Ўқинг! Сизнинг Парвардигорингиз (инсониятга) қаламни (яъни ёзишни), ўргатган уни қарамали зотдир. У зот инсонга унинг билмаган нарсаларини ўргатди»<sup>12</sup>. Демак, Яратганинг қаромати билимдан, ўқишни ўрганишдан бошланган.

**Учинчидан**, фақат билими зиёда инсонгина руҳан тетик бўлиб, имони мустаҳкам бўлади. Имони мустаҳкам одам баҳти ҳисобланади. Баҳтга эса ҳамма интилади.

Олдига қўйган мақсад ва унга етиш учун қилинадиган ҳаракатларнинг ўзига хослигига қараб, фаолиятлар бир қеча турга жўралади. Ҳар бир ҳаракат уч хил фаолият турларидаи ташкил топади. Булар амалиёт, илм, фан ва таълимот.

Амалиёт, бу аниқ шахс, жамоа ёки бутун жамиятнинг муаммияти эҳтиёжидан ҳамда табиий унсур ёки ҳодисанинг обьектини қонуниятларидан келиб чиқиб, уларни мақсаддага буйсунтириш йўлида қилинадиган тартибли ҳаракатдир. Агар амалиётчи бу ҳаракат тартибини (билимини) ва табиий унсур ёки ҳодисанинг хусусият(билим)ларини ҳамда ички қонуният(билим)ларини билиб олган бўлса, у ўз амалиётини билиб ижро ҳолади. Агар бу билимлардан хабардор бўлмаса, уни билувчи шахслардан ёки шу соҳа фанидан олиши мумкин бўлади. Шу соҳа фанидан ҳам топа олмаса, иш бажарилмай, муаммо бўлиб қоялади.

<sup>11</sup> Қуръони карим. 96-сурा, 1-оят.

<sup>12</sup> Қуръони карим. 96-сурা, 3, 4, 5-оятлар.

Табиат, жамият ва онг фаолиятларидаги муаммоли масалаларни мудайян соҳа илми тадқиқотлар олиб бориш орқали ечиб беради.

**Объектив борликдаги ҳар қандай мажмуми ташкил қилувчи қисмлари орасидаги зарурй алоқадорликларни тадқиқотлар олиб бориш йўли билан аниқлайдиган инсон фаолият турига илм дейилади.**

Соҳасидан қатъи назар, ҳар қандай илм ўз тадқиқотларини мудайян бир бутунликка, яъни мажмуга қаратган бўлади.

**Мудайян бир илмнинг тадқиқот олиб борувчи мажмумини, шу илмнинг тадқиқот обьекти дейилади.** Маълум бир илмнинг тадқиқот обьекти деганда, мазкур илм ўз тадқиқотларини қайси мажмуга қаратганилигини тушунмоқ лозим. Мажму деганда оламдаги истаган бир бутун нарсани тушунмоқ лозимлигини эслатиб ўтаман. Аммо ҳар қандай мажму икки ёки уч қисмдан иборат бўлганда ҳам унинг бир неча жабҳа ва хусусиятлари бўлади.

Ҳар бир жабҳа ва хусусиятни, яъни аниқ бир алоқадорликни алоҳида илм тармоғи ўрганади ва уни шу **илмнинг тадқиқот предмети** дейилади.

Бир обьектни бир неча соҳа илмлари ва уларнинг тармоқлари ўрганиши мумкин. Объект бир бўлгани билан, уларнини тадқиқот предмети турличадир. Масалан: одам бир қатор илм соҳаларининг тадқиқот обьекти ҳисобланади. Чунончи тиббиёт, социология, иқтисодиёт, эргономика, этика, эстетика ва ҳоказо. Бироқ, уларнинг тадқиқот обьекти бир бўлгани билан тадқиқот предметлари турличадир. Жумладан: тиббиётнинг тадқиқот предмети – инсоннинг жисмоний саломатлиги, социологияники – одамларнинг ўзаро муносабати, иқтисодиётники – инсоннинг хўжалик юритиш фаолияти, эргономиканики – ишлаб чиқариш қуроллари билан инсон орасидаги муносабатлар ва ҳоказо.

Тадқиқот обьекти «Мудайян илм соҳаси ёки тармоғи нимани ўрганади?» деган саволга жавоб берса, тадқиқот предмети шу «Ниманинг нимасини, яъни қайси жабҳасини ўрганади?» деган саволга жавоб беради.

Илм соҳаларининг тадқиқотлар олиб боришдан қандайдир мақсади бўлади. Ҳар қандай илмнинг тадқиқот ўтказишдан ягона мақсади, ўрганилаётган обьектда шу вақтгача аниқланмаган хусусият – фанга маълум бўлмаган зарурий алоқадорликни, яъни қонуниятни аниқлаш ва унинг жамиятнинг маълум бир эҳтиёжига хизмат қилишини кўрсатиб беришдир.

Бир бутун нарса – объектни, яъни мажмууни ташкил қилувчи қисмлари орасидаги зарурий алоқадорликни билим дейилар экан, ҳар қандай илмнинг ягона мақсади янги билимларни аниқлаш. Илм аниқлаган билимлар фанга мулк бўлиб қўшилаверади

**Фан** муайян соҳа илми аниқлаган билимларни жамлаб, уларни саралаб, маълум бир тизимга солиб туриб, бошқаларга ўргатидиган инсон фаолият туридир. Фанлар ўрганиш объектига қараб, қуидаги гуруҳларга ажралади: табиий фанлар – табиат сирлари мажмуини; ижтимоий фанлар – жамият ҳаётидаги билимлар мажмуини; иқтисодий фанлар – жамиятнинг хўжалик юритиш сирлари мажмуини; сиёсий фанлар – бошқарувчи гуруҳларнинг уларга тобе ҳалқ билан кечадиган муносабатлар қонуниятлари мажмуини; техник фанлар – инсон бунёд этган машина ва мосламалардаги билимлар мажмуини; гуманитар фанлар – инсоннинг руҳий ҳолатида кечадиган қонуний ҳодисалар мажмуини ташкил қиласди.

Мана энди, «**билим**» нима ва у ҳар қандай мажмууни ташкил қилувчи қисмлари орасидаги зарурий алоқадорлик эканини билдиқ. Бу алоқадорлик зарурийми ёки нозарурми, уни аниқлаб берадиган, яъни билимни аниқлайдиган инсон фаолияти «**илм**» экани ҳам бизга аён бўлди. Инсоният тарихида илм аниқлаган сон-саноқсиз билимларни турига қараб саралаб, тартибга солиб, уларни бошқаларга бериш учун тайёрлаб берувчи инсон фаолият соҳаси «**фан**» эканини ҳам билдиқ. Аниқланиши зарур бўлган навбатдаги тушунча «**таълимот**».

Лугатларда «таълимот» тушунчасига қуидагича таърифлар берилган:

- йирик мутафаккир ёки аллома олимнинг муайян масала ёки воқелик тўғрисидаги қарашлари, билимлар тизими;
- объектив борлиқдаги муайян ҳодиса тўғрисидаги назарий билимлар тизими;
- фан соҳалари, ижтимоий ҳаёт, жамият ва шу кабилар ҳақидаги илмий қарашлар, назарий хulosалар мажмуи;
- кўрсатма, йўл-йўриқ, ўргатув;
- муайян соҳадаги ҳаракатлар асосий тамойиллар йиғиндиси.

Келтирилган таърифларни таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, биринчидан, барча таърифларда таълимот муайян бир масала устидаги билимлар мажмуи эканини аниқлайдиз. Иккинчидан, бу билимлар илмий асосланган бўлиши ёки йирик алломанинг ботиний билимларидан фойдаланиб қилган хulosавий қарашлари ҳам бўлиши мумкинлигини кўриб турибиз.

Учинчидан, маълум бир соҳада тўплланган билимлар асосида қилинадиган ҳаракатларнинг тамойиллар йифиндиси эканини, уларни кўрсатма, йўл-йўриқ сифатида қабул қилиш лозимлигини ҳам англадик.

Хуроса қилиб, «таълимот» тушунчасига биз тузган қуидаги умумлашган таърифни бериш мумкин:

Таълимот, бу маълум бир масала ечими устидаги, пайғамбар, авлиё ёки йирик мутафаккир олимларнинг ботиний билимларига асослашган ёки муайян фандаги қонуниятлар билан исботланган, аммо амалиётда синаб кўрилмаган шу соҳада фаолият кўрсатувчиларга кўрсатма йўл-йўриқ вазифасини ўтайдиган билимлар мажмуудир. Бошқача қилиб айтганда, бир неча концептуал фикрларни ўзаро мантиқан боғлаб туриб, маълум бир эзгу мақсадга йўналтирилган foялар мажмуини таълимот дейилади. Ҳар қандай таълимот амалиётда синаб кўрилгач, у назария мақомига эга бўлади. Баъзилар, концепция ва унинг йифиндиси бўлган таълимотни, амалиётда синаб кўрмай назария деб ҳам юритадилар. Буни Карл Маркс таълимотида кўришимиз мумкин. У ўз таълимотини яратган, холос, уни амалиётда синаб кўрилмаган. Бу таълимотни назария деб ҳисоблаб, у ўзгаришсиз ҳаётга қўлламоқчи бўлишди. Натижада дунё ҳамжамияти олдида шарманда бўлинди.

#### **1.4. Тахмин, гипотеза, концепция, амалиёт ва назария**

Юқорида инсоннинг бошқа жонли мавжудотлардан фарқи, унда табиий равишда пайдо бўладиган ё биологик (емоқ, ичмоқ, иссиқ-совуқдан сақланмоқ, ухламоқ, насл қолдирмоқ ва бошқалар), ёки ижтимоий (билим олмоқ, севмоқ-севилмоқ, эстетик лаззатламоқ ва ҳоказо) эҳтиёжларини қондириш учун ўзига аниқ бир мақсад қўяди ва бу мақсадни амалга ошириш учун аниқ режа тузади, дедик. Эҳтиёж пайдо бўлгандан, то уни қаноатлантирувчи мақсад кўрсаткичлари билан унга эришиш режаси маромига етгунга қадар инсон фикрининг тадрижи қуидаги босқичлардан ўтади.

**1-босқич – тахмин.** Бу босқичда киши ўзида пайдо бўлган муайян эҳтиёжни қондириш зарурмай ёки зарур эмасми деган масала устида мулоҳаза юритади. Мулоҳазали одам бу масала юзасидан чукур фикр юритиб, барча мусбат ва манфий томонларини ақл тарозисига солиб кўради. Бир қатор мулоҳазалардан кейин бу эҳтиёжни қондириш зарур ёки ҳозирча зарур эмас, деган қарорга келади. Қондириш зарур эмас деган қарорга келса, шу йўналишдаги фикр жараёни тўхтайди. Қондириш

ерек деган қарорға келса, бу қарор әхтиёжни қондириш йүлиғи қўйилган биринчи қадам ҳисобланади ва у тахмин деб юмланиади. Мулоҳасиз одамлар эса әхтиёж пайдо бўлиши бинан, унинг устида мулоҳаза юритмай, тахмин ҳам қилмай, уни ғондиришга киришадилар. Масалан, концерт залида ўтирган ишида созанда ёки қўшиқчининг ижросидан туйғуси тошиб, ғийғиргиси келиб қолиши мумкин. Мулоҳазасиз одам – «Яша» леб қийқириб юборади. Мулоҳазали одам эса, ахир мен жамоат жойидаман-ку, деб ўз туйғусини очпқасига ошкор қилимади.

**2-босқич – гипотеза.** Бу босқичда кишинда пайдо бўлған әхтиёжни қондириш тўғрисидаги тахминнинг хомаки мақсади ва асослари тузилади. Масалан, ўғлингиз балоғат ёнига етган дейник. Сизда уни уйлантириш әхтиёжи пайдо бўлди. Сиз мулоҳазали киши бўлганингиз учун бу масала устида чуқур фикр юритиб, боланинг онаси билан маслаҳатлашиб, болангизни уйлантиришга қарор қиласиз. Бу ҳали тахмин. Тахминнингизни асослаш учун уйлантириш жараёнини босқичма-босқич, бўлғуси келинни ва бошқа бир қатор шарт-шароитларни кўз очингизга келтирасиз, уларни ўзингиздаги шароитлар билан сочинигириб, тартибга келтирасиз. Шундан кейин хаёлан (ўзинтича) тўй қиласа бўлади, деган қарорга келасиз. Бу гипотеза – фиразия. Бу мақсадингизни амалга оширишнинг жуда ҳам хом тахмини эмас, хаёлий бўлса ҳам асосланган, ҳақиқатга яқин, ҳуракатингизга дастак бўладиган тахмин. Тахмин билан гипотеза бир-бирига яқин ва ўхшаш бўлгани билан фарқи ҳам бор. Қўнчилик тахминни гипотеза билан алмаштириб, синоним сифатида ишлатади. Бу нотўғри. Гипотеза тахминга ишбатан бир ифона юқори турадиган фикр шакли. Бу йирикроқ иштарда, айниқса, илмий тадқиқот ишларида яққол билинади.

**3-босқич – концепция.** Мақсадга етишишнинг хомаки тахминини маълум бир далилларга суюнган ҳолда хаёлан асосланингиз, яъни тахминни гипотезага айлантирдингиз. Энди буни ишмий асослаб берингиз керак бўлади. Илмий асосланган етганда, ҳар қандай ҳаракатнинг гипотезасини шу соҳада мавқуд турғун қонун-қоидалари билан исботлаб беришликка айтилади. Масалан, ўғлингизни уйлантиришга қарор қилдингиз, бу тахмин. Тахминнингизни хомаки асослаб, гипотезага айлантирдингиз. Энди оиласингиз билан ўтириб, қўлга қоғоз ва қалам олиб, юқори масъулият билан жамиятда қонун-қоидаги айланган, тўйга керак бўладиган нарсалар рўйхатини тузиб, уларга ва бошқа қўшимча ҳаражатларга кеталиган маблағни ҳисоблаб чиқасиз. Ундан ташқари, бўлғуси келинни қарини-

дош-уруғ ва таниш-билишлар ичидан излаб, мүлжаллаб ҳаң күясиз. Айтайлик, қыз ҳам тайин, маблагингизни ҳисобласан гиз у ҳам етадиган, келин туширадиган үй-жойнитиз ҳам бор. Бу дегани ўғил үйлантиришнинг концепцияси тузилди. Шу билан ўғил үйлантиришдаги фикр юритиш жараёнида уч қадаң илгариладингиз.

Тўй ҳаражатларини асослаб, ҳисоб-китоб қилганда ёки келин туширадиган жойингизни мүлжаллаб кўрганда ўйлағ қўйған гипотезангизга тўғри келмаслиги мумкин. Шунда ё гипотезани ўзгартирасиз, ёки ўғил үйлантириш жараёни гипотезадан концепцияга ўтмай, ўз босқичида қолиб кетади. Бу мисолимиз жуда оддий бўлиб, айтиб ўтилган жараёнлар мураккаб, катта маблағ талаб қиласидиган нарса ва ҳодисалар мисолида ўзини жуда яхши намоён қиласиди. Оддий эҳтиёжлар ва уларга эришадиган фикрлар тадрижи жуда қисқа бўлиб, бир вақтнинг ўзида ҳам тахмин қилишингиз, кетидан уни дарроға гипотезага, сўнг концепцияга айлантиришингиз мумкин. Шуннинг учун ҳам кундалик ҳаётда пайдо бўладиган эҳтиёжларни қондиришдаги фикр юритиш жараёнида тахмин, гипотеза ва концепция деган тушунчалар ишлатилмайди. Ваҳолапки, бу жараёнларда ҳам тахмин, гипотеза ва концепция босқичлари аслида содир бўлади.

Мураккаб ва кўп ҳаражат талаб қиласидиган эҳтиёжларни қондириш учун ҳаракат режасини тузиб, айниқса, илмий тадқиқот ишини бошламасдан олдин, бу босқичлардан ўтиш катта аҳамият касб этади.

Бунда уларнинг орасидаги вақт масофалари ҳам узун бўлади. Масалан, бир илмий тадқиқот ишининг гипотезасини тузиш учун ойлар кетади, концепциясини яратиш учун эса йиллар керак бўлади. Кўп вақт ва анча кувват ҳамда катта маблағ талаб этиладиган ишларнинг, албатта, аввал гипотезаси тузилади, сўнг уни мутасадди одамлар қўригидан ўтказиб, тасдиқланиб олинади. Ундан кейин ҳаракат жараёнининг илмий асосланган концепцияси тузилади. Шундан кейин бу ишни амалиётда қўлласа бўлади.

Концепция тузилиб, уни мутахассислар иштирокида маъмурият қўригидан ўтказиб, тасдиқлатиб олинганидан кейин, бу ишга маблағ ажратилади ва ишлар бажарилиш жадвали тузилади. Шундан кейин амалиётни бошаласа бўлади.

**4-босқич – амалиёт.** Концепциядаги foяларни амалга оширувчи одам, авваламбор, шу касбнинг малакали кишиси бўлиши, муайян ишнинг концепциясини яхши билиши шарт. Малакали деганда муайян касбда мавжуд қонун-қоидалар ва би-

лимлар тизимини яхши билиб, уларни күнкимасидан ўтказиб, малакасига айлантириб улгурган одам тушунилади. Малакали мутахассис, «Бу қандай эди? Мана бунда нима қилиш керак эди?» деб ўйланиб ўйирмайди, у барча ҳаракатларни билиб туриб тез ва сифатли бажаради.

Бу ерда шуни айтиб ўтиш жоизки, концепция – у қанчалик илмий асосланған ва мутахассислар күргидан ўтган бўлмасин, унда билдирилган фикрлар, тутилган йўл ва нуқтаи наъарлар қотиб қолған ақидалар эмас, улар албатта амалиётдан ўтаётганида тўғриланиб, маромига етказилади. Амалиёт – ҳақиқат мезони деган иборани унутманг.

Концепцияда ҳар томонлама ўйлаб илмий асосланған ҳолатлар амалиётдан ўтаётганида ўзгариши мумкин. Амалиётдан муниффақиятли ўтган концепция назарияга айланади.

## 1.5. Усул, услуг ва методология

Инсоннинг бошқа маҳлуқотлардан фарқи, унинг маълум бир мақсад сари ҳаракат қилишида экан, мақсадига етишиш жараёнида у бир қатор табиий ва сунъий тўсиқларни енгиб ўтади. Бу тўсиқларни бартараф қилишида ҳар бир тўсиқка ўзига яратша чора-тадбирлар қўлланилади. Энг одий мисол: хонада ўтирибсиз, хона ҳавоси димиқиб кетиб, сизда хонага тоза ҳаво киригтиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Бунинг учун қисқа муддатли мулоҳаза юриттандан кейин, сизда дераза табақасини очиб қўйиш мақсади ҳосил бўлади. Бу мақсадни рўёбга ошириш учун, аввалимбор, ўрнингиздан турасиз. Ўрнингиздан туриш жараёнида устингиздан босиб турган тик ҳаво босимини енгизингиз шарт. Бу табиий тўсиқ. Маълум миқдорда куч сарфлаш ўрнингиздан турдингиз дейлик, энди йўлинигизда қарини турган, ётиқ ҳаво тўсиғини енгиб, дераза томон юришингиз керак. Бу ҳам табиий тўсиқ. Уни ҳам енгиб, дераза ёнига борлингиз. Очаман деб дераза тутқичига қўл узатсангиз, қўлингиз стмади. Сабаби, сиз билан дераза орасида турган стол халақит бермоқда. Бу сунъий тўсиқ. Бу тўсиқни бартараф қилини учун ҳам қандайдир чора қўллашингиз шарт. Столни «олиб қўйини» чораси билан тўсиқни бартараф этдингиз ва дераза тутқичидан ушлаб, тортиб табақасини очиб қўйдингиз. Тоза ҳавога бўлган эҳтиёжингизни қондирдингиз.

Энг одий мақсад – хонага тоза ҳаво киритиш учун «турни», «юриш», «олиб қўйини», «ушлаш» ва «тортиш» деган чоралардан фойдаландингиз. Энди фараз қилингки, хонтахта

ясашни мақсад қилиб олдингиз. Бунинг учун тахтани олиб ўлчайсиз, қирқасиз, тиласиз, рандалайсиз, жипс рандадан чиқарасиз, тешиклар ўринларини белгилайсиз, ўясиз, яна арралайсиз, елимлайсиз ва ҳоказо бир қатор дурадгорчиликда қўлланиладиган чора-тадбирлардан фойдаланаисиз. Юқорида келтирилган мисоллар жуда оддий амалий мақсадларга етишиш учун қўлланиладиган чора-тадбирлардир. Ўқув ёки илмий мақсадларга етишиша эса юзлаб чора-тадбирлар қўлланилади.

### ***Мақсадга етишишда муайян тўсиқни енгиш учун қўлланиладиган чора-тадбир усул дейилади.***

Дераза очишида оддий усуллардан, хонтахта ясашда касбий усуллардан фойдаланган бўлсангиз, тадқиқотлар олиб боришида илмий усуллардан, билим беришда педагогик (маърифий) усуллардан, жамиятни бошқаришида эса сиёсий усуллардан фойдаланилади.

Кўриб турганимиздек, мақсадга етишида қўлланиладиган усуллар, маълум бир кетма-кетлиқда ижро этилмоқда. Дераза табақасини очиш мисолида — ўрнингиздан турмасдан юриш амалини бажара олмайсиз, дераза ёнига бормасдан, унинг тутқичидан ушлай олмайсиз ва ҳоказо. Хонтахта тайёрлашда ҳам тахтани ўлчаб олмасдан туриб, уни қирқолмайсиз. Ахир, қаеридан қирқишини билиш керак. Тахтадан керакли узунликда қирқиб олмасдан туриб, уни керакли ўлчамда тила олмайсиз ва қирқиб тилмасдан туриб, уни рандалай олмайсиз ва ҳоказо. Демак, мақсадга етиши учун унда қўлланиладиган чора-тадбир (усул)ларни маълум бир кетма-кетлиқда бажариш шарт экан. Бу қонуният. Буни ҳам билиб олишлик жоиз.

Мақсадга етишиши жарёнида бир неча. гоҳо ўнлаб-юзлаб тўсиқларни енгишга тўғри келади. Бу тўсиқларни енгиш учун тегишили усуллар тизими кўлланилади.

### ***Мақсадга етишида қўлланиладиган усуллар тизимини услуг (йўл) дейилади.***

Мақсадга етишдаги қўлланиладиган усуллар тизимини турли фаолият соҳаларида турлича атамалар билан номланади. Бу саноат ишлаб чиқаришида — технология, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида — агротехнология, ўсимлик-шунослиқда — биотехнология, тасаввуфда — тариқат, яшаш йўлини ифода этганда — шариат, мусиқада — йўл деган тушунчалар билан ифодаланади.

Мақсадга етишдаги учрайдиган тўсиқларни бартараф қилишда қўлланиладиган усуллар маълум бир услугда қўлланиш жараёнида, кишининг ҳар бир ҳаракати мақсад кўрсаткичларига бўйсундирилади. Яъни мақсад кўрсаткичлари унга қай йўналишида ҳаракат қилишлигини белгилаб беради. Шу

шылдан бирга, ҳаракат жараёнида, бизнинг ихтиёrimиздан ташқари ишлайдиган қонуниятларга ҳам амал қилиб ҳаракат ижро қилиниши шарт. Акс ҳолда, кўзланган мақсадга етиб бўлмайти. Мақсадга етиш жараёнидаги мақсад кўрсаткичлари билан шу жараёнда ҳукм сурувчи қонуниятлар, шу ҳаракатнинг тамоиллари дейилади.

*Киши мақсад сари қиласидиган ҳаракатида унга тамойил ватифасини бажарувчи мақсад кўрсаткичлари билан шу ҳаракат даниомида амал қилиниши шарт бўлган қонуниятлар мажмуи-зи методологик асос дейилади.*

Бу таърифларни бир неча мисоллар орқали батафсилироқ тушунитириб берамиз. Юқорида келтирилган дераза табакаси-ци очиш ва хонтахта ясаш мисолларини олиб кўрадиган бўлсак, чегрязани очишда бизга тамойил (методологик асос) бўлиб, тоза ҳаво кўрсаткичлари билан дераза томон юрганимизда амал қилиниши лозим бўлган қонуниятлар хизмат қиёди. Тоза ҳаво кўрсаткичлари деганида – чанг йўқ, ҳар турли газлар (ислар)сиз, салқин ҳаво тушунилади. Дераза томонга юрганда амал қилиниши лозим бўлган қонуниятларга «хушёрлик», «эҳтиёткорлик» қоидалари тамойил бўлиб хизмат қилиши мумкин. Фарзан қилайлик, тоза ҳавога эришиш мақсадида деразани очдингиз, очсангиз ташқаридан қандайдир ёмон ис ёки чанг кириб телмоқда. Методоогик асосингизга тўғри келмагани учун, деразанини дарров ёпиб қўясиз. Дераза томон юрганингизда «эҳтиёткорлик» тамойилига, яъни методологик асоснинг иккинчи қисмига риоя қилмасангиз, қош кўяман деб, кўз чиқариншинги мумкин. Яъни хонага арзимаган тоза ҳаво киритаман деб, ҳам иштесизлик натижасида бирон-бир нарсани синдириб ёки ташқарип юборишингиз мумкин. Хонтахта ясаш мисолини оланини бўлсак, хонтахта ясалаш жараёнида қўлланиладиган ҳар бир чора-тадбир (усул) хонтахтанинг ўлчамларидан, фасони-цини келиб чиқиб амалга оширилади. Хонтахтани ясаётганингизда маҳсулотингизнинг умумий шакли ва бошқа ўлчамлари, шакли кўрсаткичлари кўз олдингизда намоён бўлиб туради. У шаклининг ҳаракатингиз учун йўлчи юлдуз, яъни методологик асос вазифасини ўтайди. Ундан ташқари, хонтахта ясаладиганда дурадгорчиликда мавжуд қонун-қоидаларга амал қилмай оғимайди. Масалан, тахтани бўйидан қирқиб олишда албатта қўйилаланг арра, уни рейка қилиб тилишда бўйлама аррадан фойдаланасиз. Бу дурадгорчилик қоидаси. Ундан ташқари, дурадгорчиликда касбий қонун-қоидалар жуда кўп. Хонтахта дурадгор маҳсулоти бўлгани учун, уни ишлаб чиқаришда дурадгорчиликда мавжуд қонун ва қоидаларга тамойил сифати-

да амал қилишингиз шарт. Бу унинг методологик асосларидан бири ҳисобланади.

Ҳар қандай жамият ва унинг аъзоларининг энг умумий мақсади бўлади. Шу билан бирга, ҳар қандай ижтимоий грухнинг ўзига хос умумий мақсадлари ҳам мавжуд. Масалан, тиббиёт ходимларининг умумий мақсади одамлар соғлигини сақлаш, дурадгорлик касбидаги ижтимоий грухнинг умумий мақсади, одамларниң ёғоч буюмларига бўлган эҳтиёжини қондирин ва ҳоказо. Ундан ташқари, ҳар бир шахсда ўзига яраша шахсий мақсадлар мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир шахснинг, ҳар бир ижтимоий грухнинг ва ҳар бир миллатнинг ўзига яраша мақсадлар мажмуй бўлади. Миллат олдига қўйилган мақсадлар ҳар бир ижтимоий грух ва ҳар бир шахс учун энг умумий методологик асос вазифасини ўтайди. Ижтимоий грух олдига қўйилган умумий мақсад, шу ижтимоий грух

вакилларига умумий методологик асос ва ҳар бир кишининг ўз олдига қўйган мақсади, унинг учун хусусий методологик асосдир.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, ҳар бир кишининг ҳаракат қилиши учун, бир вақтнинг ўзида, энг умумий, умумий ва хусусий методологик асослардан бирдай келиб чиқиб, ҳаракатни амалга ошириш лозим экан. Ундан ташқари, ҳар қандай методологик асос икки қисмдан ташкил топган бўлиб, бири — мақсад кўрсаткичлари, иккинчиси — муайян мақсадга етишда объектив мавжуд қонуниятларга тамойил сифатида суюнинш.

*Жамиятнинг олдига қўйган мақсадининг асосий кўрсаткичлари ва фалсафанинг умумий қонуниятлари бутун жамият, унинг ижтимоий грухлари ва ҳар бир аъзосининг фаолияти учун энг умумий методологик асосдир.*

Ҳар бир соҳада мавжуд мақсад ва уларнинг кўрсаткичлари ҳамда шу соҳада ҳукм сурувчи қонуниятлар шу соҳа билан шуғулланувчилар учун умумий методологик асосдир.

Муайян фаолиятнинг энг умумий ва умумий мақсадлари ҳамда қонуниятлари билан бирга, шу фаолиятнинг ичida қисқа муддатли мақсад ва унинг кўрсаткичлари ҳамда тармоқ қонуниятлари ҳам бўлади.

*Кишилар ўз фаолиятида қисқа муддатли мақсад кўрсаткичлари ва тор соҳадаги қонуниятларга амал қилишларини хусусий методология дейилади.*

Одамлар ҳар қандай фаолият билан шуғулланаётганда энг умумий, умумий ва хусусий методологиялардан бирдай келиб

чиққан ҳолда ўз ишларини амалга оширишлари шарт. Акс ҳолда, қилган ҳаракатлари зое кетади. Дарҳақиқат, киши қилаётган ҳаракатининг якунида нимага эришишини ва бу ҳаракат жараёнида мавжуд объектив қонуниятларни билмаса ҳамда улардан келиб чиқмаса, бу ҳаракатни амалга ошира олмайди ва ҳаракат қилгани билан ҳеч нарсага эриша олмайди. Чунки мақсад кўрсаткичлари ноаниқ. Ноаниқ нарсага интилиб ҳаракат қилган одам ноаниқ нарсага эришади. Тасодифлар бундан истисно, албатта.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, ўзига педагогик фоалиятни қасб қилган одам, педагогиканинг энг умумий, умумий ва хусусий методологияларини яхши билиб олиши лозим бўлади. Уларни китобимизнинг навбатдаги саҳифаларида кўрсатиб ўтамиз.

## **2. Квант назарияси бўйича дунёқараш**

### **2.1. Квант назарияси ва синергетика**

XX аср ўрталаригача, қарийб икки аср мобайнида, барча турдаги олимлар Ньютоннинг механик дунёқарашига лол бўлиб, физиканинг механика қонунларидан келиб чиққан ҳолда, ўз назария ва таълимотларини яратдилар. Бу фояга биноан бутун дунё ва унинг унсурлари яхши созланган машина кабидир. Уларни ўрганиш учун ҳар бирини қисм-қисмларга бўлиб ўрганиши лозим дейилган. Инсоният тафаккури тараққиётининг маълум бир босқичидан, шундай қилишлик тўғри бўлган бўлиши керак. Бу фояни нафақат физик, кимёгар ҳамда биологлар, балки жамиятшунос олимлар ҳам уни ўз фаолиятларига методологик асос қилиб олган эдилар. Буюк француз ва Россияядаги Октябрь инқилоблари айни шу фоя асосида амалга ошган. Бу фоя бўйича жамият улкан бир машина каби тасаввур этишиб, уни яхшилаб созланса, у бехато фаолият кўрсатишни мумкин. Инқилоб раҳнамоларининг фикрича, капиталистик турум бу машинани ишдан чиқариб қўйган. Уни созлаш учун тарихий шаклланиб қолган машинани бутунлай сочиб, кейин уни жамият эҳтиёжига мос равишда янгитдан йиғиши керак, леб ўйлаганлар. Бунинг учун эса жамиятда инқилобий ўзгаришларни амалга ошириш фикрини илгари сурғанлар ва Ер шарининг учдан бир қисмида буни амалга оширганлар. Аммо, энг адолатли ҳакам – вақт бу фоя нотўғри эканини исботлади. Ҳаёлий социалистик тузум, қанчалик чиройли кўринишга эга бўлишига қарамай, ўз-ўзидан нураб кетди.

«Оламга механик қарашни шакллантириб, бизнинг тафак-куримиз билан ҳиссиётимиз, руҳимиз билан танамиз, ўзимиз билан жамият ва жамият билан бутун табиат орасига пона уриб, уларнинг бир-биридан ажralиб қолишига физиклар сабабчи», дейди америкалик физик олим Дэвид Пид. Ньютоннинг концепцияси бўйича, бутун борлиқ майда қисмлардан ташкил топган бўлиб, ўзаро боғлиқдир. Дунёда содир бўладигаи барча нарса ва воқеликларни олдиндан англаб, уларни билиб, мақсадга мос равишда ўзгартирса бўлади, деб ўйлаган Ньютон. Даставвал, сайёралар ҳаракатини илмий асосда кўрсатиб беришни мақсад қилиб қўйган бу foя инсониятнинг икки юз йиллик ҳаётига жуда катта таъсир этиб, жамият ва одамларни табиатдан ташқарига чиқариб қўйди. Инсон табиатга четдан туриб қарайдиган бўлиб, унинг ҳукмдорига айланиб қолди. Бу позицияда, механик дунёга четдан қараган ҳолда ёндашиб, уни ўзимизга бўйсундирмоқчи бўлдик. Натижада, тирик коинотнинг ажralмас аъзоси бўла туриб, ўзимизни ундан ажратдик. Инсониятни табиатдан, инсон руҳини танасидан, ақл-шуурини ҳиссиётидан бегона қилиб, ажратиб ташланди. Шу туфайли инсоният икки юз йил давомида қарама-қаршилик кайфиятида яшаб келди. Бу қарама-қаршиликларни фақат куч билан бартараф этиш мумкин, деган фикрга ишонган ҳолда коинотда етим (ожиз) бўлиб қолдик. Ўзини ёлгиз ҳис қилган одам доимо қўрқувда ҳаёт кечиради. Қўрқув эса имонсизлик белгисидир. Қўрқувни фақат билим енгади ва имонни мустаҳкамлайди. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз Мұхаммад (сав): «Мўмин ва мўминалар, билимни бешикдан қабргача эгалланглар» деганлар.

Ҳамма нарсадан қўрқиб яшайдиган ожиз одамлар, ўзларининг тинчлигини кафолатлаш мақсадида, тинмай дунё йигадилар ва қуролланадилар. Бу фикрда мустаҳкам турганлар ҳали ҳам жуда кўп. Аммо, уларнинг барча ҳаракатлари зое кетади, бу билан уларнинг дили таскин топиб, тинчлиги кафолатланмайди. Зудлик билан бу позициядан воз кечиб, билим эгаллашлари, дунёқарашларини ўзгартиришлари ва имонларини мустаҳкамлашлари лозим.

Эндиликда квант назарияси яратилиб, бутун олам нур (квант) тўлқинининг майдони сифатида идрок этилган бир пайтда, оламни яхлит бир жонли мавжудот деб тан олинмоқда. Ундаги барча унсурлар олам деб аталмиш тирик вужуднинг аъзолари экани исботланган. Бу foяга асосан инсон, олам деган гирик мавжудотнинг нутфа уруғи, кичрайтирилган нусхаси сифатида талқин қилинади. «Ўзингни танисанг, Раббингни

танийсан» деган ҳадиснинг маъноси ҳам шу бўлса керак. Унлаи ташқари, Куръони каримнинг «Нур» сурасининг 35-оятила «Айлоҳ осмонлар ва ернинг нуридир, яъни уларнинг барчалини ёритиб, йўқдан бор қилгувчиидир» дейилган. Бу оятдан, Айлоҳ Еру осмонни нурдан яратган бўлиб, ўзи ҳам нур экани маълум бўлиб турибди.

Дунёнинг етакчи олимлари: «Тафаккуримизда содир бўлган, кейинчалик ҳаёт тарзимизга (маънавиятимизга) айланиб кетгани бўлиниш даври тугади» демоқдалар. Квант назарияси шаклниниши билан, классик физиканинг механик назарияси сочиниб кетди ва бизга одат бўлиб қолган дунёқараш ўзгара бошлиди. Кимда-ким ўзидаги механик дунёқарашни ўзгартиргани бўлса, ўзгартирсин. Ньютон физикасининг механик қарашини асосида фикр юритган одам XIX аср ёки XX аср бошлари майнаётгандек бўлади. Афсуски, бундайлар кўпчиликни ташкил этади, чунки бу foя ўта жўн бўлиб, одамлар руҳига сингиб кетган. Албатта, дунёқарашни ўзгартириш иши осон кечмайти. Осон бўлмаса-да, шу йўналишда ҳаракат қилишимиз лошим. Акс ҳолда, жаҳон ҳамжамияти тараққиётидан орқада келиб, бир жойда депсиниб тураверамиз.

Квант назарияси дунёқарашимизга яхлитлик гоясини олиб кирди. Энди биз ўзимизни Коинотдан, руҳимизни танамизми, ақлимиизни ҳиссиётимиздан ажralган ҳолда идрок қилмасдан, инсонни Коинот ичида, унинг ажralмас бир аъзоси · иғфатида кўришимиз керак.

Энди биз табиат ичида туриб, уни мутлақо бошқача идрок қила оламиз. Классик физика асослари ҳам ўзгара бошлади. Энди материя қотиб қолган бир нарса сифатида талқин қилинмиши, у квант майдонининг ҳаракат жараёнидаги бир модели · иғфатида ҳис этилмоқда. Дунёга квант назарияси асосида қараш материяни фикрдан ажralмаган ҳолда, балки уларга бир бутуннинг икки ҳолати сифатида ёндашишни талаб қилмоқда.

Айвалги дунёқарашимиз нотўғри эканлиги аниқ бўлди. Аммо, бу деган сўз, у ёлғон экан дегани эмас. Бу фақат объектив борлиққа ёндашишимиз бошқачароқ, тўлиқ бўлмаган деганиш.

Квант назарияси дунёда ҳозиргача бўлган дунёқарашларнинг энг тўғриси десак, хато қилмаган бўламиз. У субатом ыорралари ва биологик мажмулардан тортиб, галлактика ва сайричар ҳаракатини тўғри, яъни илмий асосда тушунтириб бермоқда.

Бу назарияни биринчи бор Макс Планк билан Альберт Шинштейнлар «Қора ўра» сирини ўрганиш жараёнида яратди-

лар. Улар атомнинг ўзгармаслигини тан олгилари келмай, «Қора ўра»дан тарқалаётган энергиянинг турғунлик сирларини билиш мақсадида «фотонни» аниқладилар. Шундан кейин атом ичидағи электронлар ҳаракатига «квант» (энергия тұлқинининг бир бўлаги) ўлчамини бериб, электрон тұлқинларинин турғунлик сирини билдилар. Радиация майдонлари ва энергия тұлқинларини квант сифатида ўрганишлари жараёнида улар бир вақтнинг ўзида ҳам зарра, ҳам тұлқин сифатида бўлишларини кашф этдилар. Бу эса шу кунгача шаклланган дунёқарашнинг бутунлай ўзгариб кетишига олиб келди. Шу йўл орқали «Квант назарияси» ва унинг таркибий қисми сифатида «Квант механикаси» яратилди.

Квантли фикр юритиш, нур тезлигидан ташқарида ҳам реал борлиқни ифода этувчи ўлчам бор эканини аниқлади. Олимлар бутун дунёга квант манзарасидан қарашганда, макон ва замон моддий олам ичида мавжудлигини ҳамда бутун оламни қамраб олган квант кучини аниқладилар. Квант кучи ҳамма ёқда, барча нарсаларда мавжуд бўлиб у ўз қувватини түлиқ намоён этса, табиатда ақл бовар қылмайдиган ўзгаришлар содир бўлиши мумкинлиги маълум бўлди. Олимлар бу қувват бутун олам бўйлаб, чексиз тарқалиб, квант майдонини ташкил қилишларини топдилар.

Дэвид Бомм ва бошқа олимлар, квант тұлқини бутун борлиқнинг асосий манбаи эканини исботладилар.

Квантли фикр юритишнинг энг истедодли вакилларидан Дэвид Бомм, бутун борлиқ, шу жумладан, энергия ва вақт ҳам Коинот ичида мавжуд яширин тартибининг ҳосиласи, шу туғайли барча нарсалар тартиб ичидағи тартиб орқали бошқарилади демоқда. Олам ичида яширинган тартиб бутун борлиқни бошқариб турар экан.

ХХ аср ўрталарида Альберт Эйнштейн, Борис Подольский ва Натан Розенлар квант кучи ўзини бир вақтнинг ўзида ҳам зарра, ҳам тұлқин сифатида намоён қилишларини аниқладилар.

Квантли фикр юритиш, Оламни, шу маҳалгача мавжуд бўлган илмлар кашф қилган билимлардан яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

Бутун Олам ва ундаги нарсалар тартиб ичидағи тартиб орқали бошқарилиш ғоясидан келиб чиқиб, илм-фанда Синергетика оқими пайдо бўлди.

Синергетика, даставвал, физика-математиканинг назарияси сифатида ХХ асрнинг 60-йилларида вужудга келди. Бунга асос солган белгиялик олим И. Пригожин, матемитикадаги

диссиптив (лот. «диссиpация» – ейиш) системани кашф қилди. У очиқ система ҳисобланиб, ўзини қуршаб турган мұхит билан энергия ва зарралар алмашуви натижасыда доимо ўзаро бөглиқтікда экан.

Бу оқимга германиялық олим Г. Хакен «синергетика» деб ном берdi.

Синергетикаға тараққий этиши жараёнида, очиқ система шароитида, унинг тадрижий ривожига олиб борувчи ўзини ўзи ташкил қила олиш хусусияттың катта әзтибор қаратылды. Турли-туман системаларнинг ўзини ўзи таңкыл қилиш жараёнида мавжуд универсал хусусияттар ва объектив қонунияттар аниқланды.

Синергетик гоя ва тамойилларнинг асослилігі ҳамда кең миқеслилігі унинг фанлараро илмий йұналиш бўлиб шакланишига олиб келди. Бу эса, мұхим фалсафий натижаларга ва янгича дунёқарашнинг шакланишига сабаб бўлди. Табиий равишда, умумсинергетика оқими ичидә ижтимоий синергетика ҳам ривожланиб бормоқда.

Биз амалга оширадиган педагогик фаолият мөхияттан ижтимоий бўлгани туфайли, ўзини педагог деб ҳисоблаган ҳар бир одам синергетиканы яхши билиб олиши ва уни педагогик фаолияттың тадбиқ қилиши керак.

## 2.2. Ижтимоий синергетика

**Ижтимоий борлиқ.** Жамиятни табиатнинг ажralmas бир қисеми сифатида идрок этиб, унинг табиатнинг ўзига хос таркибий бир бўллари эканини тан олишимиз лозим. Жамият, табиатнинг бошқа унсурларига ўхшаб, моддий асосга эга. Бироқ, жамиятда табиатнинг бошқа таркибий қисмларида мавжуд бўлмаган жараён борки, у жамиятни табиий жараёnlардан кескин фарқлаб туради. У ҳам бўлса, руҳий жараёnlар. Бу жараён моддий бўлмай, кўзга кўринмасди. У одамларнинг онгу шуурида содир бўлиб, ўзаро бирлашган ҳолда ижтимоий онгни ташкил қилади. Ана шу «ижтимоий онг» ташувчинини жамият руҳи дейилади.

Жамият ва уни ташкил қилувчи инсонлар, улар орасидаги мунособатлар ҳамда маданийлашган моддий шарсалар макони ва замон билан чегаралантган. Яъни ҳар қандай жамият мұайян бир вақтда ва чегараланган ҳудудда мавжуддир. Жамиятнинг бошқа табиат объектларидан фарқ қилиниши, уни табиатдан айри ҳолда кўришни, яъни табиатдан юқори деб билишни тақозо этади.

Ижтимоий борлиқ — бу ижтимоий ҳаётнинг барча кўришишларининг замон ва маконда мужассамланганидир. Ҳар қандай ижтимоий борлиқ бирдай моддий ва руҳий таркиблардан ташкил топган бўлади. Гарчи, руҳий воқелик моддий тус олмай, инсон онгида қолиб кетса, у ижтимоийлашмаган бўлади. Ижтимоий борлиқ фақат руҳий ва моддий борлиқларнинг ўзаро бирикмасидан ҳосил бўлади.

Ижтимоий борлиқ ўзаро узвий боғлиқ бўлган бир қатор нарса ва ҳодисалардан ташкил топган бўлиб, уларни гурӯхлаштириш жуда мушкул иш. Шунинг учун китобхонни уларнинг асосийлари билан таништирамиз.

**Одамлар, уларнинг уюшмалари, ўзаро алоқалари ва фаолиятлари** — бу ижтимоий борлиқнинг энг асосий таркиби қисми, унинг бунёдкор кучидир. Инсонда моддийлик ва руҳийлик бирлашган бўлиб, бу хусусиятларини атрофга ҳам тарқатиб туради. Моддийлик ва руҳийликнинг бирикканлиги бутун ижтимоийликнинг асоси ҳисобланади. Ҳар қандай алоҳида олинган шахс ўзининг ҳаракат жараёнини режалаштираётганида, албатта, жамиятнинг бу ҳаракатига бўладиган муносабатини ҳисобга олади. Шунингдек, ҳар бир жамоа ёки жамият ўз фаолиятини режалаштираётганида, ҳар бир жамият аъзосининг, яъни шахсларининг фикр-мулоҳаза, талаб ва эҳтиёжлари билан ҳисоблашади. Шу йўл билан инсон ва жамият ҳамда уларнинг фаолиятлари, фаолиятдан ҳосил бўлган нарса ва ҳодисалар ижтимоийлашади.

**Тил.** Инсонни бошқа жонзотлардан ажратиб турувчи асосий нарсалардан бири — тилдир. Одам тафаккурида кечастган ақиий жараёнларни, шу жумладан, ўзининг қашфиётларини ҳам тил орқали намоён қила олади.

Тил — бу жамиятнинг ижоди, кўп минг йиллик ақлий фаолиятининг маҳсулидир. Тил, у билан фойдаланаётган кишилар уюшмаси (миллат)нинг мулкидир. У билан ҳамма фойдаланиш хукуқига эга. Аммо муайян тилдан фойдаланаётган шахс, уни шу тилнинг шакл ва қонун-қоидаларидан тўла келиб чиқиб амалга ошириши керак. Акс ҳолда кўпчилик уни тушумайди, тушунган тақдирда ҳам нотўри тушуниб қолади. Тил ундан фойдаланаётган шахсадан мустақил бўлиб, унга қарам эмас. Тил ижтимоий борлиқнинг муҳим компоненти бўлиб, у бўлмаса шаслараро муносабатлар ҳам амалга ошмай, жамиятнинг ўзи ҳам мавжуд бўлмаган бўлур эди.

**Артефакт моддий олам.** Артефакт деб, сунъий ясалган нарсага айтилади, яъни табиатда мавжуд обьектлардан фарқли инсон ақл-заковати ва жисмоний меҳнати орқали яратилган

барча турдаги моддий нарсалар артефакт дейилади. Уларга тұгмачадан тортиб, то йирик мұхандислик иншоотлари киради. Илмий тил билан айтганда – инсон фаолиятининг объектлашувига артефакт дейилади. Бизни ўраб турған, инсон құли билан яратылған барча нарсалар сунъий моддий олам дейилади. Уни иккінчи табиат деб ҳам юритилади. Инсон ҳаёт-мамоти табиий мұхит билан бир қаторда сунъий, яғни моддий-ижтимоий мұхит таъсири остида ўтади. Ҳақиқатан ҳам, ҳаётимиз ёшликтан бошлаб бешик ва унинг анжомлари, сүрғич, жавон, хонтахта, ойна, эшик ва рүзғор буюмлари, катта бўлғандан кейин эса, иморатлар, йўл ва йўлдаги транспорт восита-лари ҳамда бошқа кўп турдаги сунъий нарсалар қуршовида кечади. Буларнинг ҳаммаси сунъий (артефакт) моддий дунё (мухит) дейилади. Инсон ўз фаолияти орқали, тинмай табиий мұхитни сунъийлаштириб, артефакт оламини кенгайтириб бормоқда.

Инсоннинг тарихий тараққиёти давомида табиий мұхит билан сунъий мұхит орасидаги тафовут тобора қисқармоқда. Шу кунда, Ер табиатига кўрсатган таъсиrimiz Ер куррасидан чиқиб, коинотга ёйилмоқда. Келгусида, бу таъсир бутун оламни қамраб олади деган фикрлар ҳам бор. Сунъий табиатининг оёғи сгиб борган Ер сатҳини «ноосфера» (ақл сатҳи), яғни ақл кучи билан ўзгартирилган сатҳ, гоҳида «техносфера» ёки «антропосфера» деб ҳам юритилади.

**Жамоавий тасаввурлар.** Одамлар фақат ижтимоий борлиқни яратыб қолмай, уни ўз тафаккурларида ҳам акс эттиради-шар. Ҳар бир инсон тафаккурида, атроф олам (ҳам табиий, ҳам сунъий табиат) ўзига хос аксини топған бўлади. Шу билан бир қаторда нарса ва ҳодисаларга умумий қарашлар ҳам мавжуд бўлиб, улар жамоавий фикрида ўз аксини топған. Шахсий кўзқарашлардан жамоавийларининг фарқи, улар алоҳида кишиларнинг тафаккурида акс этган нарса бўлмай, шахсий кўзқарашларнинг бирикмасидан (механик бирикмасидан эмас) ҳосил бўлган нарсадир. Бу эса мутглақ бошқа нарса ҳисобланади. Уларни ташқаридаги нарса дейилади. Шахсий кўзқарашлар, шахс ишкарисидаги фикрлар бўлса, жамоавий фикр шахслардан ташқариди шаклланиб, аниқ бир шаснинг кўзқарашига тўлиқ мос тушмайди. Балки буни тушуниш қийиндир. Аммо абстракт тафаккурингизни ишга солиб, теранроқ фикр юритиб кўрсангиз, бу ҳодисани англаб етасиз.

Бундай жамоавий тасаввурларни ижтимоий онг, муайян жиһиятнинг менталитети, жамоавий фикр деб ҳам атайди-шар.

Жамоавий тасаввурлар гоҳида объектив реалликни нотўғри акс эттириши мумкин. Аммо биз, шу жамоа ичида ўсганимиз учун уни сезмаймиз ва жамоавий кўзқараашларни чин деб биламиш. Гоҳида уларни таҳдил қилиб кўрган тақдиримизда ҳам, улар тўғри бўлиб чиқаверади. Чунки, биз бошқа кўзқараашни билмаймиз, биз шу кўзқарааш таъсирида ўсиб-улғайганмиз. Жамоавий кўзқарааш объектив борлиқни тўғри акс эттироқдами-йўқми, уни бошқа жамоадан келган ва тафаккури шу кўзқарааш билан банд бўлмаган киши аниқлаб бериши мумкин. Ёки ижтимоий фан олими, мутахассис таққослаш, далилаш ва бошқа тадқиқот усусларидан фойдаланиб, муайян кўзқарааш тўғри ёки нотўғри эканини аниқлаб бера олади.

Ҳар бир жамоадаги турли кўзқараашлар бирлашиб, муайян жамиятга мос дунёқараашни шакллантиради. Бу дунёқарааш тўғрими ёки нотўғри бўлишидан қатъи назар, шу жамият аъзолари уни тўғри деб, унга бўйсунадилар. Шунинг учун ҳам жамоавий тасаввурлар ижтимоий борлиқнинг аҳамиятли ажралмас бир қисмидир.

**Жамият ижтимоий организм сифатида.** Жамиятни бир бутунликни ташкил этувчи вужуд – организм, синергетика нуқтаи назаридан, ўзаро функционал боғлиқ бўлган қисмлардан ташкил топган система (бу тушунчанинг ўзбекча атамасини кейинроқ берамиш) деб аталмоқда. Жамиятта шу нуқтаи назардан ёндашишининг мазмуни нимада деганда, ижтимоий борлиқка бу нуқтаи назардан ёндашиш унда (жамиятда) барча системаларда мавжуд бўлган хусусиятларнинг борлиги билан изоҳланади.

**Синергетика нуқтаи назаридан, ижтимоий организм бўлган жамият, тадрижий ривожланиши жараёнида бўлган ўта мураккаб дисипатив (лот. dissipatio – ёйилиш) системадир. Унда шу типдаги системаларнинг барча хусусиятлари мавжуд.**

Берк системалардан (масалан, техник система – машина) унинг асосий фарқи, жамият очиқ жўшқин (динамик) системадир. Гарчи берк системаларга ташқаридан таъсирилганда улар бузилса, очиқ ва динамик системалар эса унинг акси. Бундай системаларнинг тадрижий ривожи учун, уларга доимо ташқаридан таъсирир ўтказиб турилиши лозим.

Жамият ташқи муҳитдан доимо энергия олиб турмоғи ва уни ўз вужудининг аъзоларига тақсимлаб, бу энергияни қайта ишлаб, яна ташқи муҳитга қайтармоғи шарт. Бу унинг ҳаёт кечириш шароитидир.

Жамиятнинг ташқи муҳит билан, ўзига хос муносабатларининг асосий шакли, бу моддий ишлаб чиқариш жараёнидир.

Бу муносабатлар одамларнинг моддий нарсаларга бўлган эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган турли-туман хўжалик фаолиятини амалга оширишга қаратилган.

Ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш соҳалари биргаликда одамларнинг **иктисодий** фаолиятини ташкил қиласди. Жамиятнинг тарихий тадрижи давомида жамият билан ташки муҳит орасидаги энергия айирбошлови тобора ортиб борган иш кўпайиб бормоқда.

Агар жамият деган системанинг система ичидаги қонуниятлари бўйича ривожланишига йўл қўйиб берилса, у ўзини ўзи тиклаш хусусиятига эга. Агар ташқаридан унга (бошқарув органдарининг нотўғри фаолиятига ўхшаш) тазийқ ўтказилса, унинг тарифи тўхтайди ва маълум муддатдан кейин нурай бошлайди.

Ута мураккаб система бўлиб ҳисобланган жамият ўзига ахборот қабул қилиш, ахборот алмашиниш, уни ўзида сақлаш ва ша ташки муҳитга узатиш хусусиятига эга.

Ахборот деганда, энтропия (тартибсизлик)нинг қарама-қаршиси тартиб мезони деб тушунмоқ керак. Ахборотни ўзида шиник бир мазмун сақладиган сигналлар (товуш, ёзув сигналлари ва ҳ.к.) мажмуи деб билмоқ лозим.

Жамият очиқ система бўлгани учун, унга доимо ташқаридан ахборот кириб, унинг унсурлари орасида айирбонланиб, бу ахборотларни ўзида сақлади. Натижада жамият ичида ахборот муҳити ҳосил бўлади. Буни синергетик информация таҳйилади.

## 2.3. Мажмулар назарияси ва мажму ёндашув тамойили

Йигирманчи аср ўрталарига келиб объектив борлиқ тўғрисидаги маълумотлар шу даражада ортиб кетдики, аср бошида ўске шаклланиб битган деб ҳисобланган фан тармоқлари тариккӣ этиши натижасида уларнинг турлари қарийб юз баробар кўпайди. Ўрганиш объекти ва тадқиқот усуслари жихатидан, уларнинг фанлараро, интегратив турлари вужудга кела бошлади. Билим ҳажми, тури ва сифати ортиб бораверди. Бу өнчимларни кенг оммага етказиш ва уларнинг тафаккурига шунгидириб, хотираларида сақлаб қолишлари учун дунёни бошқача тушуниш тартибини жорий қилиш зарурияти пайдо бўлди.

Уидан ташқари, протон ва электронларни фотонларга, фотонларни нейронларга, уларнинг эса квантларга бўлиниб кетини, дунёнинг пайдо бўлишининг янги синергетик концепциясини тузишни тақозо қиласди.

Шу маҳалгача хукм суреб келаётган оламни механик тушуниш бу вазифани бажара олмас эди. Гап шундаки, аввал ҳам айтганимиздек, «Классик» илм-фан нарса ва ҳодисаларни бўлакларга ажратиб ўрганар, сўнг бу қисмларни механик равишда бир-бирига бирлашитириб туриб идрок қилас, шунда қисмлар орасидаги алоқадорликларга эътибор ҳам берилмас эди. Баъзи фан соҳаларида объектив борлиққа бундай ёндашиш ҳозиргача давом этиб келмоқда. **Аслида, нарса ва ҳодисалар ва уларнинг қисмлари таснифидан кўринадики, улар орасидаги алоқадорликлар ҳаёт учун аҳамиятлироқдир.**

20-йилларда австриялик биолог олим Людвиг Фон Берталанфи томонидан нарса ва ҳодисаларни ўрганишда «органик» усул таклиф этилди. Бу усул – биологик ва ижтимоий ҳаётдаги жараёнларни ўзаро боғлиқ ҳолда, бир бутунлик сифатида ўрганишни тақозо этарди. Бошида бу усул биологияда кўлланна бошланган. Аммо ҳаёт бу усулининг тараққиётнинг бошқа жабҳаларида, жумладан, ижтимоий ҳаётда ҳам қўлланишига олиб келди. *«Мен аминманки, оламдаги кўнчилик олимлар биз келган натижага келишган, аммо, бизлар тарқоқ ва бир-бири мизни билмаймиз, ундан ташқари, фанлар орасидаги чегаралар ҳам мамизнинг бирлашишимизга имкон бермай турибди»*,<sup>13</sup> – деб ёзган экан англиялик иқтисодчи олим К.Боулдинг ўзинини Л.Фон Берталанфига йўллаган хатида.

Аста-секин дунёдаги илм-фан вакиллари, пайдо бўлиши жиҳатидан турли бўлган нарса ва ҳодисалар ривожининг умумий қонуниятларини аниқлаш ва уларни бир тартибга келтириш зарур эканига тушуниб етдилар. Бир қатор хусусий фанларда, ҳодисага синергетика нуқтаи назаридан система сифатида ёндашишни, яъни ўзаро функционал боғлиқликда турган қисмлар бир бутунликий ташкил қилишлиги исботланди.

Умуман, системали ёндашувнинг қадимги илм-фан ва фалсафада мавжуд эканлигини ҳам кўрса бўлади. Бутун борлиқ қандайдир, ўзаро боғлиқ бўлган қисмлардан ташкил топганлигини Платон, Форобий, Ибн Сино ва бошқа алломалар фикрларида ҳам кўриш мумкин. Мавлоно Жалолиддин Румий ҳам оламнинг заррадан коинот қадар ўзаро вобасталиги, бир-бири билан тортилиб туриши ҳақида айтган.

Системали ёндашувни биринчи бўлиб англиялик иқтисодчи олимлар Адам Смит ва Адам Фергустон, ундан кейин Чарлз Дарвин ҳам кўллаганини кўрса бўлади. Маълум бир системали

<sup>13</sup> Берталанфи Л. Общая теория систем – обзор проблем и результатов // Системные исследования. – Москва, 1969. С. 39.

ёндашувни Ф.Энгельс асарларида ҳам англаса бўлади. «*Бутун табиат муайян нарсалар орасидаги алоқадорликлардан иборат, нарса деганда биз, юлдузлардан тортуб атомгача тушумиз*»,<sup>14</sup> – деган экан Ф.Энгельс.

Бироқ, XIX–XX аср олимлари нарса ва ҳодисаларга анъанавий тасниф беришдан нарига ўтолмадилар.

**Фақат XX асринг 50-йиларига келиб, ўрганилаётган объектга ўзаро узвий боғлиқ бўлган бўлаклардан ташкил топган бир буғулиқ сифатида қарайдиган бўлиши.**

Даставвал, системалар назарияси ўз мақсадини жамики нарса ва ҳодисалар, уларни ташкил қилувчи қисмларда бирдай ишчайдиган умумий тамойилларни аниқлашга қаратди. Техник системаларни моделлаштиришни кибернетика ўз зиммасига олган бўлса, ахборот берувчи системаларни ўрганиш жараёшида информацион назария вужудга келди ва охирида ҳаммасини интеграциялаштирувчи **умум системалар назарияси пайдо бўлди**.

Объектив борлиқни чексиз кўп, содда ва мураккаб, катта ва кичик, жонли ва жонсиз, тикланувчи ва тикланмайдиган ва ҳоказо сифатларга эга бўлган системалар сифатида идрок қилиш шу фан тараққиётининг маҳсулидир. Нарса ва ҳодисаларга система сифатида ёндашиш ривожлана бориб, қисқа муддат ичида ўзининг хусусий қонуниятларига, атама ва тушунчаларига эга бўла бошлади. Системалар назарияси жуда ҳим тараққий этиб кетган назария бўлиб, ўз қонуниятларига, қонун-қоида ва категориал аппаратига ҳамда маҳсус фикр юрисини услубига эга.

Системалар назариясига тўлиқ асосланувчи биология, кимё, олни математика, кибернетика, космология, космонавтика, роботатехника каби илм-фан тармоқлари мавжуд. **Системалар назариясидан дунёпи англаш усули сифатида фойдаланувчи фанлар кундан-кунга ортиб бормоқда.** Шу кунга келиб, муайян фанинг тараққий этгалиги ва ҳар бир олимнинг етуклик даражаси, уларнинг системалар назариясидан нақадар унумли фойдаланиши олишилиги билан белгиланмоқда.

Системалар назарияси (теория систем), системали ёндашув (системный подход) ва уларга тегишли бўлган тушунчалар Ўзбекистонга яқин ўтмишда кириб келди. Бу тушунчалар Ўзбекистон олимлари томонидан ўзбекчага турлича талқин қилиниб, илмий жамоатчилик орасида «мажмуали ёндашув», «тизимли ёндашув» ва «мажмули ёндашув» деган атамалар билан қўйла-

<sup>14</sup> К.Маркс, Ф.Энгельс. Соч., т. 20. С. 392.

ниб келинмоқда. Илмдаги фоят мураккаб бу ижтимоий воқе-ликни шу атамаларнинг ҳаммаси ҳам тўғри ифода этмайди.

Мажмуалар назарияси ва мажмуали ёндашув деган сўз бирималаридағи «мажмуя» тушунчаси биз назарда тутган воқе-ликни мутлақо ифода этмайди. Чунки, «мажмуя» (эътибор беринг, «мажму» сўзидан «а» ҳарфи билан фарқланади) атамаси русчадаги «комплекс» деган тушунчани билдиради. Илм ва амалиётда бундай ёндашув ҳам аслида мавжуд. Унда баъзи бир хусусият ва жиҳатлари, масалан, ранги, шакли, товуши, ёши ва ҳоказолар ўхшашлигига қараб бирлаштирилган нарса ва ҳодисалар йигиндисига айтилади. Улар ўзаро зарурый, яъни функционал боғлиқ эмас. Масалан, синфдаги болалар ва бошқалар

«Тизимлар назарияси» ва «тизимли ёндашув» деган сўз бирималари системанинг классик ёки арифметик талқинини ифодалайди, холос. Ҳолбуки, системалар назариясида «тизим» тушунчаси тизимли система (линейная система) мазмунини бериб, системанинг минг туридан бир турини ифодалайди, холос.

Биз таклиф қилган ва Ўзбекистоннинг етакчи муҳаррирлари фикр-мулоҳазасидан ўтиб маъқулланган атама «мажму». Мажму деганда, ўзаро функционал алоқадорликда бўлиб, бир бутиликини ташкил қилувчи қисмлар биримаси тушунилади. Функционал алоқадорликда бўлган деб, мажмуни ташкил қилувчи қисмларнинг тадрижий ривожи натижасида уларнини ички заруриятидан келиб чиқсан боғлиқликларга айтилади. Масалан, стол ўз қисмлари – оёқлари, оёқ оралиғ тахта, қолқоқ таҳталари билан функционал боғлиқликда. Бу мажму. Бир хил ринг ва фасондаги стол ва стуллар йигиндиси – мажмуя. Сонлар кетма-кетлиги, яъни 1, 2, 3, 4 ва ҳоказо тизим. Ёки болалар кетма-кетлиги – катта ўғил, ўртанча ўғил, кичик ўғил, бу ҳам мажму, аммо тизимли мажму. Эътибор беринг тизимли мажму, фақат бир томонга ёки икки ёққа йўналтирилган бўлиши мумкин. Ваҳоланки, мажмулар назарияси бўйича, мажму кўп томонли ёки доира шаклида, умуман, истаган шаклла бўлиши мумкин.

Ҳар қандай мажму икки ва ундан ортиқ қисмлардан ташкил топган бўлиб, айни вақтда, ўзи ҳам ўзидан юқори поғонадаги мажмуга қисм бўлиб киради. Унинг қисмлари ҳам бир поғона пастдаги мажмулар ҳисобланиб, улар ҳам, ўз навбатида, бир неча қисмлардан иборат бўлади. Бу ҳодиса чекли ва чексиз давом этиши мумкин. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, мажмуларнинг хусусиятларидан бири поғона (иерархия)-дорлигидир.

Мажмуга жонли бир мисол келтирадиган бўлсак, одамнинг кўзи бир бутунлик – мажму. У кўз олмаси, гавҳари, киприк-шар, қовоқ ва ҳоказо ўзаро функционал боғлиқ бўлган бир неча қисмлардан ташкил топган. Кўз олмаси ёки киприги (исталгани қисми), ўз навбатида, мажму бўлиб, бир неча қисмлардан ташкил топган. Кўзнинг ўзи ҳам мустақил мажму бўлиб, ўзини бир поғона юқори турган »юз« деган мажмуга қисм бўлиб киради. Юз эса бошнинг қисмидир ва ҳоказо. Ёки автомашинанинг филдирагини олиб кўрадиган бўлсак, у бир бутун нарса – мажму бўлиб, ўзаро функционал боғлиқ бўлган бир неча – янска, покришқа ва камера деган қисмлардан, шу билан бирга лиқда, ўзи машинанинг бир бўлаги – қисмидир. Ижтимоий ҳодисалардан мисол келтирадиган бўлсак, «тўй» деган мажму бир бутунликни ташкил қилиши билан бирга, бир неча – тўй тараддути, тўйнинг боши, авжи ва охири деган ўзаро функционал боғлиқ қисмлардан иборат. Бу қисмларнинг ҳар бири бир бутун мажму ҳисобланиб, ўз навбатида, бир неча қисмлардан ташкил топади. Шу билан бирга тўйнинг ўзи миллий тиф-одатлар ва анъаналар деган ижтимоий ҳодисанинг бир қисмидир ва ҳоказо. Ер юзи ҳамда Коинотдаги барча нарса-шар – квантлардан тортиб, самодаги Сомон йўлигача ҳамда барча ҳодисалар – оддий кайфиятдан то жаҳон урушигача бўлганларга мажму сифатида ёндашиш мумкин. Бу дунёни тўғри шарок қилишнинг охирги қонунияти. Шунинг учун буни борниқка мажму ёндашув тамойили дейилмоқда.

Юқорида қайд қилинганидек, мажму(системани)ни ташкил қиливчи қисмлар деб фақат ўзаро узвий, яъни функционал алоқадорликда бўлган қисмларга айтилади. Чунки нарса ва ҳодисаларда функционал алоқадор бўлмаган боғлиқликлар ҳам куда кўп. Ҳар қандай **иљмининг вазифаси**, ўрганилаётган объект-ла ана шу функционал алоқадорликларни бошқа турдаги боғлиқликлардан ажратиб бериш. Бу эса ҳар доим ҳам осон кечмайди. Масалан, икки киши орасида «муҳаббат» деган мажмунинг мавжуд ёки йўқлигини аниқлаш масаласини олсан. Ҳақиқий муҳаббат деганда, икки шахс орасидаги бир-бирига шуриур инилиш борлигига айтилади. Зарурий деганда, бизнисиг мисолда, бир-бирисиз ҳаёт кечира олмаслик даражасига инилиш тушунилади. Инилиш бўлганда ҳам, икки томондан баробар қувватдаги инилиш ҳақиқий муҳаббатни ташкил қиласи. Бир одамда бошқасига кучли инилиш бўлса-ю, у интилаётган одамда унга нисбатан инилиш йўқ ёки суст дейлик, бу муҳаббат бўла олмайди. Бу бир одамнинг бошқасига бўлган ошиқлиги, холос. Муҳаббатнинг ҳақиқийлигини аниқ-

лаш учун, интилишларнинг турғуналигини ҳам аниқлаш зарур. Улар ҳар қандай кучли бўлган тақдирда ҳам вақтнинчалик бўлиши мумкин. Бу интилишлар вақтинча бўлса, қанча вақт давом этади? деган ва ҳоказо саволларга жавоб топишлик лозим. Кўриб турганимиздек, бу осон эмас экан. Осон эмас, аммо маълум усуллар ёрдамида аниқласа бўлади. Муайян нарса ёки ҳодисанинг ҳақиқий мажмуу эканини аниқлаш учун, мажмуни ташкил қилувчи қисмларидан бирининг хусусиятини ўзгартириб кўриш керак. Мажмулар назарияси (теория систем) бўйича, мажмуни ташкил қилувчи қисмларидан бирининг хусусияти ўзгарса, бошқа қисмларининг ҳамда бутун мажмунинг хусусияти ҳам қонуний равишда ўзгаришга учраса, уни функционал алоқадорлик дейилади. Мажмулар замон ва маконда мавжуд бўлиб, вақт ўтиши ёки макон ўзгариши билан мажмунинг баъзи бир хусусиятлари ҳам ўзгаради. Мажмуларнинг ҳар бири фақат ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бир-биридан шу хусусиятлар йиғиндиси билан ажралиб туради. Мажмунинг хусусияти фақат бошқа мажмулар билан алоқаларда намоён бўлади. Алоқадорлик деб, мажмуу хусусиятини пайдо қилувчи узвийликка айтилади. Боелиқлик эса, фақат уларнинг намоён бўлишидир. Ҳар қандай боелиқлик замерида алоқадорлик ётавермайди. Янги хусусиятни яратувчи алоқадорлик **функция** дейилади. Функциялар орқали мажмулар ҳолати аниқланади. Мажмуу ҳолатининг кетма-кет намоён бўлиши **жараён** дейилади.

Мажмуу, уни ташкил қилувчи қисмлар фақат ўз поғонасидаги, яъни мажмуу ичидаги мажмучалар орасидаги алоқадорликларда ғамоён бўлади. Бир мажмуни ташкил қилувчи қисмларнинг ҳар бири ўз поғонасидаги мажмуу қисмлари билан баробар бошқа поғонадаги мажмуу қисмлари билан алоқадорликда бўлса, у бир вақтнинг ўзида, ўзининг мажмуси билан бир қаторда, бошқа мажмуни ташкил қилишда иштирок этган бўлади. Чунки, ҳар қандай мажмуу асосини алоқадорлик ташкил қиласади. Алоқадорликлар нарса ва ҳодисаларнинг табиий тадрижидан келиб чиқиб, киши ихтиёридан ташқарида мавжуддир.

Субъектив, яъни инсон ҳоҳиш-истаги натижасида келиб чиқсан ва киши тасаввурнида намоён бўладиган сунъий алоқадорликлар ҳам мавжуд. Бундай алоқадорликлар антропоген алоқадорликлар дейилиб, уларга асосланиб шаклланган мажмуу сунъий бўлади. Сунъий алоқадорликлар объектив қонуниятлардан келиб чиқиб, жараён тадрижининг ички заруриятидан пайдо қилинган бўлса, улар амалчётда ҳақиқий мажмуга айланади. Ҳар қандай оддий машина ва иморатдан тортиб

мураккаб ҳаракатларни бажарувчи робот ва космик кемалар ҳам бунга мисол бўла олади. Аксинча, сунъий алоқадорликлар асосида яратилган нарса ва ҳодисалар объектив қонуниятларга зид ҳолда шаклланган бўлса, улар амалиётда ўз тасдифини тона олмай, инсон тафаккурида хаёлий нарса ёки ҳодиса бўлиб қолаверади. Уни мажбурий равишда амалга оширилса, у муваффақиятсизликка учрайди. Бунга, битганда қулаб тушган ишшоот ёки хаёлий ғояларга асосланган, амалда нураб кетган коммунизм жамияти мисол бўла олади.

**Мажмулар ўз асослари, яъни функционал алоқадорликлар просекциясининг шаклига қараб, қуйидаги гуруҳларга ажралади:**

— **тартибли ва тартибсиз**. Муайян дарахт баргининг тузилиши ёки арифметик рақамлар тартибли, баргларнинг дарахт шоҳларида жойланиши тартибсиз мажмуга мисол;

— **тезликка эга ва суст**, масалан, жонли нарсалар тезликка на, тоғу тош суст мажмулардир;

— **икки қарама-қарши ва кўп томонлама** — масалан, дарё икки қарама-қарши томонли, кўл эса кўп томонлама мажму;

— **нуқтавий ва тизимли** — бир хужайрали микроорганизмлар нуқтавийга, йўл, рақамлар тартиби тизимлиликка мисол бўлади;

— **тикланувчи ва тикланмайдиган** мажмулар — доим аввалги ҳолатига қайтиб келувчи: кечакундуз, фасллар, киши кайфишини ва ҳоказо тикланувчи, вақт, умр эса тикланмайдиган мажмуларга мисол бўла олади;

— **оддий ва мураккаб** — водород, кислород, тоза сув, соф ғемир, соф олтин ва бошқалар oddийга, жинслар, эритмалар, ғонишма ва жонзорлар мураккабларга киради;

— **марказлашган ва марказлашмаган** — агар мажму қисмлари оиласидаги алоқадорлик векторларининг ҳаммаси бир асосий қисмда кесишиша, унда мажму марказлашган бўлади — мисол учун Шарқда оиласидаги ҳамма ишлар ота билан боғлиқ, у билан барча оила аъзолари боғлиқликда, у оила деган мажму шунинг марказида. Шунинг учун бу мажму марказлашган ҳисобланади. Мажмудаги қисмлар тенг ҳуқуққа эга бўлиб, бир-бiri билан бошқа қисмлар орқали эмас, тўғридан-тўғри боғлиқликда бўлса, унда мажму марказлашмаган дейилади. Мисол учун, улфатлар, кимёвий элементлар ва ҳоказо.

— **бир ва кўп поғонали** — қамиш, жӯхори пояси, қаватли чилилар, давлат қурилмаси кўп поғоналига мисол, оила бир поғонали мажмудир.

**Яна мажмулар ҳолатига қараб гуруҳларга ажратилади:**

бирламчи мажму муайян хусусиятга азалдан эга бўлганда. **иккиламчи** — у мажму бўлиб шакллангандан кейин муайян хусусиятга эга бўлганда;

– **тугалланган ва тугалланмаган** мажмулар – тугаллангани ўзига янги қисмларнинг қўшилишига йўл қўймайди, тугалланмагани бунга йўл қўяди;

– **иммонент ва иммонентсиз** мажмулар – биринчиси – фақат ўзини ташкил қилувчи қисмлар билан узвий алоқадорликда, иккинчиси – шу билан биргаликда бошқа мажмулар қисмлари билан ҳам алоқадорликда бўлишга йўл қўяди;

– **минимал** мажмулар – ўзини ташкил қилувчи қисмларнинг биронтаси йўқ бўлганда ўзи ҳам йўқ бўлади;

– **турғун ва турғун бўлмаган** мажмулар – тузилишига ўзгаришлар киритилганда ўзгариб кетадиганлари турғун эмас ҳисобланади, қолганлари турғун мажмулардир;

– **кучли ва кучсиз** мажмулар, кучли мажму деб таркибиغا кирувчи қисмлар хусусияти ўзгарган тақдирда мажму ўзгармай қолаверишига айтилади. Кучсиз мажму, таркибиغا кирувчи қисмлар хусусияти ўзгариши билан ўзи ҳам ўзгариб кетади;

– **гомоген ва гетероген** мажмулар, гомоген деб бир хил хусусиятли қисмлардан иборат мажмуларга айтилади, гетероген ҳар турли хусусиятларга эга қисмлардан иборат мажму ҳисобланади;

– **қайтарилиб турувчи ва қайтарилмайдиган** турлари ҳам мавжуд, уларнинг биринчиси – бир қонуният асосида ўзгариб, яна аввалги ҳолатига қайтиб келиб туради, иккинчиси – тинмай ўзгариб, аввалги ҳолатига ҳеч қайтиб келмайди;

– **қадрли ва қадрсиз** мажмулар, биринчисининг ташкил қилувчи қисмлари ҳар бирининг бошқа қисмлар билан алоқадорлиги иккитадан ошмайди, иккинчи туриники ошади;

– **чала ва тўлиқ** мажмулар, чала мажмуда алоқадорликда турган объектлар билан уларнинг ҳамма хусусиятлари орасида узвий алоқалар ўрнатилган бўлмайди, тўлиқ мажмуда унинг акси – алоқадорликда бўлган объектларнинг ҳамма хусусиятлари орасида узвий алоқалар ўрнатилган бўлади;

– **вариатив ва вариативсиз** мажмулар – вариатив деб, алоқадорлик фақат муайян мажмуни ташкил қилувчи қисмлари орасида мавжуд бўлмай, бошқа мажмулар қисмлари билан ҳам алоқалар ўрнатишга йўл қўядиган мажмуларга айтилади, вариативсиз деб бошқа мажмуларнинг қисмлари билан алоқадорликка йўл қўймайдиган мажмуларга айтилади.

Кўриб турганимиздек, мажмулар назарияси анча мураккаб ва яхши тарақкий этган назарий билимлар мажмуй экан. Бу ерда биз мақсаддан келиб чиқиб, фақат энг умумий белгиларга қараб мажмуларни гурухлаштиридик, холос. Кибернетика, космонавтика, космология ва бошқа фан соҳаларида мажмулар назарияси жуда мураккаб тус олган.

Ҳар бир ишда мажмуулар назариясидан келиб чиқиши, биринчилини, ишни бир неча ўн баробар осонлаштиради, баъзи мураккаб шунларда, масалан, кибернетика ва космопавтикада мажмуулар назариясини эгалламай туриб, ўша ишни бажариб ҳам бўлмайди; иккинчидан, ҳар қандай фаолиятни тўғри амалга ошириш гарови бўлиб хизмат қиласди; учинчидан, муайян нарса ва ҳодисани бошқаларга тушунтиришини осонлаштиради ҳамда бериладиган бинимни тез тушунтириб, тез ўзлаштириб, эсда узоқ сақлаб туришга хизмат қиласди. Чунки инсон онг ва тафаккури, унинг тарихий ривожланиши жараёнида мажмуулар назарияси қонуниятларига мос равишда шаклланган. Аслида, мажмуулар назарияси инсон оғли табиий фаолиятидан олинган. Бекорга уни органик усул леййлмаган.

Биринчи бор, бутун борлиқ катта кичик мажмуулардан иборат деган фикрни италиялик файласуф Зенон (м. авв. 490–430) алтиб кетган. У айтадики, *бутун нарса бўлингач, кўплад бирликларга эга бўламиз. Бу бирликларнинг ҳар бири, ўз наебатида, бирликларга бўлинади. Бу жараён чексиз давом этаверади*<sup>15</sup>. Шу фикрга яқин фикрни қадимга юон файласуфи Марк Аврелий Антоний ҳам айтган: «*Ҳамма нарса бир-бирига чатишаб кетган. Ҳамма ерда илоҳий узвийлик мавжуд. Барча нарсалар умумий тартиб-қоидалар асосида бирлашиб, айнан бир оламни безашга хизмат қиласди*»<sup>16</sup>. Бу икки аллома фикрлари билан дунё чексиз кўп, ўзаро узвий боғлиқ бўлган бутунлик, яъни мажмуулардан ташкил топганини англаса бўлади. Ўироқ, оламни ихтиёрий, тоҳо нотўғри англашимиз натижанида, табиатдан берилган мажму ёндашув тафаккуридан ажралиб қолганмиз. *Ўзлигимизга, яъни табиий моҳиятимизга қайтиши учун мажмуулар назариясини ўрганишимиз шарт*.

## 2.4. Педагогик фаолиятда мажму ёндашув

Юқоридаги фикрлардан маълум бўлдики, муайян фанининг тараққий этганлиги ва ҳар бир маълумотли кишининг стуклик даражаси уларнинг мажмуулар назариясидан нақадар унумли фойдаланиши билан белгиланар экан. Шундай бўлгач, педагогика фанининг илфор илм-фанлар қаторидан ўрин олиши учун ва малакамизни замон талаби даражасига етказиш учун, бутун борлиқ ва уни ташкил қилувчи унсурларга мажму сифагида ёндашиш тамойилини билиб олиб, уни педагогик аманиётга моҳирона қўллашни ўрганайлик.

<sup>15</sup> Ҳиқиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. – Т. «Янги аср авлоди», 2002. 49- б.

<sup>16</sup> Вила маңба. 174-б.

Синергетика ва ундан келиб чиқувчи мажмулар назариясининг асосий тамойилларидан бири, ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларга ўзаро функционал боғлиқликда бўлган қисмлардан ташкил топган бир бутунлик сифатида ёндашишdir.

Шу тамойилдан келиб чиқсан ҳолда, расмий таълим-тарбияни, боғчадан бошлаб то малака оширишгача бўлган жараённи йирик бир бутунлик, яъни мажму деб қарашимиз тӯғри бўлади. У қуйидаги ўзаро функциоанл боғлиқ бўлган қисмлардан ташкил топган: мактабгача таълим, умум ўрта таълим, маҳсус таълим, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим ва малака ошириш. Кўриб турганимиздек, бу тизимли, очик типдаги, ривожланиб борувчи, тикланувчи, тартибли, кўп поғонали, марказлашган имманент ва мураккаб мажмудир.

Тизимли деганда, узлуксиз таълим мажмунинг қисмлари муайян бир кетма-кетликда жойлашган. Очиқ деганда, таълим-тарбия мажмуига доимо ўзгартириш киритилади. Бу билан у ўз фаолиятини тўхтатмайди. У тинмай ривожланиб боради, қотиб қолган догма эмас. Ҳар бир дарсни ёки бутун фанини қайтадан ўтса бўлади, шунинг учун у тикланувчан. Паст поғонадан юқоригача, муайян бир тартибда мураккаблашиб боради, шунинг учун у тартибли ва кўп поғонали. Мажму марказида доим талаба туради, шу нуқтаи назардан у марказлашган. Унинг имманент деб аталиши, бу мажмуни ижтимоий борлиқдаги бошқа мажмулар билан алоқада бўлиши билан изоҳланади. Мураккаблигига далил, сўзсиз у мураккаб, чунки барча ижтимоий мажмулар жуда мураккаб, таълим-тарбия мажмую эса, унинг таркибий қисми бўлгани учун ҳам мураккаб.

**Мажмулар назариясининг навбатдаги тамойили «поғонадорлик»** (иерархичность) тамойили дейилади. Уни қуйидагича тушунтиrsa бўлади. Ҳар қандай мажму, уни ташкил қилувчи ва ўзаро функционал алоқадорликда бўлган бир поғона пастда турган мажму (қисм)лардан ташкил топган бўла туриб, ўз навватида, у бу мажмудан бир поғона юқори турган мажмуга қисм бўлиб хизмат қилади. Узлуксиз таълим-тарбия жараёни бир бутун, яъни муайян поғонадаги мажму бўла туриб, ўзи ўз поғонасидан бир поғона юқори турган «Шахсни шакллантириш» деган мажмуга элемент бўлиб киради. Шу билан бирга у, унга элемент бўлиб ҳисобданувчи — «мактабгача таълим», «умум ўрта таълим», «маҳсус таълим», «олий таълим», «олий таълимдан кейинги таълим» ва «малака ошириш» деган мажмулардан ташкил топган. Булар, ўз навбатида, мажму ҳисобланниб, ўзларидан бир поғона пастда турган мажмулардан ибо-

рат. Жумладан: мактабгача таълим-ясли, кичик, ўрта ва катта группа деган қисмлардан иборат ва ҳоказо, бошқа поғонадапилар ҳам шундай.

Узлуксиз таълим-тарбия жараёни мажмуи «шахсни шаклтитириш» деган мажмунинг энг йирик қисми бўлгани учун, мажму ёндашув тавсифини шундан бошлаймиз. Асл мақсадимиз ҳам ўзи шу эди. Бу тамойил асосида таълим-тарбия жарашининг истаган босқичини тавсифлаб чиқиш мумкин.

Бундан кўриниб турибдики, ҳар қандай мажму иерархия (қўйи босқичнинг юқори босқичга поғонома-поғона бўйсунинши) тамойилига асосланган.

**Мажмулар назариясининг кейинги тамойили.** мажмуни ташкил қиливчи қисмларининг ҳар бири ўз поғонасидаги мажму қисмлари билан баробар бошқа поғонадаги мажму қисмлари билан ҳам алоқада бўла олади. У ҳолда у, бир вақтнинг ўзида, шининг мажмуи билан бир қаторда, бошқа мажмуларни ташкил қилишда иштирок этган бўлади.

Узлуксиз расмий таълим-тарбия мажмуидан мисол келтирилган бўлсақ, таълим-тарбиянинг асосий элементи бўлган педагог бир вақтнинг ўзида таълим-тарбия мажмуни шаклтитиришда иштирок этиб, шу вақтнинг ўзида оила деган мажмунинг элементи бўла олади ва ҳоказо. Талабалар ҳам шундай, бир вақтнинг ўзида талаба оила ва спорт клубнинг ёки бониқа ижтимоий уюшманинг аъзоси бўла олади.

Мажмулар назариясида тамойил ва қонун-қоидалар жуда күп бўлиб, уни маҳсус ўрганиш лозим. Бу ерда биз энг асосий-тарини қайд қилиб ўтдик, холос. Мажмулар назарияси билан сиғифил танишмоқчи бўлганлар шу мавзуга бағишлиланган адабиётларни топиб ўқишлиари мумкин.

Юқорида биз фақат узлуксиз расмий таълим-тарбиянинг ўз юқори ташкилий шаклини мажму сифатида кўриб чиқтик. Узлуксиз расмий таълим-тарбия жараёнининг ҳар бир босқичини, унинг ҳар бир элементини ҳам мажму сифатида кўриш мумкин. Ундан ташқари, таълим-тарбия жараёнининг мазмунини ҳам энг умумий (давлат стандартларини) ҳар бир босқичда (ўқув режасини), ҳар бир фанни (ўқув дастурини) мажму сифатида кўриб, уларни ташкил қиливчи, ўзаро функционал бочиқ бўлган элементларни ҳам мажму сифатида таҳлил қилишимиз мумкин.

Шу билан бирга узлуксиз расмий таълим-тарбия деб аталгани мажмунинг фаолияти якунида эришилиши лозим бўлган сиғифиларнинг ижтимоий сифатларини ҳам мажмуга келтириб ўрганишимиз мақсадга тўғри келади. Қисқаси, ижтимоий

борлиқнинг, яъни ижтимоий ҳаёт деган мажмунинг асосий элементларидан бўлган узлуксиз расмий таълим-тарбия мажмуи ичida, қўйилган мақсадга биноан чексиз кўп мажмуларни аниқлаб, улар устида тадқиқот олиб борса бўлади. Тадқиқот жараёнида шуни унутмаслигимиз лозимки, мажмуни ташкил қилувчи бирдан-бир омил, бу мажму элементлари орасидаги функционал боғлиқликдир. Биз шу алоқадорликни аниқлашимиз лозим, чунки, ҳар қандай мажмуда функционал боғлиқликда бўлмаган алоқадорликлар ҳам кўп. Эслатиб ўтамиш функционал алоқадорлик деб, мажмуни ташкил қилувчи қисмларининг тадрижий ривожи жараёнида уларнинг ички заруртидан келиб чиққан боғлиқликларга айтилади.

Мажмунинг ташкил қилувчи қисмлари ўзаро функционал алоқадорликда ёки алоқадор эмаслигини аниқлашнинг энг оддий усули, мажмуни ташкил қилувчи қисмларидан бирининг хусусиятини ўзгартирганда бошқа қисмларининг ҳам хусусияти ўзгарса, бундай мажмуни ташкил қилувчи қисмлари ўзаро функционал боғлиқликда эканини билдиради ва аксинча. Бу ҳодисанинг ёрқин мисолларини китобимизнинг кейинги саҳифаларида бир неча маротаба кўриб чиқамиз.

## 2.5. Педагогик жараён мажмуи

Таълим-тарбияяда синергетиканинг мажму ёндашув тамойилидан ва қўйилган мақсаддан келиб чиқиб, жуда кўп мажмуларни аниқлаш мумкин. Чунончи, бутун узлуксиз расмий таълим-тарбия тизимини мажму сифатида кўриш мумкинлигини юқорида кўрдик. Шу билан бир қаторда узлуксиз таълим-тарбия жараёнининг ҳар бир босқичини алоҳида мажму сифатида кўрса ҳам бўлади. Ўқитувчининг бутун фаолиятини, уни алоҳида дарсларга тайёргарлик кўриш жараёнини, дарс ўтишини ва ҳоказоларни алоҳида-алоҳида мажмулар сифатида ўрганса ҳам бўлади. Шу ерда узлуксиз расмий таълим-тарбия жараёнини ва унинг алоҳида босқичларининг асосини, шунингдек, ўқитувчи ва педагоглар фаолиятининг ҳар бир мақсадини амалга ошириш жойини нима деса бўлади? деган савол пайдо бўлиши табиий. Унга нима деб жавоб бериш мумкин? Унга жавобан, бутун таълим-тарбия соҳасининг биринчи фишти ҳамда унда фаолият олиб бораётган ўқитувчи ва педагогларнинг ўз маҳоратларини намоён этиш жойи дарёхисобланади десак, хато қилмаган бўламиш.

**Дарс** – таълимнинг асосий ташкилий шакли, у муайян миқдордаги доимий ўқувчилар таркиби билан қатъий тартибда

уюштириладиган ва аниқ мақсадга йўналтирилган дидактик гадбирдир. Дарсга мажму нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, унда олдимизга кўйган мақсаддан келиб чиқсан ҳолда, бир дарснинг ўзида бир неча турдаги мажмуларни ажратса бўлади. Биринчиси – дарснинг дарс деб аталаши учун унда қатнашадиган унсурларни ўзаро функционал боғлиқликда кўриб, бир мажмуни аниқлаймиз. Шу билан бир қаторда алоҳида олинган дарс жараёнини ҳам мажму сифатида кўриш мумкин. Дарсда бериладиган билимларни ўзаро функционал боғлаб туриб мажму сифатида идроқ қилса ҳам бўлади. Ўқитувчи-шарни дарс бериш услугларини бир-бири билан боғлаб туриб «педагогик усул» деган мажмуни ҳам топиш мумкин ва ҳоказо.

Навбатдаги сатрларни дарснинг дарс деб аталиши учун, унда иштирок этадиган ва ўзаро функционал боғлиқликда турган унсурларнинг тавсифига бағишлаймиз.

Дарс расмий таълим-тарбия соҳасининг бирламчи асоси, унгусиз таълим-тарбия жараёнининг ташкил қилувчи гишти, ўқитувчи ва педагогларнинг фаолият кўрсатиш жойи экан, у қонгидай қисмлардан ташкил топади? Бошқачароқ қилиб айтганида, дарсни бир бутун қилиб турган қисмларига нималарни киритса бўлади? Жавоб: Дарснинг амалга ошиши учун, авваиамбор, **ўқувчи ёки талабалар** бўлиши шарт. Тўғрими? Тўғри, бу дарснинг таркибий қисмларидан бири. Иккинчиси, дарсни оғиз бориш учун **ўқитувчи ёки педагог** бўлиши шартми? Ал-бунга, бу дарснинг навбатдаги таркибий қисми ҳисобланади. Шу билан бирга дарсни амалга ошириш учун синф хонаси – и аудитория унинг ичидаги жиҳозлар – доска, стол ва ҳоказо, шу жумладан, ахборот узатиш мосламалари, яъни **техник поситалар** зарурми? Зарур, бу дарсни ташкил қилувчи учинчи қисми. Ўқитувчи ва педагогларнинг дарс ўтишлари учун режа, мистур, дарслик ва бошқа бир қатор **меъёрий ҳужжатлар** керак бўшини шартлиги ҳам баҳс қилинмайдиган ҳақиқат. Ҳар қандай таълимий жараён дарс бўлиб ҳисобланishi, у суҳбат ёки тарбиягина мулоқот бўлиб қолмаслиги учун ўқитувчи ва педагоглар педагогик усул ва услублар билан қуролланган бўлишибари шарт. Бу дарс деган бир бутунликнинг ажралмас бешинчи бўлаги ҳисобланади (3-расмга қаранг).

Қўйида, дарснинг таркибий қисмларининг ҳар бирини тасдиғилаб, улар орасидаги алоқадорликларни кўрсатиб беришга сарракат қиласиз.

Кўриб турганимиздек, мажмунинг марказида **«ўқувчи ва таъиба»** деган ҳалқа жойлашган. Бунинг боиси шундаки, бутун таълим-тарбия тизими ва унда иштирок этувчи моддий ва маъ-



3-расм.

навий унсурларнинг ягона мақсади таълим олаётган инсонларда замон талабига жавоб берадиган ижтимоий сифатларни шакллантиришидир.

Ўз навбатида, талабаларнинг дарс жараёнида қатнашишлари ва бир бутун деб номланган дарснинг таркибий қисми бўлишликлари учун, улар қўйидаги сифатларга эга бўлишлари керак. Биринчидан, дарсда қатнашиш учун келган кишилар ўзларига билим олишликни мақсад қилиб олишлари шарт. Шу билан бир қаторда дарсда қатнашувчи ўқувчи ва талабалар сараланган бўлиши лозим. Бу давлат томонидан қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да қайд қилинган. Бошқа барча хорижий мамлакатларда у аллақачон амалда. Бу дегани, синфда ва аудиторияда йиғилганлар ёши жиҳатидан, фан турларига қизиқиши ва ишчи тили ҳамда иқтидорлари жиҳатидан бир хил бўлишлари мақсаддага мувофиқдир. Ундан ташқари, тарбияланувчиларнинг жисмоний, руҳий ва аклий ривожланиш даражаси бир-бирига яқин бўлиши дарснинг самародорлигини оширади.

**Дарснинг иккинчи таркибий қисмларидан бири, бу ўқитувчи ва педагог.** Бу узлуксиз таълим-тарбия тизимидағи билим

берувчилар ва тарбияни амалга оширувчиларнинг умумий номи бўлиб, аслида узлуксиз расмий таълим-тарбия тизимининг гурли босқичларида улар турлича номланадилар. Мактабгача таълим муассасаларида мураббий, бошланғич таълимда – устоз, ўрта мактабда – ўқитувчи, лицей ва коллежларда – педагог, олий ўқув юртларида – илмий даражасига қараб – ассистент, катта ўқитувчи, доцент, профессор, олий таълимдан кенинги таълимда – профессор ва малака оширишда маъruzachi деб юритилади.

Буларнинг вазифаси давлат томонидан тасдиқланган дастур асосида дарс ўтиш учун дарсни ташкил этиш ва шахсий ишчи режасида кўрсатилган билимларни таълим олувчиларга дидактиканинг барча тамойилларига мос равишда, бир қатор педагогик усувлардан ва ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб етказиб беришдир.

**Дарснинг навбатдаги таркибий қисми – дарсда керак бўлалигиган меъёрий ҳужжатлар.** Уларга намунавий дастур, ишчи дастур, ўқув режаси, тақвимий режа, дарслек, ўқув-методик қўлланмалар, маъruzанинг матни ёки дарс лойиҳаси ва бошқа дидактик материаллар киради. Буларнинг ҳаммаси дидактика тамойилларига асосан тузилган бўлиб, ўзаро бир-бирига мос тушниши шарт. Узоқ хорижий мамлакатларнинг ҳаммасида бу шарни бир сўз билан **куруюқлуом** дейилади.

**Ўқитишнинг техник воситалари.** Буларсиз дарсни амалга ошириш мумкин эмас. Ўқитишнинг техник воситалари таркибига: аудитория ёки синф хонаси, ичидаги жиҳозлар – парта скни стол-стул, ўқитувчининг курсиси ва ишчи столи, маъзуза чин минбар, доска ва ахборот узатиш техникалари киради. Ахборот узатиш техник воситаларга – кодоскоп, эпидоскоп, монитор-компьютер, овоз узатиш техникаси ва бошқа техник постилар киради.

**Усул ва услублар.** Китобимизнинг аввалги саҳифаларидан бигина маълумки, инсон муайян мақсадга эришиши учун бир педагог усувлардан фойдаланади. Бу усувларни у маълум бир тартибда қўллайди. Усувлар қўлланиш тартибини турлича номлар билан – услугуб, йўл, тариқат каби атамалар билан номлайтилар.

Педагогикада улар асосан методика атамаси билан аталиб кечинмоқда.

Дарснинг бу беш бўлаги ўзаро функционал боғлиқликда оғулиб, бир бутунликни, яъни дарс деган мажмууни ташкил қилиди. Бирининг мавжудлиги бошқасининг мавжудлигини тақозо этиб, бирининг йўқ бўлиши бошқа барча қисмларнинг

фаолиятини йўққа чиқаради. Дарҳақиқат, ўқитувчи бўлмаса, дарс бўлмайди. Ҳаммаси бўлса-ю, ўқувчилар бўлмаса ҳам дарс ўтиб бўлмайди. Ҳамма қисмлари мужассамланиб, дарс ўтишнинг дастур ва дарслиги бўлмаса, дарс бўлмайди. Бўлган тақдирда ҳам дарс дейилмайди ва ҳоказо.

Демак, дарс – аниқ мақсадни кўзлаб, ажратилган вақтда бир хил ёшдаги ўқувчилар билан ўқитувчи раҳбарлигида олиб бориладиган машгулот экан. Дарснинг мақсади, мазмуни ва ҳажми таълим стандартлари асосида белгиланади.

Дарс – таълимнинг асосий шакли экан, у илмий, тизимли, тушунарли, онгли ва фаол бўлиши, билимлар мустаҳкам ўзлаштирилиши, ўқувчи-талабаларнинг шахсий хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда ташкил этилиши шарт.

Ҳозирги кунда узлуксиз расмий таълим тизимида таълимтарбия синф-дарс шаклида олиб борилади. Инсоният тарихий ривожланишига назар ташлайдиган бўлсак, таълимни ташкил этиш шакллари жамиятнинг тараққиёт босқичларига мос равишда амалга ошганини кўрамиз.

Дастлабки даврларда таълим бериш фақат одамларнинг меҳнат фаолияти, кундалик турмуши билан узвий боғланган ҳамда билим бериш, ўргатиш якка тартибда олиб борилган.

Давр ўтиши билан кўпчиликка билим бериш эҳтиёжи пайдо бўла бошлаган. Таълимнинг мазмуни, билимларнинг мурракаблашуви, болаларни гурух-гурух қилиб ўқитишни тақозо этгани ҳолда, таълим-тарбия билан шуғулланувчи мутахассислар, яъни ўқитувчиларни тайёрлаш зарурияти келиб чиқди.

Ўрта Осиё тарихига назар солар эканмиз, эрамиздан илгариги минггинчي йилларда Зардўштийлик оташхона ибодатхоналарида коҳинлар ёшларни тўплаб, уларга зарурий билим бериш билан шуғулланганлиги «Авесто» ва бошқа тарихий манбалардан бизга маълум. Тахминан шу вақтнинг ўзида болаларни бир жойга йиғиб ўқитиш Мисрда ҳам ташкил қилинганлиги тарихдан бизга маълум. Мисрликлардан ўрганиб, болаларни тўплаб ўқитиш одати қадимги Юнонистонда ҳам олиб борилганлиги, уларда Спарта ва Афина мактаблари бўлганлиги ҳаммага маълум. Аммо қадимда таълим-тарбияни қатъий чегараланган вақтда, бир хил ёшдаги болалар билан олиб бориш, таълим мазмунини босқичма-босқич бериш масаласига аниқлик киритилмаган эди.

Таълимнинг ташкилий масалалари Ал-Форобийнинг «Фан ва ақл-заковат» асарида ўқув фанларини гуруҳларга бўлиб ўқитиш, уларнинг тарбиявий моҳиятини очиш масалаларига эътибор берилган. Бу масалалар Улуғбек даврида ҳам кўтарилиб, маълум даражада амалга оширилган.

Педагогика тарихида, таълим-тарбияни ташкил этишнинг ирсий шакли дарс ҳисобланган синф дарс тизимини биринчи бор буюк чех мутафаккир олими ва педагоги **Яш Амос Коменский** (1592–1670) ишлаб чиққан ва амалиётда жорий этди.

Іұғунга келиб синф-дарс тизими ривожлапиб, давр уни яхшып бир бутунлик – мажму сифатида идрок қилиншиликни тағыза этмоқда. Құлингиздеги китоб, айни шу мақсадни амалга ошириш учун ёзилди.

### 3. Киши ижтимоий моҳиятини шакллантирувчи манбалар

Инсоннинг ижтимоий моҳияти нимадан ташкил тоғаниншы эсга олсақ, унга қуидаги қисқача таърифни берин мумкін. Одамнинг ирсий бирликлари орқали кишига мерос бўлиб таш ва ҳёти давомида орттирган, тили ва вужуди орқали ишин намоён қиласидиган турли такомил босқичлардаги бинимлар мажмуи одамнинг ижтимоий моҳиятини ташкил қилаши, десак хато қилмаган бўламиз. Шундан матъум бўладики, зар бир инсоннинг ижтимоий моҳият асосини билим ташкил ташар экан. Одам бу билимларни **оиласидаи**, уни ўраб турган ижтимоий мұхитдан, оммавий ахборот воситаларидан ҳамда уз-үкисиз расмий таълим-тарбия тизимидан олади. Шу билан бир саторда, ҳар бир одам, теварак-атрофни **мустақил равишда** күзатиб, у ердаги нарса ва ҳодисалар билан алоқага киришиб, тағиқкурини ишга солған ҳолда, билмаган кўп нарсаларини биниш олади.

Китобимизнинг аввалги саҳифаларида айтилган мажмулар нағарияси тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, одамнинг билим эгаллаш манбаларини мажмуга келтирадиган бўлсақ, у ғана-она, ака, опа ва бошқа яқин кишилари; кўча-кўйла – ошна-онини, бегона кишилар, оммавий ахборот воситалари, адабист ва устоз-муаллимлар бу билимларни эгаллашга фақат минба бўлиб хизмат қиласидилар, холос. Ундан ташқари, инсон теварак-атрофни кузатиб, мустақил фикр юритиб ҳам билманини билиб олади.

Кўриб турганимиздек, одамнинг билим эгаллаш манбалари ижмунининг марказида **мустақил билим эгаллаш** ҳалқаси жойлашыпган. Бу дегани, инсон билим эгаллаш жараёнида билим-шарни қайси манбадан олаётганлигидан қатъи назар, албатта, сифаккурини ишга солиб, мустақил равишда эгаллайди. Уйда – ғана-она, ака, опа ва бошқа яқин кишилари; кўча-кўйла – ошна-онини, бегона кишилар, оммавий ахборот воситалари, адабист ва устоз-муаллимлар бу билимларни эгаллашга фақат минба бўлиб хизмат қиласидилар, холос. Ундан ташқари, инсон теварак-атрофни кузатиб, мустақил фикр юритиб ҳам билманини билиб олади.



4-расм.

Кишининг билим эгаллаш мажмуди марказида одамнин мустақил фикр юритиши тургани билан, билим эгаллаш манбалари ичидаги, кишининг фойдали билимларни муайян бир тартибда эгаллаши ва унинг шахс сифатида шаклланишини таъминлайдиган ҳалқа **узлуксиз расмий таълим-тарбия** тизими-дир. Чунки, ҳар қандай ота-она, улар қанчалик ўқиган ва зиёли бўлмасинлар, барча оммавий ахборот воситалари ва бошқа билим манбалари, тарбияланувчига ўтказиладиган таълимий таъсиirlар таълим-тарбия бўйича мутахассис олимлар томонидан тузилган дастур ва режа асосида олиб борилмайди. Шу кунларда бу вазифа, фақат расмий таълим-тарбия тизимидағи мугасадди кишилар (ўқитувчи ва педагог), илмий асосда тузиленган ва амалиётда бир неча бор синовлардан ўтган дастур асосида амалга оширилади.

Бу ерда шуни қайд қилиб ўтиш жоизки, табиатан билим манбалари ўзаро функционал боғлиқликда бўлиб, бир бутунликни ташкил қиласиди. Шу боис, мажмудаги олти манбанини бири ёмон ёки мутлақо ишламаса, қолганлари ҳам оқсайди. Чунки улар ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, бир-бирини тақозо эта-ди. Масалан: ота-она, мактаб ва бошқа билим манбалари болага тўғри билим беришаётган бўлса-ю, бола носоғлом ижти-моий муҳитга тушиб қолиб, у ердан нотўғри билим ола бош-

лаган бўлса, барча билим манбаларининг меҳнати зое кетади. Ёки бошқача вариянти олиб кўрайлик, таълим-тарбия тизимидан ташқари бошқа билим манбаларида тўғри билим берилётган бўлсин, аммо мактаб ёки коллежда нотўғри тарбия берилаётган бўлса, барча билим манбаларининг саъй-ҳаракатлари нучга чиқади ва ҳоказо. Шунинг учун, фарзандиларимиз гўғри тарбия олишлари ва ҳақиқий билимлар эгаси бўлишлари учун ҳамма билим манбаларининг мақсад ва вазифалари ўзаро келишган ҳолда умумий маҳражга келтирилиб, бир мақсадга йўналтирилган бўлиши лозим.

Билим манбаларидан бири ва асосийси бу **оиладир**. «Куш уясида кўрганини қиласди» деган мақол бунга мисол бўла олади. Бола туғулгани замон, балки она қорнидалигидан бошлаб, оила аъзоларининг ўзига нисбатан таъсирини хис этади. Бу таъсири яхши, яъни меҳр-муҳаббат, чиройли ва тўғри сўзлар ҳамда инсоний муносабатлар таъсири остида ўсса, бола оиласда яхши тарбия олган ҳисобланиб, унинг тани-жони, шу жумладан, асаби ва ақли соғлом бўлади. Аксинча, бола оиласда қўпол муомала, бақир-чақир, жисмоний жазолар, ёлгон сўзлар таъсири остида ўсса, баджаҳл, алдоқчи, асаби бузуқ ва жисмони носоғлом бўлиб етишади. Жамиятга фақат жисмоний, руҳий ва ақлий саломат одамлар керак бўлгани учун, ҳар бир ота-она ва оиласида катта ёшдаги кишилар шу оиласда ўсиб-ниаётган боланинг тарбиясига жамият олдида масъулдирлар. Буни ҳеч ким унутмаслиги керак. Расмий таълим-тарбия тишими киши ижтимоий моҳиятининг тўғри шаклланишига етакчиллик қилишини юқорида айтиб ўтган эдик. Шу боис, ўқитувчи ва педагоглар ўз меҳнатлари зое кетмаслиги учун оила билан боеянниб, болага бўлган тарбиявий муносабатларини жамият наеби доирасида олиб борилишини таъминлашлари керак. Ҳизнавбатида, ота-оналар ўқитувчилардан олган кўрсатмаларга биноан, болага бўлган таъсирини тўғри олиб боришлари шарт. Бунинг учун эса, ўқитувчилар ота-онага қандай кўрсатма беришликларини яхши билишлари керак.

4-расмда кўриб ўтганимиздек, бола ижтимоий моҳиятининг шаклланишида **оммавий ахборот воситалари** (радио, телевидение, газет ва журналлар ҳамда бошқа алабиётлар), шунингдек унинг уй ва мактабдан ташқари ҳаёти кечадиган **ижтимоий мухит** ҳам катта таъсири ўтказар экан. Шунинг учун ота-оналар ўқитувчилар билан бирга бола қандай радио тўлқинларини ишитиб, қандай телевидение кўрсатувларини кўраётганилигини, қандай газета ва журналларни ҳамда адабиётларни ўқиётганилигини назорат қилиб боришлари шарт. Чунки бозор икти-

содиёти ҳамда ҳуқуқий ва демократик мамлакат шароитида эфирга, экранга ва сотувга гоҳо ғайри тарбиявий эшиттириш ва адабиётлар чиқиши мумкин. Ўз навбатида, радио ва телевидение кўрсатувлар компанияси ва нашриётдаги мутасадди кишилар ўз фуқаролик бурчларини астойдил бажариб, одамларнинг тӯғри тарбия топишлари устида қайғуришлари, эфир ҳамда китоб дўконларига умуминсоний ва миллий қадриятларга жавоб берадиган материалларни чиқаришлари лозим. Чунки аҳолининг турли ижтимоий хасталикларини даволаи учун, кейинчалик жамиятнинг кўплаб маблағи кетади.

### **3.1. Мустақил равишда билим эгаллаш**

Ҳар бир одам индивил, яъни кимса бўлиб туғилади ва ҳаёти давомида тафаккурини ишлатиб, билим йифади ва бу билимларни муশоҳада қилиб, ўзининг феъл-авторини шакллантиради ва маълум бир вақтдан сўнг шахсга айланади. Инсон шахс даражасига кўтарилиши учун қуидаги ижтимоий сифатларга эга бўлиши керак. Буларга: индивидуаллик, мижоз (темперамент), феъл-автор, фаоллик, мақсадга интилевчанлик, йўналгапчик ва прода киради.

**Индивидуаллик** – фақат муайян кишига хос бўлган биологик ва ижтимоий сифатлар мажмуи.

**Мижоз (темперамент)** – одамнинг хусусий психологик таснифи.

**Феъл-автор (характер)** – мижознинг ижтимоийлашувидан келиб чиқиб, кишининг атрофдагилар билан муносабатида намоён бўлувчи ижтимоий сифат.

**Фаоллик** – кишининг атроф-муҳит билан бўлган муносабатида намоён бўлиб, ички ва ташқи фаоллик деган турларга бўлинади.

**Мақсадга интилевчанлик** – қўйилган мақсадга этиш қобилияти орқали намоён бўлади.

**Йўналгапчик** – шахсий ҳаётда олдига қўйган мақсади орқали ифодаланиб, кишининг дунёқарашида ва маънавий эҳтиёjlарida намоён бўлади.

**Ирода** – мақсадга йўналтирилган ҳаракатлари жараёнида учрайдиган тўсиқларни бартараф этиш ва қийинчиликларга бардош бериши орқали ифодаланади.

Ҳақиқатан ҳам, одам дупёга келганида фикр юритиш қобилияти билан туғилади. Шунинг учун, у хоҳлайдими-йўқми, тафаккури ишга тушгач, теварак-атрофни кузатиб, уни англай бошлайди. Аввал алоҳида-алоҳида нарсаларни англаса, ке-

иинчалик бу нарсаларнинг орасидаги боғлиқликларга ҳам ақли та бошлайди. Ана шу, атрофдаги чексиз нарсалар орасидаги шоқадорликларни англашни билиш дейилади.

Шундай экан, соғлом туғилган бола атроф-муҳитни кузатиб, маълум вақтдан кейин уни қуршаб турган нарсалар орасидаги боғлиқликни англай бошлайди ва хотирасида сақтайтиш Демак, у билим йиға бошлаган бўлади. Унинг билим йишнинг, аниқроғи нарса ва ҳодисаларни англашига унга эмиштган онаси, сўнг отаси, опаси, акаси ва бошқа оила аъзолари ёрдам бера бошлайдилар. Натижада, бола оила тарбияси таъсирига ўта бошлайди. Бироқ чақалоқлигида атроф-муҳитни кузатиб, билим йиғиши қобилиятини бола то умрининг охиринча сақлаб қолади. Фақат ота-она, ўқитувчи ва мураббийтар бунга халақит бермасалар бўлгани. Халақит қилмайин деб, шона тафаккурининг ривожини ўз ҳолига ташлаб қўйиш ҳам тири эмас, унинг фикр юритишига ва билмаган нарсасини олишиб олишига ёрдам бериш лозим.

Бола катта бўлгани сари ўқиш ва ёзишни ўрганиб, билим-ирии китоблар ва оммавий аҳборот воситаларидан мустақил яшнишда ола бошлайди ва бир кун бориб шахсга айланади. Шахснинг ҳам оддийси (авом), ривожлангани (хос кишилар) ва улуғи (валий) бўлади. Кимда-ким саъй-ҳаракат қилиб, фатнек билан, қийинчиликлар олдида довдирмай, мардонашар, қўйган мақсади сари ҳаракат қилиб, билим эгаллаб бора-рса, оддийдан мураккаб томон ривожлана бориб, босқичмашекиҷ валий даражасига эришиши мумкин.

### 3.2. Оила таълим-тарбия

Оила тарбияси деганда, ота-она ва бошқа оила аъзоларини, улар истаган ижтимоий сифатларни болада шакллантириши мақсадида унга кўрсатган таълимий таъсирлари тушунишни.

Оила бола учун, бир вақтнинг ўзида, ҳам ҳаёт кечириш икони, ҳам таълим (билим) олиш манбайи бўлиб хизмат қиласи. Боланинг илк ижтимоий ривожланиши даврида оиланинг роги бекиёс. Боланинг гўдаклик чоғида кўрган-кечирган ва сифаккуридан ўтказиб, хотирасига жойлашиб олган билимларни жуда турғун бўлади. Уни маҳсус психологик муолажалар орқали хотирасидан чиқариб ташланмаса, улар киши умрининг охиригача сақланишиб қолади ва шахсий ҳаётига, шу жумсолани, шахс сифатида шаклнанишига катта таъсир ўтказади. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, оила жамият талабига жа-

воб берадиган яхши оила бўлса, унда ўсеб-унган бола ҳам (уни бошқа таъсирлардан сақлагандаги) яхши бўлиб шаклланади ва аксинча. Шунинг учун жамиятга мос кишиларни тарбиялаб берувчи расмий таълим-тарбия тизимидағи мутасадди кишилар оила билан алоқани мустаҳкамлашлари, дидактика тамоилиллари ва психология қоидаларидан келиб чиқсан ҳолда, отоналарга тавсиялар ишлаб беришлари лозим.

Демак, оиласидаги тарбия, кишининг бутун ҳаётига ва шахсий сифатида, фуқаро сифатида шаклланишига ҳал қилувчи таъсир ўтказар экан, бутун жамоатчилик ҳамда барча давлат муасисасалари ҳар бир оиласининг соғ-саломатлиги ва тинчлиги устидаги қайфуриши түғри бўлади.

Кейинги пайтларда, жаҳон миқёсида, бола тарбиясида оиласининг роли камайгани сезилмоқда, «оила кризиси» деган тушунчалар ҳам пайдо бўлмоқда. Жаҳон олимлари бунинг сабабларини аниқлашга киришганлар. Бунинг сабабларидан бири, бошқа билим манбаларининг ўта тараққий этиб кетганинидан деб билмоқдалар. Жумладан, оммавий аҳборот воситалари, айниқса, телевидение, радио, уларга интернет тармоқлари қўшилиб, кишилар онгини чулғаб олган. Уларнинг таъсир кучи жуда юқори бўлиб, оила ва расмий таълим-тарбия тизими улар олдида ип эшолмай қолмоқда.

Оила кризисининг яна бир муҳим сабабларидан, ота-она ва бошқа оила аъзолари ўзларининг тобора ўсив бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадида меҳнат жараённида ўта фаоллашиб кетиб, бола тарбиясига вақт тополмайтганликларидир. Айтганларимизга бошқа кўпгина омиллар ҳам қўшилиб, бола тарбиясидаги оиласининг роли сусаймоқда.

Оила тарбиясида йўл қўйилаётган камчиликларни тўлдириш мақсадида, бутун дунёда ижтимоий, яъни жамоатчиликнинг тарбиявий ролини оширишга интилмоқдалар. Натижада, жамоатчилик вакиллари ўз тарбиявий таъсирларини илмий асосда олиб боришлари учун **ижтимоий педагогика** деган фан ҳам пайдо бўлди.

Унинг асосий вазифаси, асосан, тарбияси қийин ёки умуман тарбиясиз қолган одамларнинг, биринчи навбатда, болаларнинг тарбияси билан шуғулланишdir. Уларга нафақат маънавий таъсир, балки моддий ёрдам кўрсатиш ва ҳоказо ишлар амалга оширилмоқда. Унда кишилар фаолиятини, кўп мамлакатларда, ҳудуддаги расмий таълим-тарбия билан шуғулланувчи департаментлар ўз назоратига олганлар. Аммо бу йўналишда муаммолар ҳали жуда кўп.

### **3.3. Узлуксиз расмий таълим-тарбия**

Инсоннинг замон талабига жавоб берадиган шахс бўлиб шаклланишида, сўзсиз узлуксиз расмий таълим-тарбия етакчилик қилади. Унинг расмий деб аталишининг мазмуни қуидагилардан келиб чиқади. Аҳолининг ижтиомий сифатларини замонга мос равишда шакллантириш режаси, таълим-тарбия соҳасидаги етук олимлар томонидан жамиятнинг таълим-тарбияга қўяётган талаб ва эҳтиёжлари асосида миллий дастур кўринишида тузилади. Сўнг уни ижтиомий буюртма сифатида Олий Мажлисга тавсия қилинади. Халқ ноиблари ўзларининг шўйба йигилишларида мутахассис эксперталар билан бирга бу дастурни кўриб чиқадилар. Уни жамиятнинг истиқболли режалари билан солишириб, таълим-тарбиянинг шу кундаги ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда таҳлил қиладилар. Дастур маъкул бўлса, биринчи ўқишдаёк тасдиқланади, кам-кўсти бўлса, таклифлар киритиб, қайта ишлаш учун қайтарилади. Маромига етган таълим-тарбия дастури республиканинг икки налаталик Парламенти тасдиғидан ўтади. Шундан кейин у қонун кучига эга бўлади. Бу дастур давлат томонидан молиявий кафолатланганидан кейин давлат буюртмаси деган ном олади. Шунда у расмий деган мақомга эга бўлиб, мутасадди кишилар уни бажариши шарт бўлади.

Давлат маблағининг катта бир қисми бу ишга сарфлангани гуфайли, молиявий назорат органлари таълим-тарбия билан шуғулланаётганлар ишини назорат остига оладилар.

Ўз навбатида, инсон муаммоси билан шуғулланувчи файласуфлар, замона талабига жавоб берувчи киши ижтиомий сифатларини яратиб берадилар. Улар яратган сиймо шу ҳудуднинг муаяйн вақти учун комил инсон фазилатлари ҳисобланади.

Замон талабига жавоб берувчи инсоннинг ижтиомий сифат кўрсаткичлари таълим-тарбия билан шуғулланувчилар учун умумий методологик асоснинг биринчи қисмини ташкил қиласиди.

Файласуфлар ишлаб берган комил инсон сифатларини шакллантириш учун, фан соҳаларининг етакчи олимлари босқичма-босқич амалга оширадиган намунавий дастурларни ишлаб чиқадилар. Бу дастурлар таълим-тарбия тизимининг ҳар бир босқичи ва ҳар бир тармоғи учун ишланган давлат стандартларига мос ва болалар имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда тузилади.

Намунавий дастурлар давлатнинг мутасадди органларида тасдиқдан ўтганидан кейин, таълим-тарбия соҳасининг ама-

лиётчилари учун дастуруламал ҳисобланади. Шундан кейин ҳар бир ўқитувчи ва педагог, ўз ўқув муассасасининг йўналишидан, моддий базасининг имкониятидан ҳамда ўз касб маҳоратидан келиб чиқиб, ўзи учун ишчи дастур тузади ва уни тасдиқлатиб олади. Кўриб турганимиздек, давлат томонидан ташкил қилинган ва молиялаштирилган таълим-тарбия тизими жуда кўп синовлардан ўтиб, амалга оширилади ва давлат томонидан назорат қилинади. Шунинг учун уни расмий дейилади.

Узлуксиз деган сифатдошга келсак, ҳақиқатан ҳам, таълим-тарбия оиласдан бошланиб, то киши умрининг охиригача давом этади.

Кўйида узлуксиз таълим-тарбия жараёнининг ҳар бир босқичини алоҳида мажму сифатида кўриб, уларни батафсилоқ тавсифлаймиз

## Ўзбекистоннинг узлуксиз таълим-тарбия тизими

**Она мактаби.** Юқорида оиласда олиб бориладиган таълим-тарбияни умумий тарзда кўриб чиқкан эдик. Шунда оиласдан олинган билим ва кўниқмалар ўта турғун бўлиб, киши умрининг охиригача унинг хулқ-атворида сақланиб қолишлиги ҳам қайд қилинган эди. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, болага оиласда тўғри тарбия берилаяптими ёки бола ёмон тарбия олайптими, жамият учун бефарқ эмас. Чунки оиласда ёмон тарбия олган бола, эртага жамият аъзоси бўлиб, жамият ижтимоий ҳаётига кириб келади ва у нафақт оила аъзоларини қийнайди, балки барча жамият аъзоларининг ҳам тинчлигини бузади. Шунинг учун ҳам узлуксиз расмий таълим-тарбия оиласдан бошланиши тўғридир. Бунинг учун, шу муаммо билан шуғулланувчи мутасадди олимлар оила учун тавсиялар, заруррият бўлса, тарбиявий дастурлар тузиб беришса, мақсадга мувофиқ бўлади. Хорижий мамлакатларнинг баъзиларидан бу амалга ошган.

Ота-она ва оиласнинг бошқа катга ёшдаги аъзолари болага кўрсатадиган таъсирни, унинг натижасини кўз олдиларига келтирган ҳолда, муаллимлар тавсиясидан келиб чиқиб ўтказишлари лозим. Жамият шунчалар мураккаблашиб кетдики, жамият аъзолари орасидаги муносабатлар ўта зидлашиб, алоҳида бир одамнинг феъл-атворий бутун жамиятнинг ижтимоий ҳаётига таъсир ўтказмоқда. Маълумки, ёмон феъл-атвор таъсиридан кўра, яхши хулқнинг таъсиридаги жамият тинч ва фаровон ҳаёт кечиради. Шунинг учун ҳар бир оиласда ўсаётган

шоңаға ҳаммамиз жавобгар бўлайлик. «Бир қизга етти қўшни шалик қиласди» деган халқ мақолини, оилада ўсаётган ҳар бир фириандга уқтириб, унга бутун маҳалла, қолаверса, жамият ғибибгар эканини, унинг тарбияси учун ҳамма маъсул эканини гушунтирумогимиз лозим.

**Мактабгача таълим.** Бу таълим босқичи давлат томонидан ошикил қилинган мактабгача таълим муассасаларида олиб борилади. Бу таълим босқичини мажму деб қараганда қуйидаги ғисемлар (bosқичлар)дан иборат. Буларга ясли группаси, китоби, ўрта ва катта группа деган босқичлар киради.

Мактабгача таълим муассасалари ўз фаолиятларини давлат томонидан тасдиқланган режа ва дастур асосида олиб боради-нр. Болалар бу босқичда эгаллаши керак бўлган билим ва ғунималар стандартлаштирилган бўлиб, мактабгача таълим муассасаларида фаолият олиб бораётганлар учун бажарилиши мажбурий. Бу таълим босқичида берилган билимлар ундан бир иғона юқори бўлган умум ўрта таълимда билим бериш учун асос – пойдевор яратиб беради. Демак, бу таълим босқичида давлат стандартида кўрсатилган билим берилмаса, умум таълим мактабида болаларга билим берган кишилар жуда қийинладилар. Шунинг учун ҳаммамиз муайян жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари бўлганимиз учун, жамият томонидан бизга иқлатилган вазифани, бирорвга қолдирмай бажарайлик.

Бу босқичда таълим-тарбия олаётган болалар – боғча болалини, уни тарбиялаётганлар эса тарбиячи-мураббий деб аталашилар. Тарбиячилардан ташқари уларга мусиқа ўқитувчилари чим сабоқ берадилар.

**Умум ўрта таълим.** Умум ўрта таълим мактаби, ўз навбатиши, бошланғич таълим ва ўрта таълим деган босқичлардан иборат. Бошланғич таълим мактабига болалар 6 – 7 ёш оралигида қўйбул қилиниб, у ерда 4-синфни битургунча ўқийдилар. Бу босқичда болаларга ёзув ва ўқув амаллари ўргатилиб, уларни мактабали ўқиш ва ёзиш ҳамда она тилининг бошланғич қоидатарини яхши билиш даражасига етказилади. Шу билан бир қиторда математикадан бошланғич билимлар берилиб, санашиб, қўшиш, айриш, кўпайтириш, бўлиш ва шу каби амалларни бижариш юзасидан билим берилади. Ундан ташқари, бошланғич синфларда расм, мусиқа, жисмоний тарбия, чет тили, таънигашунослик каби фанлардан ҳам бошланғич маълумот берилади.

Ўрта мактаб 5-синфдан бошланиб, 9-синфни битургунча ишом этади. Бу босқичда, болаларга гуманитар, ижтимоий, табиий ва аниқ фанлар асослари ўргатилади. Болалар бу фан-

ларда мавжуд асосий қонун, қонуният ва қоидаларини эгал-лаб, ўзларида уларга кўникма ҳосил қиласидар. Кўникма ҳосил қилиш деганда, киши назарий жиҳатдан эгаллаган билимини ўзининг тил бойлигини ишга солиб, уни эркин равишда айтиб беришликка ёки амалий билимлар бўлса, эгаллаган билимлар асосида амалий машқларни мустақил равишда бажара олишликка айтилади.

Бошланғич мактабда таҳсил олаётганлар ўқувчи, уларга таълим бераётганлар устоз деб номланса, ўрта мактабда таълим олаётганлар ўқувчи, билим бераётганлар ўқитувчи ёки муаллим деб номланиши тўғри бўлади. Бу – Ўзбекистоннинг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да қабул қилинган тушунчалардир.

**Махсус таълим.** Умум таълим босқичини муваффақиятли битирган ёшлар махсус таълим босқичидаги ё академик лицей, ёки коллеж ўқув муассасаларида ўқий бошлайдилар.

Академик лицейларнинг мақсади бола танлаган ўқув фанлар гуруҳидан чукурлаштирилган билимлар бериш. Миллий дастурда қўйилган мақсадга кўра, академик лицейлар ёшларнинг ўзи танлаган фанлари бўйича ихтисослашган олий ўқув юртига кириш учун тайёрлаши керак.

Коллежлар эса, ёшларни касб-хунарга ўргатиб, маълум бир ўйналишдаги касбга ўрта маълумотли кишиларни тайёрлайдилар.

**Академик лицей** ва коллежларда 3 йил ўқиб, уларни тугатганлар қўлларига диплом оладилар.

**Махсус таълим** босқичида ўқиганлар ўқувчи, уларга дарс берадиганлар педагог деб номланади.

**Олий таълим.** Махсус таълим босқичидан ўтиб, қўлига диплом олган ёшларнинг бир қисми олий ўқув юртларига, бу босқич ўқув юртининг талабаси бўлиш учун синовдан ўтишга ҳужжат топширадилар. Бошқа бир қисми, коллеж дипломи бўлганлар, мутахассислиги бўйича ишга кирадилар.

Олий ўқув юртига кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган ёшлар, шу олий ўқув юртининг талабаси ҳисобланиб, уларга сабоқ берувчилар асистент, катта ўқитувчи, доцент, профессор деб номланадилар.

Олий таълим ҳам икки босқичдан иборат. Биринчиси бакалаврият, уни битирганлар тўлиқсиз олий маълумотга эга бўлиб, мутахассислиги бўйича коллежни битирганлардан бир поғона юқори турадилар.

Иккинчиси – магистратура. Бакалавриятда ўқиган вақтида ўз касбига алоҳида қизиқиб, ўзининг шу йўналишда қандай-

дир бир янгилик ярата олишига умид билдирган ёшлар, олий таълимнинг иккинчи босқичида ўқийдилар. Шулар билан бир қиторда, аввал ўқиб кетиб, ишга жойлашган ва меҳнат жараёнида ўзининг қасбиға қаттиқ қизиқиб қолиб, бирор янгилик ярата олишни ўйлаб қўйган бакалавр кириш имтиҳонидан ўтганидан сўнг магистратурага қабул қилинади. Магистратурани битираётган мутахассис шу соҳанинг бир муаммоси устида магистрлик диссертациясини ёзади ва муваффақиятли ёқлаганидан кейин магистр дипломига эга бўлади. Магистратурада ўқиганлар талаба эмас магистрант деб номланади.

**Олий таълимдан кейинги таълим.** У ҳам икки босқичдан иборат. Олий таълимнинг иккала босқичида ўқиб, ижобий баҳочтар олган ва шу соҳада ўз ечимини кутиб турган аниқ бир муаммони сча олиш салоҳияти борлигини қўрсатган магистрлар, кириш имтиҳонларини топшириб, аспирантурага кирапилар. Аспирантурада бир қатор фанлардан сабоқ олиб, уларнинг минимум имтиҳонларини топширадилар. Буларга: фалсафа, чет тили ва маҳсус фанлар киради. Барча минимум имтиҳонларни топшириб, танлаб олган муаммо ечимини исботчовчи номзодлик диссертациясини ёзгач, уни бир қатор муҳокамалардан ўтказиб, охири ихтисослашган илмий кенгашда очиқ ҳимояялаб, Олий атtestация комиссияси тасдиғини олганларидан кейин фан номзоди илмий унвонига эга бўладилар.

Аспирантурада ўқиётганлар – аспирант, уларга йўл-йўриқ қўрсатиб турган олим раҳбар деб аталади.

Фан номзоди деган илмий унвонга эга бўлиб, фанда йирик бир ўзгариш ясай олиш қобилиятини намоён қилган номзод докторантурага имтиҳон орқали қабул қилинади. Шунда у, мустақил равишда докторлик диссертация устида ишлаб, 20–30 дан ортиқ асарлар ёзиб, чоп эттиrsa, унга докторлик диссертациясини ҳимоялашга рұксат берилади. Докторлик ҳимоясиги ошкора ҳимоядан ўтказса, унга Олий атtestация комиссияси тасдиғи билан фан доктори деган илмий унвон берилади.

Докторантурада ўқиётганларни – докторант, унга кўмак бериб турган йирик олимни консультант деб аталади.

**Малака ошириш.** Олий таълимнинг бакалавр босқичини битиргандан бошлаб магистр, фан номзоди, фан докторлари, истисносиз, ҳар 4–5 йилда малака ошириш курсларидан ўтишлари шарт. Малака ошириш турли муддатли бўлиб, уларни битиргандарга гувоҳнома берилади.

Кўриб турибсизки, ўзини ҳақиқий инсон деб билган ва ўз устида тинмай ишлаб, доимо билим олишни мақсад қилиб

қўйган киши давлатнинг узлуксиз таълим-тарбия тизимидан чиқиб кетмасдан, унинг турли босқичларидан ўтиб, комил инсон даражасига эришиши аниқ.

### **3.4. Оммавий ахборот воситалари**

Билим олишнинг бу турдаги манбай мажмуига даврий матбуот (газета ва журнallар), радиоэшиттириш ва телевидение ҳамда кўплаб нашриётлар киради. Уларнинг ҳар бири, ўз навбатида, мажму бўла туриб, бир қатор унсурлардан ташкил топади. Масалан, даврий матбуот деган ахборот манбайнинг мажмуи, ўзидан бир пофона пастдаги «газета» ҳамда «журнал» деган мажмулардан ташкил топган. Уларнинг ҳар бири ўз бошига мажму бўла туриб, ўзидан бир пофона пастдаги бир қанча қисм (унсур)лардан ташкил топган. Масалан, Ўзбекистонда «газета» деган ахборот мажмуи «Халқ сўзи», «Мулкдор», «Фидокор», «Адолат», «Ҳукуқ», «Ҳуррият», «Моҳият» ва ҳоказо жами 100 дан ортиқ мажмулардан ташкил топган. Шунга ўхшаб, журнallар, нашриётлар, радиоэшиттириш тўлқинлари ва телевидение каналлари ҳам жуда кўп унсурлардан ташкил топган бўлиб, биргаликда қудратли ахборот (билим) манбайнни ташкил қиласидилар. Улар ўзларининг кучли интеллектуал салоҳиятининг фаолияти билан аҳоли онгига, яъни уларнинг ижтимоий моҳиятига қатта таъсири ўтказиб келмоқдалар. Шу кунда уларга, илмий асосда қурилган ўта кучли таълим-тарбия тизими таълими таъсири бўйича ўз ўрнини бой бермоқда.

### **3.5. Ижтимоий муҳит**

Юқорида келтирилган билим олиш манбаларининг ажralmas бир қисми бўлиб ҳисобланган ижтимоий муҳитни таҳил қиласидиган бўлсак, у кўча-кўйда, транспорт воситаларида, тўй-ҳашам, маърака, байрам ва масжидларда киши онгига таъсири ўтказиб, унинг ижтимоий моҳиятини яхши ёки ёмон томонга қараб ривожланишига хизмат қиласиди. Баъзи бир кишилар, оила тарбиясининг таъсирига берилиб, бошқа турдаги ахборот манбаларини билиб туриб рад қиласидилар. Ватандошлиаримизнинг яна бир қисми расмий таълим-тарбия тизимига маҳкам ёпишиб олиб, фақат у орқали келган билимларни қабул қилиб, бошқасини инкор этадилар. Шунга ўхшаш, бир қисм аҳоли телевизор ёки радиодан узилмайди. Уларнинг наздида энг тўғри билимни шулардан олиш мумкин ва ҳоказо.

Бизни ўраб турган ижтимоий муҳитдаги билимлар ҳозиргагача аҳоли маънавиятигининг шаклланишида муҳум роль ўйнаб келмоқда. Бунинг сабабларидан бири, кўча-кўй ва ижтимоий муҳитни шакллантирувчи жойларда билим узатиш ва билим олиш эркин, яъни ихтиёрий равишда кечади. Бошқа билим манбалари, у оиласми, оммавий ахборот воситаларими ёки расмий таълим-тарбиями одамларга билимларни асосан тиқишириб, кўп ҳолларда мажбурлаб берилади. Психология илми қонуниятига кўра, инсонга нимаики нарса мажбурланса, унда шу нарсага нисбатан қарши куч пайдо бўлади. Шунинг учун ижтимоий муҳитни ўрганиши замонимизнинг долзарб масала-тиридан бири ҳисобланади.

Ижтимоий муҳит табиий муҳит сингари бузилини ёки тоза оғлиши мумкин. Инсоннинг жамият аъзолари билан биргашка, ўзаро муносабатларида яратиладиган муҳит ижтимоий муҳит дейилади. Оиласда, ҳалқ таълими тизимида, меҳнат жамоатларида, жамоат жойларида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар, шунингдек, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати физиологиянидан қарор топган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муносабатлар мажмуи инсон ҳаёти фаoliyatiining ижтимоий муҳитини юзага келтиради.

Инсон саломатлиги миллат бойлиги ҳисобланади. Шу боисини ҳар бир киши ўзининг ва атрофдагиларнинг жисмоний, руҳий ва ижтимоий саломатлигини асрashi керак. Аҳолининг табиитини сақлаш табиий ва ижтимоий муҳитларнинг ҳолатига боғлиқ. Бу ерда ижтимоий муҳит етакчилик қиласди. Чунки тоға ижтимоий муҳитда яхши маънавият шаклланади. Яхши маънавиятга эга бўлган инсон ҳам ижтимоий, ҳам табиий муҳитлар мусаффолигини таъминлай олади.

# ПЕДАГОГИКАНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

## 1. Педагогиканинг маҳсус тушунчалари

Ҳамма илм-фан ва қасб-хунарларда бўлгани каби, педагогикада ҳам бошқалар кам тушунадиган ёки умумалик тушунмайдиган маҳсус тушунчалар бор. **Нарса ва ҳодисаларниңг мухим хусусиятларини, яъни бир бутуниниг ички қисмлари орасидаги алоқалар ва шу бутуниниг ташқи муросабатларини акс эттирувчи тафаккур шаклига тушунча дейилади.** Тушунчанинг мантиқий вазифаси, бирон нарса ёки ҳодисани бошқасидан фикранг ажратишдан иборат. Ҳар бир фан муайян тушунчалар билан иш кўради. Тушунча ҳиссий билиш шаклларидан фарқ қилиб, инсон тафаккурида тўғридан-тўғри акс этмайди. У таққослаши, таҳдил, синтез қилиш, абстракциялаш, умумлаштириш каби мантиқий усууллардан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинади.

Расмий таълим-тарбия боғчадан бошланиб, малака ошириш билан тугаши бизга аён бўлди. Ҳақиқий инсон ва замонга таълибига жавоб берадиган мугахассис сифатида ўзини ҳис қилиши учун, ҳар бир одам доимо ўзини узлуксиз таълим-тарбия жараёнида ушлаб туриши керак эканини ҳам англадик. Узлуксиз расмий таълим-тарбиянинг бирламчи асоси дарс ҳисобланниши ва у беш унсурдан ташкил топишими ҳам биламиз. Демак, педагогиканинг асосий тушунчаларидан бири дарс.

**Дарс** – аниқ мақсадни кўзлаб, берилган вақтда бир хил ёнидаги ўқувчи-ёшлилар билан ўқитувчи раҳбарлигида олиб борилидиган машғулот экан, дарснинг мақсади, мазмуни ва ҳажми таълим стандартлари асосида белгиланади. Ўқитувчи учун дарс педагогик фаолиятининг асосий ташкилий шакли экан, у бу жараёнида:

- ҳар бир синфда ўқувчиларниңг ёши ва билим даражаси билан ишланашига;
- дарс қатъий жадвал бўйича белгиланган аниқ муддатда олиб борилишига;
- дарс ўқитувчи раҳбарлигида бугун синф билан ва алоҳидаги ўқувчилар билан ишлаш шаклида олиб борилишига;
- дарс ўқув фанининг характеристики, берилаётган билимларниңг мазмунига қараб турли усууллар ва воситалар ёрдамида олиб борилишига ва узлуксиз таълим тизимининг бир қисми

сифатида тугалланган билим берилишига ҳамда навбатдаги билимларни ўзлаштириш учун замин яратишга қаттиқ риоя қилиши шарт.

Шуни унутмаслик керакки, ўқув юртларида таълим-тарбия ширлари фақат синф-дарс шаклида олиб борилмай, балки амалий машғулотлар, тажриба ишлари шаклида ҳам амалга оширилади. Бу машғулотлар синфдан ва мактабдан ташқарида бўлиши ҳам мумкин.

Дарс – таълимнинг асосий шакли экан, у илмий, тизимли, тушунарли, онгли ва фаол бўлиши, билимлар мустаҳкам ўзлаштирилиши, ўқувчи-талабанинг шахсий хусусиятлари эътибори олинган ҳолда ташкил этилиши шарт.

Педагогика фани дарс олдига бир қатор дидактик талабарни қўяди, улар қўйидагилардан иборат:

– ҳар бир дарс аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда пухта режамишлирилиши ёки лойиҳаси тузилиши лозим. Бу жараёнда ўқитувчи дарснинг таълимий ва тарбиявий мақсадини белгилиди. Дарс босқичларини, яъни қандай бошлаш, янги материални қандай ўтиш, қандай тамомлаш, кўргазмали ва бошқа дидактик материаллардан қандай фойдаланиш кабиларни олдинидан ҳал қилиб олади;

– ҳар бир дарс аниқ гоявий изланишга эга бўлиши лозим;

– ҳар бир дарс мактабнинг ижтимоий муҳит имкониятини чисобга олган ҳолда амалиёт билан боғланиши, кўргазмалиносителар билан жиҳозланиши шарт;

– ҳар бир дарс, дарс характеристига мос усул ва услублардан самарали фойдаланилган ҳолда ташкил этилиши керак;

– дарс учун ажратилган вақт ва унинг дақиқаларидан тежжимкорлик ва унумли фойдаланиш талаб қилинади;

– дарс жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи ўзаро фаол муносабатда бўлиши шарт, ўқувчи-талаба пассив тингловчига айланмаслиги керак;

– машғулотлар бутун синф ва ҳар бир ўқувчи билан, уларнинг шахсий хусусиятларини эътиборга олган ҳолда олиб борилиши юқори самара беради;

– дарснинг мазмуни ва характеристига қараб ҳалқимизнинг бой маънавий меросидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқидир.

Педагог ўтилаётган мавзунинг мазмунига боғлиқ ҳолда мустақил Ўзбекистондаги ўзгаришлардан ўқувчи ва талабаларни мабардор этиши лозим. Педагогиканинг навбатдаги тушунчалик **маърифат** ҳисобланади.

**Маърифат (педагогик жараён)** – бу таълим ва тарбияни амалга оширувчи инсоннинг фаолият соҳаси. Билимга эга ва уни бошқаларга ўргатишни ўзига касб қилган «таълим-тарбия берувчи»лар – боғча тарбиячиси, устоз, ўқитувчи, педагог, катта ўқитувчи, асистент, доцент, профессор, маъruzachi деб номланади. Билимга талабгорлар, яъни «билим олувчилар» – боғча болалари, ўқувчилар, талабалар, тингловчилар ва шоғирд деб аталади. Таълим-тарбия муассасаларига боғча, мактаб, академик лицей, коллеж, институт, университет, академия кабилар киради. Кўриб турибсизки, педагогиканинг бир қатор тушунчалари мавжуд экан. Бу ижтимоий воқеликнинг асосий мақсади билим бериш экан, у таълим ва тарбия жараёпида амалга оширилади. Шундай экан, маҳсус педагогик тушунчаларнинг кейингиси **билим** саналади.

**Билим** – бир бутунликни ташкил қилувчи қисмлар орасидаги уларнинг тадрижий ривожининг ички заруриятидан келиб чиққан алоқадорликлар. Уни қонуният деб ҳам юритилади. Бу зарурий боғлиқлик нарса ва ҳодисаларнинг табиатидан келиб чиқиб, бизнинг ихтиёrimиздан ташқарида. Уни ўзгартириб бўлмайди. Уни билиб, унинг хусусиятидан келиб чиқиб, иш юритилади. Билим кишидан кишига маълумот (ахборот) орқали ўгади. Билимлар тушунча, таъриф ва тавсифлар орқали ўзини намоён қиласди.

**Маълумот** – у икки маънода ишлатилиб, иккиси ҳам педагогикага оид.

1. Хабар – ўқиши жараёнини амалга оширувчи восита. Билимли кишининг вазифаси билимини унга талабгор бўлганларга етказиш, маълум қилиш, тил ва кўргазмалар ёрдамида муайян алоқадорликни (билимни) бошқаларга билдиришдан иборат.

2. Билим даражаси, ўқиши, билиш, яъни борлиқдаги объектив қонуниятларни ҳис қилиш натижасида олинган билимлар йиғиндиси. Масалан, паст маълумотли, ўрта ва юқори маълумотли ва ҳоказо.

**Таълим** – билимни маълум бир тартибда бериш ва уни олиш жараёни. Бу жараён бир қатор педагогик усул ва услублар орқали амалга оширилади. Таълим турлари кўп: ахлоқ-одоб таълими, табиий билимлар бўйича таълим, техник таълим, касб-хунар таълими, олий таълим, сиёсий таълим, ҳуқуқий таълим ва ҳоказолар.

**Тарбия** – кенг қамровли тушунча бўлиб, унинг уч хил таъкини мавжуд.

1. Болани боқиб, вояга етказиш.

2. Парвариш-қаров.

3. Олинган билимларни амалиётда қўллашга ўргатиш.

Педагогикага унинг учинчи талқини мос келади. Масалан: одоб ва ахлоққа ўргатиш ахлоқий тарбия; қасб-хунарга ўргатиш хунар тарбияси; ислом ақидалари ва шариат қоидаларига ўргатиш диний тарбия ва ҳоказо. Тарбия таълимсиз амалга ошилади. Таълим (билим) беришдан мақсад, унинг кетидан тарбия беришdir, яъни таълим орқали эгаллаган билимларни ошилиётда қўллай олишга ўргатиш. Таълим ва тарбия туғунчалари ўзаро узвий боғлиқ. Таълим – билим бериш ва уни ғаллаш билан боғлиқ бўлса, тарбия олган билими бўйича ҳаракат қилиб, уни кўнникмага айлантиришdir. «Таълим – ўқитиш, туғунтириш асосида назарий билим бериш; тарбия – назарий фазилатларни, маълум ҳунарни эгаллаш учун зарур бўлган ҳулқ ва амалий малакаларни ўргатиши», «Таълим фақат сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса, амалий иш тажриба билан » деган буюк аллома Абу Наср Форобий.

**Шахс шаклланиши.** Инсон биожитимоий мавжудот бўлгандиги туфайли, биологик ривожи билан бир қаторда у ижтимоий ривожланиб ҳам боради ва камолотнинг маълум бир босқичида шахсга айланади. Кишида бир қатор ижтимоий сифатлар таркиб топиб, илмий асосланган мустақил фикр шаклланиади.

**Ижтимоий тараққиёт** – ташқи ва ички, бошқариладиган ва бошқарилмайдиган омиллар билан кишига ижобий таъсирни, яъни шахснинг шаклланиш жараёни. Инсоннинг ижтимоий тараққиётида мақсаддага йўналтирилган таълим-тарбия стакчи ўринни эгаллайди.

**Педагогик фаолият** – жамиятнинг таълим-тарбияга бўлган ютиёжини қондириш мақсадида қатор фанлардан билим берини ҳамда умуминсоний сифатлар ва миллий фазилатларни шакллантиришини илмий асосланган режа-дастурга мувофиқ ҳамда муайян педагогик усул ва услублар орқали амалга ошириш, яъни авлодни ҳаётга тайёрлайдиган ижтимоий зарур фаолият тури.

**Педагогик жараён** – ўқитувчи ёки педагог, ўқувчи ёки тала ба орасидаги билим бериш ва билим олиши, ўргатиш-ўрганишни тарбиялаш зайлida кечадиган муносабатлар тизими.

**Педагогик тамойил** (принциплар) – ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабат орқали бериладиган билим тури, ҳажми ва мазмуни, шунингдек, ўқув қуроллари ва тарбияланувчиларнинг руҳий хусусиятлари ўртасидаги зарурий боғлиқликлардан келиб чиқсан қонуниятга амал қилиш.

**Педагогик тажриба** – таълим-тарбия берувчи томонидан педагогиканинг тамойиллари ва таълим-тарбия беришининг

муайян усул ва услубларини түлиқ ўзлаштириб, уларни амалда қўллашдаги реал шарт-шароитларни, болалар жамоаси ва ҳар бир боланинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда амалиётда татбиқ этиш.

**Илғор педагогик тажриба** – ўқитувчи томонидан педагогика тамоиллари ҳамда таълим-тарбия беришнинг усул ва услубларини яхши ўзлаштириб, уларга ижодий ёндашган ҳолда, нисбатан самаралироқ усул ёки услуб яратиш.

**Шахснинг ҳар томонлама камолга этиши** – маълум бир тарихий шарт-шароитлардаги индивид қобилияти ва иқтидори, унинг биоижтимоий моҳиятини ташкил қиласидиган ҳамма кучларни түлиқ ривожлантиришдан иборат.

**Ижтимоий муҳит** – киши шахсини шакллантирувчи ижтимоий муносабатлар мажмуи. Ижтимоий тафаккур, турмуш тарзи ва шахслараро, гуруҳлараро ҳамда миллат ва ҳалқаро муносабатларнинг ўзаро мувофиқ келиши ва бир-бирини бойитиш.

**Педагогик муҳит** – таълим-тарбия мақсадларига мувофиқ равишда тузилган шахслараро (ўқитувчи-ўкувчи ҳамда ўкувчилар орасида) муносабатлар мажмуи.

**Ички муҳит** – кишининг ўзига хос ҳаётий фаолияти, характеристикинг ўзига хослиги, ҳаётий тажриба ва ирсий тафаккур кўнгламалари мажмуи, олатдаги руҳий ҳолатларда ўзини намоён этадиган таъсиранлик ва воқеликка муносабатларнинг ўзаро бир-бирига мувофиқ келиши, бир-бирини тўлдириши ва бойитиши.

**Ирсийлик** – кишининг ўзига хослигини белгилаб берадиган анатомик, физиологик, психологияк, ташкилий жиҳатлар, ота-она томонидан ирсий бирликлар орқали ўтадиган белгилар.

**Руҳият** – шахснинг субъектив қиёфаси, кишининг вужуди ва юқори даражада ташкил этилган материя – онги ҳамда руҳининг биргаликдаги ҳаракат маҳсули.

**Ўз-ўзини англаниш** – кишининг ўзига ва ўз фаолиятига бир жамоа ёки бутун жамият нуқтаи назаридан баҳо бера олиш.

**Фаолият** – қандайдир шахсий, гуруҳий, миллий ёки умуминсоний эҳтиёжларга жавоб берувчи мақсад сари йўналтирилган ҳаракат.

**Таълим-тарбиянинг инсонийлиги** – педагогик жараённи, яъни таълим-тарбия берувчи билан ўкувчи орасидаги педагогик муносабатлар оқимини ўта инсоний (ўзаро иззат-хурмат ва муҳаббат) руҳда амалга ошириш.

**Таълимни демократлаштириш** – муайян жамият ва конкрет шахс эҳтиёжи ҳамда имкониятидан келиб чиқиб, маълум билимлар тури ва ҳажмини эркин ҳолда танлаб олиш.

**Мақсад** – ҳар қандай ҳаракатни бошлашдан олдин ҳаракат икуніда эришиладиган нарса ёки ҳодисанинг бутунлигича ҳамда унинг асосий күрсаткычлари билан киши тасавурида пайдо бўлиши. Мақсад реал ва хаёлий бўлиши мумқин. Реал мақсад илмий асосланган бўлиб, объектив борлиқда содир этиладиган иарса ва ҳодисаларни ўзида намоён этади. Хаёлийси унинг акси.

**Ақлий тарбия** – табиатдан берилган ақлий куч, сезги, руҳий ҳолат, билувчанлик ва фаолият эркинлигини ривожлантириш натижасида инсонда мустақил фикр юритиб, олдига мақсад қўя олиш ҳамда кўзланган мақсадига эришиш қобилийтини шакллантириш.

**Ахлоқий тарбия** – оиласда, меҳнат жамоаси ҳамда кенг жамоатчилик ўртасида, умуман, ҳамма ҳудудда, миллатда, давлатда қабул қилинган қонун-қоида ва тартибларга бўйсунган ҳолда уларга риоя қилиш ҳамда умуминсоний қадриятларга асосланган ахлоқ ва одоб қоидаларини ўзлаштириш.

**Жисмоний тарбия** – инсоннинг ҳамма жисмоний хусусиятларини; анатомик, физиологик мажмуларини ҳар томонлама ривожлантириш, соғлом ҳаёт кечиришнинг афзаликларини тарғиб қилиш ва жисмоний маънавиятнинг зарурий асосларини шакллантириш.

**Хуқуқий тарбия** – инсонда ҳуқуқий билимларни ошириш, қонунларни яхши ўзлаштириб, уларга тўлиқ риоя этиш кўникмасини ҳосил қилиш.

**Эстетик таълим-тарбия** – инсонда завқ уйғотувчи ва уни ҳаракат, шижаот ва қаҳрамонликларга ундовчи барча турдаги кўринишлар, ҳолатлар, ҳодисалар ва бадиий-эстетик тафаккурни шакллантириш.

**Иқтисодий тарбия** – ишлаб чиқаришининг жамиятда тутган ўрши, ишлаб чиқариш воситалари ва иш қуролларининг моҳијити, улар орасидаги узвий алоқадорликни ўргатиш ва одамларда шу билимларга кўникма ҳосил қилиш.

**Экологик таълим-тарбия** – экологик билимларни бериш, уларда ташқи муҳит ва вужуд орасидаги узвий боғлиқлик мавжудлигини ҳис эттириш, табиий ва ижтимоий муҳитга нисбатан оқилона муносабатда бўлиш кўникмаларини ҳосил қилириш.

**Педагогик мулоқот** – таълим-тарбия билан боғлиқ мулоқот гури.

**Маҳорат** – ўзлаштирилган билим ва ҳаётий тажрибалар асосида барча амалий ҳаракатларни (шу жумладан, дарс беришини) шу соҳада мавжуд қонун ва қоидалар асосида кам куч ва кам вақт сарфлаб бажариш.

**Малака** – киши эгаллаган билимлари кўникма босқичидан ўтиб, доимий (автоматлашган) ҳаракат турига айланиши, маҳорат ҳосил қилиши. Малака – паст, ўрта ва юқори бўлиши мумкин.

**Дикқат** – фаолият кўрсатиш мақсадида танланган обьектга (жумладан, муайян фанга) онгнинг жамланиш ҳолати.

**Тафаккур** – билиш ва англашнинг юқори шакли бўлиб, онгнинг ўзида обьектив борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни ташкил қилувчи қисмлар ўртасидаги ўзаро алоқадорликларни акс эттириш.

**Касбга йўналтириш** – жамият эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда, тарбияланувчига маълум бир касб-хунар ўргатишнинг маърифий жараёни.

Бундай тушунчалар талқинини яна давом эттираверишимиз мумкин, аммо юқоридаги педагогиканинг умумий тушунчалари билан чегараланамиз.

## 2. Педагогика илмининг тадқиқот обьекти, предмети ва мақсади

Китобимизнинг аввалги саҳифаларидан бизга маълум бўлдики, инсоннинг ҳар қандай фаолиятини амалга ошириш учун, аввал, бу фаолият соҳасида мавжуд билимларни эгаллаб олиш керак экан. Фаолиятни амалга ошириш учун керак бўладиган билимларни устоз-муаллимлар орқали шу соҳа фанидан олинишини ҳам биласиз. Фан, ўз навбатида, бу билимларни асрлар мобайнида тадқиқотлар олиб борган илмдан олиб тўплаган экани ҳам бизга маълум. Ҳар қандай илмий тадқиқот ўз фаолиятини қандайдир муайян бир бутунликка, яъни мажмуга қаратишлигини ҳам эслайлик. Илмнинг муайян тадқиқоти, йўналтирган нарса ёки ҳодисани, шу илм соҳасининг тадқиқот обьекти эканини ҳам, китобимизнинг аввалги саҳифаларидан биламиз. Шунингдек, муайян тадқиқот обьектининг жабҳалари кўп бўлиб, уларнинг ҳар бирини бошқа-бошқа илм соҳалари ўрганиши ва уни шу илмнинг тадқиқот предмети эканини ҳам эслайлик.

Шулардан келиб чиқиб, педагогика илмининг тадқиқот обьектини аниқлаймиз. Педагогика таълим-тарбия тўғрисидаги илм-фан эканини кўп адабиётларда ўқиганмиз. **Педагогика илми таълим-тарбия жараёни устида тадқиқот олиб боради.** Бу унинг тадқиқот обьекти ҳисобланади (5-расмга қаранг).



5-расми.

Шунда педагогика илмининг тадқиқот предмети нима бўлиши мумкин? Бу мураккаб саволга педагогикага бағишлиланган шабиётларда турлича жавоблар берилган. Биз, бу тўғрида нима деймиз? Биз бу борада фол очиб, хаёлимизга келган жавобни бера олмаймиз, бизнинг бунга ҳаққимиз ҳам йўқ. Биз илмшуносликда қабул қилинган қонун-қоидага асосланиб иш юритишимишиз шарт.

Мазкур китобнинг аввалги саҳифаларида, ҳар қандай илмининг тадқиқот предмети деганда, тадқиқот обьектини бир бутунилик, яъни мажму қилиб турган ва уларнинг ички заруриятидан келиб чиққан алоқадорликларни тушунмоқ лозим дейилган. Бу тўғри, чунки бу бутун жаҳонда илмшунослик соҳасида қабул қилинган қоида. Бунга бўйсунмай иложимиз йўқ. Унда ҳар қандай илм бўйича тадқиқот олиб боришдан мақсад нима? Юқорида бир неча бор айтилдики, алоқадорликларнинг функционалларни, яъни нарса ва ҳодисалар тадрижининг ички заруриятидан келиб чиққанлари ва эпизодик (вақтинчалик)лари бўлади. Илмнинг мақсади, тадқиқотнинг махсус усувлари орқали, алоқадорликларнинг пучидан тўқини, ишни функционал алоқадорликларни вақтинчаларидан ажра-

тиб беришиликдир. Биламизки, кишининг амалий фаолиятига тасодифий ва вақтинча алоқадорликлар деярли таъсир этмайди. Функционал алоқадорликлар эса, бу ҳаракатларнинг бўлишини белгилаб беради. Чунки, функционал алоқадорлик шу объект тадрижий ривожининг ички заруриятидан келиб чиқкан бўлиб, шу объектнинг мавжуд бўлишига хизмат қиласди.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, педагогика илмининг тадқиқот предмети узлуксиз таълим-тарбия жараёнини бир бутун қилиб турган функционал алоқадорликлар десак, хато қилмаган бўламиз. Узлуксиз таълим-тарбия жараёнининг элемент (қисм)лари жуда кўп, буларни ўз табиатига қараб гурухлаштирганда ҳам анчагина бўлади. Ана шу гуруҳ-гуруҳ алоқадорликларни педагогиканинг алоҳида-алоҳида илм соҳалари ўрганиди, яъни улар устида тадқиқот олиб боради. Буни кейинги саҳифаларда батафсилоқ кўриб чиқамиз.

Педагогика илмининг тадқиқот олиб боришдан **мақсади нима?** деган саволга қўйидагича жавоб берамиз. Педагогика илмининг тадқиқот олиб боришдан мақсади, таълим-тарбия жараёнини ташкил қилувчи ва функционал боғлиқликда бўлган элементларини аниқлаш. Илм-фандада зарурий (функционал) алоқадорликлар **қонуният** деб номланиб, улар педагогика фани ва амалиёти билан шуғулланувчилар учун тамойил, яъни умумий методологик асос бўлиб хизмат қиласди.

Гарчи тадқиқотлар илмий асосда ва чуқур олиб борилмай (шундай ҳолатлар ҳам жуда кўп), эпизодик алоқадорликни ҳам зарурий деб айтилса, амалиётчи педагоглар унга ишониб, ўз фаолиятларини амалга оширганларида бу «қонуният» амалиётда ишламай қолиши, педагог эса таълимий мақсадига етол-маслиги мумкин. Шунинг учун педагогика соҳасида тадқиқот олиб борувчилар, ўз фаолиятларини ўта масъулият ва юқори малака билан амалга оширишлари лозим.

### **3. Педагогика фани ва амалиётининг методологик асослари**

Одам туғилиши билан ўзида ижтимоий сифатларни шакллантира бошлайди. Бу сифатлар шахсий характер, мижоз, ҳиссият, диққат, идрок ва хотира таъсиридан ўтиб, шахсий сифат тусини ола бошлайди. Инсон аста-секин шахс деган мақомга эга бўлади. Шахслар ўзлаштирган билимлари, унинг ҳажми ва одамлар тақдирини ўзгартира олиш даражасига қараб оддий, кучли ва буюк шахслар тоифасига бўлинадилар.



6-расм.

**Шахснинг камолотта эришиш жараёни мураккаб бўлиб, кишининг ирсий бирликларидағи дастури (тақдири азал), шахсий шикоати ва ташқи табиий ва ижтимоий мухит ҳамда мақсадга нуталтирилган таълим-тарбия жараёнлари таъсири остила кечади.**

Инсон биоижтимоий мавжудот сифатида ижтимоий ривожланиши давомида сифат ўзгаришларига дуч келиб, биологик тур вакилидан шахс даражасигача кўтарилади. Бунда ижтимоий ривожланишни ҳаракатга келтирувчи куч ҳал қилувчи ҳамитта эга.

**Инсон ижтимоий ривожланишини ҳаракатга келтирувчи куч турб, киши эҳтиёjlари таъсирида юз берадиган объектив омилишни, одамларнинг оддий, биологик ва жисмоний (моддий) эҳтиёjlаридан бошлаб, олий (маънавий ва руҳий) эҳтиёjlарни қўллар бўлган эҳтиёjlар мажмуи ва уларни қаноатлантириш имкониятлари орасидаги муносабатларга айтилади (6-расм).**

Эҳтиёjlар у ёки бу фаолиятнинг сабабларини вужудга келтиради. Ўзининг эҳтиёjlарини қондириш учун киши восита то манбалар қидиради. Эҳтиёjни қондириш имкониятлари мавжуд бўлганда, киши ўзини баҳтиёр ҳис этади. Акс холда, ўзини баҳтсиз деб билиб, унда кишини ҳаракатлантируvchi куч шайло бўлади.

Агар одамнинг ахлоқий тарбияси тўғри бўлса, у ижтимоий ривожланади. Ахлоқий тарбияси носоз одамнинг ижтимоий сифатлари нурай бошлайди ва ижтимоий хасталик (ўғрилик, нашашиддик, ёлғончилик, фирибгарлик ва ҳоказо)ларга дучор бўлаши. Ахлоқий тарбияси яхши едам эҳтиёjини қондиришининг тўғри ифларини излайди ҳамда одамлар билан мулоқотда бўлиб, ўзиги яхши ижтимоий сифатларини такомиллаштириб боради.

Бундай ўзаро таъсирлардан пайдо бўлган кучдан самарали фойдаланиш учун йўналтирилган таълимий таъсирнинг муваффақиятли бўлиши етакчи ўринни эгаллади.

Ёшларни ҳаётга тайёрлаш учун мутасадди кишилар, шу жум ладан, ўқитувчи ва педагоглар ҳам балоғатга етмаганлар дуне қарашини шакллантиришда жамият олдида масъул ҳисобла надилар.

Мақсадга йўналтирилган таълим-тарбияни амалга оширишда жамият олдига қўйилган олий мақсад ва фалсафанинг боқиӣ қонуниятлари энг умумий методологик асос вазифасини ўтайди. Жамиятнинг кўпчилик аъзолари ўзаро мақсад қилиб олган ва эришиши шарт бўлган маълум ғоялар мажмуига **Олий мақсад** дейилади. Ҳар қандай олий мақсаднинг асосий кўрсаткичлари бўлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бутун тарихий тарақ қиёт даврини, халқимизга мансуб ва аждодларимиз томонидан эъзозланган миллый ғояларни, шунингдек, ҳозирги ривожланган мамлакатлар қадриятларини ўрганиб, истиқболга йўналтирилган миллый олий мақсад ва мафкурани ишлаб чиқди.

Мақсадимиз Ўзбекистон ҳудудида хукуқий ва демократик таъмойилларга асосланган буюк давлат қуриш ҳамда эркин ва фаровон фуқаролик жамиятини барпо қилишдир. Бу олий мақсад элементларининг ҳар бирининг аниқ кўрсаткичлари бўлиб, уларнинг йиғиндиси миллый мафкурани ташкил қиласиди. Таълим ва тарбия тизимида фаолият кўрсатаётгандарнинг вазифаси ёш авлодга диний, дунёвий ва фалакиёт фанларидан билимлар бериш билан бирга уларда миллый мафкурамизга мос бўлган ижтимоий хислатларни шакллантириш ва келгусида бу хислатлар миллий фазилатларимизга чукур ўринашиб қолишига ёрдам бериш.

### **3.1. Диалектика қонунлари педагогика учун методологик асос**

Бугунги кунда бутун дунё олимлари Арасту ва Форобий айтиб кетишган, Гегель томонидан ривожлантирилиб, фалсафанинг энг умумий қонуни сифатида эълон қилинган диалектика нинг уч асосий қонунини тан олиб, ўзларининг ҳаракат жа раёнларига, энг умумий методологик асос сифатида қабул қилинлар.

**Аслида диалектика ривожланиши деган маънони билдиради, бутун борлиқ – табиат, жамият ва онг тинмай ҳаракат жараёнида бўлиб, бир турдан иккинчи бир турга ўтиб туради.**

**Бундай ривожланишни ҳаракатга келтирувчи куч қаёқдан пайдо бўлади?** деган табиий савол туғилади. Гегель: «**Бу куч қарама-қарши томонлар бирлиги ва курашидан пайдо бўлади**», деди ва уни диалектиканиңг асосий қонуни деб номлади.

Царвоқе, бутун борлиқ, аввал қайд қилиб ўтганимиздек, чек-чи катта ва чексиз кичик, келиб чиқиши жиҳатидан турли тумани мажмуулардан ташкил топган бўлиб, ҳар бир мажму ўзининг антиподига, яъни қарама-қарши томонига эга. Мутлақо сиз ва бир томонлама мажмуни, яъни нарса ва ҳодисани тонга олмаймиз. Бу қарама-қарши томонлар тинмай бир-бирига интилиб, бир бутунни ташкил қиласди. Шу билан бирга тирик қарама-қарши томон, яъни қарама-қарши куч бўлиб, бир-биридан қочади.

Іншоатниң ичкиси заруритидан келиб чиққан қонуният бўлиб, бутун борлиқ шу қонуниятга бўйинсунади.

Шунинг учун ҳам уни ривожланишнинг энг асосий қонуни тиб юритилади. Бу ҳолни ҳар қадамда кўришимиз, сезишимиз чумкин. Масалан, атом қарама-қарши кўрсаткичларга эга бўлган электрон ва протонлардан иборат ёки кеча-кундуз, оқкора, паст-баланд, оғир-енгил, ўнг-чап, яхши-ёмон, аёл-эртак ва ҳоказо. «Авесто» китобида ҳам Ахурамазда – эзгулик иноси билан Ахраман – ёвузлик худоси. Куръонда ҳам, Интилда ҳам Таигри таолога қарама-қарши турган куч Иблис чињудлиги қайд қилинган. Булар чексиздирлар. Бу ҳол жамаки нарса ва ҳодисаларда ўз ифодасини топган. Бундай қарама-қарши томонлар бир вақтнинг ўзида бир-бирига интилиб, тирик-бирига қарши куч бўлиб қолаверади. Бундай ички тортишни ва итарилиш натижасида нарса ёки ҳодиса ичидаги кучларни пайдо бўлади. У маълум бир вақтдан кейин, миқдор жиҳатидан меъёрига етганда, нарса ёки ҳодисада ҳаракат пайдо қиласди, шунда улар аввалги ҳолатини ўзгартириб, янги бир ҳолатга ўтади. Бу ҳолатларни ифодаловчи диалектиканинг яна ички қонуни бор. **Булар – миқдорнинг сифатга ўтиши ва инкорни никор қонунларидир.** Бу қонунлар борлиқнинг ҳар бир мажмусида ўз кучини кўрсатганлиги учун ҳар бир ишда бу қонунларни ҳисобга олмаслик ва улардан энг умумий методологик ягос сифатида келиб чиқмаслик, ҳаракат жараёнимизни нотўғри ташкил қилганимизни билдиради ва бундай ҳаракат мақсадга шинон бормайди. Чунки бу ғайритабиийдир.

Бу қонунларнинг маърифий жараёнда намоён бўлишини куриб чиқамиз.

Педагогик жараёни кўз олдимизга келтирсак, у бир бутунинг таълим-тарбия мажмуидан иборат бўлгани ҳолда икки қарама-қарши «таълим-тарбия бсрувчи» ва «таълим-тарбия олувчи» томонлардан иборат, бошқача айтгаида, қарама-қарши кучлардан ташкил топгалигини кўрамиз. Диалектика қонунларига биноан улар бир вақтнинг ўзида бир-бирига интилади ва бир-биридан қочади.

Маърифий жараёни ҳосил қилиш учун бу қарама-қарши томонларининг бир-бирига интилиш кучини ошириб, бир-бирига қарши кучларни сўндириш йўлидан борини керак. Сўндирганда зўрлаб эмас, муроса ва муомала йўли билан сўндириш керакли натижани беради. Зўрлаб қарама-қарши кучларни сўндириш ёки улар мавжуд бўлса-да, кўрмасликка олиш қарама-қарши кучларнинг кучайишига олиб келади ва маърифий жараённинг тўхташига, гоҳида унинг тескари самара беришига олиб келади.

Таълим-тарбияяда бир-бирига интилувчи куч бўлиб, ёшлиарни берилаётган билимга қизиқиши хизмат қиласи. Шунинг учун педагогиканинг асосий тамойилларидан бири ҳам берилаётган билимга қизиқтириш йўли билан болалар диққатини дарсга жалб этиш ҳисоблашади. «Диққат билим эшигидир» – деган эди Ушинский.

Таълим-тарбия берувчи таълим олувчига берадётган билим мөҳиятини очиб, қизиқтириб туриб, тушунтириш найтида миқдор йигилиб сифатга ўтиши учун уни тарбияланувчига бир неча бор тақрорлаши шарт бўлади.

Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатдик, берилган билим таълим олувчининг мия қобигида ўз аксиини топиши учун уни камида 3–5 маротаба, мураккаб мавзуларни ўтаётганда ёки диққати суст болалар билан ишлаётганда эса 7–9 маротаба тақрорлаш керак экан. Шундагина миқдор сифатга ўтиб, талабалардаги «билимаслик» ҳолати «билиш» ҳолати билан алмашинади. Миқдор сифатга ўтади. Бола аввалги «билими йўқ» ҳолатини ишкор қилиб, «билимли» деган сифатга эга бўлди. Бу, диалектиканинг қонулари ишлади, деганидир.

Дарс беришда, бу қонунларга амал қилмаслик маърифий ҳаракатнинг энг умумий методологик асосининг иккинчи қисмига суюнмаслик бўлиб, ҳаракатдан кўзланган мақсаддан чекинишга олиб келади.


### 3.2. Педагогика фани мажмуи ва унинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги

Ўтмишда фалсафадан ажralиб чиққан педагогика, кўпгина тармоқларга бўлинниб кетмоқда. Бугун педагогикани педагогика фанлари мажмуи дейишлик тўғри бўлади. Педагогика фан-

лари мажмuinи ўрганишда, уни ўзаро функционал боғлиқ бўлган ва бир поғона пастда турган тўртта мажмуга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. **Бириччисига**, бошқа педагогика фанларига асос бўлган «Педагогика тарихи ва назарияси» деган фанлар мажмуи киритилган. Бу мажмунинг таркибига «Таълимий фалсафа», «Педагогика тарихи», ва «Умумий педагогика» деган фанлар киради. **Иккичи** мажму «Ёш педагогикаси» деб номланиб, унга «Умумий педагогика» ишлаб чиқсан қонун, қоида, атама ва тамойилларни, одамларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда «мактабгача тарбия», «умум ўрта таълим», «махсус таълим», «олий таълим», «олий таълимдан кейинги таълим» ва «малака ошириш» босқичларига мослаштирилган педагогик фан тармоқлари киради. Улар ўз босқичидаги таълим-тарбия хусусиятларини ифода этган атамалар билан номланадилар. Масалан, «Мактабгача таълим педагогикаси»; «Умум таълим педагогика» ва ҳоказо. **Учинчиси**, «Махсус педагогика» деб ном олган фанлар мажмудан иборат бўлиб, унга умумий педагогика ишлаб чиқсан назарий асосларни болаларнинг жисмоний нуқсонлари (карсоқов, кўзи ожиз ва ҳоказо) дан келиб чиқиб, қайта ишлаб чиқилган «Сурдопедагогика», «Олигафренопедагогика», «Тифлопедагогика» ва «Социал педагогика» (тарбияси оғир болалар педагогикаси) деган фанлар киритилган. **Тўртингча мажму** «Услубият» деб номланиб, «Умумий педагогика»нинг назарий асосларидан келиб чиқиб, «Ёш педагогикаси»нинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, дарс ўтиш усуllibарининг ичидан танлаб олиб, ҳар бир ёш босқичлари учун ўзининг усуllibарини ишлаб чиқишга йўналтирилган илм-фан тармоғидир. Унга «Мактабгача таълим услубияти», «Умум таълим услубияти», «Махсус таълим услубияти», «Олий таълим услубияти» ва «Малака ошириш услубияти» деган фан тармоқлари киради (7-расм ).

Педагогика фанлари мажмuinинг энг умумий таркибий қисмларини номма-ном кўрсатиб берганимиздан кейин, уларнинг ҳар бирига қисқача тасниф бериб, улар таркибиغا кирувчи қисмларини ҳам кўрсатиб беришга ҳаракат қиласиз.

Педагогика тарихи ва назариясини ташкил қилувчи учта педагогик фан тармоқларига умумий тасниф берадиган бўлсак, буларнинг учаласи ўзаро функционал боғлиқ бўлиб, бошқа педагогик фан мажмулари ва уларнинг қисмларига методологик асос бўлиб хизмат қиласи. Бу мажму унсурларининг таснифини «Таълимий фалсафа» деган фан тармоғидан бошласак, мантиқан тўғри бўлади.



7-расм. Педагогика фанлари мажмуу.

**Таълимий фалсафа.** Айтиш жоизки, «Таълимий фалсафа» («Философия воспитания») фани узоқ ва яқин хорижий мамлакатларда яхши ривожланган бўлиб, унинг асосида шаклланган умумий педагогика фани мустаҳкам пойдеворда туриб яхши самара бермоқда. Бизнинг ҳудудда таълимий фалсафа энди шаклланиб келмоқда. Худо хоҳласа, унинг йўли очилиб, миллий педагогика асосларини Ўзбекистонга ишлаб беради. Шунда педагогиканинг барча фан тармоқлари мустаҳкам методологик асосга эга бўлиб, миллий педагогиканинг ривожига йўл очилади. Миллий педагогика деганда, муайян давлат Конституцияси, таълим тўғрисидаги қонунлари ҳамда жамият тарақ-

қиётининг умумий қонунлари, ҳалқнинг миллий-маънавий мероси ва таълим-тарбияда эришилган жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида шаклланган ҳамда миллатнинг муайян тарихий ривожланиш жараёнидаги талабларига жавоб берувчи таълим-тарбия назарияси, усул ва услубларини ифодаловчи илм-фан мажмуи тушунилади.

Таълимий фалсафанинг педагогик ҳаётдаги фаолияти қўйидагилардан иборат.

Дунёдаги фалсафий оқимларни таҳлил қилиб чиқиб, педагогика илми, фани ва амалиётiga методологик асос сифатида қабул қилиши лозим бўлган энг умумий foялар тизимини аниқлаш. Бу foялар асосида, ўқитувчи ва педагоглар томонидан ёш авлодда шакллантириш лозим бўлган дунёқарашнинг назарий асосларини яратиб бериш. Шунингдек, муайян маънавий шароитдан келиб чиқсан ҳолда, миллий таълимнинг мезонлари, тамойиллари ва педагогикада қўлланиладиган маҳсус тушунчаларни ишлаб бериш. Шу билан бир қаторда, мураббий, ўқитувчи ва педагоглар томонидан тарбияланаётгайларда ҳамда ўқувчи ва талабаларда шакллантирилиши лозим бўлган ижтимоий сифатлар тизимини яратиш ҳам файласуфларга юклагилган.

Ҳеч қачон унумаслигимиз лозимки, педагогик фаолияти мизда болаларга муайян фан билимларини ўргатиш билан чекланмаслигимиз керак. Ҳар бир мураббий, ўқитувчи ва педагог ёш авлодда жамиятга керак бўлган ижтимоий сифатларни шакллантириши шарт. Бунинг учун маънавий меросимиз хазинасидан унумли фойдаланиб одамнинг ижтимоий сифатларига ҳозирги замон қўяётган талабларидан келиб чиқсан ҳолда комил инсон сиймосини яратиш керак. Буни эса фақат файласуфлар уддасидан чиқа оладилар. Айнан шу – педагогиканинг фалсафий жабхасининг асосий қисми ҳисобланади.

Шу ерда, ҳозирги замон дунёқарashi юзасидан бир шингил маълумот бериб ўтиш жоиз деган фикрдамиз.

Ўзбекистон олимларининг кўпчилиги ва айниқса файласуфлар нарса ва ҳодисаларга бир ёқлама ёндашув барҳам тошиб, шу вақтгача дунёда ҳукм суреб келган қарама-қаршилик гоясининг ҳукумронлиги тугамоқда, ўрнини ҳамкорлик ва бирлиш foяси эгалламоқда демоқдалар. Бирлиш деганда, жамиятнинг бирламчи асоси бўлган оиласда бирдамлик, маҳаллалараро, шаҳарлараро, миллатлараро, мамлакатлараро дўстоша алоқаларни ўрнатиш тушунилади. Бирлашиш деганда, тарқоқ foялар, илмий оқимлар турли таълимот ва дунёқарашнинг интеграллашуви деб билмоқ керак. Шу йўналишдаги

биринчи қадамлардан бири, диний ва дунёвий деган гаплардан воз кечиб, уларнинг ўрнига ягона тушунча – илмий дунёқарап деган атамани одамлар онгига сингдиришни амалга ошироқ лозим.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, аслида дин догма эмас. Ўтган уламолар уни дормага айлантириб юборгандар. Чунки дормани инсонлар онгига сингдириш осон кечади. Айниқса, одамларнинг саводи паст ва фикр доираси тор бўлса. Шунингдек, дунёвий деганда, фақат илмий дунёқарапашни тушуниб қолмаслик керак. Жамиятда шундай фикрлар ҳам мавжуд. Иккала дунёқарапашда ҳам утопик томонлари билан бир қаторда илмийлари ҳам бор. Илмий дунёқарап деганда, тадқиқотлар ва далиллар орқали исботланган нарсалар тушунилади. Шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, диний олимлар ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳам теран илмий тадқиқотлар олиб бориб, далиллар орқали Куръони карим ояларини шарҳлаб бермоқдалар. Бу эса илмий. Шунга ўхшаш, дунёвий деб ном олганларида ҳам далилланиб, тажрибадан ўтказиб исботланган нарсалар қаторида, субъектив ёки утопик фикрлар тўлиб ётибди.

Қарама-қаршилик кайфиятига берилиб, сизларники тўғри эмас, бизларники тўғри деган ақидадан воз кечиб, динда ҳам илмийликни излаб топиб, дунёвий илмлардаги хаёлий фикрлардан ҳам юз ўгириб, жамиятда ягона илмий дунёқарапашни ўрнатмоқ лозим. Бизнинг худудда бунинг вақти етиб келди. Маянан тарақкий этган кўпгина мамлакатларда бу ҳодиса амалга ошган.

Бизда шу йўналишда биринчи қадамлар қўйилди. Олим ва уламоларнинг навбатдаги вазифаси, бу йўналишни ривожлантириш ва одамлардаги қўшстандарт тафаккурни ўзгартириб, уларда ягона илмий дунёқарапашни шакллантиришдир. Шундагина Ер юзида тинчлик, тотувлик ғалаба қозониб, осойишта ҳаёт ўрнатиласди.

**Педагогика тарихи.** Таълим-тарбияни ижтимоий воқелик сифатида кўриб, инсоният тараққиёти давомидаги педагогик таълимотларнинг ривожланиш тарихини «Педагогика тарихи» фани ўрганади. Ҳар бир фанни ўрганишда тарихийлик тамоилидан келиб чиқишлиқ, муайян фаннинг ривожланиш истиқболини тўғри белгилашга хизмат қиласди. Чунки, фақат ўтмишни ўрганиб, уни шу кундаги ҳолатга таққослаб, ривожланишнинг истиқболли режасини тўғри белгилай олиш мумкин.

**Умумий педагогика.** «Педагогика тарихи ва назарийси» мажмуининг марказий унсури ҳисобланиб, бошқа барча педагогик фан тармоқларига умумий методологик асос вазифасини ўтайди. У таълим-тарбия жараёнининг асосий қонуниятлари,

қонун-қоида ва тамойилларини, шунингдек, педагогикада қўлланиладиган махсус тушунчаларни ўзида мужассамлаштирган. Умумий педагогика икки босқичдан иборат бўлиб, бири назарий қисми бўлса, иккинчиси амалий қисмдир. Анъанавий умумий педагогика тўрт билимдан иборат. Буларга «Педагогиканинг умумий асослари», «Дидактика (таълим назарияси)», «Тарбия назарияси» ва «Мактабшунослик» киради.

Умумий педагогиканинг юқорида кўрсатилган қисмлари кейинги вақтда тараққий этиб, ўз ҳолига мустақил фан бўлиб ажralиб чиққан. Жумладан, «Педагогиканинг умумий асослари» деган қисми умумий педагогика деб юритилмоқда. «Дидактика» – таълим назарияси сифатида алоҳида фан. «Тарбия назарияси» ва «Мактабшунослик»лар ҳам шу кунда мустақил фанлар сифатида қабул қилинган. Ваҳоланки, буларнинг барчаси умумий педагогиканинг таркибий қисмлари эди.

**Ёш педагогикаси** мажмуи ҳам «Оила педагогикаси», «Мактабгача тарбия педагогикаси», «Умумий таълим педагогикаси», «Хунар таълими педагогикаси», «Олий таълим педагогикаси» ва «Малака ошириш педагогикаси» деган таркибий қисмлардан иборат.

Тўпланган билимларнинг характерини ҳисобга олган ҳолда «Ёш педагогикаси» икки йирик гурӯҳ(мажму)га ажralади. Биринчиси, мактабгача тарбия, умумий мактаб таълими ва хунар таълими педагогикаси бўлакларини ўз ичига олиб, «Мактабгача таълим ва мактаб педагогикаси» деб номланади. Иккинчиси, олий таълим билан малака ошириш бўлакларини бирлаштириб туриб, «Катталар педагогикаси» деган номни олган.

Мактабгача таълим ва мактаб педагогикаси, ёш болалар ва ўсмирлар таълими ва тарбияси учун, умумий педагогиканинг қонун-қоида ва тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, билим бериш ва уни кўниммага айлантириш сирларини ишлаб чиққан. Катталар педагогикаси ҳам шундай, умумий педагогикадаги назарий асослардан келиб чиқиб, ёши катта одамларниң ўз хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим ва тарбия беришнинг қонун-қоида ҳамда тамойилларини ишлаб чиққан.

**Махсус педагогика** мажмуига кирувчи илм-фан тармоқлари ўшуксиз таълим жараёнида алоҳида ўринга эга. Чунки, педагогиканинг бу тури, жисмоний нуқсони бор болаларнинг (кўр. соқов, ақлий заиф) ва тарбияси оғир болаларнинг таълим-тарбияси билан шуғулланади. Шу соҳага ихтисослашған педагог олимлар, умумий педагогика билимларини эгаллашларини ташқари, одам физиологиясини, ўсмирлар психологиасини жуда яхши билишлари керак. Шу билан бир қаторда соғонлар тилини ва кўрлар алифбосини тўлиқ эгаллаган бўлишларидан.

ри лозим. Шундагина улар умумий педагогиканинг таълимтарбия бериш қонун-қоида ва тамойилларини қайта ишлаб, ўз фанига мослаштира оладилар.

**Услубият (методика)** мажмуига кирувчи фанлар «Ёш педагогикаси» мажмуидаги «Хусусий педагогика» ва «Махсус педагогика» фани вакиллари тузиб берган назарий асослардан келиб чиққан ҳолда узлуксиз таълим жараёнининг ҳар бир босқичига ҳамда жисмоний нуқсони бор болаларга алоҳида алоҳида дарс ўтишпинг умумий услубларини яратади. Услубият мажмуининг ҳар бир босқичига элемент бўлиб кирувчи «Хусусий фан методика»лари ҳам мавжуд. Бу фан вакиллари муайян ёш босқичига ва маҳсус таълимга ишланган услубларни ўзининг хусусий фанини ўқитишга мослаштиради. Масалан: бошлангич мактабда математика ўқитиш методикаси ёки умумтаълим мактабидан юқори гуруҳларда география ўқитиш методикаси ва ҳоказо.

**Педагогика фанлар мажмуининг бошқа фанлар билан алоқалари.** Педагогика ҳам бошқа фанлар каби бир қатор фан соҳалари билан узвий алоқада ривожланади. Биринчи навбатда, педагогика **фалсафа** билан узвий боғлиқ. Бу боғлиқликнини юқорида кўрганимиздан ташқари, педагогика фалсафанинг тармоқлари бўлган: **илмшуннослик, сиёсаншуннослик, диалектика, илмшуннослик, социология, этика ва эстетика** билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Педагогиканинг фалсафа билан боғлиқлигинини асосий кўриниши. педагоглар учун энг умумий методологик асос бўлган комил инсон фазилатлари ва диалектика қонулари асосида таълим-тарбияни амалга оширишидир.

Шу билан бир қаторда педагогларнинг илмшунносликдан олган билимлари педагогика соҳасида тадқиқот олиб боришга ёки бировларнинг тадқиқот натижаларини тўғри тафтиш қилишга ёрдам беради. Социология эса, ўқувчилар жамоасида ва оиласаларда ҳукм сурувчи муносабатлар қонуниятлари билан педагогларни таништиради. Этика, педагоглар учун, талабалар билан ахлоқий тарбияни олиб боришнинг илмий асосини яратади. Эстетика билимлари билан ўқитувчи ва педагог ёшлиларга нафосат тарбиясини беради. Шунинг учун ҳар бир ўқитувчи ва педагог фалсафанинг асосий қонунларини, категорияларини, социология, этика ва эстетикадаги назарий билимларни эгаилаб олишлари лозим.

**Педагогика фанлар мажмую одам анатомияси ва физиологияси** билан ҳам боғлиқ. Бу фанлар билимлари ўқитувчи ва педагогларга болалар организмининг тузилиши, олий нерв системаси (мия)нинг фаолиятини очиб беради. Ахир бизлар жонли, унинг устига ақлли мавжудот билан фаолият юритамиз. Мех-

нат фаолиятимизнинг объекти ҳисобланган одамнинг биологик моҳиятини яхши билишимиз учун ҳам анатомия ва физиология фани билимларини эгаллашимиз керак.

Педагогика учун унинг **психология** билан бўлган алоқадорлиги муҳим аҳамиятга эга. Психология инсон руҳиятининг ривожланиш қонуниятларини ўрганса, педагогика шу қонуниятлардан фойдаланиб, тарбияланувчилар руҳиятини тараққий эттиради. Педагогика фанининг ҳар бир тармоғи психология бўлимларидан ўзига мадад олади. Масалан, болаларнинг ақдий ривожланишини, билиш жарабёнининг сирларини англашда, педагог психология билимларига асосланади. Натижада маҳсус «Педагогик психология» деган фан найдо бўлган.

Педагогика тарих, этиография ва этнопедагогика билан ҳам узвий боғлиқ.

Кейинги вақтларда педагогиканинг **кибернетика** билан боғланиши кўзда тутилмоқда. Бу ҳолни — кибернетиканинг умумий ғояларидан таълим-тарбияда фойдаланиши тажрибасини педагогик технология мисолида кўриш мумкин.

Сўёзиз, педагогиканинг «Ватан тарихи», «Адабиёт», «Социал география», «Антропология», «Экология», «Иқтисодиёт» ва «Сиёсатшунослик» билан боғлиқ жойлари ҳам кўп. Ўзига ўқитувчиликни касб қилиб олган киши бу фанлардан ҳам яхши хабардор бўлиши керак (8-расм).



8-расм. Педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.

### **3.3. Дидактика, унинг тамойиллари ва қонун-қоидалари**

Дидактика – таълим назарияси тушунчасини англатади. Таълим назарияси таълим-тарбия жараёнида амал қилиниши шарт бўлган тамойиллар, таълим усуллари, таълим-тарбия шакллари ва педагогикадаги асосий тушунчаларни ўз ичига олади.

Демак, дидактика ёш авлодни «Нимага ўқитиш?», «Нимани ўқитиш?» ва «Қандай ўқитиш?» каби саволларга жавоб беради. Дидактика – ўқитишнинг умумий қонун ва қонуниятларини аниқлаб бериш билан бирга, ҳар бир ўқув фанининг ўқитиш усуллари учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Дидактика бутун педагогик фаолият учун, яъни таълим-тарбия билан шуғулланувчиларнинг назарий ва амалий ҳаракатлари учун методологик асос вазифасини ўтайди.

Шундай экан, дидактиканинг тадқиқот обьекти, предмети, мақсади ва усуллари нимадан иборат? деган саволга жавоб топамиз.

Умуман, ҳар қандай илмнинг тадқиқот обьекти деганда, муайян илм соҳаси ўз тадқиқотларини нимага қаратган? деган саволга жавоб топиш талаб қилинади. **Дидактиканинг тадқиқот обьекти таълим-тарбия жараёнидири.**

Ҳар қандай илмнинг тадқиқот предмети деганда, муайян илм ўз тадқиқотларини йўналтирган обьектининг айнан нимасини ўрганади? деган саволга жавоб беради. Чунки ҳар қандай оддий бир обьектнинг ҳам жабҳалари бўлади. Илмнинг тадқиқот обьекти нимани ўрганади? деган саволга жавоб берилса, тадқиқот предмети, илм шу ниманинг нимасини, яъни қайси жабҳасини ўрганади? деган саволга жавоб бериши шарт.

**Дидактиканинг тадқиқот предмети таълим-тарбия жараёнини ташкил этувчи – «таълим-тарбия олувчи», «таълим-тарбия берувчи», «ўқув дастур, дарслик ва бошқа дидактик материаллар» ҳамда «ўқитишнинг усул ва услублари», «ўқитишнинг техник воситалари» орасидаги функционал алоқадорликлардир.**

**Мақсади, шу алоқадорликларнинг мавжудлиги таълим-тарбия жараёнининг ички қонуниятидан келиб чиққанлигини исботлаш** ва уларни бир-бирига мутаносиб равишда тараққий эттиришдир.

Бу дегани, таълим-тарбия жараёнида қатнашувчи бирон-бир элемент ўзгарса, унинг бошқа қисмларини ҳам шунга мослаштириш зарур эканини исботлаб беришдир. Масалан, таълим-тарбия жараёни кечадиган синф ёки аудиториядаги пе-

дагог ўзгарса, таълим-тарбия жараёнини шакллантирувчи ўқитишнинг усул ва услублари, техник воситалардан фойдаланиш усуллари ҳам ўзгариши мумкин. Ёки ўқитишнинг дастури ўзгарса, дарслик ва бошқа дидактик материалларни ҳамда ўқитувчи дарс бериш усулларини бир оз бўлса-да, ўзгартиришга мажбур. Чунки улар ўзаро функционал боғлиқ. Дидактиканинг мақсади мана шу ўзгаришларни асослаб, таълим-тарбия жараёнининг муайян қонуниятлар асосда кешишини илмий-назарий томондан асослаб беришдир.

Дидактика ўз тадқиқотларини олиб бориш жараённида қуйидаги анъанавий **тадқиқот усулларидан** фойдаланади: тарихий ва илмий адабиётларни таҳлил қилиш, ўқув-услубий ҳужжатларни ўрганиш, фанлардан билим берини амалиётини синтезлаш, статик усуллар, мақсадли сұхбат, қиёсий тасниф, таққослаш ва ҳоказо. Шу билан бирга, дидактикада нисбатан янги ҳисобланувчи – мажму ёндашув, графоаналитик, математик моделлаштириш, социологик тадқиқот усулларидан ҳам фойдаланилади.

Яхлит таълим-тарбия жараённида дидактика фанининг виғфалари:

**Биринчиси** – билим эгаллаш ҳамда уларни кўникма ва маҷакага айлантириш қонуниятларини аниқлаб бериш. Бу бора-ла дидактика анча ютуқларга эришган бўлиб, таълим-тарбия жараёнини амалга оширишнинг қуйидаги қонуниятларини, шинни тамойилларини аниқлаган. Буларга: *билимни узатишда очгилик ва фаоллилек, кўргазмалилик, тизимлилек ва мунтазамлик, мустаҳкамлек, тушунарллилек, илмий асослаб бериш, назария ва амалиёт бирлиги* тамойиллари киради. Булар кенинги саҳифаларда батафсил баён этилади.

**Иккинчиси** – таълим мазмунунинг тузилиши ва ҳажмини белгилаш.

**Учинчиси** – таълим ва тарбия беришнинг шакллари ва усулларини такомиллаштириш.

**Тўртичиси** – бир бутун таълим-тарбия жараёнининг ўқувчи ва талабаларининг тарбияланганлик ҳолатига ижобий ташвирини таъминлаш. Қуйида айнаи шу ҳақда фикр юритамиз.

Билим ва кўникмаларни таркиб топтириш нақадар зарур бўлса-да, ҳозирги дидактика ана шу соҳа билангина чекланиб қолмайди.

Эндиликада ўқувчиларни камол топтиришда керакли шатижалар берадиган ўқиш жараёнининг илмий асосларини иштиб чиқиши зарурияти туғилди. Ўқувчи ва талабаларнинг камол топиши таълим-тарбия жараённида амалга ошиши сабаб-

ли билим ва қўникмаларни шакллантиришга қаратилган дидактик принциплар маълум натижани беради. Аммо вазифа фақат қандайдир натижаларга эришиш эмас, балки талабаларни камол топтириш учун ўқитишнинг энг юқори самара-дорлигини таъминлашдан иборатдир. Бунинг учун эса ўкув жараёнининг янги тузилишини ишлаб чиқиши керак. Мана шундай муҳим масаланинг кўриб чиқилиши ўкув муассасасидаги таълим-тарбиянинг бирлигини таъминлашга хизмат қилади. Ўз-ўзидан аёнки, мазкур вазифани амалга ошириш зарурӣ илмий асосларни яратиш соҳаси бўлган дидактика, яъни таълим-тарбия назариясига тааллуклидир.

Ўқитиш назарияси билимлар, маълумотлар ва далилларнини катта захирасига эга, уларнинг бир қисми тизимлаштирилган, бир қисми мажму ёндашув тамойили асосида тартибга солинган, бир қисми ҳали англаб етиш жараёнидадир.

Ўқитиш жараёнидаги ички тузилишнинг таркибий қисмлари — мақсадли рағбатлантириш, мазмунли ўқитишнинг шакл ва услубларининг ажратилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Педагогик ечимларнинг танлаш назариясини ишлаб чиқиши нинг методологик асоси — ўқитиш жараёнидаги мавжуд барча қонуниятларни ҳисобга олиш билан мунтазам алоқада бўлади. Бошқача айтганда, ўқитиш жараёнининг мавжуд ҳамма қонуниятларини биргаликда ҳисобга олиш билангина таълим масалаларини тўғри ҳал қилиши мумкин.

Ўқитиш қоидадагидек бўлиши учун ҳар бир талаба билимларни ўзининг ҳақиқий ўқиши имкониятларига мувофиқ даражада ўзлаштириши ва тарбияланиши керак бўлади.

Ўқитиш рисоладагидек бўлиши учун талаба ва педагогларнинг аудитория ҳамда уйдаги ишлаш вақти ўzlари учун гигиеник ва физиологик жиҳатдан белгиланган нормаларга эга бўлиши керак.

**Режалаштириши оптималлаштиришнинг асосий йўллари ўқитишнинг вазифаларини, яъни таълим бериш ва тарбиялаш жараёнини лойиҳалашда мажму ёндашиш тамойилини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.**

Педагогик жараённи режалаштиришда қўйидаги усуслардан фойдаланилади: ўқитиш мазмунининг қўйилган вазифаларини энг муваффақиятли ҳал қилишини таъминлайдиган ўзига мос вариантини танлаш; ўқитишнинг қўйилган вазифаларни белгиланган вақт ичida муваффақиятли ҳал қилишини таъминлайдиган усуслари ва услубларини танлаш; масалаларни муваффақиятли ҳал қилишини, шу жумладан, ўқувчиларга табақали ёндашишини таъминлайдиган ташкилий шаклларини танлаш.

Ҳозирги пайтда таълимнинг муҳим жиҳатлари — таълим мазмунини бошқатдан ишлаб чиқиш, муаммоли камол топтирувчи ўқитиши, талабаларнинг ўқишини янада фаоллаштириш, янги ўқитиши усулларини яратиши, ўқув материалини ташкил қилиш ва уни структуралаштириш каби муаммолар жадал ўрганишмоқда.

Таълим мазмунининг ишлаб чиқилган назариясида қуйидаги қоидалар талқин қилинган:

— таълим мазмунида жамиятнинг маънавий ва моддий элементлари, шу жумладан, табиат, жамият ва инсон ҳақидаги билимлар, ижодий фаолият тажрибалари, инсоннинг ўзаро муносабатлари, уларнинг бошқариш фаолияти, ҳаёти ифодаланиши лозим;

— таълимнинг мазмуни умумий, политехник ва касбкорлик компонентларининг бирлигини акс эттириши керак;

— таълим мазмуни муайян ёшга қаратилган бўлади ва жамиятнинг ривожланиш даражасидан келиб чиқади;

— таълим мазмунидаги ажратилган тўрт компонент ҳажми ва мазмунига кўра ўзаро айнан мувофиқ бўлиши керак.

Таълим назариясидан муаммоли ўқитиши жорий этиш, шунингдек, ўқув жараёнини табақалаштириш ва индивидуаллаштириш йўлларини излаш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

**Муаммоли ўқитишининг** назарияда ишлаб чиқилган асосий тояларини қуйидагича таърифлаш мумкин:

Таълимий билишни илмий билишга мувофиқ моделлаштириш фояси, яъни муаммоли вазиятни вужудга келтириш — гипотезани олға суриш — гипотезани концепцияга айлантириш — концепцияни ҳал қилиш — уни тасдиқлаш ёки рад этишдек ширур ҳалқаларни ўз ичига олган.

Талабаларнинг ижодий имкониятлари ва қобилиятларини ривожлантириш, уларда тадқиқотчиликка оид кўнинма ва матнекаларни тарбиялаш фояси.

Муаммоли ўқитиши назариясида қатор қонуниятлар ифоданинди ва тажриба йўли билан асосланадики, улардан муаммоли дарс ўтиш билан муаммоли ўргатишнинг бирлиги ва бирни тақозо этиши, талабаларнинг тайёрлик даражаси бинани муаммоли ўргатиши даражасининг мувофиқлиги каби қонуниятларни ажратиш мумкин.

Дидактикада ишлаб чиқилган талабаларнинг билиш фаолигини фаоллаштириш назарияси муаммоли ўқитиши назариясига жуда яқин.

**Фаоллик назариясининг асосий ғояси ҳам маҳсус ташкил этилган таълим муҳитида талабаларнинг фаоллигини тобора ошириб боришдан иборат.**

Ишлаб чиқилган фаоллик назарияси ўқув жараёнида билимларни ўзлаштириш, уларни қайта ишлаш ва қўллаш (муаммоли ва репродуктив) усулларини ўрганиш бўйича ташкил этиладиган ўз-ўзини бошқарадиган фаолликдан иборат.

Мазкур қонуниятлар асосида амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга молик қўйидаги назарий қоидаларни ифодалаш мумкин.

Фаоллаштириш воситалари мажмуи, таълимнинг мазмuni, ўқитишининг шакл ва услублари мақсадга мувофиқ ўз-ўзини бошқарадиган жараён сифатида ташкил қилишни таъминлаши учун улар қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- таълимнинг ҳамма босқичларида талабаларда ўқитишининг ички мотивларини кўзғатиш ва ривожлантириш;

- талабаларнинг ўз олдиларига тегишли мақсадларни қўйиш ва келгусидаги фаолиятларини режалаштиришга рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш;

- талабаларда ахборотларни қайта ишлашга доир таълимий ва ақлий кўнікмаларнинг шаклланишини таъминлаш;

- ўқувчи-талабаларнинг ўрганиш-билиш мақсадларига эришиш учун жисмоний, ахлоқий ва ирода кучларини ошириш;

- таълим-тарбия жараёнида назорат ва ўз-ўзини бошқариш орқали талабалар ўзларининг ўкув-билиш фаоллигини баҳолашини таъминлаш. Шу қоидаларга риоя қилинса, таълим-тарбия самарадорлиги янада ошади.

Таълим-тарбия жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий даражаси ва маданияти, унинг сиёсий ва мафкуравий тузилиши мазмунини белгилайдиган масалаларни ҳал қиласди. Шунинг учун оиладаги ёки жамоадаги, ёки мактаб ва ишлаб чиқаришдаги мақсадга мувофиқ ёки тасодифий тарбия ўз моҳиятига кўра ижтимоий бўлади, чунки ҳар қандай тарбия ижтимоий муносабатларнинг субъекти ҳисобланади ва кишининг ижтимоий моҳиятини оширишга йўналтирилган бўлади.

Дидактика тамойиллари, қонун ва қоидаларини шарҳлаб беришдан аввал бу тушунчаларнинг том маъносини билиб олайлик.

Аввал бошдан «қонуният», «қонун», «тамойил», «қоида» деган тушунчаларнинг том маъносини билиб олайлик.

**Қонуният** – бизнинг ихтиёrimиздан ташқари объектив мавжуд бўлган нарса ва ҳодисалар ўртасидаги, уларнинг тадрижий ривожи (эволюцияси) заруриятидан келиб чиқсан боғланиш. Табиий фанларда, у қонун деб ҳам номланади. Масалан,

Ернинг тортилиш қонуни, Марказдан қочма куч қонуни, Жоул-Лунц қонуни ва ҳоказо.

*Таълим-тарбия жараёнининг қонуниятларини тушунитирадиган бўлсак, улар таълим-тарбия жараёнининг тадрижий ривожи заруриятидан келиб чиқувчи таълим-тарбияни бир бутун қилиб турган қисмлари орасидаги зарурий боғлиқликлардир. Чунончи, таълим берувчи ва таълим оловчичи орасидаги түрурий боғлиқлик ёки таълим берувчи билан ўқув дастур орасидаги зарурий боғлиқлик ва ҳоказо.*

Қонун атамаси аслида инсоният томонидан яратилган тартиб ва қоидаларга нисбатан ишлатилади. Аммо табиий фаннорни тарихан ўрганиш жараёнида аниқланган тартибларни Худо томонидан ишлаб чиқилган тартиб деган мазмунда, уларни қонун деб номланиб кетилган. Изоҳди лугатларда бу атамалар синоним сифатида қўлланилган. Илмий нуқтаи назаралан қаралгандан, табиий фанлардаги табиат қонунларидан ташқари, барча бизнинг ихтиёrimиздан ташқаридан мавжуд бўлган ва уларнинг тадрижий ривожи натижасида пайдо бўлган боғлиқликларни қонуният дейилади. Ихтимоий ҳаётдаги инсон ва нарсалар орасидаги гоҳо зарурий, гоҳо нозарурий (бировшинг фойдасини кўзлаб) ўрнатилган боғлиқликлар қонун дейилади.

**Тамойил** (принцип) – бу объектив мавжуд қонуниятлардан, шини бутунни бир бутун қилиб турувчи қисмлари орасидаги түрурий боғлиқликлардан келиб чиқиб, амал қилиниши лошим бўлган ҳаракатлар тушунилади.

Таълим-тарбиянииг тамойиллари ўқиши ва ўқитиш жараёнида объектив мавжуд бўлган ва уни бутун қилиб турган қисмлари орасидаги зарурий боғлиқликлардан келиб чиқиб, одамлар томонидан ишлаб чиқилган ва таълим-тарбия жараёнида амал қилишиликка тавсия этилган ҳаракатлар тартибицлар.

**Қоида** – бу инсон фаолият тартибининг сўнгги босқичи бўлиб, шайъектив қонуниятлар асосида ишлаб чиқилган тамойилларнинг ёки бу ҳаракатларини чўқурлаштириб, конкретлаштириб берувчи чора ва тадбир тартибидир. Қоидалар назария билан амалиёт орасини боғлаб турувчи воситадир.

Уни педагогик жараён мисолида кўрадиган бўлсак, у ўқитиш қоидаларида намоён бўлади. Ўқитиш қоидаларининг типик ынтиятларида ўқитувчиларнинг типик ҳаракати ифода этилган. Бошқача қилиб айтганда, дидактик қоидалар типик педагогик вазиятда ўқитувчи ва ўқувчи ўзини қандай тутиши кераклигини кўрсатиб беради. Шунинг учун улар амалиётга яқин туради.

Педагогик адабиётда педагогик қоидаларга икки хилдаги қараш мавжуд. Биринчиси, амалиётчи ўқитувчиларга дидактика қонуниятлари ва тамойилларини билиш шарт эмас, улар олимлар томонидан ишлаб чиқилган дарс ўтиш қоидаларини ўзлаштириб олсалар, шунинг ўзи кифоя, дейилади. Шу кунда хорижий мамлакатларда ва Октябрь инқилобидан олдинги рус педагогикасида бу фикр устунлик қилган. Бу масалага иккичи турдаги қараш ҳам бор, улар амалиётчи ўқитувчиларни фақат тайёр ўқитиш қоидаларига боғлаб қўйилса, уларнинг ташаббускорлигини чеклаб қўйилган бўлади, дейилади. Бу икки фикрда ҳам мантиқ бор. Ҳақиқат, ҳар доимгидек, иккаласининг ўртасида ётади. Ўқитувчиларни педагогик қоидаларга қаттиқ боғлаб қўйиб, уларнинг эркини чеклаш салбий бўлгани каби, амалиётдан узилган ва жуда ҳам назарийлашган педагогик тамойиллар ҳамда қонуниятларни педагоглардан талаб қилиш ва педагогик жараённи эркин ҳаракатга айлантириб қўйиш ҳам ноўрин. Таълим-тарбияда, бошқа меҳнат турларидагидек, стандарт ҳолатлар жуда кўп. Бу ҳолда ўқитувчи кўп ҳам ташаббус кўрсатиши шарт эмас, акс ҳолда, ўқитувчининг ташаббускорлиги дарснинг муваффақиятли ўтишига халал ҳам беради. Бу ҳолда, дарс ўтганда айнан қоидаларга риоя қилиш талаб қилинади.

Қоидалар дидактика тамойилларидан келиб чиққани каби, дидактика тамойиллари ўз ифодасини педагогик қоидаларда топади. Бироқ қоидалар ўз ичига яна кўп сонли ўқитувчи ва педагогларнинг кўп йиллик тажрибасини ҳам қамраб олган бўлади.

«Дарс ўтиш қоидалари қанча?» деган саволга К.Д. Ушинскийнинг сўзларини келтириш ўринлиди. У: «Барча педагогик қоидаларни бир вараққа сиёдириш ҳам мумкин, улардан бир неча жилдли китоблар ҳам яратиш мумкин», — деган.

Одатда, улар тавсиянома, қўлланма ва эслатмалар сифатида берилади.

**Таълим қонулари.** Таълим қонунлари тўғрисида гап бор ганда, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатларда гоҳо таълим тамойилларининг, гоҳо таълим қоидаларининг қонун деб юритилиши кузатилади. Шунинг учун, қонун деб аниқ айтилган американлик Торндейк мактаби бўйича қўйидаги қонунларни қайд қилиш билан чекланамиз.

**Ўзаро боғлиқлик қонуни** — таълим-тарбия жараёнода иккита руҳий ҳаракатнинг ўзаро боғлиқликдаги ривожланиш қонуни. Бу қонун бўйича таълим-тарбия жараёни таълим берувчи ва таълим олувчи руҳининг бир йўналишдаги ҳаракатини тақозо

тади. Бу қонунга биноан, агар таълим-тарбия жараёнини ташкил қилувчи икки шахсдан бирининг рух ҳаракати иккичиники билан мос тушмаса, таълим-тарбия жараёни содир бўлмайди. Тазиқ йўли билан билим бериш жараёни содир бўлиши мумкин, аммо ҳақиқий таълим-тарбия жараёни амалга ошириш учун педагог синфда ёки аудиторияда бир хилдаги руҳий ҳолатни, яъни билим бериш ва билим олиш ҳолатини шакллантириши керак.

**Машқ қонуни** – бу қонун бўйича, эгалланган билимни кўникма, сўнг малакага айлантириш учун, машқ қанчалик тез бўлса, қайтар реакция ҳам шунчалик тез бўлиб, билим ўзлаштирилиши ҳам тез ўтади, бу билимининг хотирада узоқ муддатга сяқланиши ҳам таъминланади. Бу қонун бўйича, ҳар ким ўзининг қабул қилиш тезлиги қобилиятига биноан билим эгалласа ҳам, уни кўникма ва малакага айлантиришда, машқни иложи борича тез амалга ошириш тақозо этилади.

**Интенсивлик қонуни** – бу қонун бўйича ҳам машқлар жавоби қанчалик интенсив равишда бўлса, у шунчалик тез ўзлаштирилади.

**Ассимиляция қонуни** бўйича – ҳар бир янги «туртки» қайтар реакцияни вужудга келтиради, дейилади. Шунинг учун наилаган билимни қайтариш йўли билан «туртиб» туриш керак, дейилади.

**Натижавий қонунда** – реакция ижобий бўлса, билим мустаҳкамланади, агар салбий бўлса, хотира уни ўчириб ташлайши, дейилади.

Ҳақиқатан ҳам, бу қонунлар ҳаётдан олинган бўлиб, амалётда минглаб маротаба синааб кўрилган. Шунинг учун педагогик амалиётда булардан келиб чиқишилик педагогик жараёнининг самарадорлигини оширади.

**Дидактика тамойиллари (принциплари).** Дидактика тамоилиларининг тарихи шуни кўрсатадики, ўқитувчилар дарс олинидан кўзлаган мақсадларига кўп куч ва вақт сарфламай стишлири учун, бир неча авлод олимлари тинимсиз изланишлар оғиб бориб, дидактика принциплар мажмуи яратилишига сабабчи бўлганлар.

Аввал ҳам айтганимиздек, яқин вақтларгача педагогикада қонун, қонуният ва тамойил деган тушунчалар синонимиифатида ишлатилиб ёки буларнинг биттасига устуслик берилиб келинган.

Аммо кўп йиллик тажрибалар ва бу соҳадаги изланишлар шуни кўрсатдики, қонуният турғун бўлиб, улар асосида яра-

тилган қонун ва тамойиллар, масалан, табиатга мос равиша ривожлантириш тамойилий йўқ бўлиб кетиб, ўрнига янги тамойиллар киритилган.

Тамойиллар тўғрисида дидактикада шундай қоида ўрнашиб қолганки, у тарихий вазиятдан келиб чиқиб, конкрет жамият нинг эҳтиёжларини ифода этар экан. Ижтимоий тараққиёт ва илм-фанинг ривожланиши ҳамда таълим-тарбия жараёнида янги қонуниятларнинг аниқланиши, шунингдек, илфор педагогик тажрибалар натижасида педагогик тамойиллар тизими бойиб бораверади.

Кўп йиллик изланишлар ва баҳслар натижасида педагоги када қўйидаги дарс ўтишнинг умумий тамойиллар тизими ишлаб чиқилган:

1) **онглилик ва фаоллик** – билимни талабалар томонидан онгли равиша ва фаол қатнашиб эгаллашлик;

2) **кўргазмалилик** – «юз маротаба эшитгандан бир маротаба кўрган яхши» тамойилидан келиб чиқиб, билим беришда тури-туман кўргазма қуроллардан самарали фойдаланиш;

3) **тизимлилик ва муштазамлилик** – билимни маълум бир тизимда ва узлусиз равиша бериб бориш;

4) **мустаҳкамлилик** – билимни тушунарли тилда қайта-қайта такрорлаш йўли билан бериш;

5) **тушунарлилик** – билимни ҳаммага тушунарли ва ҳамма боп қилиб бериш;

6) **иљимилик** – билимни болаларда аввалдан мавжуд билим ларга асосланиб ва улардан келиб чиқсан ҳолда бериш;

7) **назария ва амалиёт бирлиги** – билим беришда назарии билимларнинг амалиётда ишлатишни, яъни унинг ҳаёт билан, амалиёт билан боғлиқлигини кўрсатиб бериш.

Бу тамойиллар педагогик жамоатчилик томонидан умумий тамойиллар деб қабул қилинган.

**Онглилик ва фаоллик тамойили.** Киши бу тамойил асосида илм томонидан аниқланган ҳақиқий билимни эгаллаши учун, у – бу билимларни чуқур англаб етган ҳолда ақлий қувватини интенсив ишлатиши натижасида етиши мумкин, деган қонуният ётади. Билимларни англағанлик ҳолати қўйидаги омиллардан келиб чиқади: ўқишнинг сабаби; талабанинг билиш фаоллиги даражаси; ўқувчи ва талабалар билиш фаоллигининг бошқарилиши ҳамда билим беришни ташкил қилиш ва бошқа омиллар. Талабанинг шахсий билиш фаоллиги билим олишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Онглилик тамойилини амалиётда қўллаш қўйидаги **қоидаларга** риоя қилишни тақозо этади:

1. Бу билимнинг ҳаётдаги зарурлиги ва аҳамиятини талабашшларга тушунтириб, унинг истиқболини аён қилиб кўрсатиб бериш йўли билан, таълим олувчиларда аниқ мақсад ва вазифаларни шакллантириш қоидаси.

2. Талабаларга қандай йўл билан билим олишни тушунтириб, уларда мустақил билим олишга шундай ишонч ҳосил қилиш керакки, улар ҳеч қачон олинадиган билимни механик ҳолда олмай, уни чукур англаб туриб эгалласинлар.

3. Ўқитганда барча билиш шакллари: таҳдил ва синтез; дэлуктив ва индуктив; таққослаш ҳамда қарама-қарши қўйиш ва ҳоказолардан фойдаланиш қоидаси.

4. Болалардаги мавжуд билим ва кўнимкаларига таяниб, образли таққослаш усулидан фойдаланиб, ҳар бир сўз ва гапнинг том маъносини очиб бериш қоидаси.

5. Ўқувчиларнинг ўзаро ўқитиш кучидан унумли фойдаланиб, қўйилган саволларга жамоа бўлиб жавоб топиш қоидаси.

6. Бугунги фаол талаба, эртанги фаол ишчи ва хизматчи эканлигини яққол билган ҳолда, уларни фаоллаштиришга ҳеч қандай кучни аямаслик қоидаси.

7. Болалардаги мавжуд билимлар билан берилаётган билим орасидаги мантиқий боғланиш йўқ жойда онглилик бўлмаслигини эсда тутган ҳолда, уларнинг ақди етмай турган жойларни, улардаги бор билим билан мантиқий боғлаб бериш қоидаси.

8. Ўқув фанини ҳеч қачон дарс марказига қўймай, дарс марказида доимо ўқувчи туришини, унинг шахси шакллашаётганини билган ҳолда талабага таълимий таъсир ўтказиш қоидаси.

9. Талабалар фикрини, ҳаёт билан назарий билимлар орасидаги фарқлар борлигига қаратиш йўли билан, уларнинг тафаккурини фаоллаштириш қоидаси.

10. Ўқитиши жараёни янада муваффақиятли ўтиши учун, ҳар бир тушунча берилганидан кейин, уни бир неча мисоллар билан мустаҳкамлаш қоидаси.

11. Ўқитилаётган фанда асосий ва иккинчи даражали жойларини ажратиш йўли билан, талабаларда берилган билим ишидаги асосий ўринларини ажрата олишга ўргатиш қоидаси.

12. Ҳеч қачон қуруқ обрўга таяниб ўқитмай, фақат ақл ва ҳиссиётдан келиб чиқувчи далилларга таяниб ўқитиш қоидаси.

13. Болаларни ўқишига ўргатиш қоидаси.

14. Таълим-тарбия жараёнига салбий таъсир ўтказувчи ички ва ташқи омилларни доимо бартараф этиб бориш қоидаси.

15. Талабаларга «Нега?» деган саволни тинмай бериш йўли билан, уларда сабаб ва оқибат орасидаги боғланишни билдириб бориш қоидаси.

16. Берилаётган билимнинг тўғрилигига, болаларда ҳеч қандай шубҳа-гумон қолмаслиги ва уни эсдан чиқармасликлари учун билимни асос ва далиллар билан исботлаб бериш қоидаси.

17. Ҳақиқий билимга эга бўлган деб, уни қайтариб айтиб берганга эмас, балки бу билимни амалиётда қўллай олганга айтилади, деган қоида.

18. Доимо талабаларнинг қизиқиши ва эҳтиёжларини ўрганиб бориб, уларни жамият эҳтиёжига мослаштириб бориш қоидаси.

19. Болалардаги кузатувчанликни ривожлантириб, ҳаётдаги воқеиликларни илмий асослаб бериш йўли билан уларда онглийликни камол топтириш қоидаси.

20. Талабаларга шундай билим бериш қеракки, бу билимлар уларда қатъий ишонч ҳосил қилиб, ҳаракат учун дастур вазифасини ўташ қоидаси.

21. Ҳеч қачон ўқитувчи айтганларини қайтариш, бирорлардан кўчириш ва айтиб туриш ҳолларига йўл қўймаслик билан, ўқувчи-талабаларни мустақил фикрлашга ва ҳаракат қилишга ўргатиш қоидаси.

22. Берилаётган билимни ҳар томонлама таҳлил қилиб бериш йўли билан болаларда ижодий тафаккурни ривожлантириш қоидаси.

23. Талабаларни фаоллаштириш ва рағбатлантириш учун доимо саволлар бериб, уларга жавобни чидам билан тинглаш қоидаси.

**Кўргазмалик тамойили.** Бу энг ҳаммага маълум ва тушунарли бўладиган тамойиллардан бири бўлиб, у қадим замонлардан қўлланилиб келинган. Бунинг асосида қўйидаги қонуниятлар ётади: биринчидан, кўриш ва эшитиш орқали олинган ахборотлар мияга турлича таъсир этиб, турлича хотирада сақланади. Қисқача қилиб айтганда, кўз билан кўрганда қулоқ билан эшитгандагига нисбатан беш баробар кўп ахборот олиниб, унинг мияда сақланиш даражаси ҳам юқори. Иккинчидан, кўздан борган ахборот қайта ишлашга муҳтоҷ эмас.

Таълим амалиёти бу тамойилни амалга оширишнинг бир қатор қоидаларини ишлаб чиққан.

1. Ўқитиш жараёнида, кўрган нарса эшитганга нисбатан бир неча баробар тез ўзлаштирилиб, узоқ муддатга эсда сақланиб қолишлигини доимо ёдда тутиш қоидаси.

2. Болалар шакл, ранг, ҳис қилиш ва товуш орқали фикр юритишиларини билиш қоидаси.

3. Ўкувчиларнинг, киши нимаики нарсани тасаввурига келтириш мумкин бўлса, кўра олса, эслаб кўрса, эшита олса тафаккур қилинади деган олтин қоидасини билиш.

4. Ҳеч қачон кўргазмани асосий мақсад қилиб олмаслик, кўргазма мақсад эмас, мақсадга эришиш воситаси сифатида билиш қоидаси.

5. Билим бериш ва бу билимларни болалар кўнижмасига айлантириш жараёнида, барча тушунча ва мавхумликлар, улар тафаккурига фақат асос, далил, мисол, тимсол ва қиёфалар орқали тез етиб боришини англаш қоидаси.

6. Кўргазмалардан фақат нарсаларни кўрсатиш учун фойдаланмай, улардан муаммоли вазиятларни шакллантиришда ҳам фойдаланиш қоидаси.

7. Кўргазма фақат ахборот берибина қолмай, ўрганилаётган нарса ва ҳодиса тўғрисида тўғри тасаввур ҳосил қилишилигини билиш қоидаси.

8. Кўргазмани кўрсатаётганда маълум бир тартиб билан кўрсатиш яхши натижага боришини тушуниб етиш қоидаси.

9. Кўргазмани кўрсатаётганда аввал бутунлай, сўнг уларни қисмларга бўлиб кўрсатиб, ундан кейин яна бутунлай кўрсатишга эътибор бериш қоидаси.

10. Турли кўргазмали қуроллардан фойдаланиш яхши, аммо уларнинг микдори ҳаддан зиёд бўлиб кетса, болалар хаёлини тўзгитиб юборишлигини билиш қоидаси.

11. Кўргазмани кўрсатаётганда болаларнинг аввалдан эгаллаган ҳиссий билимларидан унумли фойдаланиш қоидаси.

12. Энг яхши кўргазма болалар ўзи тайёрлаган кўргазма эканлигини билган ҳолда кўргазмани иложи борича болалар билан бирга тайёрлаш қоидаси.

13. Ўзингиз яхши билмаган нарсани ҳеч қачон болаларга кўрсатмаслик қоидаси.

14. Янги техник воситалар – ўкув телевиденияси, видео, компьютер ва бошқалардан фойдаланилаётганда, аввал ўқитувчининг ўзи уни яхши ўзлаштириб олишлик қоидаси.

15. Кўргазмали қуроллардан фойдаланилаётганда, болалар лиққатини, фикрлаш маданиятини, конструктив фикрини ва ўқишига қизиқишини тарбиялаш қоидаси.

16. Кўргазмани, назарий билимни ҳаёт билан боғлашда фойдаланиш қоидаси.

17. Кабинет тизимидан фойдаланилаётганда кўргазма усулидан фойдаланиш имкони кенгаяди, шунинг учун кўргазмаларни кўрсатиш тартибини албатта режалаштириш қоидаси.

18. Кўргазмали қуроллардан фойдаланилаётганда, болаларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқиш қоидаси.

19. Кўргазма жуда ҳам кучли тасъир этувчи восита бўлиб, у болалар хаёlinи ўзига қаттиқ жалб қилиб, дарс мавзуунинг асосий мақсадидан чалғитиши мумкинлигини англаш қоидаси.

20. Кўргазмадан ҳаддан зиёд фойдаланиш, болаларда абстракт тафаккур ривожига тўсиқ ҳам бўлиши мумкинлигини билиш қоидаси.

**Тизимлилик ва мунтазамлилик тамойили.** Бу тамойил қўйидаги объектив қонуниятларга сунянади:

– инсон ташқи дунёни ўз тафаккурида фақат аниқ акс этиргандагина, ҳақиқий ва фаол билимларга эга бўла олади;

– киши тафаккурида илмий билимлар тизимини шакллантиришнинг асосий усули, мақсадга йўналтирилган расмий таълимнинг ташкил қилиниши;

– расмий таълимнинг ташкил қилиниш тартиби, ўқувчилар имконияти ва бериладиган билимнинг ички мантиқий тузилишидан келиб чиққанлиги;

– билим бериш жараёни босқичма-босқич амалга оширилганлиги туфайли, билим бериш самараси, бу босқичлар орасидаги вақтнинг қанчалик қисқа бўлишлигига боғлиқ, босқичлар орасидаги масофа вақт жиҳатдан ҳаддан ошиб кетса, билим бериш самара бермайди;

– агар билим ва унинг негизида шаклланган кўнукмалар машқ орқали такрорланиб турилмаса, билим ва кўнукма йўқолиб кетади;

– болаларни мантиқий фикрлашга ўргатилган бўлмаса, улар доимо фикр юритишда қийинчиликларга дуч келадилар;

– ўқитишида тизимлилик ва мунтазамлиликка амал қилинмаса, таълим-тарбия жаравени сусаяди.

Педагогик амалиётда бу тамойилнинг ишлаши қўйидаги қоидалар орқали амалга оширилади.

1. Ўқувчилар томонидан билимлар тизими тўлиқ ўзлаштириб олиниши учун бериладиган билимларни мантиқий тугалланган билим бўлакларига ажратиб ўқитишиш.

2. Мазмунини тўлиқ очиб беришга кўзингиз етмаган бирон-бир савол ва муаммони дарс режасига киритмаслик.

3. Мантиқийликни ҳеч қачон бузмаслик, бузилган тақдирда ўзлаштирилмасликнинг олдини олиш учун уни дарров бартараф этишилик.

4. Ўқув фани – катта бир фаннинг кичрайтирилган модели эканини тушунтириб, фанлараро боғлиқликни кўрсатиб беришлик.

5. Назарий билимларнинг ўзлаштирилиши тўғри кетаётганини доимо текшириб боришилик: ўрганилаётган обьекти, предмети, назарий асослари, асосий тушунчалари ва уларнинг қўлланиш чегараларини доимо эслатиб, уларнинг бажарилишини текшириш.

6. Доимо эсда тутиш лозимки, кунда эшитиб, гўёки яхши билган нарсани тушунтириб, илмий асослаб бериш қийин бўлади. Шунинг учун болалардаги аввалги билимлари ва мантиқ усулларидан доимо фойдаланиш зарурлиги.

7. Бошланғич, умумтаълим ва олий таълим босқичларидаги билим мазмуни ҳамда уни бериш усуллари орасидаги муво-фиқдикни сақлаш.

8. Ўқитишнинг илфор усулларидан доимо фойдаланиш.

9. Ўқитишда тизимлиликни ва мунтазамлиликни сақлаш учун, аввал ўтилган билимларни доимо қайтариб туриш.

10. Ўтган билимларни қайтариш усулидан, фақат дарс бошида ва уни якунлаётганда фойдаланиб қолмай, ҳар бир билимни тушунтираётганда ҳам ундан фойдаланиш.

11. Ўтган билимлар билан тез киришиб кетувчи янги гаплардан бошқа янги фикрларни билдирамаслик.

12. Ўқувчиларнинг тил саводхонлигини фақат тил ўқитувчилари кузатиб борибгина қолмай, барча ўқитувчилар ҳам бу ишни бажаришлари лозимлиги.

13. Сабр ва чидам билан ҳамда узлуксиз равишда болаларни мустақил фикр юритишга ва билимларни меҳнат қилиб топишга ўргатиш.

14. Болаларга ўқышнинг истиқболини доимо эслатиб туриш.

15. Ҳар бир бўлим охирида, албатта, умумлаштирувчи машгулотларни амалга ошириш.

16. Болалар жавобида учраб турадиган хатоларни доимо тузатиб бориши.

17. Чарчаб қолган болалар фаолиятини ҳеч қачон сунъий равишда фаоллаштиришга ҳаракат қиласлик, фаоллаштиришла болалар жисмоний ва ақлий имкониятидан келиб чиқиши.

18. Болалардан эгаллаган билимига кўникма ва малака ҳосил қилишни талаб қилиш.

19. Эсда сақлаш лозимки, тизимга тушиган билим эсдан чиқмайди. Эсдан чиқиб қолса, тизим орқали уни дарров эсга тушириш осон.

20. Я.А. Коменскийнинг: «Ҳамма нарса узлуксиз кетма-кетлиқда олиб борилиши керак, бугунги айтганларингиз кечагисини мустаҳкамлаши ва эртанги айтганингизга йўл очиб беринши керак», — деган ўгитини унутмаслик қоидаси.

**Мустаҳкамлик тамойили.** Бу тамойилда барча илфор ўқитувчилар ва педагог олимларнинг кўп йиллик изланишлари ўз ифодасини топган. Унда назарий билимлар билан эмперик билимлар бирлашиб мустаҳкамланган.

Билимларни мустаҳкам эгаллаш жараёни жуда мураккаб бўлиб, кейинги йиллардаги тадқиқотлар бу жараёнга ўзгаришлар киритди. Билимни мустаҳкам эгаллаш жараёнини шу кундаги тушунилиши, бу жараёнга қуидаги янги қоидаларни киритишни тақозо этди.

1. Бугунги кунги таълимда фикр юритиш эслаб қолишдан устунлик қилиши исботланган. Шунинг учун болалар ақлий қувватини тежаш мақсадида, улардан кераксиз ва кам эътиборли нарсаларни эслаб қолишига камроқ эътибор бериб, унинг ҳисобига фикр юритишига кўпроқ куч сарфлашига ёрдам бериш.

2. Болалар тушуниб етмаган ёки нотўғри тушуниб қолган нарсаларни эслаб қолмасликларига эътибор бериш лозим. Бола фақат яхши тушуниб етиб, унинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилган нарсасини хотирасида сақлаш.

3. Бола хотирасини кам эътиборли ахборотларни эслаб қолишдан холи қилиши мақсадида, уларни турли лугат ва энциклопедиялардан фойдаланишга ўргатиш.

4. Эслаб қолинадиган нарсаларни ниҳоятда қисқа қилиб, ёд олишига осон бўлиши учун, равон, иложи бўлса шеър вазнига солиб туриб эсда сақлашга болаларни ўргатиш.

5. Эсдан чиқариш билимни эгаллаб олгандан кейин тез кечини ҳисобга олган ҳолда, уларни психология фанининг эсда сақлаши қоидаси асосида хотирада сақлашга ёшларни ўргатиш.

6. Ёд олишни уйга вазифа қилиб бермай, уни шу нарсага қизиқтириб қўйиш ва вақти-вақти билан бу қизиқишини янгилашиб туриш.

7. Такрорлаш машқларини бола янги билимни эгаллаган пайтдан бошлаш. Чунки бу нарсалар кейин эсдан чиқиб кетиши аниқ.

8. Бола дикқатини сусайтирувчи ички ва ташқи омиллар фаолиятига йўл қўймаслик. Дангасалик касали билан тинмай кураш олиб бориш, билим олиш суръатини пасайтирмаслик.

9. Бериладиган билимга қизиқиш ва ижобий муносабатни шакллантирмасдан туриб, билим беришни бошламаслик. Зўрлаб берилган билим бола хотирасида узоқ сақланмаслигини унугтаслик.

10. Билимни эгаллаш суръати пасая бошлиши билан унинг сабабини аниқлаш ва бартараф этиш. Одатда, билим олиш суръатининг пасайиши чарчагандан кейин пайдо бўлади.

11. Ўқувчилар томонидан мустақил равишда дарсни қайта-риш эслаб қолишининг муҳим омили эканини унутмаслик ва ўзини ўзи тарбиялашга катта эътибор қаратиш.

12. Қайтариш дарсларини шундай ташкил қилиш керакки, у фақат билимни хотирада тиклашга хизмат қилмай, фикр юритишига ҳам фойдаси бўлсин. Шунинг учун қайтариш дарсларини асосий дарс тизимида ўтмай, унинг ҳажмини ё кўпайтириш, ёки камайтириш.

13. Берилган билим хотирада мустаҳкам сақланиши учун, уни қизиқарли қилиб, кўргазмали қуроллардан фойдаланиб туриб бериш.

14. Янги бериладиган билим хотирада мустаҳкам қолиши учун, уни аввалги билим билан боғлаб бериш.

15. Билимни мантиқан бир бутун қилиб беришга ўрганиш.

16. Осон ва бир турдаги топшириқ беришдан тийилиш, улар болаларга қизиқ бўлмай уларни толиктиради.

17. Машқлар ўтказишдан олдин, уларнинг бажарилни тартиби ва натижаси тўғрисида маълумот бериш.

18. Машқ даврида болаларни чарчаб қолишдан сақлаш.

19. Ҳозирги замон назорат усулларидан тўғри фойдаланиш

20. Болаларни ўз меҳнатини назорат қилиш ва баҳолашга ўргатиш.

**Тушунарлилик тамоийли.** Бу тамоийл, бир томондан, дидактиканинг бошқа тамоийилларининг талабларидан, иккинчи томондан, талабалар ёш хусусиятидан, учинчи томондан, кўп йиллик педагогик тажриба асосида яратилган.

Бу тамоийл заминида тезаурус қонуни ётади. Бу қонун бўйича – кишига билим фақат унинг тезаурусига мос келгандагина тушунарли бўлади. Тезаурус лотинча «хазина»ни билдиради. Маъноси, *кишининг тўплаган билими, кўникма ва фикрлаш услуби унинг тезаурусини ташкил қиласди*.

Бошқа қонуниятларни ҳам кўрсатишмиз мумкин: бериладиган билимнинг тушунарлилиги, уни эгаллаётган болалинг ёши индивидуал хусусиятларига боғлиқ; тушунарлилик билим беришни ташкил қилишига ва унда қўлланиладиган билим бериш усул ва услубларига боғлиқ; билимнинг тушунарлилиги ўқитувчининг савиясига ва билим сифатига боғлиқлиги; билимнинг тушунарлилиги унинг берилиш суръатига боғлиқлиги ва ҳоказо.

Я.А. Коменский шакллантирган қўйидаги қоидалар мавжуд; осондан қийинга, маълумдан номаълумга ва оддийдан мураккабга. Шу замоннинг педагогик назария ва амалиёти тушу-

нарлилик тамойилининг қўлланиш қоидаларини кенгайтирди ва бойитди. Улар қўйидагилар:

1. Билимни боланинг ёшига қараб бериш.
2. Бола тафаккури берилаётган билимга тайёрланган бўлиши шарт.
3. Ўқитаётганда боланинг тайёргарлик ва ривожланганлик даражасига қараб билим бериш.
4. Боланинг индивидуал қобилиятидан келиб чиқиб билим бериш.
5. Билим бериш суръати ўртача олиб борилиши шарт.
6. Билим беришда, муайян кучланишнинг ҳосил бўлишини эсда сақлаш. Бу кучланиш ошиб кетса, болалар толиқиб, кучланиш пасайиб кетса, болалар зерикиб қолишини билиш.
7. Психология ва педагогиканинг янги кашфиётларидан унумли фойдаланиш, кичик одимлардан аста-секин катта одимларга ўтиш йўли билан таълим жараёнини интенсивлаштириш.
8. Янги дарс ўтишда билими кучли талабалардан ва дарсни мустаҳкамлаётганда билими ўрта ва кучсиз талабалардан фойдаланиш.
9. Берилаётган билимларнинг қарама-қарши томонларини ҳам тушунтириб, талабаларнинг билим олишини осонлаштириш.
10. Талабаларга энг қийин сингадиган билимлар табиат ва жамият тараққиётининг умумий қонунлариdir. Шунинг учун муайян фанни ўтаётганда усталик билан уларни қўшиб тушунтириб кетиш.
11. Секинлик билан шошиш! Таълим-тарбия жараёнини асоссиз тезлаштирмаслик ва сусайтириб юбормаслик.
12. Талабаларнинг оралиқ якуний фикрларини «биди»га йўймасдан, улардан фикрни давом эттириш учун фойдаланиши.
13. Тушунарлиликнинг ўқитувчи сўзларининг юқори ҳиссисиёт ва ҳар бир сўзни асослаб берилганлиги билан ҳам белгиланганлиги.
14. Узоқ маъruzалардан қочиш.
15. Ўқитишнинг бош қисмида фақат асосийларини айтиб ўтиш билан кифояланиш.
16. «Ёмон ўқитувчи ҳақиқатни айтиб қўя қолади, яхши ўқитувчи бу ҳақиқатни топишни ўқувчиларга ўргатади» иборасини унутмаслик.
17. Тушунарли қилиб дарс ўтиш, бутун билимни талабаларга сўнда тилда тушунтириб бериш ёки бу билимларни топиш-

ши тушунарли қилиб айтиб беришда эмас, балки қалаванинг учини ушлатиб қўйиб, билимнинг секин-аста эгалланишини кўрсатиш, уларни рағбатлантириб туриш ва ҳоказо тадбирларга айтилади.

**Илмийлик тамойили.** Бу тамойил асосида бир қатор қонуниятлар ётади. Жумладан:

— дунёни ўрганиб бўлади ва инсоният аниқлаган ҳамда амалиётда синааб кўрилган қонуниятларни ўрганса бўлади;

— таълим-тарбия жараёни — илмий фаолият орқали тўплантан, объектив олам тўғрисидаги маълумот тизимини ўсиб келаётган авлодга билдиради;

— илмийлик — бериладиган билимлар маълум бир кетма-кетликда берилишини тақозо этади;

— илмийлик яна берилаётган билимнинг ҳозирги замон ижтимоий ва илмий-тарққиёт даражасига мослиги билан ҳамда ғузилган дастур ва ишчи режага мос бўлишлиги билан ҳам белгиланади.

Дидактика бу тамойилни амалиётда қўллашликнинг бир қатор қоидаларини ишлаб чиқсан.

1. Педагогик амалиёт билан шуғулланганда педагогика, психология ҳамда дарс беришнинг усул ва услубарининг энг илторларидан фойдаланиш.

2. Ҳозирги замон дидактика ва психология фапларининг кўрсатмалари бўйича дарс берганда, мантиқнинг фақат инцуктив усулидан фойдаланибгина қолмай, дедуктив усулидан ҳам бемалол фойдаланиш.

3. Бошданоқ ўқув фанининг ички мантифини очиб беришга интилиш.

4. Талабаларда нарса ва ҳодисаларга диалектик ёндашувни шакллантириш мақсадида, ҳар бир билимни беришда унинг ички диалектикасига аҳамият бериш.

5. «Қайтарилимаса эсдан чиқади», деган қоидадан келиб чиқиб, ҳар бир дарсда янги билимни такрорлаб туриш.

6. Қонуниятларни тушунтираётганда, уларни ташқи — муҳит, вақт, эскилиқ ва янгилик орасидаги тафовут ҳамда ички шароитларга боғлиқликда тушунтириш.

7. Ўқитганда изланувчанлик ҳиссиятини ривожлантириш.

8. Муайян қонуниятни тушунтиришда, уни кашф этган олимнинг қисқача таржимаи ҳолини гапириб бериш.

9. Билим беришда, унинг тадқиқ қилинган усулларини ҳам лайтиб, болаларда тадқиқот усулларидан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

10. Дарс ўтганда атама, таъриф ва тушунчаларнинг эскилариға танқидий ёндашиб, энг янгиларидан фойдаланиш.

11. Билим беришда тарихийлик қоидасидан келиб чиқиб, берилаётган билимнинг кашф қилиниш тарихини айтиш.

12. Фан билимларини беришда, улар ичидан асосийларини ажратиб, фандаги устувор йўналишларни ҳам кўрсатиб ўтиш.

13. Юқори синф, академик лицей, коллеж, ва айниқса, олий ўқув юртларида фандаги баҳсли ўринларни айланиб ўтмаслик

14. Болаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини рағбатлантириб бориш.

15. Янгилик топишга кенг имконият яратиб бериш.

**Назария ва амалиёт бирлиги тамойили.** Бу тамойил фалсафанинг билиш назариясининг марказий қоидасига асосланади. Унда, билишнинг биринчи ва асосий нуқтаи назари – бу ҳаётнинг ва амалиётнинг нуқтаи назаридир, дейилади. У қуйидаги қонуниятлардан келиб чиқади:

- ҳар қандай билимнинг тўғрилиги амалиётда синалиб, тасдиқланади;

- амалиёт – ҳақиқат мезони, билишнинг манбаи ва тадқиқот натижаларининг қўлланиш қўлами;

- тўғри ташкил қилинган таълим-тарбия ҳаётдан келиб чиқади;

- таълим-тарбиянинг самарадорлиги унинг амалиёт билан қанчалик боғлиқлиги билан белгиланади;

- билим беришнинг самарадорлиги, унинг политехник таълим билан боғлиқлигига белгиланади;

- берилаётган билим ҳаёт билан қанчалик боғланса, болалардаги билим эгаллаш шунчалик онгли кечади.

Буларнинг амалиётда қўлланиши қуйидаги қоидалар орқали кечади.

1. Билим ва тарбия беришда бола уларнинг ўз ҳаётига нақадар зарур эканини билиб бориши.

2. Билим беришда ҳаётдан билимга ёки билимдан ҳаётга қараб бориш.

3. Билим беришда, бу билим ҳаётда зарур бўлгани учун кашф қилинганligини таъкидлаш.

4. Болаларни энг янги меҳнат қуроллари ва меҳнат муноса-батлари билан таништириб бориш.

5. Болаларнинг олган билимларини амалиётда албатта си наб кўришларини талаб қилиш.

6. Мактабнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқлигини амалда кўрсатиш.

7. Билим бериш жараёнини ишлаб чиқариш ютуқларидан мисоллар келтириш йўли орқали билимни амалиёт билан боғлаш.

8. Дарс беришда болаларнинг меҳнат тажрибаларидан келиб чиқиш.

9. Ижтимоий меҳнат фақат дарс жараёнидаги олинган билимлар асосида амалга оширилиши.

10. Ақлий меҳнатни жисмоний меҳнат билан олиб бориш.

### 3.4. Дарс турлари ва типлари

Пировард натижада, бутун узлуксиз расмий таълим жараёнининг таълим-тарбия бериш қонун-қоида ва тамойиллари ҳамда жамиятнинг давлат таълим тизимиға қўядиган талаблари дарс жараёнида амалга оширилади. Юқорида «Педагогик жараён мажмуи» деган сарлавҳа остида дарсни мажму сифатида таҳдил қилган эдик. Шунда дарснинг дарс деб аталиши учун, бирламчи асос бўлиб хизмат қиласиган дарсни ташкил қилувчи, ёки апикроқ қилиб айтганда, дарсда қатнашадиган упсурларни кўриб чиқсан эдик. Навбатдаги саҳифаларимизда дарснинг турларини ўрганиб чиқамиз.

Умуман олганда, ҳар қандай нарса ёки ҳодисани тасниф (классификация) лаганда, унга шу нарсанинг бирон бир хусусияти асос қилиб олинади.

Дарсларни ҳам таснифламоқчи бўлсак, шу умумий қоидага риоя қиласиз.

Биринчи бор, икки нарсани асос қилиб олиб, дарсларни таснифлаб чиқсан рус олими И.Н. Кузнецов бўлган. У ўзининг таснифига дарснинг мазмуни ва дарс ўтиш усулини асос қилиб олган. Масалан, математика дарсларига киритилган мазмун асосида – арифметика, алгебра, геометрия ва тригонометрия гуруҳлари ажратилган. Шунга ўхшашиб бошқа фанларда ҳам дарсларни таснифлаб чиқиши мумкин. Дарснинг ўтиш усули бўйича: синфа ўтиладиган дарслар, экскурсия дарслари, кинодарслар, мустақил иш дарслари ва ҳоказо.

Дарснинг мантиқий тузилиши ва билиш жараёнининг характеристига қараб дарслар: кириш дарси; эгалланадиган билимлар билан бирламчи танишиш дарси; янги билимларни эгаллаш дарси; эгалланган билимларни амалиётда қўйлаш дарси; қўниқмалар ҳосил қилиш дарси; умумлаштириш, қайтариш ва мустаҳкамлаш дарси; текширув дарслари; аралаш дарс.<sup>17</sup>

<sup>17</sup> Иванов С.В. Типы и структуры урока. – М., 1952.

Назариётчи ва амалиётчи педагоглар орасидаги кенг қўлланилаётган дарс таснифларидан бири М.А. Данилов билан Б.П. Есипов ишлаб чиқкан тасниф ҳисобланади.<sup>18</sup> Улар, ўз таснифларига икки дидактик мақсадлар ва дарснинг умумий тизимдаги ўрнини асос қилиб олганлар. Улар қўйидагилардир: 1) аралаш дарслар; 2) янги материал билан танишиш; 3) олинган билимни мустахкамлаш; 4) ўрганилган нарсани системага келтириш ва умумлаштириш; 5) билим ва қўниқмаларни ҳосил қилиш; 6) билимларни текшириш.

Яна дарслар уларни ўтиш асосига қараб, қўйилдаги турларга ажралади:

1. а) дарс-лекция; б) дарс-суҳбат; в) кино дарси; г) назарий ёки мустақил ишлар дарси; д) аралаш дарс.

2. а) мустақил ишлар дарси; б) дарс-лаборатория; в) амалий ишлар дарси; г) дарс-экскурсия.

3. а) оғзаки сўраш; б) ёзма синов; в) синов; г) синов амалий назорат; д) назорат иши е) аралаш дарс.

Дарслар ички тузилишига қараб ҳам типларга бўлинади. Я. Коменский ва И.Ф. Гербартлардан бошлаб, шу кунгача дарснинг тўрт бўлакдан иборат бўлган типи ҳукм суреба келмоқда. Буларга: янги билимларни эгаллаш учун тайёрланиш; янги билимларни эгаллаш; янги билимларни мустаҳкамлаш ва тизимга келтириш; эгаллаган билимларни амалиётда қўллаш. Бу типдаги дарс аралаш дейилади.

Унинг шу кунгача сақланиб келишининг сабабларидан бири, аралаш дарсдаги тўрт унсур истаган кетма-кетлиқда қўлланиши мумкин. Шу билан бир қаторда бу типдаги дарс жараёнида дидактиканиң деярли барча талабларига эришиш осон. Шунинг учун ҳам, тадқиқотчиларнинг айтишларича, 80% дарслар шу типда олиб борилар экан.

Бу турдаги дарсларнинг афзаллиги яна шундаки, у дарс жараёнида ҳукм сурувчи қонуниятларга мос келади. Бу дарсларда ўқитувчи ва педагоглар, ўз шароитларидан келиб чиқиб, таълим олувчиларнинг қабул қилиш имкони, тайёргарлик даражаси ва бошқа бир қатор омилларни ҳисобга олган ҳолда, дарсга ажратилган вақтни дарс ичидаги тўрт унсурга ихтиёрий равишда тақсимлай оладилар.

Аралаш дарсларнинг юқорида айтилган ютуқлари билан бир қаторда, камчиликлари ҳам оз эмас. Чунончи, аралаш дарсларда, ундаги тўрт унсурнинг ҳаммасига вақт етишмайди. Дарс

<sup>18</sup> Данилов М.А., Есипов Б.П. Дидактика. – М., 1957.

олиб борувчиларнинг ихтиёридан ташқари, аввалги дарсни яхши қайтариб чиқаман, деган муаллимга, албатта, янги билим бериш учун кам вақт қолади. Янги берилган билимни ва уйга вазифа беришни қоидали қилиб амалга оширишни айтмай қўя қолайлик. Шунинг учун кейинги вақтда, педагогик амалиётда бир турдаги фаолият билан шуғулланувчи дарслар найдо бўла бошлади. Буларга: янги билимларни эгаллаш дарслари; янги кўникмаларни ҳосил қилиш дарслари; билимларни умумлаштириш ва тизимга келтириш дарслари; билим ва кўникмаларни текшириш ҳамда хатоларни тузатиш дарслари; билим ва кўникмаларни амалиётда синааб кўриш дарслари. Бу дарс типлари шундай номлангани билан, дарс ичидаги аралаш дарсларнинг тўрт унсурининг бири узайтирилиб, қолганчари қисқартирилган бўлади. Масалан, дарсларга ажратилган 45 дақиқани, янги билимларни эгаллаш дарс типида, дарсни гашкил қилиш ва ўтган дарсни қайтариш қисмига 2–3 дақиқа берилади. Бу вақтда ўқитувчи ўтган дарсни қайтармай, қисқача эслатиб ўтади, холос ва ҳоказо. Қуйида бу типдаги дарсларнинг ички тузилишини кўриб чиқамиз.

**Янги билимларни эгаллаш дарси** ёки уни тушунтириш дарси ём деб юритилади. Бу типдаги дарс қисмларининг тахминий жойлашуви қўйидагича.

1. Илгари ўтилган билимларни эслаш.
2. Янги билимлар бериши.
3. Янги билимнинг ўзлаштирилганлигини текшириш.
4. Назарияни қўллаш намунасини кўрсатиш.
5. Уйга вазифа бериб, дарсни якунлаш.

**Эгалланган билим ва кўникмаларни мустаҳкамлап дарси**, қунидаги элементларни ўз ичига олади:

1. Назарий билимларни эслаш.
2. Эгаллаган билимлар бўйича машқлар қилиб, кўникма ҳосил қилиш.
3. Дарсни якунлаш.
4. Уйга вазифа бериш.

**Такрорлаш дарси.** Эгалланган билимларни мустаҳкамлаш билан такрорлаш дарслари орасида анча умумийлик мавжуд. Йи умумийлик, энг аввало, мазкур дарсларнинг вазифалари ва нарсанинг ички тузилишига тааллуқlidir. Шу билан бирга бу дарсларнинг орасида такрорланаётган аввалги дарсларда материал тўлиқ берилмаган, баъзи жойлари такрорланади. Билан нарсасини ҳадеб такрорлайвермайди. Такрорлаш дарсларида авваллари билмай қолган жойлари такрорланади.

**Эгаллаган билимларни умумлаштириш ва билим ҳамда кўникмаларини такомиллаштириш дарси.**

Бу дарснинг элементлари куйидагича:

1. Умумлаштирувчи билимга доир билимларни эслаш.
2. Билимларни умумлаштириш ва улар орасидаги функционал алоқадорликни кўрсатиш.
3. Назарий билимларнинг ўзлаштирилганлигини текшириш.
4. Билимларни қандай қилиб умумлаштирилган қоидаси билан таништириш.
5. Мавзу бўйича эгалланган билимларга ҳосил қилган кўникмаларни такомиллаштириб, малака даражасига етказиш.
6. Дарснинг натижаларини якунлаш.
7. Уйга вазифа бериш.

**Эгаллаган билим ва кўникмаларни текшириш (контроль) дарси.**

Назорат иши ўтказиладиган дарснинг тузилиши мураккаб эмас. Ўқитувчи топшириқларни эълон қилади, ўқувчи ва талабалар уларни бажарадилар ва дарс охирида ишлар йиғиб олинади. Назорат ишининг саволлари ва топшириқлари ўнданда ифодаланиши керакки, ўқувчиларнинг жавобларидан улар билимларни шунчаки эслаб қолгани эмас, балки ишнинг моҳиятини тушунгани ҳам кўриниб туриши лозим.

### **3.5. Миллий педагогиканинг гипотетик асослари**

Республикамизнинг ҳозирги даврдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тамоиллари жаҳондаги тараққий этган мамлекатлар қаторидан муносаб ўрин олиш учун маънавий салоҳи ятимизни ва иқтисодий қудратимизни янада ошириш, уларни ХХI аср илмий-техника тараққиёти талабларига жавоб берадиган тарзда қайта қуришни талаб қилади. Бунинг учун халқимиз, айниқса, ёшлиаримиз дунёқарашини ўзгартириш, уларнинг билим ва маънавиятларини жаҳон андозалари даражасига кўтариш зарур. Бундай мураккаб ижтимоий вазифани ҳал этишда бошқа фанлар қатори илмий асосга қурилган миллий педагогика зиммасига катта масъулият тушади.

Юқорида қайд қилганимиздек — **миллий педагогика** деганда, муайян давлат Конституцияси, таълим тўғрисидаги қонунилари ҳамда истиқболли ривожланиш дастури, жамият тараққиётининг умумий қонунилари, халқининг миллий-маърифий мероси ва таълим-тарбия соҳасида эришилган жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида шаклланган ҳамда миллатнинг муайян тарихий ривожланиши жараёнидаги талабларига жавоб берувчи таълим-тарбия газарияси, усул ва услубларини ифодаловчи илм-фан мажмун тушиунилади.

Миллий педагогика ўзининг муайян худудий хусусиятлари, аҳолининг менталитетига мослиги, нисбатан янгилиги ва юқори самарадорлиги билан бошқа педагогик тизимлардан фарқланади.

«Таълим тўғрисида»ги Қонунда: «Ўзбекистон Республикаси таълим тўғрисидаги сиёсатини умуминсоний қадриятларни, ҳалқнинг тарихий тажрибасини, маданият ва фан бобида кўп исрлик анъаналарини, жамиятнинг истиқболдаги ривожланишини ҳисобга олган ҳолда юргизади»<sup>19</sup>, – дейилган.

Маълумки, собиқ совет тузуми даврида Ўзбекистоннинг ўкув юртларида коммунизм мағкурасига бўйсундирилган ва фақат Москва педагог-олимлари томонидан ёзилиб, Ўзбекистонда таржима қилингандар дарслклардан фойдаланиб келинган. Натижада, ёш авлод ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган миллий педагогика, миллий маънавият ва маданият хазинасидан бебаҳра бўлиб келди. Шунинг учун ҳам, шу кундаги педагогикада олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида «совет педагогикаси»дан воз кечиб, миллий педагогиканинг назарий ва амалий асосларини яратиш, педагогик фаoliиятда унинг тамоилилари ва усулларини қўллашга ўтиш тўғри бўлади.

Мазкур китобимиизда, миллий педагогиканинг назарий асосларини ёки унинг тўлиқ концепциясини яратиб бермоқчи масмиз. Гарчи китобимиизнинг барча саҳифаларидан, аввалги педагогик дарслек ва ўкув қўлланмаларда учрамайдиган қашлайдир бир янги фикрлар нафаси уфуриб турган бўлса-да. Бу срда биз, миллий педагогиканинг гипотезасини, яъни жуда ҳам тахмин бўлмай, атрофлича ўйланган, кўп қисмлари илмий асосланган ва аввалги китобларимиз орқали педагогик жамоатчиликка эълон қилиниб, уларнинг танқидий фикрларини назарда тутиб, бўлажак миллий педагогиканинг истиқболини баён этишга ҳаракат қилдик.

Республикамиз мустақиллигининг ilk йилларида, бир қатор педагог олимлар томонидан миллий мактаб яратиш масаласи кўтарилиб, бунинг устида қизғин баҳслар бўлиб ўтган эди. Шу масала юзасидан рисолалар ёзилиб, илмий маъruzалар тўпламлари чоп этилди. Уларда миллий мактаб ва миллий педагогика яратиш устида кўпгина ижобий фикрлар берилди. Бироқ, Ўзбекистонда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинганидан кейин республикамизда миллий мактаб яратилди деган фикрда, бу масалани унутиб қўйилди, шекилди. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистонда замонавий миллий мактаб

<sup>19</sup> «Халқ таълими» журнали, 1992 й, 10–12-сонлар. 1-бет.

модели яратилди. Ниҳоят, узлуксиз таълим-тарбия жараёнинг худудимизга мос илмий асосланган шакли тузилди. У ерда бериладиган билимлар мазмуни ҳам ўзгариб, бойиб бормоқда. Аммо, бу ўқув муассасалари ичида фаолият қўрсатаётган ўқитувчи ва педагоглар малакаси совет педагогикаси фоялари асосида шаклланган. Совет педагогикаси фоясига эса коммунизм фоясидан келиб чиқиб, негиз-негизигача мафкуралаштирилган эди. Шакл ўзгариб, мазмун ўзгариб, таълим олувчиларга қўрсатиладиган таъсирнинг қонун-қоида ва тамойиллари ўзгармаса, керакли натижага эришиб бўладими?

Бунинг устига жаҳон педагогика илм-фани ҳеч қаҷон ривождан тўхтамаган. Хорижий мамлакатларда замон ўзгариши баробарида педагогика ҳам ўзгариб, бойиб борган. Ўша маҳалда советлар жамияти, ўзининг тор мафкуравий қобиғига бурканиб олиб, замон тараққиётидан ўзгача ривожланган. Педагогика илм-фани ҳам бундан истисно эмас эди.

Эндилиқда, республикамиз очиқ сиёsat олиб бориб, хорижий мамлакатларга ҳам илмий, ҳам маданий ва ҳам иқтисодий эшикларини кенг очиб берди. Бу энг тўғри йўл. Ер юзида яшаб, бошқа мамлакатлардан айри ҳолда, замонга яраша умр кечириб бўлмайди. Мамлакатимизга турли оқимдаги фоя ва дунёқарашлар кириб кела бошлади. Шу жумладан, педагогика назария ва амалиётига оидлари ҳам. Биз педагог олимларнинг вазифамиз уммондек педагогик фикр ва фоялар ичидан, худудимизга мосини танлаб олиб, равон бир педагогик таълимотимизни яратиб олишимиздир.

Кўйида миллый педагогика яратиш юзасидан баъзи бир фикр-мулоҳазаларимизни айтиб ўтамиз.

**Биринчидан**, ҳозир биз фойдаланаётган педагогика совет педагогикасидан фарқ қилмайди. Яъни, унинг методологик асоси марксизм фалсафаси асосида қурилган эди. Буни тафтиш қилиб, ҳозирги замон илм фани ва фалсафаси, яъни «Квант назарияси» нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, миллый педагогиканинг энг умумий методологиясини аниқлаб олишимиз лозим.

**Иккинчидан**, шу замоннинг энг илфор илмий оқими бўлган синергетиканинг мажмуулар назариясидан келиб чиқиб, таълим-тарбия жараёнига мажму ёндашув тамойилини сингдириш керак. Бу миллый педагогикани шакллантиришдаги дол зарб муаммолардан бири. Ундан ташқари, оммавий ахборот восигаларида жуда кўп гапирилаётган педагогик технология, айни шу тамойил асосида яратилган. Мажму ёндашув тамойилини билмай, педагогик технологияни яратиб бўлмайди. Маз-

кур китобда биз, таълим-тарбия жараёнига мажму ёндашувни қўллашга ҳаракат қилганимиз.

**Учинчидан**, яқин ўтмишишимизда, узлуксиз таълим-тарбиянинг якунида, ҳаммада коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодексида кўрсатилган ижтимоий сифатларни шакллантириш шарт эди. Ҳозирда коммунизм гояси сароб бўлиб чиқди, ҳар бир синф хоналари ва аудиторияларда осилиб турадиган «Коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси» олиб ташланди. Бу тўғри, аммо ўрнига, мустақил Ўзбекистон фуқаросининг ижтимоий сифатлари қандай бўлиши кераклигини кўрсатувчи, ҳамма педагоглар фаолиятининг муроди бўлган кишининг бўлажак ахлоқий сифатлари бир тизимга келтирилмаган. Бу эса, педагогик фаолиятнинг умумий методологик асосининг биринчи қисми ҳисобланади. Китобимизнинг кейинги саҳифаларида бунга ўрин ажратилган бўлиб, касбдошларимиз фикр-мулоҳазаларига ҳавола қилинади.

**Тўртинчидан**, педагогик илм, фан ва амалиётида турли фалсафий ҳамда педагогик атама ва тушунчаларнинг эркӣ ишлатилиши кузатилмоқда. Бу эса, айтилаётган гапнинг мазмун моҳиятига етиб боришга тўсиқ бўлмоқда. Шунинг учун, педагогикага оид фалсафий тушунчаларни ҳамда педагогиканинг категорияларини, ўзаро келишилган ҳолда тартибга солишилик миллий педагогиканинг асосий масалаларидан бири.

**Бешинчидан**, шу кунларда Ўзбекистонда чоп этилаётган дарслар ва ўкув қўлланмаларда, педагогиканинг назарий асосининг бир қисмини ташкил қиласиган ва педагогларнинг умумий методологик асосининг иккинчи қисмини ифода этувчи, педагогиканинг қонун-қоида ва тамойиллари асосан совет педагогикасидан мерос. Жаҳон педагогика илм-фани ва амалиётида дастурлар тузиш, унинг асосида дарслклар яратиш ва педагогик амалиётда дарс ўтишнинг қонун-қоида ва тамойиллари кўпайиб кетган. Шуларни ўрганиб, таҳлил қилиб, уларнинг ичидан (шу жумладан, совет педагогикаси ичидан ҳам) ҳудудимизга мосларини ажратиб, мантикий бир тизимга келтириш шарт. Бу йўл билан миллий педагогика назарий асосларининг тузилишига хизмат қилган бўламиз.

**Олтинчидан**, Ўзбекистоннинг таълим-тарбия тизимида бутун амалга оширилаётган педагогик усул ва услублар, жуда кам миқдордагисини ҳисобга олинмаганда, яқин ўтмишишимиздаги мустамлакачилик шароитида қўлланилган усул ва услублардир. Улар на бизнинг анъанавий ҳалқ педагогикамизга, на ҳозирги инсонпарварлашиб ва демократлашиб бораётган ижтимоий муҳит шароитига тўғри келади.

Бу йўналишда ҳам анча ишлар қилиниши керак. Чунончи, беҳисоб педагогик усул ва услублар ичидан, шу жумладан, узоқ ва яқин хорижий мамлакатларнинг ҳам, бизнинг менталитетимизга, шу замоннинг талабига жавоб берадиганларини танлаб олиб, уларни илмий асосда тизимга келтириб, Ўзбекистонинг оригинал бир миллий педагогикасининг бир қатор услубларини яратиш вақти келди.

**Еттиңчидан**, тадқиқотлар шуни кўрсатдики, таълим-тарбия жараёнида қўлланиши таклиф қилинаётган услублар, на умумий, на энг умумий (фалсафий) методологик манба билан асосланмаган. Маълумки, педагог олимлар олиб бораётган тадқиқотлар характеристига қараб гуруҳлашади. Бир гуруҳ педагог олимлар факат назария билан шуғулланишса, яна бошқа бир катта гуруҳи, методика билан, яъни усул тузиш билан шуғулланадилар. Уларнинг асарлари таҳлили шуни кўрсатдики, назарийётчилар (улар бизда жуда кам), қуруқ назария тузиш билан машгул бўлиб, жонли методиканинг талабларидан четлашиб кетганилар. Бошқа бир гуруҳ, олимлар методика яратишга берилиб кетиб, педагогиканинг назарий асослари методикага қўйган талабидан четлашиб кетмоқдалар. Қисқаси, педагогиканинг энг умумий, умумий, хусусий методологик асослари ва конкрет бир методика орасида функционал боғлиқлик бўлиши керак. Бунинг учун, юқорида айтиб ўтганимиздек, педагогиканинг фалсафий жабхаларини ўрганиб, уларни тартибга келтириб, сўнг умумфалсафий тамойилларидан келиб чиқиб, миллий педагогиканинг назарий асосларини шакллантириш лозим. Шундан кейин, энг умумий ва умумий методологик асослардан келиб чиқсан ҳолда, хусусий методологик асосни ва улар асосида амалиёт учун миллатимизга мос бўлган таълимгарбия усул ва услубларини яратиш керак бўлади. Албатта, бу анча муракаб иш. Аммо уни бажарса бўлади. Бу ишни бажармай миллат равнақини белгилаб берувчи миллий таълим-тарбияни амалга ошира олмаймиз. Бунинг учун бутун педагогик жамоатчилик ишга тушиб, ҳаракат қилиши керак.

# ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТ

## 1. Педагогик амалиёт йўналтирилган объект ва узлуксиз таълим-тарбия якунида талабалар эришиши лозим бўлган ижтимоий сифатлар

Педагогиканинг ўзига хос томонлари шундан иборатки, педагогика илмининг тадқиқот обьекти билан унинг амалий фаолияти йўналтирилган обьект бир-биридан фарқланади. Кўп турдаги илм-фан тармоқларида илмнинг тадқиқот олиб бориши обьекти билан амалиёти йўналтирилган обьект битга.

Педагогика илмининг тадқиқот обьектини юқорида аниқлаган эдик, бу таълим-тарбия жараёни экан. Таълим-тарбия жараёни узлуксиз бўлиб, босқичлари кўп бўлгани туфайли, унинг ҳар бир босқичини педагогиканинг турли тармоқларининг илми ўрганади.

Аммо, педагогиканинг амалий фаолияти йўналтирилган обьект – бу Инсон. Ҳар қандай педагогик фан тармоқлари ўзининг амалий фаолиятини одамга қаратади. Одам турли ёшда бўлиши мумкин бўлганлиги туфайли, унинг ёшига қараб, ёш болалар учун – мактабгача тарбия педагогикаси, ўсмирлар учун – умумий таълим педагогикаси, балофат ёшига етганлар учун – маҳсус таълим педагогикаси ва катта ёшдагиларга – олий таълим педагогикаси, олий таълимдан кейинги таълим педагогикаси ва малака ошириш педагогикаси деган фан тармоқлари мавжуд.

Педагогиканинг амалий фаолияти таълим-тарбия жараёнини жорий қилиш билан машғул бўлганлиги учун, педагогик жараённинг кечиш қонуниятларини ҳар бир педагог билиши шарт. Бу қонуниятларни, педагогик амалиётга, педагогика илми тадқиқотлар олиб бориб, аниқлаб беради.

Шунинг учун ҳам кўплаб педагогик адабиётларда, шу жумладан, дарсликларда педагогикани мавхум бир тушунча деб билиб, уни ўрганиш обьектини гоҳида таълим-тарбия жараёни, гоҳида инсон, бошқа бир хил дарсликларда ёш авлод ва ҳоказолар деб кўрсатадилар. Ҳатто бир дарсликда, педагогиканинг баҳси деган ибора ҳам ишлатилган. Баҳслашганлар баҳслашаверсин, биз илмшунослик фани билимларидан келиб чи-

қиб, аниқ айта оламизки, педагогика ҳамма илм-фанлар қатори, икки йўналишда фаолият олиб боради, бири илмий тадқиқот, иккинчиси педагогик амалиёт. Педагогика илми ўз тадқиқотларини таълим-тарбия жараёни устида олиб борса, педагогик амалиёт ўз фаолиятини инсонга қаратади. Педагогик амалиёт ўз фаолиятини одамга қаратганда, ўз олдига шу одамда ижобий ижтимоий сифатларни шакллантиришни мақсад қилиб кўяди. Бу унга юклатилган ижтимсий буюртма. Ўқитувчи ва педагоглар жамият томонидан уларга берилган буюртмани бажаришлари учун, улар таълим берәётганларида қандай ижтимоий сифатларни шакллантириб беришлари кераклигини билишлари шарт.

Тарихан таълим-тарбия маҳсус инсон фаолияти сифатида шаклланиб бориши баробарида, таълим-тарбия якунида тарбияланувчиларнинг сифатлари, яъни таълимий мақсадлар ҳам аниқланиб келинган.

Геродотнинг «Тарих» китобида: «Қадимги саклар, форслар ва массагетлар инсондаги энг шарафлайдиган сифат – жасурлик», – дейилган. Шунга кўра, улар ўғил болаларни беш ёшдан йигирма ёшгача фақат уч нарсага, отда юриш, камондан отиш ва адолатли бўлишга ўргатишган.

Хитойнинг Самарқанддаги элчиси Вей-Цзининг ҳисоботларида: «Самарқанд аҳолиси моҳир савдогарлардир. Ўғил беш ёшга тўлар экан, унга савод ўргата бошлайдилар», – деб қайд қилинган.

Зардўштлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да ҳам таълим-тарбия масалаларига катта аҳамият берилган. Унда «Тарбия ҳаётнинг энг муҳим тиргаги, таянчи бўлиб ҳисобланиши лозим. Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш лозимки, у, аввало, яхши ўқишини, кейин эса ёзишини ўрганиши билан энг юксак поғонага кўтарилисин»<sup>20</sup>, – дейилган.

Ўрта Осиёга ислом кириб келганидан кейин ерли халқларда ислом маънавияти шаклланиб, мустаҳкамланиб борди. Куръонда имоннинг ўзига хос мезони саналган қўйидаги ижтимоий сифатлар тарғиб қилинади: саҳоват, меҳмоннавозлик, жасорат, сабр-қаноат, тўғрилик ва фодорлик, адолат, тенглик, гинчлик ва бошқа ижобий сифатлар.

Имом ал-Бухорийнинг тарбия ҳақидаги қарашларида жаҳолат кишига ўлим келтирувчи фожия сифатида қораланади. У одамларни тўғри сўзли бўлишга, ваъдага вафо қилишга даъват

<sup>20</sup> Моковељский А.О. Авесто. – Боку, «Азербайжан», 1960. С. 18.

этиб, мунофиқ кишининг учта белгиси борлигини кўрсатади, улар: ёлғон гапириш, ваъдага вафо қилмаслик ва омонатга хиёнат қилишдан иборатлигини айтади. У инсоннинг куч-кудрати жисмонан паҳлавонликда эмас, балки жаҳл чиққанда ўзини тия олишда, деб ҳисоблайди. Имом ал-Бухорийнинг таълим-тарбия хўсусидаги таълимотида ахлоқий қараашлар муҳим ўринда туради. Унинг уқтиришича, баланд товуш билан ўринсиз кўп кулиш бошқалар дилига озор берувчи хислатдир. Ҳалққа ёқимли ва эҳтиромли бўлиб, унинг муҳаббатига сазовор бўлишни гўзал ахлоқлик, деб билади аллома. Мутафаккир асарларида кичикларга шафқатли, катгаларга ҳурматда бўлиш зарурлиги алоҳида таъкидланади.

Абу Исо ат-Термизий «Софлом танда соғ фикр бўлади» деган ҳалқ мақолидан келиб чиқиб, ёшлиқданоқ соғлиқни сақлашга, вақтни бекор ўтказмасликка даъват этади: «Икки нарса борким, кўпчилик уларнинг қадрига етмайди: бири соғлиқ, иккинчиси бўш вақт». Имом ат-Термизий тўплаган ҳадислар орасида болаларни ахлоқ-одоб, марҳумларга ҳурмат руҳида тарбиялаш тарғиб этилади.

Ўрта аср ижтимоий-фалсафий фикр тараққиёти мутафаккир Абу Наср Форобий номи билан боғлиқ бўлиб, унинг инсон камолоти ҳақидаги таълимоти таълим-тарбия соҳасида катта аҳамиятга эга. Форобий таълим-тарбиянинг асосий вазифаси жамият талабларига жавоб бера оладиган ва шу жамият учун хизмат қиласидиган етук инсонни тарбиялашдан иборат деб билган ва тарбияланганлиқнинг ўзига хос мезонини ишлаб чиқкан.

Форобийдан кейин Ибн Сино, Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус, Умар Ҳайём ва бошқалар тарбия якунида эришиладиган ижтимоий сифатлар тўғрисида фикр юритганлар.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий ўзининг бадиий асарларида комил инсон образларини яратиб, таълим-тарбия тўғрисидаги фикрларни ифодалаган бўлса, маърифий асарларида ҳар бир инсон ақлли, ахлоқли, билимдон, оқил, доно, соғдил, саховатли, сабр-қаноатли, адолатли, мурувватли, камтар, мард ва жасур бўлмоғи лозим деб таъкидлаган.

Шахснинг шаклланишида оила жамиятнинг асосий бўғини сифатида катта роль ўйнайди деб айтиб ўтдик. Шахснинг ижобий ёки салбий хислатлари асосан оиласда таркиб топади ва умрининг охиригача унинг руҳиятида сақланади.

Мактабгача тарбия янги жамоада вужудга келган хислатлар билан бойитилади. Мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар

коллежларида етуклик кўламида билим ҳамда қўнималар шаклланиши билан бирга ижобий фазилатлар сайқал топади.

Олий ўқув юрти ва ундан кейинги юқори ўқув юртлари (аспирантурда ва докторантурда) барча ижобий ижтимоий сифатлар маромига етказилиб, фазилат даражасига кўтарилади.

Ўзбекистонда олиб борилган кўп йиллик тадқиқотлар ва мумтоз адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, эркин ва фуқаролик жамияти ҳамда ҳуқуқли ва демократик давлат фуқаролари қўйидаги ижтимоий сифатларга эга бўлишлари керак.

**Ақллилик.** Бу тушунчанинг лугавий маъноси – фикр юритмоқ, билмоқ деган мазмунни билдиради. Шундай экан, киши қанчалик кўп фикр юритиб, кўп билимга эга бўлса, шунчалик ақлли ҳисобланади. Лекин одам чукур фикр юритмай бошқалардан кўрган, эшитганларини, китоблардан ўқиганларини ҳамда устоз муаллимлар айтганини эсда сақлаб қолиб, шу йўллар билан олинган билимларга амал қилиб юриши ҳам мумкин. Бунда ҳам ақл иштирок этади, аммо бу ҳолда ақи ёрдамчи вазифани бажариб, киши кўп ҳам интеллектуал куч сарфламайди. Доим шундай ҳаёт кечириб юрган одамни ақлли деб бўлмайди.

Лекин баъзи кишилар, ўқитувчи ва педагогларнинг айтганига ва китобларда ёзилганига қарамай, ҳар бир нарсанини негизига ўzlари етиб боришни истайдилар ва тайёр андозалар турганда, уларга амал қилмай, ҳар бир нарсага ўzlари мустақил фикр юритиб етишга ҳаракат қиладилар. Бундай кишилар ақлли ҳисобланади. Улар мустақил билим топиш жараёнида анчагина ақлий қувват ва вақтларини сарфлайдилар.

Буғдай ақлий ҳаракат кўпчиликка малол келгани учун ақсарият одамлар ақлий куч-қувват ва маълум вақт сарфлашдан қочиб, тайёр билимларни ўрганиб қўя қоладилар. Натижада анча билимга эга киши бўлиб ҳисобланадилар. Баъзида фанномзоди ва баъзан фан доктори ҳам бўладилар. Бироқ бу билан улар ақлли бўлиб қолмайдилар.

**Ақлли бўлиш** учун киши ўз зиммасига анча қийинчиликларни олиб, ҳар бир нарса устида мустақил фикр юритиб, мустақил тадқиқотлар олиб бориш йўлида ҳаракат қилади.

Онадан киши ақлли бўлиб туғилмайди. Ҳамма одамлар бирдай, ақлини ишлатишга мойиллиги бор бўлиб туғилади, холос. Бир кишида бу мойиллик юқори, бошқасида у кам бўлиши мумкин, бу табиий ҳол. Одам туғилганидан сўнг, ақлини қанчалик кўп ёки кам ишлатиши, даставвал, унинг ота-онаси, aka-opalari, қариндош-уруглари, сўнг мураббий ва ўқитувчиларининг саъй-ҳаракатларига боғлик.

Кундалик ҳаётда бола ақлини ишлатиши учун шароит қуидатында: ота-оналар (баъзилар бундан мустасно) боласининг түгри йўлдан оғиб кетмаслиги учун, ундан айтганларини оғишмай бажаришни талаб қиласидар. Фурури кучли бола, ташқаридан қилингандай «ғайри тарбиявий» таъсирга қаршилик кўрсатади. Ювош бола эса, бир неча йиллар мобайнида унга ўтказилган бундай тарбиявий тазийқ натижасида, мўмин ва итоаткор бўлиб етишади. Бундай болани «яхши бола» деб ҳам юритилади. Бола мактабга борганида ўқитувчилар ҳам ундан ўзларига сўзсиз бўйсунишини, берилган билимни мулоҳатасиз қабул қилишини, ўқитувчининг айтганини бажаришини талаб қиласидар (баъзи ўқитувчилар бундан мустасно). Натижада, ота-онаси ва ўқитувчиларининг сўзига кирган бола кўп билим ҳамда ахлоққа эга бўлиб етишади. Аммо ақили бўлмайди. Унинг акси, гурури бор бола, ўз шахсини муҳофаза қилиб, катталарнинг сўзига кирмай, билимга ҳам, одобга ҳам эга бўлмай, «ёмон бола» бўлиб қолади. Аммо иккаласи ҳам ақлини ишлата олмайдиган бўлиб етишади. Уларнинг фарқи нимада? Биринчиси, умр бўйи яхши фарзанд бўлиб, ақлсиз ўтиб кетади, чунки унинг ақли «кишанланган». Иккинчисининг ақлли бўлишга имкони қолган бўлади, чунки у ўз шахсини сақлаб қолган ва унинг ақли «кишанланмаган» бўлади.

*Таълим ва тарбия билан шугулланувчи кишилар болаларга бишни бериб қўя қолмай, билимни мустақил излаб топишга ўргатишлари керак.*

**Одобблилик** – ижтимоий сифат бўлиб, инсон фазилатларини ҳисобланади. Одобли киши умуминсоний қадриятлар билан бирга миллий қадриятларни яхши билган ва уларни ёзозлаган ҳамда жамият ичида қабул қилингандай барча ахлоқ нормаларига риоя қиласидиган одамдир.

Одабсизлик – бутун инсоният ёки бир миллат қадрият деб қабул қиласиган нарса ва воқеликларга беҳурматлик кўрсатиш, муайян жамиятда қабул қилингандай урф-одат ва анъанааларга риоя қиласмай, уларни менсимаслиkdir. Таълим-тарбия билан шугулланувчи кишилар, болаларга одоб нима эканини, унинг моҳиятини тушунтириб бериб, уларда умуминсоний ва миллий қадриятларни хурмат қилиш, уларни ўрганиш ва ҳаётда имал қилишга ўргатишлари керак.

**Билимлилик.** Билимли киши кўп билим соҳиби ҳисобланади. Баъзан «билимли» тушунчаси «ақли» тушунчаси билан ишоним сифатида кўлланилади. Яна қайтариб айтамизки, «ақли одам мустақил фикр юрита олади, билимли одам эса,

мустақил фикр юритиб ёки китоб ва устозлардан олган билимларни ёд олиш натижасида, етарлича билимга эта бўлган киши.

Чин маънодаги билимли деганда, нарса ва ҳодисаларнинг том маъно ҳамда мазмунига тушуниб етиб, уларни ташкил қиливчи қонуниятларини (билимларини) билиб, ўз тафаккуридан ўтказиб, хотирасида сақлаб, уларни бир неча бор ҳаётда синаб кўриб, кўникма ва малакасига айлантирган кишига айтилади. Киши ўзида қанчалик кўп билим тўпласа, шунчалик билимли деб ҳисобланади.

Одам билим тўплаганда уни маълум бир тартибда амалга ошириши катта аҳамиятга эга. Чунки тартибсиз йифилган билимнинг фойдаси бўлмай, инсон ижтимоий моҳиятини оширмай, аксинча, пасайтириши муқаррар. Эгалланган узуқ-юлуқ билимлар, инсон хотира сандигидан ўрин тополмай мияда айланиб юриб, мия қобигидаги босимнинг ошишига ва бош оғриғига олиб келади.

**Меҳнатсеварлик** тарбияланувчи ёшларнинг эришиши зарур бўлган ижтимоий сифатлардан биридир. Меҳнатсеварлик деб, меҳнатнинг туридан – оғир меҳнатми ё енгилми; ақлийми ё жисмонийми, бундан қатъи назар, киши уни бажаришга жонжаҳди балан киришишлигига айтилади. Инсонда ҳаёт кечириши жараёнида, бир қатор моддий ва маънавий эҳтиёжлар пайдо бўлиши табиий. Бу эҳтиёжларни қондириш учун, у шунга мос равишда, ўз олдига мақсад қўяди ва унга эришиш учун, маълум бир тартибда ҳаракат қиласи. Шунда у анчагина жисмоний ва ақлий куч сарфлайди. Буни меҳнат дейилади. Инсон ўз олдига билим олишни мақсад қилиб қўйган бўлса, унга эришиш учун, асосан, ақлини ишлатиб, жуда кўп интеллектуал қувват сарфлайди. Кўпчилик билим олиш машаққатларини билмай, китоб ўқиши, билим эгаллаш ҳам меҳнатми деб ўйлайди. Илм билан шуғулланмаган одамга бу иш ташқаридан осондек туюлади. Аслида ақлий меҳнат жуда оғир бўлиб, халқими «Деҳқонлар қудуқни кетмон билан, чеварлар итна билан, олимлар киприги билан қазийди», деб бекорга айтмаган.

Ҳар қандай меҳнат билан шуғулланиш оғир бўлганлиги туфайли киши меҳнатсеварлик сифатига осонликча эришавер майди. Бунинг учун инсон ёшлиқдан, меҳнат туридан қатъи назар, ўзини узоқ йиллар давомида меҳнатга ўргатиши керак бўлади. «Меҳнат қочмас, катта бўлгандан кейин ишлаб улгурар», – деган баъзи ота-оналарнинг фикрлари, инсон шахси ривожи учун ўта зарарли ҳисобланади. Ўзини меҳнатга ўргатиш учун, ҳар бир одам, авваламбор, меҳнат якунида келади-

ган натижани аниқ күз олдига келтириши ва унга меҳр қўйиши керак. Билмаган ва сўймаган ишига одам кўп ҳам интила-вермайди. Интилмадими, меҳнат унинг учун азоб-уқубатга айланади.

*Муайян бир киши меҳнат қилимаса туролмайдиган бўлиб қолганда, билингки, меҳнат қилиши унинг руҳига сингиб, ҳаёт тарзига, яъни маънавиятига айланган деб ҳисобланади.*

**Саломатлик** ҳам инсон ижобий ижтимоий сифатларидан бири бўлиб, унинг ижтимоий моҳиятининг ажралмас қисмидир. Мутлоқ соғлом киши деб, ҳам жисмонан, ҳам ақдан, ҳам руҳан саломат бўлган кишига нисбатан айтилади.

**Жисмоний саломатлик** деганда, фақат бақувват, мушаклари бўлиқ ва кучи кўп одамни тушунилмайди. Жисмоний соғлом одам, ўз танасининг эгаси бўлади. Яъни, жисмоний соғлом одам, барча аъзоларини ўзига бўйсундириб, истаган жисмоний иш ва машқларни осонликча бажара олади. Жисмоний саломатликнинг биринчи белгиси, киши эрта билан турганда ўзида ланжлик сезмай, унда жисмоний ҳаракатлар қилиш эҳтиёжи мавжуд бўлади. Жисмоний соғлом бўлиш учун одам танаси ва вужудини тоза тутиши ҳамда шамоллашдан сақланиши керак. Кўп биологик касалликларнинг асосий сабабчиси тананинг нопоклиги ва шамоллашdir. Вужуд тозалиги инсоннинг емоқ, ичмоқ, ётмоқ, турмоқлиқ тартиби (режими) билан боғлиқ.

**Ақлий ва ижтимоий соғлом** киши, эрта билан туриб, юз кўлинини ювив, батамом уйғонганидан кейин беихтиёр бир нарсаларни ўйлагиси келиб, ўй-тафаккурини ишга солади. Бундай одам ҳар қандай муаммони ақл билан еча олади. Бу эса, мақсадга етишишдаги катта омил ҳисобланади. Инсон мақсадга эришишда, аввал бошдан мақсадга етиш режасини тузиб олади.

Ижтимоий соғлом бўлган инсон, тинмай ўз устида ишлаб, доим ижтимоий фойдали меҳнат билан машгул бўлади. Дангасаликни ва нағсиини енга олган одамгина ижтимоий соғломдир.

**Руҳий саломатлик** киши ҳаётида етакчи ўрин эгаллайди. Киши руҳи саломат бўлса, ҳар қандай қиласидиган эзгу ишини поёнига етказади. Руҳий саломатлик – кишининг қилган ниятлари ва олдига кўйган мақсадлари билан белгиланади. Инсон яхши ниятлар қилиб, ният қилган яхшилигини амалга ошириш режасини тузиб кўйганининг ўзида дили яйраб, руҳи таскин топиб, қиласидиган ишларининг ҳам унуми бўлади. Агар шу қилган яхши ниятини амалга оширса, кўнгли ундан ҳам

яйраб, меҳнат унумдорлиги бир неча бор ошиб, бошқаларга қилган яхшилигига сарфланган куч ва маблағ, бир неча бор ортиғи билан унга қайтиб келади. Аммо «яхшилик қиламан», деб ният қилиб қўйиб, уни амалга оширмаса, руҳ безовта бўлиб, кишининг руҳий азоб чекишига сабаб бўлади.

Ҳар бир киши ўзининг руҳини тоза, беғубор ва феълини кенг тутишида қўйидагилар эътиборга молик. Руҳий саломат одам эрта билан турганда мусиқа эшитгиси келиб, билса-бilmаса, бир куйни хиргойи қилиб юради. Кўчага чиққандা ва ишга борганда, чехраси очиқ бўлиб, ҳаммани ёқтиради, уларга саломлар айтиб, яхши ниятлар билдириб юради.

Руҳий нософ одам эрта билан ўрнидан тиришиб туради, бўлар-бўлмасга уйдагиларни ҳақоратлайди, бир иш қилса, жаҳз билин қилиб, кўчага чиққандা ва ишга борганда одамларга хўмрайиб юради. Бу ҳол узоқ давом этаверса, бундай одам, албатта, руҳий хасталиклар касалхонасига аъзо бўлиб қолади.

**Миллий ғурур** – инсониятнинг ҳар қандай фаолият жараёнига рағбат вазифасини ўтайдиган ижтимоий сифат. Миллий ғурури йўқ одам ҳар бир ишда лоқайд бўлиб, унинг қилган ишининг унуми бўлмайди. Миллий ғурурга эга инсон эса, олдига бирон-бир мақсад қўйдими, бутун вужудини ишга солиб, шу мақсалга эришиш учун ғайрат қилади ва тезликда унга етади.

Миллий ғурур деб, яшаб турган мамлакатининг тарихини, маънавият ва маданиятини яхши билиб, унинг олим-у фозиллари ва қаҳрамонлари билан ич-ичидан мағрурланувчи ҳамда шу мамлакат ривожига ўз ҳиссасини фаол қўшиб келаётган киши қалбилаги умуминсоний ғурур негизида пайдо бўлган руҳий кайфиятга айтилади.

Аммо миллий ғурурни миллий мақтанчоқлиқдан фарқлаш лозим. **Миллий мақтанчоқ** деб, бошқа миллатларни камситиш мақсадида ўз миллат тарихини, олим-у қаҳрамонларини билиб олиб, мана биз қандай мамлакатда яшаймиз, мана бизнинг авлод қандай деб мақтаниб, ўзи бу миллат равнақига ҳеч қандай улуш қўшмайдиган, сафсатабоз кишига нисбатан айтилади. Уни миллатчи деб ҳам юритилади. Миллий ғурур фазилат бўлса, миллатчилик ижтимоий қусурдир.

Одамларда миллий ғурурни шакллантириш учун уларга муайян миллатнинг тарихий қаҳрамонлари, олим-у фозиллари, уларнинг дунё маънавий хазинасига, илм-фанга қўшган ҳиссалари ҳақидаги маълумотларни бериш зарур. Шунда кимнинг виждони тоза, ўзи меҳнатга чанқоқ бўлса, унинг қалбида миллати юзасидан фаҳр пайдо бўлиб, миллатининг маънавий ва иқтисодий салоҳиятини оширишга бел боғлайди. Одам мил-

латининг маънавий бойлигини оширишга бел боғлабдими, билингки, унда миллий ғуур пайдо бўлган.

**Ватаннарварлик** хислати – миллий ғуурнинг тараққий этган варианти бўлиб, ватан равнақи учун рағбат пайдо қилувчи асосий омиллардан ҳисобланади. Миллий ғуур негизида одамларда ватанини севиш қайфияти пайдо бўлиб, миллати учун, юрти учун, яъни ватани учун фидойиларча меҳнат қилиб, зарур бўлганда жонини ҳам фидо қилишга тайёр бўлади. Буни ҳақиқий ватанпарварлик дейилади.

Одамларда ватанпарварлик руҳини шакллантириш учун, даставвал, уларда миллий ғуурни пайдо қилиш керак. Миллий ғуури бўлмаган кишида ватанпарварлик туйғусини пайдо қилиб бўлмайди. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Аммо яқин ўтмиши мизда, миллий ғуурни миллатчиликка йўйиб, болаларда миллий ғуурни пайдо қилмай туриб, ватанпарварлик туйғусини шакллантиromoқчи бўлганлар.

Ватанпарварликнинг акси, ватан тақдирига лоқайдликлар. Ундан ҳам ёмон кўриниши сотқинлик. Ота-боболари ва ўзи гуғилиб ўсган Ватанин бадном қилиб, хорижий мамлакатларда ўз мамлакатининг камчиликларини кўз-кўз қилиб юрувчи кишиларни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

**Байналмилаллик** ижтимоий сифати ватанпарварлик руҳи асосида шаклланиб, энг юқори фазилатлардан ҳисобланади. Одам миллатини ва ватанини севиш билан бирга бошқа миллат тарихини, маънавияти ва қадриятларини ўргана бошлайди. Одам бошқа ҳалқлар маданиятини ўрганиш жараёнида, уларда ҳам жуда кўп қадриятлар, адабиёт ва санъатлари бор эканни билиб олади. Шундан кейин яқин ва узоқ хориждаги ҳалқлар маънавияти ва маданиятини чуқурроқ ўргана бошлайди. Ўрганиш жараёнида, уларга меҳри ошиб, секин-аста уларни ҳам ўз миллати қаторида яхши кўрадиган бўлади. Байналмилал туйғуга эга одам комилликка етишган ҳисобланади.

Бу ижтимоий сифат, ер юзида ҳақиқий тинчлик ва тотувликни ўрнатиш, умумжаҳон иқтисодиётини тараққий эттириш, пировард натижада дунёда фаровон ҳаёт ўрнатилишининг асосий омили ва гарови бўлиб хизмат қилади.

Байналмилалликнинг акси миллатчиликлар. Бу ўга салбий инсоний сифат бўлиб, дунёда миллатлараро можарони, барча гурдаги урушларни келтириб чиқаради. Жаҳонда бўлиб ўтган минглаб урушлар, миллиардлаб курбонлар сабабчиси миллатлараро, яъни давлатараро урушлардир. Миллий ғуур фазилат бўлса, миллатчилик разолатдир. Бунга мисоллар жуда кўп. Яқин Шарқдаги Фаластин билан Исройл, Ливан билан Сурия,

Жанубий Осиёдаги Ҳиндистон билан Покистон орасидаги ва Шимолий Кавказдаги урушлар миллатчилик натижасида юзага келган.

**Инсонпарварлик (гуманизм).** Бу ижтимоий сифатга эга одам ҳам умуминсоний қадриятларни тан олибина қолмай, уларни бор кучи билан муҳофаза қиласи. Умуминсоний қадриятларга: ҳар бир инсонни шахс сифатида тан олишлик, яшаш, меҳнат қилиш, севиш ва севилиш, ўз иқтидорларини истага ника намоён қилиш ҳуқуқлари киради. Инсонпарвар киши одамдаги ушбу инсоний ҳуқуқларни тан олиб, уларнинг бузилишига йўл қўймайди.

Инсонпарвар одам бутун инсониятни, шу билан бирга, ҳар бир инсонни, унинг ирқи, миллати, ёши ва келиб чиқишидан қатъи назар, чин дилдан севади ва унга нисбатан фақат эзгу ниятда бўлиб, яхшилик қилишга шошилади.

**Жасурлик.** Кишида юқорида санаб ўтилган барча фазилатлар бўлса, жасурлик бўлмаса, бу фазилатлардан ҳеч кимга наф тегмайди. Чунки киши қанчалик ақлини ишлатмасин, қанчалик одобли, билимли, меҳнатсевар, соғлом, ватанпарвар ва бошқа ижобий ижтимоий сифатларга эга бўлмасин, қўрқоқлиги туфайли уларни амалда қўллай олмайди. Ишлатган тақдирда ҳам, қўрқиб, эҳтиёткорлик билан қилган ижобий ишларининг унуми ҳам, самараси ҳам бўлмайди. Қўрқоқлик имон заифлигини ҳам билдиради.

Инсон ҳар бир ишни бажаришда, унга қўрқмай киришса, қилган ҳаракати яхши самара беради. Шунинг учун жасурлик инсоннинг барча ижобий ижтимоий сифатлари учун ҳаракат лантирувчи омил вазифасини ўтайди.

Қўрқоқлик кишининг барча фазилатларини йўққа чиқариши билан бирга, инсон зотига номуносиб бўлган салбий ижтимоий сифатдир.

Ҳаётда бундайлар кўплаб учрайди, бундай кишиларниң сони кўпайган сари жамият ижтимоий инқироз сари юз тутади. Бу эса жуда ачинарли ҳол. «Бошни кесса ҳам, мард кессин», деган халқ мақоли буни яхши ифодалаб турибди.

Киши ақлини ишлатиб, муайян бир мақсадга етиш режасини туздими, қўрқмасдан уни дарров амалга оширишга ҳаракат қилиши керак. Акс ҳолда, қиладиган иши ё битмайди, ёки сусткашлик билан бажарилган иш ҳеч кимга керак бўлмай қолади.

**Шиддатлилик.** Бу тушунча жасурлик тушунчаси билан ҳамоҳанг бўлиб, киши бир ишни бошласа, унга қўрқмасдан, файрат ва шиддат билан киришиб, охирига етгунга қадар астойдил ҳаракат қиласи. Одамда барча ижобий ижтимоий сифатлар,

шу жумладан, жасурлик ҳам бўлса, аммо ғайрати етмаса, бошлаган иши ўлда-жўлда қолиб, иш ниҳоясига етмаслиги мумкин. Битмаган ишнинг ҳеч кимга фойдаси йўқ. «Битган ишга бек етмас», деган ҳалқ мақоли ҳам бор. Аҳоли ичида ғайратли ва шиддатли кишилар кўпчиликни ташкил қилади. Баъзи ақлли ва билимли инсонлар ҳалқига ва ватанига хизмат қилиш мақсадида, меҳнатдан қочмасдан, миллий фуур гояси асосида шаҳд билан бир ишни бошлайдилар-да, иш ярмига етгандага ёки охирлаб қолганда, кейин бўлар деб, шиддати етмасдан ташлаб қўядилар. Сўнг бу ишни эсдан ҳам чиқариб юборадилар. Ўқувчи-талабаларни бир иш бошлагандан кейин сусткашлик қилмасдан, ҳаракат суръатини пасайтирумай шиддат билан охиригача етказишга, кўзланган мақсадга етишга ўргатмоқ лозим.

**Сабр-қаноат** инсоннинг юқори ижтимоий сифати бўлиб, инсон руҳининг юксак даражага эришганидан далолат беради. Одам фаровон ҳаёт кечириши учун бошланали бўлиши, ейишибчиши, кийиниши, бола-чақа боқиши керак бўлади. Ҳаётий зарур бу нарсаларнинг тури ва саноги жуда кўн бўлиб, одам ўзининг эҳтиёж тизгинини қўйиб юборса, бу нарсаларнинг ҳаммасига тўлалигича ҳеч қачон эришолмайди. Шунинг учун ақли расо инсон бу нарсаларнинг энг камига қаноат қилади. Бундай одамни қаноатли инсон дейилади ва унинг обрўси ҳалқ ичида юқори бўлади.

Ундан ташқари, ҳаёт мураккаб нарса бўлиб, киши ҳаёти давомида етишмовчиликлар, кутилмаган қийинчиликлар ёки ундан ҳам ёмони, турли фалокатлар рўй бериши мумкин. Шунда инсон фақат сабр-қаноат ва чидам билан «куннинг ярми қоронғу бўлса, ярми ёруғ бўлади» деб, бу қийинчиликларни енгиши мумкин. Бундай инсонни сабр-тоқатли дейилади. Бу ижтимоий сифат мақсадга омон-эсон элтувчи бирдан-бир омилдир. Кўпчилик сабр-тоқат қилмай, кўзланган эзгу мақсадларига етолмай йўлда қолиб кетадилар.

*Ҳар қандай қийинчиликларга сабр қилиб, энг оз миқдорга қаноат қилиб юришини, ўзининг ҳаёт тарзи қилиб олган одам баҳтилидир.*

**Саховатлилик.** Бу хислат инсоният эришган энг юқори ижтимоий сифат бўлиб, у юқорида қайд этилган барча фазилатларга эришган одамда намоён бўлади. Саховатли киши ҳамма одамларни миллатидан, ёши, ирқи ва келиб чиқишидан қатъи назар, чин дилдан севиб, яхшиликлар қилиш мақсадида, уларни тўғри йўлга етаклайди, ўзидағи билим ва топган мол-дунёси ни бошқалар билан баҳам кўради. Бу эса инсоннинг ўта ақлилилик ва одоб белгиси бўлибина қолмай, унинг бўлими кўп,

тани-жони соғ ва мард одам эканлигидан далолат беради. Саховатли одам тұлық баҳт әгасидир.

Саховатлилікнің акси зиқналиқдір. Зиқна одам, ўзіда бор бүлгап ва ўзидан ортиб ётған нарсаларни ҳам бошқаларга право күрмайды. Аксар қолларда, бундай одам ақли ноқис, инчунин, билими оз, шунинг учун ҳам одобсиз, касалманд, инсоний ва миллий ғурури йүқ, күрқоқ ва номард бўлади. Бундай хислатга эга одам баҳтиқаро ҳисобланади.

Яхши ижтимоий сифатлар ўзаро чамбарчас бўлгани каби ёмон хислатлар ҳам бир-бири билан боғлиқ. Битта ёмон қилиққа ўрганилдими, кетидан албатта бошқасини ҳам қилишга мажбур бўлинади. Чунки улар бир-бирини етаклаб юради. Ёмон хислатни эгаллагандан яхисини эталлаган кўп маротаба фойдали бўлгани учун, фақат яхши ижтимоий сифатларга эга бўлинг маротаба афзал.

Ушбу мавзуни тугатар эканмиз, эътиборингизни бир нарсага қаратмоқчимиз. Юқорида санаб ўтилган ижобий фазилатлар, тарбияланыётган ёшлар учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қиласи.

## **2. Ўқитувчи ва педагогларга зарур бўлган билимлар мажмуи**

«Ўз олдига ёш авлодни тарбиялашни мақсад қилиб олган кишининг ижтимоий моҳияти, яъни ўқитувчи-муаллимларниң ижтимоий сифатлари қандай бўлади?» деган саволга қўйидағича жавоб қайтариш мумкин.

Ўқитувчи-муаллимларниң шахсий ижтимоий сифатларига азал-азалдан эътибор қаратиб келинган ва ҳар бир замон тала-бидан келиб чиқиб, педагогга қўйиладиган талаблар такомиллашиб, мураккаблашиб бораверган.

Зардўшил таълимотида, «муаллим – коҳинларнинг бурчлари болаларга билимларни яхшилик йўсенида ўргатиб, уларни яхши билан ёмонни ажратадиган қилиб тарбиялаш ва тўғри йўлга ҳидоят этишдир» дейилган. Унинг «яшт»ларида ақлу фаросат билан, ёмонликка қарши курашни амалга ошириб, болалар руҳиятига рост сўз, пок ақида, ҳалол ниятни сингдира-диган устоз-муаллимлар пешвоси мадҳ қилинади.

Шунингдек, «Авесто»нинг «яшт»ларида танбаллиги, бефарқлиги, масъулиятсизлиги, лоқайдлиги, фаросатсизлиги, укувсизлиги, билими ва малакасини тақомиллаштираслиги оқиба-тида болалар зеҳнини, уларнинг мустақил тафаккурини ўтмаслаштирадиган, айни чоғда, ёшларнинг ақлини «занглатади-ган», ҳаётга, меҳнатга муносабатларини сусайтирадиган, имон-

ўтиқодини заифлаштириб, маънавий жиҳатдан қашшоқлаштирадиган «ёмон устозлар» қаттиқ қораланди.

Зардуштнинг Олий Тангри Ахурамазда билан мулоқотида ҳам яхши ва ёмон устозлар ҳақида шундай дейилади: «Ношуд, ёмон муаллим ўқувчи қалбидан ҳунармандчилликни йўқотар окан, эй Яздон, ёмон устоздан ўзинг асра».

Талабаларга билим бериш ўқитувчининг масъулиятли бурчидир, деб Иби Сино ўқитувчининг шахсияти қандай бўлиши кераклиги ҳақида қўйидаги фикрларни билдирган:

- болалар билан муомалада босик, жиддий бўлиш;
- бериладиган билимни талабалар қандай ўзлаштириб олаётганига эътибор бериш;
- таълимда турли усул ва шакллардан фойдаланиш;
- талабанинг хотираси, билимларни эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларини билиш;
- фанга қизиқтира олиш;
- берилган билимларнинг энг муҳимини ажратиб ўқитиш;
- билимларни талабаларнинг ёши, ақлий даражасига мос равишда бериш;
- ҳар бир сўзнинг болалар ҳиссиётини уйғотиш даражасида бўлишига эришиш зарур.

Муҳаммад Тарагай Мирзо Улуғбек даврида илм-фан, адабиёт ва санъат, маърифатчилик жадал тарақкий этган. Шуннингдек, ўқитишининг синф тизимлари, болаларни ёши бўйича табақалаштириб ўқитиш, ўқув-тарбия ишларининг аниқ бир муддатини белгилаб қўйиш каби гоялар илгари сурилган ва маълум даражада амалга оширилган. Шу билан бирга Улуғбек ўқитувчи ва мударрисларнинг инсоний хислатларига билими ва маҳоратига катта аҳамият берган. Уларнинг моддий эҳтиёжлари давлат таъминотидан қондирилишини йўлга қўйган, энг маҳоратли устозларни эъзозлаган. Айни пайтда, у мударрисларнинг дарс беришдан ташқари илмий тадқиқотларда иштирок этишларини талаб қилган.

Шунга ўхшаш фикрларни Farb педагоглари ҳам айтиб кешиштан. Жумладан, Дистерверг: «Яхши ўқитувчи ўзининг тарбия принципларидан ҳеч қачон қайтмайди. Ўқитувчи ўз устида доимо мустақил ишлаши лозим. Ёмон ўқитувчи ҳақиқатни айтиб қўя қолади, яхши ўқитувчи эса болаларга ҳақиқатни топишга ўргатади» деган.

Ўтган Шарқ алломалари-ю, Farb педагогларининг фикри ҳамда кўп йиллар давомида олиб борилган тадқиқотлар ўқитувчи ва педагог, яъни ўзига ёш авлодни тарбиялашни касб қилиб танлаган инсон қўйидаги ижтимоий сифатларга эга бўлиши шарт эканини кўрсатди.

**Биринчидан**, ўқитувчи фалсафани яхши билиши шарт. Чунки фалсафа одамга абстракт фикр юритишни ўргатади. Ўқитувчи синф ёки аудиторияга кирганда, унда абстракт тафаккур суст ривожланган бўлса, ўзини йўқотиб қўяди. Синф ва аудиториядагилар диққатини ўзига қаратиб олиши учун, кишида абстракт тафаккур яхши ривожланган бўлиши керак.

Ундан ташқари, фалсафа дарс пайтида кечадиган билиш жараёнини ўргатади. Билиш жараёнини, яъни гнесологияни билмаган ўқитувчи дарс ўтишда бир қатор қийинчиликларга дуч келиб, дарсни амалга ошира олмайди, оширганда ҳам но тўғри дарс ўтади.

Шу билан бир қаторда, фалсафанинг асосий қонунлари ишсонниң барча амалий фаолиятида, шу жумладан, педагогик фаолиятида ҳам умумий методологик асос вазифасини ўтайди.

**Иккичидан**, педагог аҳоли таълим-тарбияси билан шуғулланишини ўзига қасб қилиб олган экан, педагогиканинг жамият ҳаётидаги ўрнини, унинг пайдо бўлиш тарихини яхши билиши керак. Педагогика тарихини ўрганиш жараёнинда киши педагогик фаолиятнинг инсоният ҳаётидаги ўрнини, педагогикадаги асосий қонун-қоида ва тамойиллари ҳамда асосий тушунчаларнинг шаклланиш тарихини билиб олади.

Умрини ўқитувчиликка бағищлаган киши, педагогика на зариясини, шу жумладан, **дидактикани** жуда яхши билиши керак. Чунки дидактика ўқитувчини педагогиканинг назарий асослари билан қуроллантириб, билим бериш ва уни ҳаётда қўллашга ўргатиш жараёнини амалга оширишнинг асосий тамойилларига амал қилишликни илмий томондан асослаб беради. Шунингдек, педагогиканинг назарияси, ўқитувчилик касбидаги қўлланиладиган асосий тушунчаларнинг ишлатилиш ўрни, қоидаси, яъни категориал аппаратини тушунтириб беради.

Шу билан бир қаторда, педагогика қасбини танлаган киши, дидактика тамойилларидан келиб чиқувчи умумий педагогиканинг тадқиқот обьекти, предмети ва мақсадини кўрсатиб берувчи ҳамда педагогикага оид барча умумий масалаларни ечиб берувчи «**Умумий педагогика**»ни яхши билиши шарт. Ҳар қандай ўқитувчи ва педагог дидактика тамойилларига суюнучи ва умумий педагогиканинг барча қонун-қоидаларидан келиб чиқувчи **хусусий педагогиканинг** ўзига хосликлари ҳамда дидактика тамойилларини ўзи танлаб олган хусусий фанда қўллашни тўлиқ билиши керак. Болаларга билим бермоқчи бўлган ўқитувчи дарс бериш **усулларининг** мажмуини ва тартибга келтирилган дарс бериш **йўли (методика)**ни мукаммал эгаллаб олган бўлиши лозим. Дарс бериш усул ва услубларини билмаган педагог дарс ўтолмайди. У дидактиканинг барча

тамойилларига суюнган ҳолда, умумий педагогиканинг қонун-қоидаларини ўзи ўтаётган фанда қўллашни яхши билиши, педагогикада мавжуд усууллар ичидан ўзига мосларини танлаб олиши, дарс жараёнида ўз ўрнига қўя олиш йўли билан ўз услубини туза оладиган киши бўлиши лозим.

**Учинчидан**, педагог дидақтика, умумий ва хусусий педагогика ҳамда методикалардаги билимларни тўлиқ эгаллаб олганидан кейин, муайян фандан билим бериш учун, шу фандаги билимларни пухта эгаллаган бўлиши шарт. Ўз фани бўйича билимларни яхши ўзлаштиргмаган киши, педагогика назарияси ва амалиётини қанчалик ёд олган бўлмасин болаларга тўлиқ билим бера олмайди. Ўқитувчи ўқитаётган предметини ва унинг назариясини чуқур билиши, уни қизиқарли қилиб ўқувчи ва талабаларга етказа олиши уларнинг шу предметга бўлган қизиқишини оширади. Бу эса ўқитувчи обрўсини кўтаради.

**Тўртингидан**, ўқитувчи ва педагог болаларга билим беришини амалга ошираётганда, муайян ёшдаги болалар вужудида содир бўлаётган физиологик ва руҳий ҳодисаларни яхши билиши лозим. Акс ҳолда, ўзини ҳам, болаларни ҳам қийнаб, дарс олдига қўйилган мақсадига ета олмайди. Бунинг учун педагог болалар **анатомияси ва физиологиясини ҳамда психология** фанларидан тўлиқ билимга эга бўлиши керак. Акс ҳолда, болаларнинг асаби бузилишига сабабчи бўлиши мумкин. Мактабда учраб турадиган бундай ҳодисалар, ўқитувчиларнинг бола физиологиясини ёки ёш психологиясини яхши билмаганидан келиб чиқади.

**Бешинчидан**, Ўзбекистон Конституциясига кўра дин давлат ишларига аралашмайди. Шунга қарамай, у ижтимоий ҳаётдан четлатилган эмас. Дин кундалик ҳаётимизда муҳим роль ўйнаб келмоқда. Динни яхши билмаган ёшлар баъзан диний таълимотга зид бўлган, оиласи ҳамда жамият тинчлигини бузувчи турли диний оқимларга кириб қолмоқдалар. Уларни бу йўлдан қайтариб, тўғри йўлга солиб юбориш учун ўқитувчининг ўзи динни яхши билиши шарт. Шунинг учун ҳам педагог диннинг асл мақсади, унинг қонун-қоидаларини батафсил билмоғи керак. Бунинг учун эса у **диншунослик** фанини ўқиган бўлиши лозим.

**Олтинчидан**, ўқитувчи болаларга ўз фанидан билим бериш жараёнида, уларни муайян жамият ва унда олиб борилаётган сиёсат билан таништириб бориши шарт. Шу сабабли ўқитувчи ва педагоглар **сиёсатшунослик** билимларини пухта эгаллаб, уларни ҳаётда қўллай олишлари лозим. Энди қиқача бўлса ҳам сиёсат тушунчаси ва уни амалга ошириш йўллари билан сизни таништириб ўтамиз.

Сиёсат – бу ижтимоий жараён бўлиб, ҳокум гуруҳларнинг уларга қарам бўлган ижтимоий гуруҳлар орасидаги, уларни тинчлик ва фаровонликка бошлаши мақсадида қилинган муносабатдир. Ҳокум гуруҳлар деган ибора оила бошлиғидан тортиб, синф раҳбари, мактаб директори, туман ва вилоят ҳокимлари ҳамда давлатнинг биринчи раҳбаригача бўлган киши ва ижтимоий гуруҳларга нисбатан қўлланилади. Демак, сиёсат, аввалимбор, муносабат ва фақат бошқарув ҳамда тинчлик ва фаровонликка бошлаш мақсадида қилинган муносабат экан. Сиёсат муносабат билан боғлиқ эканлигини билдиқ. Энди бу муносабатлар оддий ижтимоий муносабатлар эмаслигини, яъни бир даражадаги ижтимоий гуруҳлар орасидаги муносабат эмаслигини англасак, ҳақиқий сиёсат тушунчасига яқинлашган бўламиз. Сиёсат – бу жамиятда турли мартабаларга эга бўлган ижтимоий гуруҳлар орасидаги муносабат эканлиги маълум. Энди қандай даражадаги гуруҳлар орасидаги муносабат ҳақида гап бормоқда? деган савол туғилади. Бу саволга жавоб бериш учун, сиёсат нима мақсаддаги муносабат эканлигини билиб олишимиз керак. Маълумки, ҳар қандай сиёсатнинг мақсади бошқаришидир. Шундан келиб чиқиб, сиёсат – бошқаришга қурби еталиган, яъни ҳокимлик қилиш кўлидан келадиган шахс ёки ижтимоий гуруҳнинг бошқа ижтимоий гуруҳлар билан. Уларни бошқариш мақсадида қиласидиган муносабатидир, десак хато қиласидан бўламиз. Аммо бу ерда қаёққа бошқарни мақсадида? деган яна бир савол туғилади. Ҳар бир инсон, ҳар қандай ижтимоий гуруҳ, бугун жамият, агар улар ижтимоий соглом бўлсалар, сўзсиз, тинч ва фаровон ҳаётга интиладилар. Ижтимоний носог одамлар уруш-тўполонга мойил бўладилар Шундай қилиб, «сиёсат» тушунчасининг учинчи элементи – «гинч ва фаровон ҳаёт» келиб чиқди. Жамият аъзолари, ўзларининг тинч ва фаровон ҳаётини ташкил қилиб бериш вазифасини тарихан ихтиёрий равишда «давлат» деб номланган ижтимоий устқурмага топширганлар. Давлатнинг қиласидиган иши жамиятни бошқариш бўлганилиги туфайли, уни «бошқарув органдари» ёки «ҳокум гуруҳлар» деб юритиладиган бўлган. Ўқитувчи мана шу, сиёсатнинг асл мазмунини, унинг турларини ва муайян сиёсат юритилган жамиятдаги давлат тузумини билиб олиши, ўқувчи ва талабаларга тушунтириб бериши зарур бўлади.

**Етимологидан**, педагог муайян жамиятда тарихан шаклланган ижтимоий гуруҳлардан ҳам талабаларни хабардор этмоғи лозим. Бунинг учун ўқитувчи ва педагог социология билимларидан хабардор бўлиб, улардан педагогик амалиётида фойдалана олиши керак. Шунинг учун ўқитувчи социология фанини пухта эгаллаган бўлиши шарт.

Шу билан бир қаторда, ўқитувчи болаларга маданият түғриқи сида бошланғич түшүнчалар беріб, уларда маданият элементтерини шакллантириб бориши лозим. Бунинг учун ўқитувчининг ўзи маданиятшупослик билимларини эталлаган ва уларни педагогик амалиётида күллай оладиган бўлиши керак.

**Саккизинчидан**, ёш авлодга муайян фан билимларини ўргатувчи педагог, уларни ахлоқ ва одобга ҳам ўргатиши шарт. Бу ўқитувчи ва педагогларнинг бурч ва масъулиятига киради. Бунинг учун, аввало, ўқитувчининг ўзи ахлоқий тарбияланган бўлиши лозим. Ўқитувчининг юксак маънавияти, унинг теран билим доираси, айниқса, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг халқимиз тарихини, маданиятини ва урф-одатларини чуқур билиши таълим-тарбия ишларининг муваффақиятли кечинига ёрдам беради. Ҳозирги замон ўқитувчиси, айниқса, гуруҳ мураббийси миллий қадриятларимизни билибгина қолмай, кенг ота-оналар жамоатчилиги ичida, синфда унинг оташин тарғиботчиси ҳам бўлиши керак.

Ўқитувчининг асл фазилатларидан яна бири, у кимни, қандай одамни шакллантираётганлигини тўлиқ билибгина қолмай, ўқитаётган боласи шундай ижтимоий сифатларга албатта эга бўлишига чин дилдан ишониши керак. Шу билан бир қаторда, болаларни халқ педагогикаси дурдоналари билан ташкитириб, миллий қадриятларимиз асосида тарбиялаши, нутқи равон, тили бой бўлиши, ифода усули ва тасвир воситаларининг адабий тил услуби ва меъёрини тўла эталлаган бўлиши зарур.

Ўқитувчилик касбига хос бўлган бундай фазилатларни ундаги педагогик одоб шакллантиради. Педагогик одоб бу – ўқитувчининг юксак касбий фазилатидир. У ўқитувчига саботли бўлиш, ўз ҳиссиятини идора қила олиш, болаларга педагогик таъсир ўтказиш восита ва меъёрини белгилаш, аниқлашда ёрдам берадиган фазилат ҳисобланади. Юксак педагогик одобга эга бўлган ўқитувчигина синфда мўътадил психологияк муҳит ўрната олади, болалар қалбига тез йўл топа олади.

Ўз хизмати хусусиятига кўра ўқитувчи ташкилотчилик фазилатига ҳам эга бўлмоғи лозим. Бунинг учун ўқитувчи ташаббускорлик ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиб, ҳар доим тетик, файратли, ўз кучи ва имкониятига ишонган бўлиши керак. Ташаббускор ва файратли ўқитувчигина болаларни ўз ортидан эргаштира олади, ўқувчилар эса унга эргашадилар.

Ўқитувчилик касби жуда катта руҳий ва жисмоний куч талаб этади, шунинг учун унинг саломатлигига ҳам маълум талаблар қўйилади. Ўқитувчининг овоз пайчалари ривожланган, кўриш қобилияти яхши бўлиши керак, узоқ вақт тикка турা

олиш, кўп юриш, энчил ҳаракат қилиш каби фазилатларга эса бўлмоғи шарт.

**Тўққизинчидан**, таълим-тарбия билан шуғулланувчи инсон, сўзсиз, эстетик тарбияланган бўлиши шарт. Эстетик тарбия нинг жамият тараққиётида нақадар муҳим роль ўйнаши ҳам мага маълум. Эстетик тарбия маънавий тарбиянинг муҳим ва таркибий қисми эканини унутмаслик керак. Эстетик диднинг пастлиги ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига салбий тарьсиридан. Жумладан, баъзи ёш оиласарда иқтисодий камчилик туфайли эмас, балки маънавий, асосан, эстетик диднинг пастлигидан бузилиб кетиш ҳоллари кам эмас. Туйгулар нинг пастлиги, қашшоқлиги, гўзалликни сеза билмаслик, қадрлай олмаслик каби омиллар эр-хотин ўргасидаги муносабатларга путур етказмоқда.

Эстетик дид деганда ихчам, нафис, чиройли кийининга ўрганиш, уй-жойни саронжон-саришта ва озода тутиш, ҳаётдаги гўзалликларни, санъатдаги нафосатни тез илғаб олиш ва унга интилиш, ундан таъсирланиш, юксак, соф туйгуларни тўлиб-тошиб яшаш тушунилади.

Эстетик диднинг шаклланиши давр характеристи билан боилиқ. Ҳар бир давр эстетикага қўядиган талабига мос ҳолла эстетик диднинг янги-янти мезонларини вужудга келтиради. Бу янги мезонлар барча кишилар томонидан ўзлаштирилгунча анча вақт ўтади. Бизнинг давримиз ҳам бу жиҳатдан ўхусусиятларига эга. Давримиз мураккаб, шунга кўра, эстетик тарбиянинг ҳам шаклланиши силлиқ ва осон кечмайди.

Жамият тараққиётида маънавий ва иқтисодий томонлар ҳамма вақт ҳам бир хилда шаклланиб бормайди. Баъзан маънавий томон ўзиб кетса, баъзан иқтисодий томон ўзиб кетади. Ўзбек халқи ўтмишида иқтисодий томонга нисбатан маънавий томонларнинг кўпроқ шаклланиб кетган даврлари кўнбўлган. Жамият аъзоларининг маънавий тарбияланганлик дарражасига ўқитувчи ва педагоглар масъуллариди.

Эстетик камолот маънавий ҳаётнинг энг нозик, шу билан бирга, мураккаб кўринишларидан бири. Инсон шахсиятида эстетик диднинг шаклланиши аста-секин давом этадиган узоқ жараёндир. Эстетик кўникумалар инсон вужудига сингиб, унини зътиқодига айланга бориши зарур. Бу борада маълум тадбири асосида иш кўрилмаса, эстетик тарбия соҳасидаги барча ҳара катлар зое кетади.

Гўзаллик билан яхшилик қондош эгизак, улар доим бир-бирини тақозо этган, бир-бирини тўлдирган. Қадимги юнонларда бу икки тушунча бир бутуннинг икки томони сифатида қаралган. Ҳозирги шайтда ҳам этика билан эстетиканинг бирли

ти кишилар ҳаёти учун муҳим аҳамият касб этмоқда. Чин инсоний ахлоқ нормаларини ривожлантириш чин эстетик дидди шакллантиришни талаб етади. Фақат одобга эга, ахлоқли, вижданли кишини етук инсон деб бўлмайди. Одоб-ахлоқли кишида эстетик дид шаклланган бўлса, у ҳар томондан ривожланган шахс ҳисобланади. Ўқитувчи ва педагог фақат ҳар томонлама ривожланган шахс бўлиши керак.

Юқорида тавсифлаб ўтилган билимларнинг асосий тўққиз турини ўзида жамлаб, уларни кўникма ва малака босқичларидан ўтказиб, маънавиятига айлантириб улгурган кишигина ўқитувчилик ва педагоглик амалиёти билан шуғулланишга ҳақли.

**Ўқитувчининг касбий шаклланиши** олий ўқув юрти даргоҳида касбий таълим олиш жараёнида бошланади. Педагогика олий ўқув юртларининг ўқув-режа ва фанлар бўйича дастурларида бўлажак ўқитувчиларга шу касбнинг сир-асрорларини ўргатиш, илмий билимлар бериш, ўқитувчи касби ҳақида маълумот бериш ва кўникма ҳосил қилиш назарда тутилади.

Таълим жараёнида фанлар бўйича амалга ошириладиган семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари назарий билимларни мустаҳкамлашга ҳамда уларни кўникмага айлантиришгагина эмас, балки уларни амалий иш жараёнида қўллашга ҳам имкон беради. Бундай машғулотлар танлаган касби тўғри эканига ишонч ҳиссини уйғотади.

Олий ўқув юртидан кейинги даврдаги ўқитувчининг касбий шаклланиш жараёнида мактаб раҳбарияти, айниқса, илмий мудир ҳамда педагогик жамоатчилик катта роль ўйнайди. Ёш ўқитувчиларга тажрибали ўқитувчиларни бириктириб қўйиш, уларнинг дарсларини кузатиш, услубий ишларга жалб этиш мактаб раҳбариятининг асосий вазифаларидан бири. Ўқитувчи ўз касбини секин-аста ўзлаштириб бориши билан бирга ота-оналар ўргасида педагогик билимларни тарғиб этади. Шу йўл орқали ҳам касбий шаклланиши такомиллашиб боради.

Ўқитувчилик касбини ва педагогик маҳоратни эгаллаш, мактаб ўқитувчилар жамоасига киришиб, унда ўз ўрнини топиб кета олиши ёш ўқитувчининг ўзига боғлиқ. Жамоанинг ёрдамидан юз ўтираслик, қийинчиликларга дуч келганда руҳан тушмай, ўз хатоларини кўра билиш ва уни бартараф этиш учун ҳаракат қилиш унинг ўқитувчи бўлиб шаклланишидан дарак беради.

Шу билан бирга, ўқитувчининг касбий шаклланиши ўз-ўзини тарбиялаб боришга, ўз устида тинмай ишлашга ва ўз вақтида малакасини ошириб боришга узвий боғлиқ. Буларнинг ҳаммаси касбий фазилатларнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

### **3. Замонавий дарс ва дарсга керак бўладиган меъёрий ҳужжатлар**

Мазкур китобнинг биринчи бўлимида, узлуксиз таълим-тарбия жараёнининг биринчи асоси бўлган дарснинг дарс деб номланиши учун, унда иштирок этадиган унсуруларини мажмуга келтириб туриб таҳлил қилган эдик. «Педагогиканинг назарий асослари» бўлимида, яна дарс таҳлилига қайтиб, дарс жараёнининг ўзини хронологик элементларга бўлиб ўргандик. Сўнгра дарснинг турлари ва типлари билан ҳам танишиб чиқдик.

«Педагогик амалиёт» номли бўлимда яна дарс масаласини кўриб чиқамиз. Мантиқан бу тўғри, чунки бутун узлуксиз таълим-тарбия жараёни кўпдан-кўп дарсларнинг мажмуидан иборат. Шунинг учун дарсни ҳар томонлама таҳлил қилишлик, узлуксиз таълим-тарбия жараёнининг ҳужайраси бўлиб ҳисобланган дарс тўғрисида тўла маълумотга эга бўлишликка олиб келади. Бу қисмда биз замонавий дарс ва дарс жараёнида керак бўладиган меъёрий ҳужжатлар билан танишамиз.

Ҳозирги пайтда замонавий дарс тушунчаси тез-тез тилга олинмоқда. Замонавий дарс деганда – ўқитувчи ўқувчининг мавжуд имкониятларидан усталик билан фойдаланиб, унини ақлий саюҳиятини ишга солиб, ривожланишини таъминлайди. Ўқувчи эса, ўз навбатида, билимларни чуқур ўзлаштиради ва кўникмасига айлантириб, маънавий баркамоллик сари одимлайди.

Замонавий дарс мезонлари қуидагилардан иборат:

- дарс ўқувчи ва талаба шахсига йўналтирилган бўлиб, ўқитувчи ва талабанинг ўзаро фаол муносабатларига асосланади;
  - дарс жараёни табақалаштириш ва ўқувчи-талабаларнинг шахсий қобилиятларига ёндашув асосида амалга оширилади;
  - дарс ўқувчи-талабаларнинг юқори даражадаги қизиқиши, ақлий фаоллиги ва муваффақиятига эришувига қаратилади;
  - дарс педагогиканинг барча турдаги методологик асосларидан келиб чиқиб амалга оширилади;
  - дарсда бериладиган билим мазмунига кўра, турли педагогик усул ва услублардан фойдаланилади;
  - дарсда назария ва амалиёт ўзаро боғлиқликда талқин этилади;
  - дарс сифат ва самадорлигини таъмин этувчи назорат турларидан фойдаланилади;
  - дарсда вақтдан унумли ва мақсадли фойдаланилади;
  - дарс мажму ёндашув тамойили асосида амалга оширилади.
- Дарсни замонавий тарзда ташкил қилиш учун қуидаги меъёрий ҳужжатлар таҳт бўлиши шарт.

Дарсни бошлашдан аввал, биринчидан, ўқитувчи ва педагог қўлида ўз фанидан, мутахассислар томонидан тузилган ҳамда мугасадди вазирликлар тасдигидан ўтган намунавий ўқув дастур бўлиши керак. Иккинчидан, шу дастурдан келиб чиқсан ҳолда ҳамда ўқув муассасасининг йўналиши, моддий техника базаси ва ўқитувчининг шахсий имкониятларидан келиб чиқиб, ишчи ўқув дастури тузилган бўлиши шарт. Учинчидан, мазкур фанни ўтиш учун берилган соатлар ва тузилган ўқув жадвалидан келиб чиқиб, тақвимий ўқув режа тузилган бўлиши керак. Тўртингчидан, ушбу ўқув фанидан ўтилаётган ҳар бир дарс учун конспект ёки маърузалар матни ёки педагогик технология асосида дарснинг лойиҳаси тузиб чиқилган бўлиши лозим. Шулар билан бир қаторда, ҳар бир дарснинг ишланмаси ва технологик харитаси бўлиши ҳам керак. Педтехнология асосида дарснинг лойиҳаси тузилган бўлса, технологик харита талаб қилинмайди. Чунки у лойиҳанинг ичига киритилган бўлади. Айтилган меъёрий ҳужжатларга яна кўргазма қуроллар, тарқатма материаллар ва бошقا бир қатор дидактик материаллар талаб қилинади. Шунингдек, талабаларнинг мустақил иш мавзулари, консультация ва қолдирилган дарсларни қайта тоншириш жадвали, баҳолаш мезонлари ва тест саволлари жамулжам бўлиши шарт.

Булар болаларга билим бериш мақсадидан дарсга кириш учун юрур бўлган меъёрий ҳужжатлар. Шуларга қўшимча қилиб, ўтиладиган фан бўйича энг охирги дарслер ва бир қатор методик қўлланмаларни ҳам тайёрлаб қўйилган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Методик қўлланмаларга: мазкур фанни ўқитиш методикаси, шу фанда амалий машғулотларни олиб бориш методикаси, курс ишларини бажариш методикаси ва бошқалар бўлиши мумкин.

Дарсни дарс қилиб турувчи қисмларидан бири – бу намунавий ўқув дастури, ишчи дастур, тақвимий режа, технологик харита, маърузалар матни ҳамда дарслер, ўқув қўлланма ва дидактик материаллар мажмуси экан, бутун дунёда буни курунъюм дейилади.

Намунавий ўқув дастури педагогик илмий тадқиқот институтларида ёки ўқув муассасаларидағи йирик олимлар томонидан ишлаб чиқлади. У ўқув муассасасини битирувчиларга қўйиладиган талаблардан келиб чиқиб, юз фоиз Давлат стандартги асосида тузилади. уни тузишда дидактиканинг барча тамойилларидан фойдаланиб, у фаннинг ўқитилишидан қўзланган асосий мақсадга мос равишда бўлади. Педагогнинг ўқув услубий мажмуасининг асосий элементларидан бири намунавий ўқув дастуридир.

**Ишчи ўқув дастур** – намунавий дастурдан келиб чиқиб, муайян ўқув муассасасининг йўналишидан ҳамда ушбу фанни ўқийдиган педагогнинг имкониятидан келиб чиқсан ҳолда, педагог томонидан тузилади ва аввал ўқув муассасасининг илмий-услубий кенгашидан, сўнг тармоқ вазирлиги тасдиғидан ўтади. Бу педагогнинг дарсга олиб кирадиган иккинчи меъёрий хужжатидир.

**Тақвимий ўқув режа** – ўқув муассасасида тузилган жадвал ва ишчи дастурида кўрсатилган мавзулар асосида тузилиб, педагогнинг дарс ўтиши ёки маъруза ўқиш ва амалий машғулотларни олиб боришининг ой ва кунлар бўйича тартибини кўрсатади.

**Конспект ё маърузалар матни, ёки дарс лойиҳаси.** Дарс янги билимларни бериш учун анъанавий оғзаки услубда олиб боришга мўлжалланган бўлса, педагогнинг қўлида конспект ёки маърузалар матни бўлишилиги талаб қилинади. Бу – ўқув-методик мажмуанинг асосий унсурларидан бири. Агар дарс педагогик технология асосида олиб борилса, педагогнинг қўли да шу дарснинг лойиҳаси бўлиши шарт.

**Дарс ишланмаси.** Агар дарс педагогик технология асосида олиб борилмайдиган бўлса, педагогнинг қўлида конспект ёки маърузалар матнидан ташқари, дарснинг ишланмаси бўлишилиги талаб қилинади. Дарс ишланмасида – мавзунинг номи, дарснинг мақсади, кутилаётган натижа, дарсда бермоқчи бўла ётган асосий фоя, таянч тушунчалар, дарснинг жиҳозлари ва дарснинг режасига анъанавий тарзда – ташкилий қисм, аввалги машғулотда эгалланган билимларни мустаҳкамлаш ва бугунги бериладиган билимларга кўприк ўрнатиш мақсадида тақрорлаш, янги дарс мазмунини тушунтириш, гурухларда ишлаш, мусобақалар ташкил қилиш, дарсни якунлаш ва уйга вазифа бериш деган унсурларни киритиш лозим. Шунинг ичига технологик харита ҳам киради.

Технологик хаританинг биринчи устунида мавзунинг номи, ўқув жараёнининг мазмуни, ўқув жараёнини амалга оширишда қўлланиладиган усувлар ва уларнинг тизими, кутиладиган натижалар ўз ифодасини топиши керак. Иккинчи устунда биринчи устунда қўйилган саволларга чуқур ўйлаб туриб жавоблар берилади.

Педагог қўлида бўлиши талаб қилинадиган меъёрий хужжатлар ичига талабаларнинг мустақил иш мавзулари, консультация жадвали ҳам бўлиши мақсадга мувофиқдир.

**Дарслик** – юқори малакали ва тажрибали олим ҳамда педағоглар томонидан тузилиб, юз фоиз намунавий дастурдаги фоялардан ҳамда дидактика тамойилларидан келиб чиқиб яра тилади. Дарслик ўқитувчи педагогларга ва талабаларга асоси ўқув қуроли ҳисобланиб, оддий ва ҳаммага тушунарли адабии

тилда ёзилади. Дарслик барчага умумий ёки олий ўкув мұассасасыпинг хусусиятларидан келиб чиқиб маҳсус бўлиши мумкин.

**Ўкув қўлланималар**, асосан, тажрибали педагоглар томонидан ёзилиб, фақат ўқитувчи ва педагогларга қўшимча ўкув қурули бўлиб хизмат қиласди.

**Дидактик материаллар**, педагог томонидан ҳар бир дарсга алоҳида тайёрланган бўлиб, у дарс мазмунини тўла ифодалаш ва ўкувчи-талабалар дарс мазмунига яхши тушуниб етишлари учун хизмат қиласди. Буларга ҳар турли кўргазмали қуроллар, тарқатма материаллар, турли муаммоли вазиятларни яратувчи мосламалар, ўйинлар ва ҳоқозолар киради. Дидактик материаллар ҳам дидактиканинг тамойилларига мос равишда яратилади.

**Педагогик усул ва услублар**. Дарс жараёни фақат педагогик усул ва услублар орқали амалга оширилиб, дарсинг ажралмас қисми ҳисобланади. Педагогсиз ва талабасиз ҳамда ўкув дастур ва режасиз дарс ўтиб бўлмагани каби, педагогик усуллар ва услубларсиз дарсни амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун, дарсга керак бўладиган меъёрий ҳужжатлар қаторига дарс ўтиш усул ва услублари тизими қўшилса, айни муддао бўлар эди. Бу усуллар тўплами ўқитувчи ва педагоглар учун катта қулийлик яратарди. Дарсга тайёргарлик кўриш жараёнида, қайси усулни қўласам экан, деб ўйлаб ўтирамай, тайёр усуллар тизими ичидан танлаб олишлари мумкин.

Таълим жараёни ўкув ахборотни ва уни мантиқий ўзлаштиришни англашни ташкил қилишни кўзда тутади. Билимни узатиш ва уни кўникмага айлантириш усулларидан ташқари, ўкув фаолиятини рағбатлантириш ҳамда таълимда бурч ва масъулиятни асослаш усуллари ҳам мавжуд.

Шу билан бир қаторда, таълим жараёнини назорат қилиш ва таълим-тарбия жараёнини бошқариш усуллари ҳам мавжуд бўлиб, уларсиз ҳам таълим-тарбияни амалга ошириб бўлмайди. Ва ниҳоят, ўқитувчи томонидан етказиб берилган билимлар, ўкувчи ва талабаларнинг қанчалик ўзлаштириб олганлигини аниқловчи усуллар бўлиб, уларни китобимизнинг кейинги саҳифаларида батафсил кўриб чиқамиз.

Ёшларни тарбиялаш жараёнида маънавий-интеллектуал ривожланиш сифатларини аниқлашнинг аниқ мақсад ва вазифалари ишлаб чиқилган. Ўкувчи ва талабаларнинг маънавий-интеллектуал шаклланиш сифатларидаги ютуқ ва камчиликларини рағбатлантириш, тузатиш, тарбия мазмунини, усул, услугуб ва ташкилий шаклларини яхшилишга мос тузатишлар киритилиши кўзда тутилади.

**Баҳолап мезонлари**. Ўкувчи ва талабаларнинг билимини, ақлий камолотларини назорат қилиш ва баҳолаш давлат миқё-

сидаги мұхым масала ҳисобланади. Шу билан бирга, назорат ва баҳолаш жараёни ўқувчи билимини бойитишга, улар шахсіни ривожлантиришга ва тарбиясига кatta таъсир күрсатади.

Билимларни назорат қилишда қўйиладиган балл ва баҳолар ўқувчи ҳамда талабада қандай таассурот қолдирганини, ўртоқларининг ўқишидаги ютуқ ва камчиликлариға қандай муносабатда бўлишларини доим кузатиб бориш учун керак. Ўқувчи ва талабалар билимини назорат қилиш ҳамда баҳолаш ўқув йили давомида ҳар доим ва мунтазам амалга оширилиши учун рейтинг тизими жорий қилиниб, тартибли ва доимий баҳолаш учун имкониятлар очиб берилди.

Педагогика илми билимларни ўз вақтида назорат қилиш ва баҳолашнинг учта вазифаси борлигини кўрсатади:

1. Ўзлаштиришни назорат қилиш ва баҳолаш натижаларига қараб Давлат таълим стандартлари қандай бажарилаётганини назорат қилиб, таҳлил этиш ва вазифаларни белгилаш.

2. Билимларни назорат қилиши ва баҳолаш натижасида ўқувчи ҳамда талабаларда билимлар янада кенгаяди. Бу билан ўқув юртлари олдида турган таълимий мақсад бажарилади.

3. Таълим соҳасидаги яхши натижалар ёшлар тарбиясига ҳам таъсир кўрсатади. Уларда кўтаринки рух, ўз кучига бўлган ишонч ва қизиқишилар пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам ўзлаштиришни назорат қилиш таълим тизимининг ажralmas қисмилир. Назорат жараённан ёзма, оғзаки ва амалий усуулардан фойдаланилади.

Бу жараёнда оғзаки сўраш орқали ўзлаштиришни назорат қилиш, айниқса, мактабларда кенг тарқалган. Бу асосан савол-жавоблар орқали олиб борилади. Бунда якка сўраш, фронтал сўраш каби турлардан фойдаланилади.

Бу турдаги назорат усули жуда кўп вақт таълаб қилганилиги сабабли, назорат жараёнини фаоллаштиришда кам вақт ичида кўп сонли талабаларни назорат қилиш мақсадида бир қанча рационал усуулар, жумладан, техник воситалардан фойдаланиши мақсадга мувофиқ. Чет эл тажрибалари ва ўзимиздаги кўплаб тажрибалар натижасида **рейтинг усули** бугунги кунини назорат мезони деб қабул қилинган.

**Рейтинг** – баҳолаш, тартибга келтириш, таснифлаш, бирор ҳодиссаны оллиндан белгиланган шкала бўйича баҳолаш. Рейтинг ёрдамида ўқувчи ва талабаларни улар учун умумий бўлгани хусусиятларнинг ёрқин даражасига қараб дастлабки таснифлаш амалга оширилади.

**Шкалаш** – аниқ жараёнларни рақамлар тизими ёрдамида моделлаштириш. Улар турли – сифат, тавсиф миқдории услубларидан иборат. Рейтинг назоратида тест ҳам самарали кўлланилади.

**Тест** деганда, аниқ вазифанинг такомиллашганлик даражасини аниқлашда сифат ва миқдорий ўлчамларини белгилаш имконини берадиган, фаолликнинг бирон шакли, бирон аниқ топшириқ шаклидаги синов қуроли тушунилади.

**Тестнинг афзалиги қўйидагилардан иборат:**

- назорат учун кам вақт сарфланади;
- назарий ва амалий билимлар даражасини объектив шароитда аниқлаш имконини беради;
- кўп сонли талабалар билан бир вақтнинг ўзида назорат олиб бориш мумкин;
- билим натижалари ўқитувчи томонидан тезкорлик билан текширилади;
- барча талабаларга бир хил қийинликдаги саволлар берилиб, бир хил синов ўтказилади.

Хозирги кунда узлуксиз таълимнинг умумий таълим, ўрта маҳсус, қасб-хунар ва олий таълим босқичларида ўқувчи-талабалар билими рейтинг тизимида баҳоланади. Баҳолашнинг бундай шакли ўқувчи-талабаларнинг бутун ўқиш давомида ўз билимларини ошириш учун мунтазам ишлашни ҳамда ўз ижодий фаолиятини такомиллаштиришни рағбатлантириш фоясига асосланади.

Рейтинг назорат тизими асосида ўқув режасига киритилган ҳар бир фан бўйича талаба ўзлаштиришининг сифат кўрсаткичларини баллар билан баҳолаш ётади.

Ҳар бир чорак ва семестрдаги фанлардан тўпланган баллар йиғиндиси талабанинг курс рейтингини ташкил этади.

Ҳар бир фан бўйича ўқувчи ва талабанинг ўзлаштиришини баҳолаш чорак ҳамда семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қўйидаги назорат турлари орқали баҳоланади: жорий назорат, оралиқ назорат ва якуний назорат.

**Жорий назорат** – бу ўрганилаётган мавзуларнинг ўқувчи ва талабалар томонидан қандай ўзлаштирилаётганлигини мунтазам равишда дарс жараёнида назорат қилишдан иборат. Бу назорат ўқитувчи томонидан ўтказилиб, талабанинг билим даражасини шу фаннинг ҳар бир мавзуси бўйича аниқланиб боришини кўзда тутади. Бу эса ўқувчининг узлуксиз билим олиши ва натижасини муттасил назорат қилиб боришни назарда тутади.

**Оралиқ назорат** – бу мазкур фан бўйича ўтилган бир неча мавзуларни ўз ичига олган бўлим ёки қисм бўйича талабанинг билимини аниқлаш демак. Оралиқ назорат дарсдан ташқари вақтда ўтказилади ва талабаларга ўзлаштириш кўрсаткичларини ошириш имконини беради.

**Якуний назорат** – бу назорат семестр учун белгиланган мавзулар түлиқ ўқитилиб бўлингач, ўтилган мавзулар бўйича оли нади. Семестрдаги рейтинг баҳоси жорий, оралиқ ва якуний назоратларда тўплланган баллар бўйича аниқланади.

Ҳар бир фан бўйича максимал рейтинг бали шу фан учун ўқув режасида ажратилган умумий дарс соатлари миқдорига тенг деб ҳисобланади.

Максимал баллнинг 70% миқдори жорий ва оралиқ назорат жараёнида, 30% миқдори якуний назоратда тўпланиши тавсия этилади.

Семестр давомида мазкур фан бўйича тўплланган баллар талаба билимига нисбатан қўйидагича баҳоланади:

86–100% – «аъло»;

71–85% – «яхши»;

56–70% – «қониқарли»;

50 ва ундан ками «қоникарсиз».

#### **4. Дарсдаги техник воситалар ва ахборот технологиялари**

Юқорида дарсни мажму сифатида қўриб чиққанимизда, унинг унсурларидан бири дарсдаги техник воситалар мажмуни ни ташкил қилган эди. Дарсни дарс деб ҳисобланш учун дарсда қўйидаги техник воситалар мавжуд бўлиши лозим. Авваламбор, техник воситаларга инсон тафаккури ва жисмоний ҳаракатлари натижасида бунёд бўлган сунъий моддий нарсалар киришини маълум қилиб қўяйлик. Шу нуқтаи назардан келиб чиққанда, энг асосий техник-восита бу ўқув хонаси – аудитория ёки лаборатория ва устахона. Кейинги зарурий техник воситалар: ўқувчи ва таълабаларнинг паргаси ёки стол-стуллари. Лаборатория ва устахоналарда олиб бориладиган дарслар учун уларнинг жиҳозлари, ундан кейингиси ёзув доскаси, ёзув бўри, яна кейингиси ўқитувчининг иш столи ва стули, минбари ҳисобланади. Булар ўзаро функционал боғлиқ бўлиб, бир-бирини гақозо этади. Чунончи, синф хонаси бўлмаса, дарс ижроси бул майди. Синф хонаси бўлса-ю, унда парта, стол ва стуллар бўлмаса, дарс ўтиб бўлмайди. Авваламбор, синф хонаси керакли техник воситалар билан жиҳозланмаган бўлса, у синфхона део ҳисобланмайди ҳам. У бўш хона дейилади, синф хонаси, стол-стул, ўқитувчининг иш жойидаги стол-стуллар билан жиҳозланган бўлса-ю, хонада ёзув доскаси бўлмаса, дарс тўлақонли ўтмайди. Доска бўлса-ю, унда ёзиш учун бўр бўлмаса, досканинг бор бўлгани бекор. Дарс яна тўлақонли ўтмайди ва ҳоказо

Авваллари, техник воситалар деганда, фақат ўқитишининг техник воситалари тушунилар эди. Эндиликда мажмулар назарияси таълим-тарбия жараёнига кириб келгандан кейин, техник воситалар деганда дарсни ташкил қилиш учун зарур бўлган барча сунъий моддий нарсалар тушунилмоқда. Авваллари ўқитишининг техник воситалари деб номланган нарсалар, шу кунда ахборот технологиялари дейилмоқда.

Дарснинг техник воситалари мажмuinинг ажралмас қисми ҳисобланган ўқув хона ёки аудиторияни батафсилрок кўриб чиқайлик. Дарсда иштирок этадиган техник воситаларга, билим бериш жойлари бўлган дарс-лекция ва дарс-суҳбатлар учун ўқув хонаси ёки аудитория бўлиши шарт. Агар дарс амалий машғулот билан боғлиқ бўлса, упинг учун лаборатория ёки устахона керак бўлади. Агар кино дарси бўлса, кинозал ёки кино қўйишга мослаштирилган ўқув хонаси бўлиши лозим. Якуний назорат дарсини тест синовлари орқали амалга оширилса, компьютер синфлари бўлиши керак. Агар экскурсия дарслари бўладиган бўлса, экскурсиянинг турига қараб, автобус, музей, кутубхона, корхона, завод, фабрика деган моддий унсурлар бўлиши талаб қилинади.

Ўқув хонаси ёруғ, шинам, шифтлари баланд, ўзи озода бўлишини айтиб қўйишимиз жоиз. Чунки, ёруғ хонада болалар чарчамайди, кўзи толиқмайди. Шифтлари баланд бўлган хонада ҳаво етарли даражада бўлади. Хонада ҳаво кам бўлса, ўқувчи ва талабаларга кислород етишмай, тез чарчаб қолишиади. Озода ва шинам бўлиши ҳам, у ерда ўқийдиганлар соғлиғига ва ахлоқига ижобий таъсир кўрсатади.

Дарсдаги техник воситаларнинг навбатдагиси хонанинг мебель жиҳозларидир. Уларга талабалар фойдаланиши учун парта ёки стол-стул, педагоглар иш жойига стол-стул ва минбар киради. Ўқув хонасидаги паргалар болаларнинг ёшига мос равишда куляй бўлиши керак. Ўриндиқлари жуда мустаҳкам бўлиши болалар хавфсизлигини таъминлайди. Ахир, ёш болалар ўтирган жойларида ҳа деб қимирлайвериш хусусиятига эгадирлар. Бу уларнинг табиатидан келиб чиқади. Ўқитувчининг иш жойи замон талаби даражасида бўлиши, ўқув жараёнининг сифатли ўтишини таъминлайди. Хона замон талаби даражасида жиҳозланган деганда, стол-стулнинг қулилиги, доскани ўчириш учун латта ва қўл суртиш учун сочиқдан тортиб, ахборот технологияларини бошқарувчи пултлар назарда тутилади.

Дарсдаги техник воситларнинг ажралмас қисми, ўқитиши учун мўлжалланган ахборот технологиялари ҳисобланади. Уларга эпидоскоп, кодоскоп, компьютер мажмуси ва ҳоказолар киради.

## 5. Дарс ўтишнинг усул ҳамда услублари ва педагогик технология

Юқорида «Педагогиканинг фалсафий жабҳалари» деган биринчи бўлими орқали, таълим-тарбия мажмуининг марказида инсон тургани ва ҳар қандай педагогик фаолиятнинг мақсади одамлар ижтимоий моҳиятини ривожлантириш эканини билдик. Шунингдек, фалсафа педагогларга ҳар томонлама ривож топган инсон сиймосини иммий асосда яратиб беришигини ҳам ангаладик. Педагогик фаолият эса, ўзининг таълим-тарбия жараёни орқали бу сиймони шакллантиришда, узлуксиз таълим-тарбия жараёнининг бирламчи асоси бўлган дарсдан фойдаланишигини ҳам билдик. Дарс ҳақиқий бўлиб ҳисобланиши учун унда талаба, педагог, меъёрий хужжатлар, дарснинг техник воситалари ҳамда ўқитишнинг усул ва услублари бир нуқтада мужассам бўлишилиги шартлигини ҳам эслайлик. Навбатдаги сатрлар, бир бутунликни ташкил этувчи дарснинг таркибий унсури бўлган усул ва услублар таснифига бағишлилади.

Усул ва услубларнинг фалсафий таърифи билан китобимизнинг биринчи қисмида танишган эдик. Энди бу категорияларнинг педагогикада қўлланиши ва педагогик усуллар тизимини, шу жумладан, технологиялаштирилган вариантини ҳам кўриб чиқамиз.

Педагогикада ўқитиш усули деб, таълимий мақсадларга эришишда қўлланиладиган педагогик чора-тадбирлар йигинди-сига айтилади. Ваҳоланки, бошқа фаолият соҳаларида буни усул деб номлайдилар.

Педагогикада яна методика деган тушунча мавжуд. Бу тушунча, таълимий мақсадга эришишда қўлланиладиган педагогик чора, тадбир ва усулларни қўллаш йўриқномаси сифатида тушунилади.

Педагогикада усул атамаси устида бошқа тушунчалар ҳам мавжуд. Чунончи, усулларни педагог қўллайдиган бўлса – ўқитиш усули, талаба қўллайдиган бўлса, ўрганиш усули дейилади. Ўқитувчи ва талабаларнинг билим эгаллаш мақсадида биргаликда қўллайдиган усулларни маърифий усуллар дейилади. Усул ва услублар юзасидан бошқача фикрлар ҳам бор.

Ҳар бир таълимий усулни бир бутунлик (мажму) деб билдиб, уни ташкил қилувчи унсурларни таҳдил қилиб чиқсанда, уларнинг ҳар бири усул (приём) бўлиб чиқмоқда. Эътибор беринг, услубнинг фалсафий талқинида, мақсадга етишишда қўлланиладиган усуллар тизими усул деб айтилган. Педагогикада унинг акси бўлиб чиқмоқда. Яъни педагогик мақсадга

эришишда қўлланиладиган усулнинг бир унсури педагогик услугуб бўлмоқда. Бу тушунчалар педагогика илм-фанида анъа-навий қўлланиб келингандилиги учун, биз ҳам шунга бўйсуниб, педагогикада қабул қилинган тушунчалардан фойдаланамиз.

Таълимий усул – муракқаб, кўп пофонали, кўп қиррали дис-септив, очиқ, қайтарилувчан марказлашган ижтимоий мажму бўлиб, дарс жараёнини амалга оширишда ҳал қилувчи аҳами-ятга эга. Педагогик усулларда, таълим жараёнидаги объектив мавжуд бўлган қонуниятлар, таълим мақсади, мазмуни, та-мойиллари ва таълим беришнинг шакллари ўз ифодасини топ-ган бўлади. Таълим-тарбия усулларида дидактиканинг барча тамойиллари (принциплари) ўз ифодасини топган экан, улар ўзаро функционал боғлиқ бўлиб, таълим усуллари ўзгариши билан дидактика принциплари ҳам такомиллаша боради ва бутун узлуксиз таълим-тарбия жараёнининг такомилига ўз таъ-сирини ўтказади.

Педагогик усуллар таркибида **объектив ва субъектив** услуб-лар деган қисмлар мавжуд. Педагогик усулнинг таркибидаги объектив услубларга, ҳамма усулларда истисносиз ва доимий равишда ҳукм сурадиган қонуниятлар қонун ва қоидалардан ҳамда таълимий мақсад, мазмун ва шаклидан келиб чиқувчи услублар киради. Субъективларига ўқитувчи ва педагогнинг шахсий сифатларидан, ўқувчи ва талабаларнинг ҳамда ўкув жараёнининг ўзига хос ҳусусияти ва шароитидан келиб чиқув-чи услублар киради.

Ҳар қандай педагогик усулни шакллантиришда, албатта, объектив услубларга сунянилади. Ҳеч қачон субъектив услуб-ларга кенг ўрин берилмаслиги керак. Объектив услублар билан субъективларининг орасидаги муносабатларни оптималь-лаштириш устида доимий тортишувлар бўлган ва бўлиб кел-моқда. Педагогик усулларни ривожлантириш учун, албатта, субъектив услублар билан улар бойитиб борилиши керак, аммо бу ҳаракат меъёридан ошиб кетмаслиги лозим. Айнан, субъек-тив услубларни яратиш ва улардан педагогик амалиётда фой-даланиш педагогнинг ўз қасбининг моҳир устаси бўлиб етиш-ганининг белгиси ҳисобланади.

Объектив услублар билан субъективлари орасидаги нис-батни мувозанатда ушлаш жуда қийин. Чунки педагогик усул ўқитувчи ва педагогларнинг дарс беришдаги асосий қуороли бў-либ, ўқитувчи режалаштирган мақсадни, мақсадга эришиш чора-тадбирларини, қўйилган мақсаддан келиб чиқувчи ва ечи-лиши шарт бўлган масалалар тизимини, таълим-тарбия жара-ёнининг мантифини, ахборот манбаларини, ўқитувчининг маҳо-ратини ва бошқа кўплаб нарсаларни ўзида ифодалаши керак.

**Кўриб турганимиздек, педагогик усул кўп қиррали ижтиёйи борлиқ бўлиб, унга таъриф берганда, унинг ҳамма томонларини ифодалаш қийин. Шунинг учун унга қўйидагича қисқа таъриф бериш мумкин. Педагогик усул – бу таълимий мақсадга эришиш йўлидаги ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликда қиласидиган ҳаракатларининг тартиби.**

Педагогик усул кўп қиррали бўлгани учун ҳам уни гурухлаштирганда истаган жабҳасини асос қилиб олса бўлади. Шунинг учун ҳам педагогик усулларнинг таснифи жуда кўп. Педагог ва ўқитувчилар учун усулларни турларга ажратганда, албатта, педагогик амалиёт талабларидан келиб чиқишлиқ тўғри бўлади.

Қўйида педагогик усуллар таснифларининг баъзи бирларига эътиборингизни қаратамиз.

**1. Анъанавий тасниф ўзининг илдизи билан қадимий фалсафий ва таълимий тизимларга бориб тақалади.** Шу кунда бу таснифнинг замон талабидан келиб чиқиб, такомиллашган варианти мавжуд. Бу типдаги тасниф ўзига асос қилиб билим манбаларини олган. Билим манбаларига қўйидагилар киритилган: амалиёт ва кўргазмалар (эмперик билимлар манбаи); оғзаки сўз ва китоб (назарий билимлар манбаи), ахборот технологиялари – видео, телевизор, компьютер ва интернет тармоқлари (ҳам кўргазмали, ҳам назарий, ҳам эмперик билимлар манбаи). Бу тасниф орқали усуллар беш тоифага ажратилган: амалий, кўргазмали, оғзаки, китоб билан ишлаш ва виртуал (видео, компьютер, интернет).

Бу усулларнинг ҳар бирининг ўзини намоён этиш услублари бор (9-расмга қаранг).

**2. Белгиланган мақсадга қараб таснифлаш.** Бунда, дарс босқичларининг кетма-кетлиги умумий асос қилиб олинган. Уларда қўйидаги усуллар ажратилган: билим эгаллаш; кўникма ва малакалар ҳосил қилиш; билимни амалиётда қўллаш; ижодий фаолият; мустаҳкамлаш; билим, кўникма ва малакаларни текшириш.

| Амалий   | Кўргазмали                    | Оғзаки  | Китоб билан ишлаш   | Виртуал                                 |
|--|-------------------------------|---|---|---|
| Тажриба, амалий машқ, ўқув-ишлаб чиқариш меҳнати | Иллюстрация, намойиш, кузатиш | Айтиб бериш, тушунтириш, ҳикоя, сұхбат, кўрсатма бериш, маъруза, баҳс, мунозора | Уқиш, ўрганиш, реферат ёзиш кўриб чиқиш, баён қилиш, режа тузиш, конспект тузиш | Кўриш, таълим олиш, машқ қилиш, назорат |

**3. Билим фаолияттарыннан тиңига қараб усуулар қуйидагиларга ажралади:** ахборотли-рецептив ёки иллюстратив-түшүнгүриш; репродуктив; мұаммоли баён; эврестик ёки ярим тадқиқот ва тадқиқот. Бу типдаги усуулар билиш фаолияттарыннан күчланишига қараб гурухлаштирилган. Бунда усул, ўқытуvчи ұқытуvчи ҳамкорлығыда билим олиш жараёнидаги фаолиятта тафаккурини қанчалик ишлатиши билан изохланади.

Агар ұқытуvчи томонидан ташкил қилингандай билиш фаолияти, унинг бергандай билимларини эслаб қолиш ва уларни қайта айтиб бериш билан боғлиқ бўлса, унда ўқувчилар ақлинни фаол ишлатмай, хотирасини ишга солиб, ёд олиш билан чекланадилар. Бундай усул репродуктив усул дейилади. Агар ұқытуvчи талабалар тафаккурини юқори куч билан ишлашга мажбур қилиладиган усууларни қўлласа, улар ярим тадқиқот ва тадқиқот усуулари дейилади.

**Ахборотли-рецептив усуулар** қуйидаги белгилар билан изохланади:

- 1) ўқувчи ва талабаларга билимлар тайёр ҳолда берилади;
- 2) ұқытуvчи турли услублар билан бу билимларни қабул қилиб олишни таъминлайди;
- 3) талабалар бу билимларни ўзлаштириб (рецепция), уларни тафаккуридан ўтказиб, хотирасида сақладайди.

Бундай усууларни қўллаганда барча ахборот манбаларидан фойдаланилади (сўз, кўргазмалик ва ҳоказо). Баён қилиш жараёнида мантиқнинг индуктив йўли билан бир қаторда дедуктив йўлидан ҳам фойдаланилади.

**Репродуктив** усууларни қуйидаги белгилари мавжуд:

- 1) ўқувчи ва талабаларга билим тайёр ҳолда берилади;
- 2) ұқытуvчи билимни беригина қолмайди түшүнтириб беради;
- 3) ўқувчи ва талабалар түшунган ҳолда билимларни ўзлаштирадилар ва хотираларида сақладайдилар. Уларниң ўзлаштирганлик даражаси, берилган маълумотларни тўгри айтиб бериси репродуктив билан изохланади;
- 4) пухта ўзлаштиришига кўп маротаба қайтариш йўли билан эришилади.

Бу ва бундан олдинги айтилган ахборотли-рецептив усууларниң афзаллиги ҳамда кенг қўлланишининг сабаби. Уларниң тежамкорлығи билан белгиланади. Бу усуулар орқали кам вақт ичida кам куч сарфлаб, кўп билимни ошириб берса бўлади.

Инсон фаолияти ё репродуктив (билган йўлдан оғишмай уни айнан қайтариш), ёки ижодий (мақсадга етиш йўлини ўзи излаб топади) бўлиши мумкин. Бу ерда шуни айтиб ўтиш жоизки, ҳар қандай ижодий ҳаракатдан олдин репродуктив

ҳаракатлар бўлади. Шунинг учун бу усулни менсимаслик жоиз эмас. Аммо, уни қўллашга ҳам қаттиқ берилиб кетмаслик лозим. Энг яхиси, репродуктив усул билан бир қаторда бошқа усуллардан ҳам бирдай фойдаланиш яхши самара беради.

**Муаммоли баён усули** оралиқ усул ҳисобланиб, кўр қори лардек ёд олиш ва уни айтиб беришдан, мустақил фикр юритишга ўтиш учун хизмат қиласди. Болалар, ривожланишининг маълум бир босқичида, мустақил фикр юрита олмайдилар. Ўқитувчи ва педагог талаба-ёшлар олдига муаммони қўйиб, уни ечиш йўлларини ўзи баён қилиб беради. Шунда талабалар муаммони ечишда иштирок этмасалар ҳам, ўқитувчининг синф олдига қўйилган муаммони моҳирона ечишини кузатиб, илҳомланадилар ва муаммони ўzlари ечишни истаб қоладилар.

**Эврестик ёки ярим тадқиқот усул қўйидаги белгилари билан характерланади:**

1) ўқувчиларга билим тайёр ҳолда берилмай, у мустақил равишида топилади;

2) ўқитувчи турли воситалар ёрдамида, мустақил равишида билим олишни ташкил қиласди;

3) ўқувчи ва талабалар ўқитувчи ёки педагог ёрдамида мустақил фикр юритишга ва шу орқали янги билимларни топиш га ўрганадилар. Улар мустақил равишида муаммоларни ечиш йўлларини излайдилар. Топилган натижаларни таҳлил қиласдилар, таққослайдилар, умумлаштирадилар ва якун ясайдилар.

Бу усулнинг ярим тадқиқот деб ном олганligининг сабаби. ўқувчи ва талабалар аввал ҳеч қачон мустақил равишида билим олишмаган бўлишса, бу вазифани бажаришга қийналадилар. Шунинг учун ўқитувчи ва педагоглар уларга ёрдам берадилар. Бу усул қўлланганда ўқитувчи -- ўқувчи -- ўқитувчи -- ўқувчи схемаси бўйича амалга оширилади. Шунда билимнинг бир қисмини педагог айтиб, қолганини тониш талабаларга қўйиб берилади.

**Тадқиқот усулининг моҳияти эса қўйидагicha:**

1) педагог талабалар билан бирга муаммони шакллантиради ва уни ҳал қилиш учун талабаларга муддат берилади;

2) ўқувчи ва талабаларга билим айтилмайди. Уни талабаларнинг ўzlари мустақил равишида излаб топадилар. Шунда, бу билимни тошиш чора-тадбирларини ҳам ўқувчиларининг ўзлери белгилайдилар;

3) ўқитувчи ва педагогнинг фаолияти талабалар изланишини бошқаришдан иборат бўлади;

4) бу усулда ўқув жараёни ўта жадал ва юқори қизиқини орқали кечиши билан, топилган билимлар чукур, таъсирича ва инчунин болалар хотирасида узоқ сақланиши билан бошқа

усуллардан ажралиб туради. Бу усулнинг камчилиги, унга кўп вақт ҳамда ўқувчи ва ўқитувчилардан анчагина куч сарфланишини талаб қиласди.

#### **4. Дидактик мақсадларга кўра усуллар икки гуруҳга ажралади:**

1) билимларнинг бирламчи ўзлаштирилишига хизмат қилувчи усуллар;

2) эгалланган билимларни мустаҳкамлашга ва такомиллаштиришга йўналтирилган усуллар.

Биринчи гуруҳга: ахборот – ривожлантирувчи усуллар (оғзаки баён, сухбат, китоб билан ишлаш), эврестик (изланувчан) усуллар (эврестик сухбат, мунозара, лаборатория ишлари); тадқиқот усуллари киради.

Иккинчи гуруҳга: машқ (нусхага қараб кўчириш, шарҳланган машқлар, вариантли машқлар ва ҳоказо) ва амалий машғулотлар киради.

**5. Бир неча бор бинар ва ярим бинар усулларни яратишга уриниб кўрилган.** Бунда усуллар икки ва ундан ортиқ белгиларига қараб гуруҳлаштирилади. Масалан, билим бериш усуллари билан билим олиш усулларининг бирикувидан ҳосил бўлган усуллар ва ҳоказо.

**6. Дидактикада** кенг тарқалган усуллар гуруҳи, бу академик Ю.К. Бабанскийнинг таклиф қилган таснифидир. Бунда уч йирик педагогик усуллар гуруҳи ажратилган:

1) ўқиш-ўрганиш фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш усуллари;

2) ўқиш-ўрганиш фаолиятини рағбатлантириш ва мотивациялаш;

3) ўқиш-ўрганиш фаолиятининг самарадорлигини текшириш ва ўзини ўзи назорат қилиш усуллари.

Ўқиш-ўрганиш фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш усуллари, ўз навбатида, тўрт гуруҳга бўлинади:

1) манбалар жиҳатидан – оғзаки, кўргазмали ва амалий;

2) мантиқий жиҳатдан – индуктив ва дедуктив;

3) фикр юритиш бўйича – репродуктив ва муаммоли излашиш;

4) бошқарилиши жиҳатидан – мустақил ишлаш ва ўқитувчи раҳбарлигида ишлаш усуллари.

Ўқиш-ўрганиш фаолиятини рағбатлантириш ва мотивациялаш усуллари икки гуруҳдан иборат:

1) ўқишга қизиқиши асослаш ва уни рағбатлантириш;

2) ўқишга бўлган масъулиятни асослаш ва рағбатлантириш.

Ўқиш-ўрганиш фаолиятининг самарадорлигини текшириш ва ўзини ўзи назорат қилиш усуллари, ўз навбатида, уч бўлакдан иборат:

1) өғзаки текшириш ва ўзини ўзи назорат қилиш дарслари;  
2) ёзма равишда текшириш ва ўзини ўзи назорат қилиш усуллари;

3) лаборатория ва амалий машғулотлар орқали текшириш ҳамда ўзини ўзи назорат қилиш усуллари.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, усуллар асосан қуйидаги функцияларни бажаради: ўқитиш, ривожлантириш, тарбиялаш, ўқишига қизиқиши рафбатлантириш, назорат қилиш ва тузатиш. Педагогик усуллар ёрдамида маорифий мақсаддага эришилади.

Айтиб ўтилган педагогик усулларнинг биронтаси ҳам кам чиликлардан холи эмас. Шунинг учун усуллар назарияси ти нимсиз тарақкӣ этиб, барча ўқитувчи ва педагоглар талабига бирдай жавоб берувчи усуллар изланмоқда. Шу изланишлар натижаси сифатида ўқув жараёнининг технологиялашган усули вужудга келади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да, кўп маротаба илгор педагогик технологияларни ўрганиб, уларни ўқув муассса саларига олиб кириш зарурлиги уқтирилган.

Кейинги ўн йил ичидаги яратилган, педагогикага бағишиланган адабиётларда «Педагогик технология», «Янги педагогик технология», «Илғор педагогик технология», «Прогрессив педагогик технология» каби тушунчалар кўп учраб тургани билан, уларнинг ўзбек тилидаги маромига етган таърифи ҳам тузилмаган.

Республикамизнинг педагогик олим ва амалиётчилари илмий асосланган ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини яратиш ва уларни таълим-тарбия амалиётида кўллашга интилмоқдалар.

Бу ерда, «Нима учун бугунги кунда педагогик технологияларнинг миллий назарий асосини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш зарурати туғилди?» деган савол пайдо бўлиши мумкин «Жамиятимизга қанчадан-қанча билимли кадрларни ва юқори малакали олимларни етиштириб келган педагогика усуллари мавжуд-ку, уларнинг эскириб, талабга жавоб бермай қолган ва мағкуралаштирилган жойларини ўзгартириб, миллий тус бериб, фойдаланаверса бўлмайдими?» – деган мулоҳазалар ҳам йўқ эмас. Ўзбекистоннинг шу кундаги педагогик жамоатчилигининг аксарияти, айнан мана шу йўлдан бормоқда. Бу йўл иложсизликдан излаб топилган бўлиб, қисқа муддат хизмат қилиши мумкин. Мустақилликни кўлга киритган ва буюк ке лажак сари интилаётган жамиятга бу йўл узоқ хизмат қилол майди. Чунки:

**биринчидаи**, маълум сабабларга кўра жаҳон ҳамжамияти тараққиётидан ортда қолиб кетган жамиятимиз, тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши учун, аҳоли таълим мини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида энг илфор педагогик тадбирлардан фойдаланиш зарурлиги;

**иккиси чидаи**, анъанавий ўқитиш тизими ёзма ва оғзаки сўзларга таяниб иш кўриши туфайли «Ахборотли ўқитиш» сифатида гавсифланиб, ўқитувчи фаолияти биргина ўқув жараёнининг ташкилотчиси сифатида эмас, балки нуфузли билимлар манбаига айланниб қолганлиги;

**учинчидаи**, фан-техника тараққиётининг ўта ривожланганлиги натижасида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва уларни ёшларга билдириш учун вақтнинг чегараланганлиги;

**тўртингчидаи**, кишилик жамияти ўз тараққиётининг шу кундаги босқичида назарий ва эмперик билимларга асосланган тафаккурдан тобора фойдали натижага эга бўлган, аниқ якунга асосланган техник тафаккурга ўтиб бораётганлиги;

**бешинчидаи**, ёшларни ҳаётга мукаммал тайёрлаш талаби уларга энг илфор билим бериш усули ҳисобланган объектив борлиққа мажму ёндашув тамойилидап фойдаланишипи талаб қилишидадир.

Педагогик технология юқорида санаб ўтилган бешта шартнинг барча талабларига жавоб берадиган таълимий тадбирdir.

Шу кундаги ижтимоий тараққиёт ишлаб чиқаришнинг кўп сонли тармоқлари билан бир қаторда, маърифат ва маданият соҳаларига, шу жумладан, ижтимоий-гуманитар билимлар доирасига ҳам янги технологияни жорий этишини тақозо этмоқда.

Таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш илмий муаммо сифатида маҳсус тадқиқотлар олиб боришини кўзда тутади. Бунда, энг аввало, қуйидагиларни аниқлаш лозим:

— таълим технологияларини илмий ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш учун ижтимоий-педагогик асослар мавжудлигини аниқлаш;

— таълим мажму сифатида нимани англатишни ва қандай таркибий қисмлардан ташкил топганлигини белгилаш;

— таълим технологиясининг функционал мажмую жараён сифатида нималардан иборатлигини аниқлаш;

— таълим технологиялари «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мақсадларига қай даражада тўғри келиши ва уни баҳолаш мумкинлигини кўрсатиб бериш;

— педагогик технологиянинг мажмулар назариясининг асосий қонуниятларига мослигини назоратда тугиб туриш йўл-йўригини ишлаб чиқиш.

Шуни айтиш жоизки, таълим технологиялари, педагогика илмининг тадқиқот обьекти сифатида, аниқ фанларни ўқитиш усули бўлибгина қолмай, ижтимоий фанларни ўқитишга ҳам янгича ёндашув сифатида қайд қилиниши лозим.

Бу зарурият, шу вақтгача ўқувчи (талаба)лар ёпиқ тафаккур парадигма (намуна, мисол)лари асосида ўқитилганлиги, уларда ўзгача нуқгаи назарни тан олмаслик, фақат ўз фикрини тўғри деб билиш шакллантирилганлигидандир. Бу ҳол ҳар қан дай тараққиётга ғов бўлиб, шу парадигмада юрган кишиларни инқироз сари етаклади.

Жамиятимиз жадаллик билан тараққий этиб, иқтисодий ва сиёсий мавқеи кундан-кунга ортиб бормоқда. Аммо ижтимоий соҳада, айниқса, таълим-тарбияда депсиниш ва умумий тараққиётдан орқада қолиш сезилмоқда. Бундай нохуш вази ятдан чиқиб кетиш йўлларидан бири таълим-тарбия жараёс нини қабул қилинган давлат стандартлари асосида технологиялаштиришdir.

Маърифатли ва ривожланган мамлакатларда муваффақият билан қўлланиб келаётган педагогик технологияларни ўрганиб, халиқимизнинг миллий педагогика анъаналаридан ҳамда таълим соҳасининг шу кундаги ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда, Ўзбекистоннинг миллий педагогик технологиясини яратиш лозим.

Педагогик технологиянинг том маъносини билиш ва униш ҳудудимизга мос турини яратиш учун мажмулар назариясини тўла эгаллаб олиш зарур. Чунки педагогик технология мажмулар назариясининг қонуниятларига 100 фоиз суюнган бўлиб, янгича фалсафий тафаккурни, янгича дунёқараашни ифода этади.

Технология деганда субъект томонидан обьектга кўрсатилган таъсир натижасида субъектда сифат ўзгаришига олиб келувчи жараён тушунилади. Технология ҳар доим зарурий воситалар ва шароитлардан фойдаланиб, обьектга йўналтирилган мақсадли амалларни муайян кетма-кетлиқда бажариппин кўзда тутади.

Ушбу тушунчаларни ўқув жараёнига кўчирадиган бўлсак, ўқитувчи (педагог)нинг ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчи (талаба)ларга муайян шароитларда кўрсатган тартибли таъсири натижасида уларда жамият учун зарур бўлган ва олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларни интенсив тарзда шакллантирувчи ижтимоий ҳодиса, деб таърифлаш мумкин. Таърифлар назари яси бўйича бундай ижтимоий ҳодисани педагогик технология деса бўлади.

Педагогик технология ижтимоий зарурият бўлганлигидан, даставвал, АҚШ да XX асрнинг 70-йилларида фалсафаниш

бихибиоризм оқими заминида юзага келиб, бошқа ривожланған мамлакатларга тез тарқалди.

Ер юзи мамлакатлари икки қарама-қарши лагерга бүлиниб, совуқ уруш авжига чиққан даврда социализм тарафдорлари бу ижтимоий ҳодисаны мағкура нұқтаи назаридан тан олмай, күп йиллар давомида уни күр-күрона инкор қилиб келишди.

ХХ аср 90-йилларининг бошида социализм нураб, унга аззо бүлган давлатлар бирин-кетин мустақил бүлганидан кейин, ҳар жиҳатдан тараққий этган хорижий мамлакатларга, шу жумладан, Ўзбекистон учун ҳам, кенг йўл очилди.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон олимлари хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва илмий-маърифий алоқалар ўрната бошладилар. Натижада, юртимизга илғор ва самарали технологиялар кириб кела бошлади. Шулар қаторида жаҳондаги прогрессив педагогик технология деган тушунчалар ҳам кириб, педагогик жамоатчилигимиз фикрини چулғаб олди.

Охирги йилларда Россия билан Ўзбекистонда педагогик технологияни ўрганиш йўлида анча ишлар қилинди. Педагогик технологиянинг ҳудудга мос вариантини яратишга қўл урган Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ)нинг пешқадам педагог олимларига тасаннолар айтиш билан бирга, улар йўн қўяётган баъзи камчиликларни айттиб, уларни тузатиб ўтишини лозим кўрдик. Чунки бу камчиликлар педагогик технологиянинг мазмун ва моҳиятини тўғри тушунишга халал бермоқда. Бунинг учун биз, МДҲда шу йўналишда фаолият кўрсатадиган педагог олимларининг «Педагогик технология» тушунчасига берган таърифларини ҳамда улар педагогик технология асосида тузиб чиққан дарс лойиҳаларини таҳлил қилиб чиқдик. Таҳлилимининг якуни қуйидагича:

Педагогик технологияни ўқув жараёнига олиб кириш зарурлигини МДҲга кирувчи мамлакатлар ичидаги биринчилар қаторида ҳар томонлама илмий асослаб берган россиялик олим В.П. Бесспальконынг фикрича, «ПТ – бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириши жараёни лойиҳасидир.»<sup>21</sup>

Россия олимларидан В.М. Монахов: «ПТ – аввалдан режалаштирилгак натижаларга олиб борувчи ва бажарилини шарт бўлган тартибли амаллар тизимиదир», – деган қисқача таърифи бера туриб, унинг асосий хусусиятларига эътиборни қаратади.

<sup>21</sup> Бесспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. – М.: «Педагогика», 1989. С. 192.

«ПТ – ўқув жараёнини технологиялаштириб, унинг қайта тикланувчалигини ҳамда педагогик жараён турғулигини ошириб, бу жараён ижрочисиппинг субъектив хусусиятларида уни озод қилади»<sup>22</sup>, – дейди.

М.В.Кларин фикрича, «ПТ – ўқув жараёнига технологик ёндашган ҳолда, олдиндан белгилаб олинган мақсад күрсаткичларидан келиб чиқиб, ўқув жараёнини лойиҳалашдир».<sup>23</sup>

И.Я. Ларнернинг фикрига кўра, «ПТ – ўқувчилик ҳаракатларида акс этган ўқитиш натижалари орқали ишончли аинглаб олиниадиган, аниқлападиган мақсадни ифодалайди».<sup>24</sup>

В.П. Бесспальконинг ўзбекистонлик шогирдларидан Нурали Сайдаҳмедов ва Абдураҳмон Очиловларнинг фикрича, «ПТ – бу ўқитувчи (тарбиячи)пинг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчи (талаба)ларга муайян шароитда таъсир кўрсатилиши ва бу фаолият маҳсулни сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини интенсив шакллантириш жараёнидир».<sup>25</sup>

Ўзбекистонлик педагог олим Б.Л. Фарберман педагогик технологияга қуидагида таъриф беради: «ПТ – таълим жараёнига янгила ёндашув бўлиб, педагогикада ижтимоий – муҳаммислик оинг ифодасидир. У педагогик жараёнини техника имкониятлари ва инсоннинг техникавий тафаккури асосида стандарт ҳолга солиб, унинг оптималь лойиҳасини тузиб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий ҳодисадир».<sup>26</sup>

Бу таърифларни узоқ хорижда берилган таърифлар билан солиштириб кўриш учун япон педагог олими Т.Сакомото берган таърифи келтирамиз. «ПТ, – дейди Сакомото, – бу мажмули фикр юритиш усулини педагогикага сингдириш, бошқача қилиб айтгани, педагогик жараёнини муайян бир мажмуга келтиришидир».<sup>27</sup>

Бирлашган миллатлар ташкилотининг нуфузли идораларидан ЮНЕСКОнинг таърифи бўйича, «ПТ – бу билим бериши ва уни эгаллашда техника ва инсон ресурсларини ўзаро узвий боғлиқ ҳолда кўриб, бутун таълим жараёнини лойиҳалашда ва амалда

<sup>22</sup> Монахов В.М. Аксиоматический подход к проетирован. пед. технологии – «Педагогика», 1997, № 6. С. 26.

<sup>23</sup> Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. – М.: «Знание», 1989. С. 75.

<sup>24</sup> Ларнер И.Я. Внимание о технологии обучения // «Сов. Педагогика», 1990, № 3. С. 139.

<sup>25</sup> Сайдаҳмедов Н., Очилов А. Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси. – Т.: 1999. 7–8-бетлар.

<sup>26</sup> Фарберман Б.Л. Илгор педагогик технологиялар. – Т.: 1999. 4-бет.

<sup>27</sup> Юзявичене П.А. Теория и практика модульного обучения. – Каунас, 1989. С. 126.

қўллашда мажмули ёндашув усулидан фойдаланишдир».<sup>28</sup> АҚШ ва Германия олимларининг педагогик технологияга берган таърифи ЮНЕСКО берган таърифга тўғри келади.

Келтирилган таърифларни илмий-фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қиласидан бўлсак, узоқ хорижда берилган таърифлар билан МДҲ мамлакатлари олимларининг берган таърифлари бир-бирига яқин келса-да, фарқи ҳам анчалигини кўрамиз. Жумладан, Сакомото, ЮНЕСКО ва бошқа узоқ хорижий мамлакатларда берилган таърифларда мажму ёндашув тамойилига алоҳида урғу берилган. МДҲ олимларининг ПТга берган таърифларида мажму ёндашув эслатиб ўтилгани билан, ўқув жараёнининг лойиҳасини тузишгандা уни мутлақ унтиб, мажму ёндашув тамойилининг қонун ва қоидаларига сира ҳам амал қилинмаганини кўрамиз.

Ҳақиқатда эса, объектив борлиққа мажму ёндашув тамойилини яхши билган кишига, Сакомото айтганидек, «ПТ – ўқув жараёнини муайян бир мажмуга келтиришдир», деган тушунча кифоя қиласи. Бу тушунча орқали ПТнинг бошқа ҳамма хусусиятларини, яъни мақсадга йўналтирилганини, бир неча ўзаро узвий боғлик бўлган қисмлардан ташкил топганлитини ва бошқаларни англаб олса бўлади. Чунки бу хусусиятларнинг ҳаммаси, мажмулар назариясига биноан, мажму деб ном олган нарса ва ҳодисаларнинг ажralmas сифатларидир.

Педагогик технологиянинг асосий тушунчаси, сўзсиз, ўқув жараёнига мажму сифатида ёндашишдир. Бунда таълим-тарбияда иштирок этувчи барча нарса ва ҳодисалар ўзаро функционал боғлиқликда бўлиб, бир бутунликни, яъни педагогик жараён мажмунини ташкил қиласи. Педагогик жараён мажмунининг муайян бир вақт мобайнида босқичма-босқич амалга оширилиши педагогик технология дейилади.

**Педагогик технологиянинг анъанавий услардан асосий фарқи, унинг тўла-тўкис мажмулар назарияси қонуниятларидан келиб чиққанлигидадир.**

**Педагогик технологиянинг аввалги услардан афзаллиги**, у таълим жараёнини бир бутунликда кўриб, таълим мақсади, унинг мазмуни, билим бериш усувлари ва воситалари ҳамда таълим олувчи ва таълим берувчиларни мажмуга келтириб, таълим босқичларини лойиҳалаб, таълим жараёнини назорат қилиш ва таълим натижаларини баҳолаш каби қисмларини ўзаро узвий боғлаб мажмута келтириб туриб, унинг лойиҳасини тузишидадир.

<sup>28</sup> Фарберман Б.М. Илгор педагогик технологиялар. Илмий-назарий семинар. Т.: 8–9 апрель, 1993. З-бет.

**Унинг анъанавий усуллардан кейинги фарқи**, у талабаларнинг ўзларига берилган билимни ёдлаб олиб, айтиб беришига эмас, балки таълим ва тарбия жараёнининг якунида амалий ишларни бажаришига йўналтирилганлигидадир.

**Педагогик технологиянинг бошқа таълим услларидан навбатдаги фарқи**, унинг ёрдамида ўқув жараёни ташкил этилганда, дарс натижаси билим берувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ эмаслигидадир. Илмий асосланиб, яхши лойиҳалаштирилган педагогик технология бўйича ҳар қандай ўқитувчи ҳам аъло бўймаса-да, яхши дарс ўтади. Чунки педагогик технологияни педагог олим, методист ёки илфор тажрибали ўқитувчилар тузади, шу боис уларнинг педагогик маҳорати педагогик жараён лойиҳасида ўз ифодасини топган бўлади. Аввалгидек, «дарсдан кўзланган мақсадга объектив сабабларга биноан етиб бўлмади» ёки «кутилмаган омилларга биноан дарс бузилиди» ва шунга ўхшаш гапларга педагогик технологияда ўрин ийк.

Педагогик технологиянинг юқорида қайд этилган хусусиятларидан ва мажмуулар назариясининг қонуниятларидан келиб чиқиб, унга қуйидаги кенгайтирилган таърифни берамиз. ПТГ – бу жамият эҳтиёжидан келиб чиқувчи олдиндан белгиланган киши ижтимоий сифатларини самарали шакллантирувчи ва аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини мажму сифатида кўриб, уни ташкил қўлиувчи қисмлари бўлган ўқитувчи (педагог)нинг ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчи (талаба)ларга маълум бир шароитда муайян кетма-кетликда кўрсатган таъсирини назоратда тутувчи ва таълим натижасини баҳолаб берувчи технологиялашган таълими тадбирдир.

Жаҳон педагогик тафаккурида таълим-тарбияга бундай ёндашув янги эмас. XVIII асрда ёқ, «Буюк дидақтика»нинг муаллифи Ян Амос Коменский таълим жараёнини «унда ҳар бир усул ва нарсалар вақт жиҳатидан шундай жойлантирилиши керак эдик», «бутун педагогик жараён яхши созланган соат каби бехато юриши керак» бўлган шаклга солмоқчи бўлганди. Буюк педагог Коменский стмаган орзуларга XX аср педагоглари етиб, бу ижтимоий ҳодиса педагогик технология номини олиб, бутун дунё ўқитувчи ва педагогларига дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Педагогик назариялар йиғиндиси ҳисобланган педагогикада катта ҳажмда назарий ва амалий билимлар тўпланган бўлишига қарамай, XX аср иккинчи ярмигача машҳур педагогларнинг биронтаси қайта тикланадиган, яъни издошларий томонидан улар ўтган юқори самарали дарсларни ўзларига ўхшаб ўтиш имконини берадиган педагогик жараён андозасини ишлаб чиқишимаган. Бунинг боиси, машҳур педагоглар усули таркибида ўзларининг шахсий сифатлари етакчи ўринни эгалла-

ганлигидадир. Маълумки, жамият таркибида машҳурликка даъвогар буюк шахслар жуда ҳам оз. Бизга эса, улар ҳар бир мактабда, ҳар бир лицей ва коллежда, ҳар бир олий ўқув юртида, ҳар бир синф ва дарс хоналарида керак. Бунга етишининг бирдан-бир йўли – машҳур педагогларнинг дарсини педагогик технология шаклига солиб, лойиҳасини тузиш ва кўпайтиришдир.

Технологик ёндашув ишлаб чиқаришдан олинган бўлиб, унда минглаб технологик жараёнлар лойиҳалаштирилган. Улар ишлаб чиқаришда керакли натижаларга эришиш гарови ҳисобланади. Бу технологияларни қўллаш вақтида ҳудуд ва уларнинг ижроиси ўзгарса ҳам, керакли маҳсулот чиқаверади. Таълимтарбия жараёнида ҳам шунга эришиш учун педагогик технология ишлаб чиқилди.

Бу иш биринчи бор АҚШ олимлари Б. Блум, Д. Кратволь, Н. Гранлунд, Дж. Керолла, Дж. Блок, Л. Андерсон ва бошқалар ҳаракати натижасида амалга ошли.

Педагогик технология, умуман олганда, репродуктив дарс беришга асосланган бўлиб, ундаги ўқув жараёни ўқувчи (талаба)ларга типик ҳолатлардаги ҳаракатларни эгаллашга йўналтирилган.

Педагогик технологиядаги репродуктив билим бериш жараёнида дарс аниқ бўлакларга бўлинниб, ҳар бир бўлагида ўқувчи (талаба)лар билиши шарт бўлган натижалар кўрсатилади. Ўқув материаллар дарс мақсадидан келиб чиқиб, модулларга бўлинган бўлади. Ҳар қайси модулга тест саволлари тузилади. Ўқув жараёни аниқ саволларга конкрет жавоблар топишга қурилган бўлиб, саволлар ва жавоблар ўзаро узвий боғлиқликда бўлиши натижасида бир бутунликни, яъни мажмуни ташкил қиласи.

Педагогик технологияда репродуктив усул қаторида изланувчи – тадқиқот ва бошқа усувлар ҳам ишлатилади.

Мустақил Ўзбекистоннинг эркин фуқароларини шакллантиришда ҳалиқ ҳўжалиги учун зарур бўлган маълум билим ҳажмига эга мутахассис ҳамда турли муаммоларга дуч келганда, мустақил изланиб, уларни ҳал қилиб кетадиган тадбиркор кишиларни тарбиялашда типик ҳаракатларга, репродуктив ва ностандарт вазиятлардан йўл топиб, чиқиб кетишга ўргатувчи тадқиқот услублари мос тушади. Бизга зарур бўлган усул ушбу икки анъанавий услублар қоришмасидан ҳосил бўлиб, технологиялаштирилган интегратив усуздир. уни педагогик технология дейилмоқда.

Ўқув жараёнининг педагогик технология тамойиллари асосида тузулган лойиҳасини, алоҳида олинган битта дарсга, битта мавзуга ёки ўқув предметининг бир қисмига ва бугун ўқув предметига тузиб чиқиш мумкин.

Педагогик технологияни яратиш тамойилларининг **бириңчиси** – ўкув предметини бир бутунлик сифатида кўриб, ундағи турдош билимлар йиғиндисини мантиқий тугалланганилиги асосида «катта», «ўрта» ва «кичик» модулларга ажратиб чиқишилик. **Иккинчиси**, муайян фандан кутилган умумий мақсадни ҳамда умумий мақсаддан келиб чиққан ҳолатда, унинг қисмлари (катта модул) ва дарслари (ўрта модул) ҳамда дарс ичидағи кичик модулларнинг ҳар биридан кутилаётган мақсадларни идентификациялаштириб чиқиши ҳамла кичик модуллар ичида ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар тизимини аниқлаб олиш; **учинчиси** – дарс модуллари ичида ечиладиган масалаларнинг ҳар бири бўйича тест саволларини тузиб чиқиш; **тўртичиси** – мақсадлар аниқ бўлиб, тест саволлари тузилгандан кейин, мақсадларга эришиш усувлари танланиб. Улар ишлатиладиган аниқ жойларни белгилаб олиш.

Таълим жараёнига технологик ёндашув пайтида, аввал айтиб ўтганимиздек, мажму ёндашув тамойиллига биноан дарс қисмлари орасидаги зарурий боғлиқликларга ва фанлараре алоқаларга алоҳида эътибор қаратилади. Бу педагогик технологияниң **бешинчи** тамойили ҳисобланади.

Хулоса қилиб шунун айтиш жоизки, дарс бериш усувлари устида тадқиқотлар олиб бориш ҳамда янги услублар яратишида замоннинг энг илгор илмий йўналишларидан бири – ҳар бир нарса ва ҳодисага мажму сифатида ёндашиш зарур. Акс ҳолда, фаолият анъанавий тус олиб, кечаги кунни ифода этиб қолади. Шу нуқтаи назардан ҳар қандай педагогик фаолият давомида мажму ёндашув тамойили марказий ўринда туриши керак. Шундагина педагогик фаолият замонга мос бўлиб, жамият ижтимоий буюртмасини шараф билан бажариш мумкин.

## 6. Педагогик технологияни амалиётга жорий қилиш

Шундай қилиб, педагогик фаолиятнинг фалсафий жабхаларини, яъни педагогикани фалсафа билан боғлаб турган ринн таларини китобимизнинг биринчи қисмида кўриб чиқдик. Буларни яна бир маротаба эслаб кўйишнинг ўрни келди. Чунки, юқорида айтилганлар асосан назарий бўлиб, биз кўриб чиққан қонун ва қонуниятлар ҳозирча фақат бизнинг тафак куrimиздан ўрин олган. Улар ўзини педагогик амалиётда қандай қилиб намоён қилишлигини билишимиз керак. Шунин учун, бу қонун ва қонуниятларнинг ҳаётда ишлашини, замонамизнинг энг илғор педагогик усувларидан бўлган педагогик

технология мисолида кўриб чиқамиз. Бунинг учун, педагогикани фалсафа билан боғлаб турган функционал алоқаларни эслашимиз лозим.

**Биринчидан**, фалсафанинг «Онтология» деб номланган қисми, одамлар онгида йиғилган билимларнинг ўзаро интегралашувидан пайдо бўлган дунёқарашиб ўрганар экан, оламдаги барча нарса ва ҳодисалар каби дунёқарашиб ҳам ўзгариб, такомиллашиб боради. Инсон фаолияти барча соҳаларининг илми, фани ва амалиёти муайян бир вақт учун шаклланган дунёқарашибдан келиб чиқиб, ўз ҳаракатларини амалга оширишлигини ҳам англадик. Асрдан асрга дунёқарашиб ўзгариб боришлиги ҳам табиий ҳол. Бу жараён, айниқса XX асрда мисли кўрилмаган тезлиқда амалга ошиди. XXI асрда айтган жараёнимиз янада ҳам тез кечиши кутилмоқда.

XX аср бошларида пайдо бўлган «нисбийлик назария»си аввал «квант»нинг, кейин «квант майдони»нинг кашф бўлишига олиб келди. Энди оламни алоҳида-алоҳида унсурлардан ташкил топган деб билмай, бутун борлиқ бир бутунлик, ягона вужуд сифатида идрок қилинмоқда. Шу ғоядан келиб чиққан синергетик дунёқарашиб вужудга келди. У тез суръатлар билан ривожланиб, ўзининг категориал аппарати ва оламни бошқача тушуниш усувларини пайдо қилди. Шу усувлардан бири бутун борлиққа мажму сифатида ёндашиш эканлигини ҳам китобимизнинг аввалги саҳифаларидан билдик.

**Иккичидаи**, фалсафанинг «Аксиология» бўлими инсон ва жамият ҳамда улар орасидаги алоқадорликларни ўрганар экан.

**«Праксиология»** қисми эса, тинч ва фаровон жамиятнинг аъзоси бўлган инсон қандай ижтимоий сифатларга эга бўлишигини аниқлаб беришлигини тушундик. Ўқитувчи ва педагоглар, бу сифатларни, жамиятнинг ҳар бир аъзосида шакллантириб беришлиги лозимлигини китобимизнинг учинчи қисмида кўрдик.

**Учишидаи**, фалсафанинг «Гнесология» номли бўлими, билиш жараёнини ўрганишини ва у педагогларга билим эгаллаш сирларини очиб бериб, билиш жараёнининг кечиш қонуниятларини аниқлаб берар экан. Педагогик фаолият билан шуғулланадиганлар эса, уларни ўзларига тамойил сифатида қабул қилиб, ўз таълимий ҳаракатларини шу қонуниятлардан келиб чиқиб амалга оширишлари шартлигини ҳам эслайлик.

**Тўртичидан**, фалсафанинг «Методология» бўлимининг «Илмшуюослик» тармоғи фалсафа ва бошқа фанларда қўлланиладиган маҳсус тушунчаларнинг том маъносини очиб бериб, бошқаларга тушунарли бўлишилиги учун, уларнинг илмий асосланган ва маромига стган таърифларини тузиб берар экан. Буни

ҳам юқоридаги саҳифалардан билдик. Ундан ташқари, илмшунослик ҳамма илм-фан соҳаларига, шу жумладан, педагогикага ҳам, уларнинг тадқиқот олиб бориш объекти, предмети ва мақсадини аниқлаб белгилаб беришлигини ҳам тушундик.

**Бешинчидан**, фалсафанинг «Методология» деган бўлими, барча илм-фан ва амалий фаолият соҳаларининг методологик базасини яратиб беришлиги бизга маълум бўлди.

**Китобимизнинг иккинчи қисмидан**, биринчи бўлимидағи фалсафа қонун, қоида ва тамойилларидан фойдаланиб, педагогиканинг илмий асосланган назариясини тартибга келтириб чиққан эдик. Шулар ичига педагогиканинг маҳсус тушунчаларига илмий-фалсафий нуқтаи назардан шарҳлар беришга уриндик. Шу вақтгача педагогика илмининг тадқиқот объекти ҳамда предмети баҳс ва мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда экан, биз илмшунослик қонун ва қоидаларидан келиб чиқиб, педагогика илмининг ҳақиқий тадқиқот олиб бориш объекти ва предметини аниқладик. Педагогиканинг назарий асосларининг бошқа жабҳаларини ҳам ҳар томонлама таҳлил қилиб, ўз фикримизни айтдик.

Навбатдаги сатрларда, «Педагогиканинг фалсафий жабҳалари» ва «Назарий асослари» деган бўлимларида айтилган гаплар ўқитишининг «Педагогик технология» деган усулида қандай қилиб ўз ифодасини топғанлигини кўриб чиқамиз.

Юқорида педагогик технологиянинг назарий асослари устидаги сўз юритилди. Унда педагогик технологияни яратиш учун, авваламбор, муайян фанни бир бутунлик сифатида идрок қилиб, уни ундаги турдош билимлар йиғиндисига қараб ва мантиқий тугалланганлигини ҳисобга олиб, «кatta», «ўрта» ва «кичик» деган модулларга ажратиб чиқишимиз лозим экан.

Фалсафа қонунларини ҳамда педагогиканинг назариясидағи қонун, қоида ва принципларини, шунингдек, педагогик технологиянинг тамойилларининг педагогик амалиётда қўллашиб йўлларини, шу куннинг энг долзарб масаласини ечишга қаратилган «Маънавият асослари» фанининг битта дарси мисолида кўриб чиқамиз.

«Маънавият асослари» ўқув фани орқали бериладиган билимларнинг ўзига хос хусусиятига кўра, унинг ўқув жараёнини маъруза ва семинар машғулотларига ажратмадик. Билим беришни ва берилган билимларни кўникмага айлантиришни, яъни таълим жараёнини тарбия жараёнидан ажратмай, уларни қўшиб олиб боришни лойиқ кўрдик. Бу фанга ажратилган 40 ўқув соатини жуфт соатларга айлантирганда, бу ўқув фани 20 дарсдан иборат бўлди.

Педагогик технологиянинг биринчи тамойили, фандаги билимларнинг ўзаро ўхшашлиги ва мантиқий тугалланганингига қараб, уларни турухлаштириб, модулларга ажратиш. «Маънавият асослари» фанини бир бутунлик деб ҳисоблаб, ундаги 20 дарсни мазмун моҳиятидан келиб чиқиб, тўртта «кatta модулга (бўлакларга) ажратдик. 1-модуль асосан ушбу ўқув фанининг назарий асосларини очиб беришга йўналтирилган бўлиб, олтида дарс мавзуларини ўз ичига олади. 2-модуль «Маънавиятнинг такомиллашув босқичлари» деб номланиб, унда асосан ўзбек ҳалқи маънавиятининг тарихий шаклланиши босқичлари ифодаланган. Бу модулда ўзаро узвий боғлиқ бўлган бешта мавзу бор. 3-модулга «Маънавий етуклик фазилатлари» деб ном берилиб, бу ном остида бешта мавзу тўплантан. 4-модуль «Маънавиятни шакллантирувчи босқичлар ва воситалар» деб номланиб, тўрт мавзуни ўз ичига олган. Бу 20 мавзуни биз ўрта модуль деб номладик.


Шу билан бирга, ҳар бир дарс (ўрта модуль) ичидаги олти, беш, тўрт элементларини «кичик модуль» деб атадик. Жами «Маънавият асослари» фани бўйича тўрта катта модуль. Йигирматга ўрта модуль (дарс) ва ҳар бир ўрта модуль ичida ўртача бештадан, жами 100 та кичик модулга бўлиб ташладик. Фанининг умумий мақсади ҳамда ҳар бир ўрта модулларнини ва ичидаги кичик модулларининг мақсадлари аниқланди. Педагогик технология асосида дарс лойиҳасини тузинининг иккинчи тамойили мақсадларни аниқлаш экан. «Маънавият асослари» фанининг умумий мақсади 11-расмда ифодаланган.

**Тўртта катта модулларнинг мақсадлари** 12-расмда кўрсатилган. Унда мисол тариқасида фақат биринчи катта модуль мақсади тўлалигича берилган, қоянлари ҳам шунга ўхшаш бўлади.

**Биринчи ўрта модуль ва унинг ичидаги кичик модулларининг мақсадлари.** Биринчи ўрта модуль «Маънавият – инсонийлик мезони» деб номланиб, у бешта кичик модуллардан иборат. Ҳар бир модулнинг олдига қўйган мақсади бўлиб, улар биргаликда дарснинг асосий мақсади томон интилиб, биринчи ўрта модулнинг мақсадини ташкил қиласди (13-расмга қаранг). Бошика ўн тўққизта ўрта модулларнинг мақсадлари ҳам шу тариқа аниқланади.

## **Педагогик технология асосида тузиладиган дарс (ўрта модуль) лойиҳасини тузиш алгоритми**

Педагогик технология лойиҳасини тузиш  
жараёнининг босқичлари



*10-rasm.*

## **Педагогик технология асосида тузиладиган дарс лойиҳаларининг биринчи босқичи – «Маънавият асослари» фаннинг умумий мақсади**


Маънавият асослари фанининг умумий мақсади – ўқувчи ва талабалар инсонни бошқа мавжудотлардан асосий фарқи унинг маънавияти эканлигини ва маънавият асосини билим ташкил қилишигини сўз билан айтиб, доскага чизиб кўрсатиб беришига эришиш; инсон маънавиятининг асоси билим бўлганлиги туфайли, талабалар билимларни ўзларига тўплаб, уларни амалиётда қўллаб, кўнукма, малака босқичларидан ўтказиб, ҳаёт тарзига айлантириш йўлларини чизиб кўрсатиб, тушунириб бера олиши; талабалар миллий маънавиятимизнинг такомил босқичларини кўрсатиб бериб, уларни шакллантиришда иштирок этган аллома ва уламолар, олиму фозиллар фаолиятини равон айтиб бериши ва ўзларида бу шахсларга таҳлил қилиш туйғусини уйготиши; маънавий баркамол инсон сиймоси моҳиятини очиб бериб, унга эришиш сирларини айтиб бериб, ўзида пайдо бўлган, комил иссон бўлиш истагини намоён қила олишига эришиш.

*11-rasm.*

## **Катта модуллар мақсади**

### **Биринчи катта модуль (мисол тариқасыда)**

Бу модуль асосан «Маънавият асослари» фанининг назарий асосларини ёритиб беришга багишланган бўлиб, унинг асосий мақсади: талабалар инсон маънавиятининг моҳияти ва унинг шаклланиш босқичларини, шунингдек, қадрият, маданият, маърифат ва бошқа маҳсус тушунчаларнинг том маъносини сўз орқали очиб беришлари; талабалар маънавиятнинг ижтимоий ҳаёт, иқтисодиёти ва сиёsat билан боғлиқлигини ҳамда «миллий форя ва миллий мафкура» тушунчалари мазмунини айтиб бериб, ўзбек халқининг ўзлигига қайтиш жараёнидаги мафкуранинг моҳиятини сўз орқали айтиб беришлигига эришиш.



*12-pacM.*

**Педагогик технологиянинг учишчи тамоиилли**, ўрта модуллар ичидаги мақсадларни шу дарсда бериладиган билимлар билан идентификациялаштириш экан, бунда фақат феъллардан фойдаланиш тавсия қилинади. Қуйидаги феъллар мақсад тузишда иштирок этишлари мумкин (14-расм).


Педагогик технологиянинг тўртинчи тамойили модуллар ичida ечиладиган масалалар ва таянч тушунчаларни аниқлаш эканини 15-расм орқали билса бўлади.

Педагогик технологияның бешинчи тамойили модуллар ичінде ечиладиган масалалардан келиб чиқып тест **саволларини** түзиш (16-расмға қаранг).

**Педагогик технологиянинг олтинчи тамойили** – мақсадга етиш усул ва услубларини танлаб, жойини белгилаб олиш (17-расм).

**Еттинчи тамойили**, дарснинг мазмунини ифодаловчи матн лойиҳасини тузиш. Уни педагогик технология талаблари асосида лойиҳалаштирилган 1-ўрта модуль матн лойиҳаси орқали билса бўлади.

## «Маънавият инсонийлик мезони» мавзуи бўйича ўтказиладиган дарснинг мақсадлар лойиҳаси



13-расм.

### Умумий феълларга мисол

Танимоқ, кўрсатиб бермоқ, айтиб бермоқ, ишлаб бермоқ, чизиб бермоқ, ясаб бермоқ, санаб бермоқ, таърифлаб бермоқ, таҳлил қилмоқ, баҳоламоқ, тизимга солмоқ, мажмуга келтироқ ва ҳоказолар.

Махсус фанларда қўлланиладиган феълларга мисол:

#### Математикадан

- чиқармоқ,
- ҳисоблаб чиқмоқ,
- исботламоқ,
- ўлчамоқ,
- аниқламоқ,
- асосламоқ,
- айлантироқ,
- ёйиб чиқмоқ,
- ҳисобламоқ,
- санамоқ,
- тартибга келтироқ,
- ўзгартириб бермоқ.

#### Биологиядан

- текширмоқ,
- турини алмаштироқ,
- намойиш қилмоқ,
- ўзгартироқ,
- таснифлаб чиқмоқ,
- гуруҳлаштироқ,
- тавсифламоқ,
- айирмоқ,
- тизимлаштироқ,
- таққосламоқ,
- мавжуд бўлмоқ,
- олдин бўлмоқ.

14-расм.

### Биринчи ўрта модул(дарс) ичидаги билимлар мажмуи ёки таянч тушунчалар

Маънавиятли бўлишнинг ижтимоий аҳамияти – обрўли бўлиш, иқтисодий аҳамияти – ишнинг унумдорлигини ошириш ва сиёсий аҳамияти – эркин бўлиш; ақлли жонзор (*Homasapins*); биологик моҳият; ижтимоий моҳият; биоижтимоий (биосоциал); билим; кўнингма; малака; ҳаёт тарзи – маънавият деган тушунчаларнинг моҳияти.

2-дарс ичидаги билимлар мажмуи ёки таянч тушунчаси

*N*-дарс ичидаги билимлар мажмуи ёки таянч тушунчалар

15-расм.

**Биринчи дарс бўйича талабалар билимини аниқлаш  
учун сўров варақаси**

(Сиз «тўғри» деган жавоб тўғрисидаги катакка белги қўйинг).

| Т\р | Саволлар  | Мумкин бўлган жавоблар |  | Тўғри жавоб | Рейтинг бали |
|-----|---|------------------------|--|-------------|--------------|
| 1   | 2   | 3                      |  | 4           | 5            |
| 1.  | Ўзбекистон аҳолиси-нинг маънавиятини кўтаришга эҳтиёж борми?                        | a                      | Ҳа   |             |              |
|     |   | б                      | Йўқ  |             |              |
| 2.  | Ўзбекистонда маънавий юксак кишиларга ижтимоий буюргма бўлишининг сабаблари нимада? | a                      | Мустақил фикр-ловчиларга эҳтиёж бўлганилиги учун                   |             |              |
|     |   | б                      | Мустабид тузум даврида кишилар маънавияти пасайиб кетганилиги учун |             |              |
| 3.  | Маънавий бой бўлишнинг ижтимоий аҳамияти нимада?                                    | a                      | Ижтимоий қуввати ошади   |             |              |
|     |   | б                      | Имони мустаҳкам бўлади   |             |              |
| 4.  | Маънавий бой бўлишнинг сиёсий зарурлиги нимада?                                     | a                      | Сиёсатга фаол аралашади  |             |              |
|     |   | б                      | Ҳеч кимга тобе бўлмайди  |             |              |
| 5.  | Маънавий бой бўлишнинг иқтисодий фойдаси нимада?                                    | a                      | Меҳнат жараённида янгилишмайди                                     |             |              |
|     |   | б                      | Меҳнат самарадорлиги ошади   |             |              |
| 6.  | Инсоннинг биоижтимоий моҳияти нимада?   | a                      | Йигдан билимида  |             |              |
|     |   | б                      | Биологик моҳияти баробарида ижтимоий моҳияти борлигига             |             |              |
| 7.  | Ижтимоий моҳият нималардан ташкил топган?   | a                      | Фойдали билимлардан  |             |              |
|     |   | б                      | Ахлоқ ва одобдан   |             |              |

| 1   | 2  |   | 3   | 5 | 6 |
|-----|--|---|---|---|---|
| 8.  | Ижтимоий моҳиятни шакллантирувчи барча босқичлар.  | а | Оила, жамоа, давлат, оммавий ахборот воситалари                               |   |   |
|     |  | б | Оила, жамоат жойлари, меҳнат жамоаси, давлат, оммавий аборот воситалари       |   |   |
| 9.  | Қандай қилиб билим кўникмага айланади?             | а | Хаёлида тақрорлайверса  |   |   |
|     |  | б | Ҳаётида бир неча бор синаб кўрилса  |   |   |
| 10. | Қайси ҳолатда билим маънавиятга айланади?          | а | Билимни ҳаётда қўлланганда автоматлашган ҳаракатларга айланганда              |   |   |
|     |  | б | Билим ҳаётда қўлланавериб, ҳаёт тарзига айланганда                            |   |   |
| 11. | Маънавият тушунчасининг тўлиқ таърифини белгиланг. | а | Маънавият инсон қалбидаги илоҳий нур  |   |   |
|     |  | б | Киши эгаллаган билимлар ҳаётида тақрорланавериб, ҳаёт тарзига айланган ҳолати |   |   |
| 12. | Билим нима?  | а | Бир бутунни ташкил қилиб турувчи қисмлар орасидаги зарурий боғлиқлик          |   |   |
|     |  | б | Ахборот   |   |   |
| 13. | Маънавиятли бўлиш нима учун керак?                 | а | Эркин бўлиш учун  |   |   |
|     |  | б | Обрў-эътиборли бўлиш учун   |   |   |

16-расм.

**1-дарснинг тури, типи ва ичидағи модулларда қўлланиладиган  
усул ва услублар ҳамда уларнинг қўлланиш жойлари**

| Дарснинг тури, типи ва унда қўлланиладиган усул<br>ва услублар   | Қўлланиш<br>жойлари |
|--|---------------------|
| Дарс тури – аралаш<br>Дарс типи – янги билимлар эгаллаш  | Дарс мобайнида      |
| Усул тури – муаммоли баён<br>Усул типи – оғзаки ва кўргазмали<br>Услублар – тушунтириш, чизиб кўрсатиш | 1-модуль            |
| Усул тури – муамолли баён<br>Усул типи – оғзаки ва кўргазма<br>Услублар – тушунтириш, чизиб кўрсатиш   | 2-модуль            |
| Усул тури – мунозара<br>Усул типи – оғзаки<br>Услублар – суҳбат, тушунтириш                            | 3-модуль            |
| Усул тури – тест<br>Усул типи – ёзма<br>Услублар – белгилаш  | 4-модуль            |
| Усул тури – баён<br>Усул типи – оғзаки<br>Услуб – тушунтириш   | 5-модуль            |

*17-расм.*

**1-ўрта модуль «Маънавият – инсонийлик мезони»  
мавзууда ўтказиладиган дарснинг таркибий тузилиши  
ва мазмунининг лойиҳаси**

**1-кичик модуль**

***Саволлар:***

1. Мустақилликка эришган давлатнинг миллий маънавиятга бўлган эҳтиёжи.
2. Маънавий бой бўлишнинг ижтимоий аҳамияти, сиёсий зарурлиги ва иқтисодий фойдаси.

Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичи жамиятимиҳаётининг барча жабхаларида туб сифат ўзгаришлар амалга оширилаётганлиги билан белгиланмоқда. Бу улкан вазифани ҳал этиш фуқароларимиз ақлий фаоллигини ошириб бориш ва маънавиятини камол топтириш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилиши инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқатdir.

Бунинг учун жамият маънавий ҳаётини маълум даражада ўзгартириб, уни такомиллаштириш лозим. Одамларнинг маъ-

навияти «маънавият», «маърифат», «маданият», «сие sat», «иқтисодиёт» ва бошқа шунга ўхшаш тушунчаларнинг том маъноси ва уларнинг таркиб топиши механизмларини билиш ҳамда киши маънавияти такомиллашувишининг тарихий босқичларидан хабардор бўлиш, шунингдек, шахсий маънавиятини шакллантириш йўл-йўригини билиб олиш билан чамбарчас боғлиқдир. Буларни ёшларга тушунтириб бериш вазифаси «Маънавият асослари» ўқув фанига юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тарихий 14-сессиясида мамлакатимизнинг XXI асрдаги ривожланиш истиқболлари белгилаб берилди. Мазкур сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов сўзлаган нутқида жамият маънавиятини янада юксалтириш ўйлидан боришини энг устувор ўйналиш сифатида уқтириб ўтган. Жумладан: «Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириши масаласи олдимиизда турган энг долзарб вазифадир», — деган эди Президент. Ҳақиқатан ҳам, билимсиз ва маънавияти паст одам кўрқоқ бўлади, шунинг учун ҳам эркин бўлмайди.

Ёш авлодни замон талабларига жавоб берувчи эркин шахса ва етук мутахассис қилиб етиштиришида маънавиятиниң аҳамиятини ҳисобга олиб, 1994 йил Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ташкил қилинган эди (кейин жамоатчилик Кенгашига айлантирилган). Бу марказ ишини фаоллаштириш тўғрисида 1996 йил 9 сентябрда чиқарилган Президент Фармонидан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг барча ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий ўқув юртларида 1997 йилдан бошлиб «Маънавият асослари» ўқув предмети ўқитила бошланди. Бундай билимларни ёшларга беришдан асосий мақсад — уларга инсонни бошқа мавжудотлардан ажратиб турувчи нарса унинг ижтимоий моҳияти, шу жумладан, ижтимоий моҳиятиниң такомили ҳисобланган маънавияти эканлигини ҳис қилдириш, инсон маънавиятини шакллантирувчи нарса билим эканини ва унинг такомиллашув босқичларини билдириб, уларда ўз маънавиятини тинмай ошириб бориш кайфиятини пайдо қилиш; билим олиш ва упи амалий ҳаётда тақрорлайвериш натижасида маънавиятиниң бойиши жараёнида ишлатиладиган асосий тушунчаларнинг том маъноси билан талабаларни таништириш; миллий маънавиятимизнинг такомил босқичларини кўрсатиб бериб, уларни шакллантиришида иштирок этган олим-ў донишмандлар, аллома-ю уламолар билан ёшларни таништириб, ўзларида уларга тақлид қилиш туйғусини уйғотиш; маънавий баркамол инсон сиймоси моҳиятини очиб бериб, унга етиш сирларидан ёшларни воқиф қилишдир.

Кўриб турганимиздек, киши юрт ичидা обрў-эътиборли ма эркин бўлиши учун маънавияти юқори бўлиши, ўз маънавияти такомили устида тинмай ишлаши шарт. «Маънавият асослари» ўқув предмети одамнинг ўз устида ишлаш сирларини сизларга очиб беради. Яъни, баркамол инсон бўлишингизга илмий йўл кўрсатиб беради.

Маънавий баркамол бўлишнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтиодий аҳамияти ҳам бор.

**Ижтимоий аҳамияти** – одамнинг эгаллаган билимлари ҳаёти да тақрорланавериб, унинг ҳаёт тарзига айлангандан кейинни кишининг ижтимоий қуввати ошади. Ижтимоий қуввати юқори одамнинг жамият ичидা обрўси ҳам юқори бўлади Шунинг учун ҳам у ўзини эркин ҳис қиласди. Эркинликка эса ҳамма интилади.

**Сиёсий аҳамияти** – киши ҳаёти давомида диний, ахлоқий, табиий, касбий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа турдаги билимларни эгаллаб, уларни руҳига сингдириб олганидан кейинни ижтимоий қуввати ошиб, ўзини руҳан кучли ҳис қиласди. Ўзини руҳан кучли ҳис қилган ва интеллектуал қувватига ишонгани, сиёсат тушунчасининг том маъносини тушунган киши бошқа рувчиларнинг тазиётига қарши тура олади.

Одамнинг сиёсатдонлардан чўчиши ва сиёсий лоқайдилиги фақат унинг билими етишмаслигидан ва «сиёсат» тушунчасининг ҳақиқий мазмунини билмаслигидан ёки қандайдир гуноҳи борлигидан бўлиши мумкин.

Эл ичидা кўкрак кериб, бошини баланд кўтариб юриш учун айб ва гуноҳ ишлар қилмай, ўз маънавиятини ошириб борини керак.

**Иқтисодий самараси – биринчидан**, киши эгаллаган, шу жумладан, иқтисодиётдан, фойдали билимларини меҳнат жараёни да қўллаши натижасида, унинг меҳнат самарадорлиги ошади.

**Иккинчидан**, кўп билган ва бу билимларни ҳаётга татбиқ қила оладиган киши ҳеч қачон янглишмайди. Бу эса уни ҳар турли, шу жумладан, иқтисодий инқизозлардан сақлади.

**Учинчидан**, маънавияти юқори одамнинг моддий бойликка бўлган эҳтиёжи жиловланган бўлади, яъни у тежамкор бўлади. Очкўзлик ҳамда мол-дунёга берилиб кетиш киши маънивияти пастлигидан далолат беради.

Ушбу гапларни англаб етган бўлсангиз, маънавиятингизни тинмай ошириб боришга жазм қилдингизми? Ундай бўлса яхши!

Дарсимизнинг шу қисми бўйича саволлар борми? Маънивият ўзи нима, дейсизми? Жуда тўғри, вақтида берилган са

вол. Дарсизнинг кейинги қисми, айнан мана шу «маънавият» тушунчасини ёритишга қаратилган. Бошқа саволлар бўйламса, диққат билан эшишиб, мен берадиган йўналтирувчи саволларга жавоб беришда фаол қатнашинг. «Маънавият» нима? деган саволга биргаликда жавоб топамиз.

## 2-модуль

### *Унинг учун қуйидаги саволларга жавоб топамиз.*

1. Инсон «биоижтимоий мавжудот».
2. Ижтимоий моҳиятини ташкил қилувчи қисмлар.
3. Билимнинг қўникумага, сўнг малакага ва ҳаёт тарзига айланishi.
4. «Маънавият» тушунчасининг илмий таърифи.
5. «Билим» деган тушунчанинг мазмуни.

Ҳозир тушган саволга ким жавоб беради?

Қани, айтинглар-чи, маънавият ўзи нима? Ким жавоб беради? Фаолроқ қатнашинглар. Янгилиш айтиб қўяман деб уялманглар. Бу савол анча мураккаб, унга шу кунда етук олимлар ҳам тўлиқ жавоб беришга қийналмоқдалар. Аммо, биз биргаликда бу саволга, албатта, жавоб топамиз. Қани, жавоб беринг. Кимда қандай фикр бор, қани! Доскага ёзаман. Саволга қуйидаги жавобларни эшиштапман. Маънавият – бу ахлоқийлик, маънавият – бу ақёлилик, маънавият – бу билимлилик.

Жавобларингиз умуман нотўғри эмас. Аммо тўлиқ ҳам эмас. Бу табиий ҳол. Сизлар мураккаб бир тушунчанинг у ёки бу хусусиятларини айтдингиз, холос.

Диққат! Маънавият тушунчасига таърифни биргаликда тузамиз. Бунинг учун мен сизларнинг фикрингизни етаклайман. Сизлар эса, фаол фикр юритиб, менинг етовимга юрасизлар. Келишдикми? Жуда яхши! Бошладик.

Бу тушунчага таърифни тузиш учун, аввало, бир қатор майдароқ, аммо муҳим саволларга жавоб олишимиз керак. Жумладан: маънавият тушунчasi ўзи кимга тегишли. Қани, жавоб беринг-чи. Жуда тўғри жавобни эшилдим. Маънавият фақат инсонга тегишли тушунча. Кейинги савол. Инсоннинг бошқа мавжудотлардан фарқи нимада? Тўғри, маънавиятида. Аммо маънавият бу – ҳосила. У ниманинг ҳосиласи? Жуда тўғри, ақлининг ҳосиласи. Шунинг учун ҳам қадимда инсоннинг лотинча номини «*Homasapieus*», яъни «Ақлли жонзор» деб қўйилган.

Бундай қараганда, бу тушунча тўғрига ўхшайди. У маълум даражада тўғри ҳам. Аммо чукурроқ фикр юритиб қўрайлик. Ҳамма одамларда ақл бор. Бири уни кўп ишлатади. Бири оз-

роқ, бири умуман ишлатмайды. Юқоридаги таърифга қараганда, буларнинг барчаси «Ақлли жонзот» бўлиб чиқмоқда, ақлини ишлатса ҳам, ишлатмаса ҳам. Бу адолатдан эмас, албатта. Ундан ташқари, таърифлар назариясига биноан, ҳар қандай таъриф ўз ўлчамларига эга бўлиши шарт. Бошқача қилиб айтганда, таърифни тузишда уни маълум бир ўлчамлар билан ўлчаш керак бўлади. «Homasapiens» тушунчаси орқали одамнинг ақлийлик даражасини ўлчаб бўлмайди.

Қани, айтинглар-чи, одам ақлинин юритиши натижасида нима содир бўлади? Баракалла, жуда тўғри жавоб. Билмаганини билиб олади. Демак, одам ақлинин ишлатиши натижасида билимга эга бўлади. Ақлинин қанча кўп ишлатса, билими шунчалик кўпайиб бораверади. Ақлинин ишлатмаса-чи? Билимсиз бўлиб қолаверади. Бу ҳол ҳаммага аёндек бўлиб туюлмоқда. Диққат қилиб туринг! Ушбу ҳаммага аён нарсадан янги бир билимни келтириб чиқарамиз. Бизга маълумки, билимларнинг тури жуда кўп. Диний, ахлоқий, табиий, касб-хунар, фалсафий, сиёсий, иқтисодий, гуманитар ва ҳ.к. Киши бу билимлардан истаган микдорда ва кераклича ҳажмда олаверади. Натижада, ҳар бир одамда турли-туман билимларнинг ҳар тури ҳажмдаги йигиндаси найдо бўлади. Инсондаги ана шу билимлар йиғиндисини нима деса бўлади? Қани, жавоб беринглар-чи! Жавоб йўқ. Бу ҳам табиий ҳол. Чунки бу савол сизлар учун янги ва анча мураккаб. Мураккаб, аммо билса бўлади. Ҳозир уни билиб оламиз. Диққат қилиб эшитинг ва дафтарингизга ёзиб қўйинг. **Кишининг ақлий фаoliyati натижасида тўшлаган билимлар йигиндиси унинг ижтимоий моҳияти дейлади.** Биология фанидан бизга маълумки, инсоннинг биологик моҳияти мавжуд. Унга инсон танасининг ўлчамлари, қалид-қоматининг шакл-шамойиллари, терисининг ранги, юз-кўз тузилиши, қопининг иссиқлик даражаси ва бошқа биологик кўрсаткичлари киради. Энди билдики, инсоннинг биологик кўрсаткичлари билан бир қаторда, унинг ижтимоий кўрсаткичлари ҳам бор экан.

Яна қайтариб айтаман. Диққат билан эшитинг ва фикр юритинг – инсоннинг биологик моҳияти билан бир қаторда ижтимоий моҳияти ҳам бор экан. Бундай қўшма моҳиятга эга нарсани нима деса бўлади? Қани айтинглар-чи. Буни «Биоижтимоий мавжудот» деса бўладими? Албатта бўлади, чунки у бир вақтнинг ўзидаги ҳам биологик моҳиятга, ҳам ижтимоий моҳиятга эга. **Иисон – «Биоижтимоий мавжудот», яъни «Биосоциум» ҳам деб юритилади.**

Диққат қилинг, ҳали «маънавият» тушунчасининг таърифини тузмадик. Ҳамма ҳаракат мана шу таърифни топишга

қаратылмоқда. Фикримизни давом эттирадиган бўлсак, инсон биоижтимоий мавжудот экан, унинг ижтимоий моҳиятини нима ташкил қиласи? Билим деган жавобни эшитлик. Бу тўғри. Савол: Бу билимларни инсон қандай қилиб ва қаердан олади? Жуда тўғри, ақлинни ишлатиб, объектив борлиқдан ёки билим манбай бўлган фанлардан, китоб, журнал ва ҳоказолардан олади. Киши эгаллаган билимларини ўзида сақлаши натижасида унинг билими йигилиб, ошиб бораверади.

Энди сизларга яна бигта савол – бу билимлар инсоннинг қаерида ва қай тарзда сақланади? Ўзида, дейилди. Яхши. Хотирасида, дедингизми? Бу ҳам маъқул гап. Жавоблар умуман тўғри. Энди буларни чуқурроқ идрок қилиб кўрамиз. Бу сиз ўйлагандек оддий эмас. Диққат билан мени тингланг: кишининг сезги аъзолари орқали ҳис қилинган ва тафаккури билан эгалланган билимлари бош миянинг марказида тасаввур кўригидан ўтиб, ўз тасдигини топганидан кейин орқа миядаги нейрон найчаларга жойлашиб, хотирада сақланади. Бу билимларни киши керак бўлганда хотирадан чиқариб олиб ишлатаверади.

Энди жуда қаттиқ диққат қилиб туриңг, маънавият тушунчасига яқинлашиб қолдик. Сизларга савол – инсон нима учун билим эгаллади? Керак бўлгани учун дейсизми? Нимага керак бўлгани учун? Ҳаётда ишлатиш учун дедингизми? Жуда тўғри. Инсон билимни кундалик амалий ҳаётида қўллаш учун эгаллади. Энди диққат билан эшитинг ва дафтaringизга ёзib қўйинг. **Инсон ақлий ва жисмоний ҳаракати орқали эгаллаган билимини ҳаётда бир уринишида, дарров кўллай олмайди.** Чуни, унда бу ҳаракатларга вужудида кўникма шаклланмаган. Янгидан эгалланган билим асосида ҳаракат қилиш кўникмасини ҳосил қилиш учун, киши иродасини ишга солиб, тарбиячи иштироки ва кўмагида ҳар бир ҳаракатини маълум мақсад йўналишида, шу соҳада мавжуд қонуниятларга бўйсунган ҳолда бир печа бор тақрорлашиш шарт бўлади.

Киши ўз билимларини амалий ҳаётда намоён қилишининг бир неча даражали босқичлари мавжуд.

**Биринчи босқич.** Одам эгаллаган билимларини амалиётда қўллаётганида ортиқча куч ва вақт сарфласа ҳам, мақсадига етса ва иш бажарилса, олинган билим **кўпикмага** айланган. деб ҳисобланади. Бу босқичда, инсон тафаккурида пайдо бўлган ва тасаввuri орқали ўз тасдигини топган билим жисмоний ва ақлий фаолиятлар орқали вужудига ўтиб, унинг кўникмасига айланади.

**Иккинчи босқич.** Киши ўз билимларини ҳаётда қўллайвериши натижасида, мақсадга йўналтирилган ҳаракатлари ор-

тиқча күч сарфламай, равон амалга оширилиши **малака** дейилади. Бунда билим вужудга сингиб, автоматлашган ҳаракатга айланиб кетади. Тафаккур фақат кишининг мақсадли ҳаракатини назорат қилиб туради, холос.

**Учинчи босқич. Инсон, она қорнидан бошлаб, ҳәёти давомида орттирган фойдали билимларини амалда кўллайвериши натижасида, унда ҳосил бўлган кўникма ва малакалар такомиллаша бориб, руҳига сингтан ва ҳәёт тарзига айланган ҳолатини маънавият дейилади.**

Бу босқичдаги ҳаракатлар киши руҳи ва вужудининг зарурӣ ҳаракатига айланиб, тафаккур уларни деярли назорат қилимайди. Ҳаракатлар беихтиёр кечади.

Хозирги гаплардан келиб чиқиб, маънавият тушунчасига қўйидаги фалсафий, яъни умумлашган таърифни берса бўлади. Ёзинг! **Маънавият – бу кипининг эгаллаган фойдали билимлари ҳәётида сипалавериб, кўникма ва малака даражаларидан ўтган ва руҳига сингиб, ҳәёт тарзида акс этадиган ижобий ижтимоий одатлар мажмуудир....!**

Дикқат қилинг! Инсон бошқа мавжудотлардан ўзининг ижтимоий моҳияти билан ажралиб туришини билдиқ. Ижтимоий моҳият негизини билимлар ташкил қилиб, улар фойдали ва фойдасиз турларга ажралади. Фойдасиз ва ижтимоий ҳәётга зарарли билимларга ёлғон гапириш, ўғрилик қилиш ва ҳоказолар киради. Улар инсон маънавиятини пасайтириб, ижтимоий ривожини орқага тортади. Жамият ривожи учун фақат фойдали билим (ҳикмат)лар керак. Фойдали билимларни эгаллашдан мақсад, аввало ўзига, сўнг яқин кишиларига ва бутуҷамиятга наф келтиришдир. Киши муайян фойдали билимни эгаллаб олиб, уни ҳәётида кўп маротаба ишлатиши натижасида бу билим секин-аста руҳига сингиб, маънавиятига айланиб кетади. Маънавият нима эканини, унинг шаклланиш босқичларини ҳам билдиқ. Маънавиятни нима шакллантирас экан, қани савол бериб кўрай-чи? Бошқача қилиб айтганда, маънавиятнинг асосини нима ташкил қиласди?

Бир оғиздан «билим» деган гапни эшитдиқ. Жуда тўғри. Қулоқ солиб туринг, энг қизиқ саволни бераман. Киши маънавиятининг асосини ташкил қилувчи ва сизлар бир неча йиллардан бери ўқув муассасаларига қатнаб олаётган нарса – «билим» ўзи нима экан? «Билим ўзи нима», деган саволга жавоб беринг? «Ахборот» деган жавоб олдим. Бу тўғри, билим ахборот орқали келади. Мана шу ахборот орқали келувчи ва киши онги – тафаккурини ўстирувчи, ҳәёт учун керакли бўлган (шунақа жавоблар ҳам эшитилаяпти) нарса – билим – ўзи нима?

Жавобини диққат билан әшитиб, дафтарингизга ёзиб ҳамда хотирангизда сақлаб қолинг. **Билим** – бу бир бутунликни ташкил қылувчи қисмлар орасидаги зарурый боғлиқликцидир. Бу боғлиқлик мұайян мажмұн ташкил қылувчи қисмлар тадрижининг ички заруриятыдан келиб чиққанлығи учун уни қонуният ҳам дейилади. Уларга биз таъриф, тушунча, қонун, қоюла, аниқлама деб ном бергандым.

Бу ерда бир бутунлик, яғни мажму деганда алоқида олинган атомдан тортиб, бутун Ер шари, коинот ёки алоқида олинган бир жисм, жонзот ё унинг бир аъзоси ҳам тушуннилиши мүмкін. Үнга ижтимоий ҳодиса – муҳаббат, иқтисодиёт, сиёсат ва ҳоказоларни ҳам киритса бўлади. Дарсимишинг ушбу қисмидан менга саволлар борми? Саволлар бўлмаса, дарсимиzioni хуласалаймиз.

### 3-модуль

Бугунги дарсимиzioni хуласалаб шуни айтиш жоизки, инсон биоижтимоий мавжудот бўлиб, унинг ижтимоий моҳияти ва такомили, унда йиғилган билимлар ҳажми ва уларни амалиётда қанчалик ишлатиб, кўникма ва малака ҳосил қилиб, маънавиятга айлантириб ултурганлик даражаси билан белгиланар экан. Шунинг учун, **узлуксиз билим эгаллаб, уларни тинмай амалиётда қўллаб бориш зарур**. Билимлар тинмай эгаллаб борилмаса, киши жамият ривожидан орқада қолиб кетади. Билим эгаллаган билан уни амалиётда қўлланилмаса, билим малака ва маънавиятига айланмайди, билими кўп бўла туриб, маънавияти паст бўлиб қолаверади. Чунки, маънавият – бу инсон эгаллаган билимлар унинг ҳаётида синалавериб, кўникма ва малака босқичларидан ўтган ҳамда руҳига сингиб, ҳаёт тарзига айланниб ултурган ҳолатdir.

### 4-модуль

Ўтилган дарсдаги билимларни қанчалик эгаллаб олганлигинизни аниқлаш ва рейтинг балларингизни синф журналига тушариш мақсадида, мазкур сўров варақасини тайёрлаб қўйганимиз. Мен уларни тарқатиб чиққанимдан кейин З дақиқа ўтгач қайтарасизлар. Мен улардаги жавобларни тезлик билан санаб, синф журналига рейтинг баҳоларингизни қўйиб чиқаман.

Катта илтимос, бир-бирингиздан кўчирманг ва маслаҳатлашманг. Бирорнинг жавобини кўчириб олиш ўғирлик билан тенг гуноҳ ҳисобланади. Бирорнинг жавобини ўзиники сифатида кўрсатиш эса ёлғондир. Сўров варақасини ҳамма ўзи тўлғазсин!!! Вақт тугади, варақларни қайтариб беринг.

## 5-модуль

Тест саволларига берилган жавоблардан күрдикки, бაъзи ўқувчи (талаба)лар дарсда диққат қилмасдан ўтирганлар. На тижада баъзи саволларга нотұғри жавоб берилган. Мұхтарам ўқувчи (талаба)лар, мазқур дарсда мен сизларга фақат билем бердим, холос. Диққат қилиб ўтирганлар уни түлиқ әгаллашди. Баъзилари кам әгаллаб қолишибиди.

Дарсда диққатсизлик билан ўтирганлар ололмай қолған билемларни олиши учун ҳамда билемларни түлиқ әгаллаган талабалар уларни күнікмага айлантириши учун, берилған ада биётларни синчиклаб ўқиб, уларни дарсда ёзиб олған мати билан солишириб ўз фикрларини конспектлар дафтариға чиройли қилиб ёзиб қўйишин. Конспект дарс бошида ёзиб олишган барча саволларга жавоб тариқасида ёзилиши керак.

Менга саволлар борми? Конспектларни қачон кўрасиз, дей сизми? Кейинги дарсда конспектларни кўраман. Яна саволлар борми? Саволлар бўлмаса, эътиборингиз учун раҳмат! Омон бўлинг! Кейинги дарсда кўришгунча, хайр!

Бу ерда педагогик технология талабидан келиб чиқиб, дарс лойиҳасини тузиш усули, «Маънавият асослари» фанинини битта дарси мисолида келтирildи. Биз тузган дарс лойиҳаси нинг бир қатор камчиликлари ва маромига етмаган жойлари бўлиши мумкин. Аммо методологик жиҳатдан у, педагогик технологиянинг барча талабларига ва тамойилларига жавоб беради. Бу мисол бошқа фанлар дарслари лойиҳасини тузиш да андоза вазифасини ўташига шубҳам йўқ. Шу андозадан ке либ чиқиб, тузилган дарс лойиҳалари сўзсиз, ўз андозасидан такомилроқ ва тўлароқ бўлишига ҳам ишончим комил.

---

## Хулоса

Асар якунида, унинг ичидағи таянч тушунчаларни ҳамда педагогик фаолиятда амал қилиниши лозим бўлган асосий қонуниятлар заминида таркиб топган қоидаларни қисқа шаклда эслатиб ўтишликни лозим деб билди.

Китоб оддий, ҳаммага тушунарли тилда ёзилгани билан, юз фоиз илмий асосда ва чукур ўйланиб ёзилди. Китобниң таркиби Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим стандартлари педагогика соҳасининг магистратура босқичига қўйилган талаблардан қелиб чиқиб тузилган.

Аввалги китобларимни ўқиган кишиларнинг бир қисми, «Жуда оддий, шу билан ҳаётий қилиб ёзисиз», яна бошқалари, «Китобингизни ўқигандага сиз билан суҳбатлашгандек бўлдим» ёки «Китобни амалиётдан олиб ёзисиз» дейишади. Менинг танқидчиларим эса: «Китобдаги гаплар ҳақиқий, шу билан илмий асослангани кўриниб турибди, аммо тили илмий тил эмас» дейишиб, менга дашином берадилар. Кетидан «Илмийроқ қилиб ёзмайизми», деб қўшиб ҳам қўйишади.

Ҳақиқатан ҳам, илмий тадқиқот билан шуғулангандар ҳар доим ҳам ўз фикрларини адабий тилда, оддий ва саводли қилиб ифода этолмайдилар. Натижада фақат ўзлари ва ўз соҳасининг тор мутахассисларидан ташқаридаги одамлар тушунмайдиган қилиб ёзадилар ва уни илмий тил деб қўйганлар. Мен бунга қатъяян қаршиман. Китоб қанчалик илмий бўлишига қарамай, кенг аҳоли тушунадиган тилда ва саводли ёзилиши керак. Ўзининг илмий тадқиқот якунларини жамоатчиликка етказишнинг бирдан бир йўли шу. Китобдаги фикрларнинг ҳаммасига ҳам кўпчиликнинг тафаккури етиб бормаслиги мумкин, аммо мингдан бир киши уларни тушуниб қолса, шунинг ўзи ҳам ютуқ. Кузатишларим шуни кўрсатдики, янги фикрлар берилган, аммо ҳаммага тушунарли қилиб ёзилган китобларнинг асл мазмунига шу соҳа мутахассисларидан кўра, оддий одамлар тезроқ етиб боришар экан. Бунинг сабабини излаб, мутахассисларнинг тафаккури аввалги билимлари билан кишиланганлигига деб билдим. Улар аввал эгаллаган билимларига ёпишиб олиб, андозали фикрдан чиқиб кетолмай, янги билимларни қабул қилгилари келмайди. Мустақил фикр юритувчи олим ва мутахассислар бундан мустасно, албатта. Мен китоб ёзганимда, бошқаларникига ўхшаб қолмаслиги учун, мендан олдин шу мавзуда қалам тебратган муаллифлар фикрларидан қочишга ҳаракат қиласман. Қонуниятлар боқий-ку, шунинг учун улар кўрсатган қонуниятларга бошқача ёндашиб,

уларни ўз дунёқарашимдан келиб чиқиб, улардан фойдаланишига ҳаракат қиласан. Аммо барча ҳаракатларим, асосан, янги қонуниятларни, яъни янги алоқадорликларни топишга йўналтирилган бўлади.

Таълим-тарбия соҳасида ҳукм сурувчи бундай қонуниятлардан биринчиси, педагогик фаолиятни ўзига касб қилиб олган ҳар бир киши ўқитаётган ўқувчи ва талабаларини чин дилидан севиши керак. Уларга ўзида бор бўлган билимни бериш у ёқда турсип, жонини ҳам беришга тайёр бўлиши лозим. Шундай устоз ота-онадай улуғ бўлади. Бола қалб эшигини фақат севган кишига оча олади. Билим эгаллаш руҳ (қалб) ҳаракати орқали амалга ошганлиги туфайли, боланинг руҳи ишга тушишлиги ва қалби сиз учун очилиши учун, сиз уни ўз фарзандингиз каби севишингиз лозим. Боланинг қалби сизга ва сизнинг билимингизга нисбатан берк бўлса, сиз берган билимларни у қабул қилмайди. Масъулиятни сезиб ёки қўрққанидан берган билимларингизни ўзини зўрлаб туриб ёд олиб, айтиб бериши мумкин. Бироқ, ёд олинган билим мустаҳкам бўлмай, хотирадан тез чиқиб кетади. Билим хотирада мустаҳкам ўрнашиши учун, бола шу билимни бераётган устозини севиши, жуда бўлмаганида қаттиқ хурмат қилиши лозим. Фақат сиз уни севсангиз, у сизни сева олади. Болалар жуда сезгир бўладилар. Бироқ, бу ҳолда муаммолар ҳам пайдо бўлиши мумкин. Устозини чин дилидан севган бола, туйгусини яшира олмай ота-онасига устозини ҳадеб мақтаганида, баъзи тафаккури паст ота-оналар боласини устозига фаш кўриб, болани устозидан, инчунин, унинг берган билимидан совита бошлайдилар. Ва оқибатда мақсадларига етиб, боланинг умуман мактабдан совиб кетишига сабаб бўладилар. Бошқа муаммолар ҳам чиқиши мумкин. Ўқитувчиликни ўзига касб қилган киши бу йўлда учрайдиган барча муаммоларни усталик билан мардонавор енгиб, болаларни севишини давом эттириши лозим ва аксинча, бунинг удласидан чиқа олмаса мутахассислигини ўзгартириши керак бўлади.

Таълим-тарбиядаги иккинчи қонуният, инчунин, билим беришнинг иккинчи қоидаси. Ўқитувчи дарсга киришдан олдин, дарслан кўзланган мақсадни, шу мақсадга етишиш жараённида бериладиган билимлар мажмуини, билим беришда қўлланиладиган дидактика тамойилларини педагогик усул ва услубларини ҳамда ўқитувчига кўмак бўладиган ахборот узатиш техника ва технологияларини тўлиқ кўз олдига келтириб, уларни яхши ўзлаштириб олган бўлиши шарт. Бу мураккаб вазифали, юқорида кўрганимиздек, педагогик технология тамо-

йиллари асосида тузилган дарс лойиҳаси бажара олади, холос. «Ҳар йили, ҳар бир дарсга лойиҳа тузиш учун вақт қаёқда?» деманг. Лойиҳа бир маротаба яхши тузилган бўлса, кўп йилга етади. Фақат унинг матн мазмунинига ҳар йили бир оз ўзгартириш киритишингиз мумкин. Бир-икки йил кўпроқ меҳнат қилиб, ҳамма дарсларнинг лойиҳасини тузиб олсангиз, бир умр қийналмайсиз. Акс ҳолда, дарс бераман деб, бутун умрингиз азобда ўтиши мумкин.

**Учинчи қоида.** дарс лойиҳасини тузаттганда ёки тайёр лойиҳадан фойдаланаётганда, фақат ва фақат мажмулар назариясидан келиб чиқувчи таълим-тарбия жараёнида учрайдига нарса ва ҳодисаларга, мажму сифатида ёндашинига ҳаракат қилинг. Улар – дарснинг ўзи, дарс жараёни, дарсла бериладиган билимлар ёки дарсда қўлланиладиган усул ҳамда услублар ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Нима бўлишидан қатъи назар, уларга мажму сифатида ёндашиш керак бўлади. Шунда дарс жараёни осон кечади, ўзингиз ҳам, таълабалар ҳам қийналмайсиз. Шунда дарс юқори даражада самарали ўтади. Бутун борлиқка мажму сифатида ёндашиш тамойили XXI аср кишисининг фикр юритиши тартибидир. Бундан орқада қолиш керак эмас.

**Тўртинчи қоида.** Билим берганда юз фоиз дидактика тамойилларидан келиб чиқиб ҳаракат қилиши талаб қилинади. Шу кунга келиб, Ўзбекистон ҳудудида таълим-тарбия жараёнида амал қилиниши лозим бўлган қўйидаги дидактика тамойиллари қабул қилинган: онглилик ва фаоллик; кўргазмалилик; тизимлилик ва мунтазамлилик; мустаҳкамлик; тушинарлилик; илмийлик; назария ва амалиёт бирлиги. Бу етти тамойил ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, бир-бирини тақозо этади. Педагогик амалиётда буларнинг барчасига бирдай амал қилишилик талаб қилинади.

**Бешинчи қоида.** Дидактика тамойилларидан келиб чиқиб дарс ўтишлик бу методологик асоснинг бир қисмига амал қилишлик ҳисобланади. Методологик асоснинг иккичи қисмига амал қилиши деганда, шу фандан, шу дарслан, ҳар бир ҳаракатингиздан кутилаётган мақсадларнинг асосий кўрсаткичларига ориентир олишликдир. Яъни, ҳар бир қиласиган ҳаракатингиз натижаси таълим-тарбия жараёни якунида кутилаётган мақсадлар кўрсаткичлари билан мос тушини шарт. Ҳар бир ўқитувчи ва педагогининг мақсади болани комиллик томони етаклаш. Комил инсон кўрсаткичлари юқорида берилган.

**Олтинчи қоида.** Ўқитувчи ва педагогларнинг бошқа одамлардан фарқи, улар айтадиган ҳар бир сўзниң том маъносини

ўзлари яхши билишлари шартлигидә. Акс ҳолда, талабалар ва бошқа одамлар олдида уялиб, обрўйи тушиб қолиши ҳеч ган эмас. Бунинг учун ўқитувчилар, ушбу китобда берилган фалсафа ва педагогиканинг маҳсус тушунчаларини тўлиқ ўзлаштириб олишлари ва улардан эркин фойдалана олишлари лозим. Ундан ташқари, ҳар қандай ўқитувчи ва педагог, ҳаётда учрайдиган ўзига янги бўлиб туюлган атама ва тушунчаларнинг том маъносини билиб олсин. Бунинг учун, алоҳида умумий дафтарни атамалар луғати қилиб қўйса бўлади. Шунда у маънавиятли ўқитувчи мақомига эга бўлади.

**Еттишчи қоида.** Ҳеч қачон ва ҳеч бир вазиятда ўқитувчи ўзининг руҳий мувозанатини йўқотмаслиги, асабини бузмаслиги, босик бўлиши, очиқ бўлиши, ҳеч бир ҳолатда ёлғон сўзламаслиги шарт. Бунинг интеграллашган ягона йўли ўқувчи ва талабаларини севиш. Севган кишисидан одам ҳеч вақт ўпкамайди, ундан ҳеч қачон жаҳди чиқмайди, доим унга кулиб қараб, унга кўзи тушганда дарров ҳушёр тортиб қолади. Севган одамга киши ёлғон гапира олмайди, унга ҳеч қачон ёмонлик истамайди. Шунинг учун ҳам биз таълим-тарбия беришнинг биринчи тамойили ва қоидаси қилиб талабаларни севишни қўйдик ва китобимизни севиш барча муаммоларни ҳал қилишлигининг исботи билан тутатдик.

---

# МУНДАРИЖА

|                |   |
|----------------|---|
| Сўз боши ..... | 3 |
|----------------|---|

## ПЕДАГОГИКАНИНГ ФАЛСАФИЙ ЖАБҲАЛАРИ

|  |    |
|--|----|
| <b>1. Педагогикадаги фалсафа тушунчалари</b>                         |    |
| 1.1. Инсон тушунчаси ва киши маънавиятининг шаклланиши .....         | 9  |
| 1.2. Маънавият, қадрият, маданият, адабиёт, санъат ва маърифат ..... | 12 |
| 1.3. Билим, илм, фан ва таълимот .....                               | 20 |
| 1.4. Тахмин, гипотеза, концепция, амалиёт ва назария .....           | 28 |
| 1.5. Усул, услуга ва методология .....                               | 31 |
| <b>2. Квант назарияси асосидаги дунёқараш</b>                        |    |
| 2.1. Квант назарияси ва синергетика .....                            | 35 |
| 2.2. Ижтимоий синергетика .....                                      | 39 |
| 2.3. Мажмулар назарияси ва мажму ёндашув тамойили .....              | 43 |
| 2.4. Педагогик фаолиятда мажму ёндашув .....                         | 51 |
| 2.5. Педагогик жараён мажмуи .....                                   | 54 |
| <b>3. Киши ижтимоий моҳиятини шакллантирувчи манбалар</b> .....      | 59 |
| 3.1. Мустақил билим эгаллаш .....                                    | 62 |
| 3.2. Оиласда таълим-тарбия .....                                     | 63 |
| 3.3. Узлуксиз раесмий таълим-тарбия .....                            | 65 |
| 3.4. Оммавий ахборот воситалари .....                                | 70 |
| 3.5. Ижтимоий муҳит .....  | 70 |

## ПЕДАГОГИКАНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

|  |     |
|--|-----|
| <b>1. Педагогиканинг махсус тушунчалари .....</b>                          | 72  |
| <b>2. Педагогика илмининг тадқиқод обьекти, предмети ва мақсади .....</b>  | 78  |
| <b>3. Педагогика фани ва амалиётининг методологик асослари .....</b>       | 80  |
| 3.1. Диалектика қонунлари педагогика учун методологик асос .....           | 82  |
| 3.2. Педагогика фани мажмуи ва унинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги ..... | 84  |
| 3.3. Дидактика, унинг тамойиллари ва қонун-қоидалари .....                 | 92  |
| 3.4. Дарс турлари ва типлари .....   | 111 |
| 3.5. Миллий педагогиканинг гипотетик асослари .....                        | 114 |

## ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТ

|  |     |
|--|-----|
| <b>1. Педагогик амалиёт йўналтирилган объект ва узлуксиз таълим-тарбия якунида талабалар эришиши лозим бўлган сифатлар .....</b> | 119 |
| <b>2. Ўқитувчи ва педагогларга зарур бўлган билимлар мажмуи .....</b>  | 130 |
| <b>3. Замонавий дарс ва унга керак бўладиган меъёрий ҳужжатлар .....</b>   | 138 |
| <b>4. Дарсдаги техник воситалар ва ахборот технологиялари .....</b>  | 144 |
| <b>5. Дарс ўтишнинг усул ҳамда услублари ва педагогик технология .....</b>   | 146 |
| <b>6. Педагогик технологияни амалиётга жорий қилиш .....</b>   | 160 |

|              |     |
|--------------|-----|
| Хулоса ..... | 179 |
|--------------|-----|

*Бўри Зиёмуҳаммадов*

## **ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ АСОСЛАРИ**

*Toшкент – «TIB-KITOB» – 2009*

Муҳаррир *A.Зиёдов*

Тех. муҳаррир *T. Смирнова*

Бадиий муҳаррир  
ва саҳифаловчи *Ш.Раҳимқориев*

Босишига 9.01.2009 да рухсат этилди. Бичими  $60 \times 90^1/_{16}$ .  
«Таймс» гарнитураси. Офсет босма усули.  
Шартли б.г. 11,5. Нашр. т. 10,2. Адади 100 нусха.

«TIB-KITOB» нашриёти.  
100069. Тошкент, Широқ кўчаси, 100-уй.  
Шартнома № 7/01 к.

«Sano-standart» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент ш., Широқ кўчаси, 100.